

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

Қ.Муфтайдинов, Г.Базарова, Р.Раҳимов

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ

Ўқув қўлланма

*Ушбу ўқув қўлланма Андижон машинасозлик институтининг Илмий
кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*



Андижон -2016

Қ.Муфтайдинов, Г.Базарова, Р.Раҳимов “Шарқ мутафаккирлари иқтисодий ғоялари”. Андижон. Андижон машинасозлик институти. 2016.- 260 бет.

Ушбу ўқув қўлланма ўзбек миллий ғояси ва истиқлол мафкурасини унинг тарихий, миллий манбаларидан бири бўлган Шарқ, хусусан, ўзбек миллий иқтисодий қадриятларимиз воситасида сингдиришга қаратилган. Унда «Авесто» иқтисодий ғоялари, Ислом иқтисодий қадриятлари, Уйғониш даври Ўрта Осиё, Амир Темур ва Темурийлар даври иқтисодий ғоялари, XX аср бошлари ва XXI аср бўсағаси ўзбек иқтисодий таълимотларини ёритишга асосий урғу берилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, тадқиқодчилар, миллий иқтисодий таълимотларимизни ўрганишга қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Р.Р. Хасанов- Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисод фанлари доктори.
М-А.Х.Эшонов - Андижон машинасозлик институти доценти, иқтисод фанлари номзоди.

*Мазкур ўқув қўлланма
устозимиз иқтисод фанлари
доктори, профессор Қодиржон
Хожиматович Йўлдошевнинг
ёрқин хотирасига бағишланади.*

К И Р И Ш

Мустақил ривожланишимизнинг ҳозирги босқичида миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини шакллантириш, халқимизга, хусусан ёшларимизга миллий ғоя ва мафкурамизни сингдириш вазифаси долзарб қилиб қўйилмоқда. Зеро, истиқлол ғояси ва мафкураси, Президентимиз И.Каримов уқтираётганидек, халқимизни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштиради, ҳар бир фуқарони Ватан тақдири, бахт-саодати учун масъулликни, буюк аجدодларимиз ва миллий қадриятларимиз руҳида комил инсон бўлиб етишиш ишига йўналтирилган.

«Шу билан бирга,-деб таъкидлайди И.Каримов, - мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай аجدодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб олишга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантирилиб, янги ўсиб келаётган авлодга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан» (қаранг. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» - Т., «Ўзбекистон», 2000, 7- бет).

Давлатимиз раҳбари қўйган ана шундай масъулиятли вазифани бажариш ишида ижтимоий фанлар соҳасидаги ўқув дарсликлари ва қўлланмаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Табиийки, бундай вазифа «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фани дарсликлари ва бошқа ўқув адабиётлари олдига ҳам қўйилмоқда. Бироқ, ҳозиргача ҳам ушбу фан

асослари мамлакатимизнинг иқтисодий ўқув юртлари ва факультетлари талабалари асосан Россияда чоп этилган ёки эски қолипда чиқаётган адабиётлар воситасида ўқитилмоқда. Бундай ўқув адабиётларини эса бизнинг миллий ғоямиз ва истиқлол мафкурамиз талаблари сингдира олмайди.

Шундай ҳол бўлмаслиги тўғрисида Президентимиз И.Каримов алақачон эслатган эди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг IX сессиясида «Таълим ҳақидаги қонуни» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилиниши муносабати билан сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Эски қолипда мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан холис бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз, ахир. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор» («Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиёти пойдевори» - Т., «Ўзбекистон» 1998, 8-бет).

Демак, миллий қадриятларимизни, буюк аجدодлар авлоди бўлган миллат эканлигимизни, ўзлигимизни англатадиган, миллий ғурур ва буюк тарихимиз билан ҳақли равишда фахрланиш туйғусини ўйғотадиган дарслик ва қўлланмалар яратилиши ҳаётий зарурат бўлиб қолаётган эди. Бошқа ижтимоий фанларда бўлаётганидек, «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанида ҳам ана шундай миллий дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш вақти алақачон келган эди. Ана шу ижтимоий-сиёсий заруратдан келиб чиқиб, муаллифлар ушбу ўқув қўлланмани яратишга жазм қилдилар.

Ушбу ўқув қўлланманинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, биринчидан, ўзимизнинг Шарқ иқтисодий таълимотларимизга асосий ўрин берилди; иккинчидан, унда илгарги дарсликларда учрамаган мавзулар- «Авесто»нинг иқтисодий ғоялари, Жадидлар иқтисодий ғоялари, Уйғониш даври Ўрта Осиё ва Темурийлар даври ўзбек миллий иқтисодий қадриятларимиз муносиб ўрин олди. Бошқача айтганда, таклиф

қилинаётган ушбу асар матнининг катта қисми миллий ғоя ва мафкурамиз руҳига мос тушади ва унинг талабларини акс эттиради. Олий ўқув юртларимизда тайёрланаётган иқтисодчи мутахассис кадрларимизни миллий ғоя ва мафкурамиз руҳида тарбияланишига ўзининг маълум ҳиссасини қўшади, деб ўйлаймиз.

Ушбу ўқув қўлланманинг ислом иқтисодий қадриятлари бобини ёзишда иқтисод илмининг билимдонларидан бир бўлган профессор **Абдумажид Абдуллаев** материалларидан ҳам фойдаланилди.

Албатта, ушбу ўқув қўлланма маълум камчилик-нуқсонлардан ҳоли эмаслиги маълум. Шунинг учун ўқув қўлланмада йўл қўйилган, мухтарам ўқувчиларимиз, ҳамкасбларимиз илғаган назарий ва услубий камчиликлар тадқиқодларимизнинг бундан буён давом этиши ва такомиллашувига ёрдам қилади, деган умиддамиз. Агар ушбу ўқув қўлланма талаба ёшларимиз, барча ўқувчиларимиз иқтисодий тафаккурини бойитишга, миллий ўзлигимизни англаш, миллий ғурур ва ифтихор уйғотишда озми-кўпми хизмат қилса муаллифлар ўзларининг меҳнатлари зоя кетмаганига шукур қиладилар.

1-БОБ. «АВЕСТО» НИНГ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ

1. Ўзбекистон- илк иқтисодий таълимотлар ватани

Одатда эрамингача яратилган ва бизгача етиб келган иқтисодий ғоялар, қарашлар, фикрлар, мулоҳазалар «**қадимги иқтисодий таълимотлар**» деб аталади. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» га оид илмий ва илмий-оммабоп адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, қадимги иқтисодий ғоялар, аввало, Миср, Греция, Рим, Ҳиндистон ва Хитой каби маконларда яратилган, кейинги даврларда эса бундай таълимотлар ғарбий Европа мамлакатларида ривожланган, деб таърифланади. Бундай дунёқараш бизнинг ХХI асримиз бошларигача сақланиб келди, тўғрироғи бундай фикр, «Авесто» асарининг Президентимиз И.Каримов ташаббуси ва ЮНЕСКО ҳомийлигида 2700 йиллиги халқаро даражада тантана қилингунча, «Авесто» китобининг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан (2002 йил) академик нашри чиқарилиб, уни иқтисодий жиҳатлари махсус тадқиқ этилгунча давом этди, дейиш мумкин.

Шу нарса ҳам аёнки, «Авесто» ҳақида бутун дунё миқёсида мингдан ортиқ турли шаклларда илмий ишлар эълон қилинган. Бироқ, улар асосан рус ва Европа халқлари тилларида нашр этилган бўлиб, уларда асосан бу ўлмас асарнинг фалсафий, маърифий, диний, этнографик, тиббиёт, табиат ва экология масалаларига эътибор қаратилган эди.

«Авесто» асарининг бебаҳо қиймати ва аҳамияти ҳақида Президентимиз И.Каримов ўзининг ушбу китоб яратилганлигининг 2700 йил тантаналарида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «У бундан 30 аср муқаддам мана шу мўътабар заминда яшаган аجدодларимизнинг ақл-заковати ва қалб нури билан яратилган, икки минг терига тилла суви билан битилган бу ноёб тарихий ёдгорликдир.

Ушбу нодир китоб биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк

маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий хужжат бўлиб, минг йиллар, асрлар давомида аجدодларимиз учун маънавий руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган». Айни чоғда «Авесто» нафақат Марказий Осиёда «балки бутун ғарб оламида ҳам илму-фан ва фалсафий тафаккур ривожига бебаҳо, салмоқли ҳисса қўшган асардир».

Ушбу асар бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг жуда муҳим илмий-маърифий манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Асарни «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фани нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш ҳам долзарблик касб этади. Асарни ўрганиш асосида шундай хулосага келдикки, биринчидан, унда энг қадимги дунё иқтисодий таълимотлари мана шу бизнинг Ўзбекистонимиз заминида илк бор вужудга келганлигига тўла ишонч ҳосил қилинди, иккинчидан, унда илгари сурилган ғоялар, гарчи уларнинг тарихи 3000 йилдан ҳам олдиروққа бориб тақалсада, бугунги иқтисодий ислохотларимиз ғоялари билан, ўтказилаётган иқтисодий сиёсатимиз билан рамзий ҳамоҳанг эканлигига иймонимиз комил бўлди.

Дарҳақиқат «Авесто»да мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар билан, умумий иқтисодий қадриятларимиз билан ҳамоҳанг бўлган бир қатор иқтисодий қарашлар баён этилган. Асарда уч эзгулик ғояси илгари сурилган бўлиб, уларнинг бирламчиси ҳалол ва унумли меҳнат қилиш, яратувчилик амали энг олийсидир. Китобда ижтимоий меҳнат тақсимооти ғояси илгари сурилиб, у қадимги дунёда ижтимоий меҳнат тақсимотининг реал ва самарали шакли «жамоа бўлиб ишлаш» эканлиги уқтирилади. Президентимиз И.Каримовнинг таъкидлашича, «жамоа бўлиб ишлаш» ғояси «Авесто» нинг энг қимматли қадриятларидан биридир.

Китобда ёшларнинг касб-ҳунар эгалаш, оила қуриш ва унинг иқтисоди ғоялари ҳам пишиқ-пухта ишланган иқтисодий таълимотлардан бири

эканлигини алоҳида қайд этилишга лойиқдир.

«Авесто» даги мулкдор бўлишлик, мулкдорлик масъулияти ва манфаати ғояси ҳам, айтиш мумкинки, фундаментал ишланган иқтисодий қарашлардандир. Асарда эҳтиёжлар масаласи, уларнинг қондирилиш воситалари ҳақидаги қарашлар ҳам ғоят қимматлидир.

Бугунги энг долзарб илмий-услубий масалалардан бири «Авесто» даги манашу ва бошқа иқтисодий фикрларни маълум тизимга солиш, уларни «Иқтисодиёт назарияси», «Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Меҳнат иқтисоди» ва бошқа иқтисодиёт фанлари предметларига киритиш ёшларимизни «Авесто»даги иқтисодий ғоялар билан тарбиялашдир. Бу бизнинг бозор иқтисодиётини барпо этиш соҳасидаги вазифаларимизни тезроқ ва мукаммалроқ бажаришимизга ёрдам беради.

2. Эзгулик ва иқтисодиёт бирлиги ғояси

«Авесто» китобининг «Биринчи қўшиғидаёқ (гоҳ) зардуштийлик динининг бош мантиғи, фалсафаси баён этилади, яъни одамзод ҳаёти яхшилик ва ёмонлик билан боғланганлиги, унинг қайси бирини танлаб, эътиқод қилиб яшаши унинг ҳар икки дунёсини белгилаб берувчи маънавий бир омил эканлиги ҳақида ёзилади; Китоб ана шу икки нарсанинг моҳиятини баён этишдан бошланади.

«Эй, ҳушёрлар!»

Қулоқларингиз билан пухта эшитингиз энг эзгу каюмларни ва ёруғ ният билан – ҳоҳ эр, ҳоҳ аёл- ҳар бирингиз назар ташлангиз, то буюк ходиса рўй бермасдан ва одамларимиз сўнги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини ўзингизга ихтиёр этингиз-да, бу каюмларни ўзгаларга ҳам етказингиз!

Ибтидода бу икки туғушган-ҳамзодлар андиша, калом ва амалда бири-эзгулик, бири-ёмонлик ўзаро суҳбат қурдилар.

Бу иккидан бири-яъни эзгуликни ундан огоҳлар, ёмонликни эса ноогоҳлар танладилар» («Авесто», 10 бет).

Эзгуликни, яхшиликни танлаган одамлар яратувчанлик билан, деҳқончилик билан, чорва ҳайвонларини боқиш билан, ижодийлик билан, борлиқни янада яшнатиш, гуллатиш билан шуғулланадилар; бундай одамлар ўзларининг ҳар икки дунёсини эзгулик билан бойитадилар, ҳар икки дунё саодатини топадилар.

Асарда дунёни яратувчи буюк Зотга эришмоқ учун, унинг ҳурматини топомоқ учун ҳақиқат, тинчлик ва фаровон ҳаётга интилмоқ зарурлиги уқтирилади. Бунинг учун деҳқончилик қилмоқ, ерни эъзозламоқ, унга ишлов бермоқ, уни зарарсизлантирмоқ, чорва ҳайвонларини парваришламоқ, уларни кўпайтирмоқ лозим.

«Кимда-ким буғдой экса,-дейилади асарда,- у Ашаҳни (ҳақиқатни) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради, у Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру-ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қудратли қилади.

қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан кўпададилар.

қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар дахшатдан титрай бошлайдилар.

қачонки буғдой ун берса, девлар нола чекадилар.

қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

қай бир буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар.

қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйнини чирмаб ташлайди».(115-бет)

Бу лавҳада девлар дейилганда вайронлик, ёмонлик, хонавайрон қилиш, боғлиқни тапташ, йўқотиш, бадном қилиш тимсоли сифатидаги дахшатли куч тушунилади.

Кимки яхшиликка интилар экан унинг қалбида эзгулик уруғи унади, ундай инсон девларга (ёмонликка) қарши курашади, ундай киши ўзидаги бор куч-қудрат, ирода билан, энг аввало, ўзидаги, қалбидаги ёвуз кучни қувиб чиқаради. Шунда бундай одамдан-бандадан Аллоҳ рози бўлади (бу

ерда Ахура Мазда хурсанд бўлиши назарда тутилади).

Асардаги Сипийтмон Зардушт образи буюк инсон, яратувчилик тимсоли, яхшилик, эзгу ишлар учун курашувчи шахс сифатида гавдалантирилган. Одамлар Ахура Маздадан «Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган тўртинчи шахс ким? деб сўрашади. Шунда Ахура Мазда шундай жавоб қилади:

«Эй, Сипийтмон Зардушт!

У ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ, мевали дарахтлар эккан Зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган Зотдир».
(114-бет)

Демак, дунёдаги энг улуғ зот, инсон деҳқончилик, соҳибкорлик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланган зотдир; булар янги ерлар ўзлаштирадиган, экинзорлар ва боғлар барпо этадиган, ернинг унумдорлигини муттасил ошириб бораётган кишилардир. Бошқача айтганда, одамларнинг энг улуғлари иқтисодиёт билан шуғулланувчи инсонлардир.

«Авесто» ерни, табиатни, борлиқни улуғловчи асар сифатида ҳам қадрланиб келган, ундан одамлар иқтисодиёт сабоқларини олиб келганлар. Унда ернинг буюк неъмат эканлиги, унинг унумдорлик салоҳияти қайта-қайта уқтирилади. Бироқ, яна шу ҳақиқат таъкидланадики, агар ер ишлов олмаса, у ўғитланмаса, сув билан таъминланмаса, унга қаров бўлмаса, унинг яратувчилик қобилияти фақат потенциаллигича (имконият тарзда) қолаверади. Аммо ернинг бебаҳо ва адабийлиги шундаки, у ҳар доим ўз потенциаллик салоҳиятини сақлаб қолади, у ўзининг бу бебаҳо хусусиятини пинҳон сақлаб қолаолади.

Бошқача айтганда, ер шундай ишлаб чиқариш воситасики, у шундай табиий ресурсики, уни истеймол қилиш жараёнида эскирмайди, йўқ бўлиб кетмайди, балки унга тўғри муносабат бўлганда ўзининг такрор ишлаб чиқариш қобилиятини сақлаб қолади. Бугина эмас. Ер ўз табиий

унумдорлигини иқтисодий унумдорлик орқали ошириб бораолади. Буни илғор агротехника ва деҳқончилик маданиятига асосланган мамлакатлар тажрибаси, хусусан янги технология қўллаш орқали ўз шуҳратини ошириб бораётган Андижон деҳқончилиги тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди.

Ер сувга, тадбиркорга етишган ўз имкониятини очаолади. Шу маънода қитобдаги қуйидаги фикрларни келтириш мумкин:

«Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин баҳоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстикдошга интиқдир» (114 бет)

Маълумки, биз ўзбекларда ер ва нонга алоҳида эҳтиром ва ҳурмат мавжуд. Бундай эъзоз бизга буюк аجدодларимиздан, хусусан, бизнинг она-заминимизда яратилган «Авесто» дек буюк китобдан ўтган бўлиши табиийдир. Китобни ўқир эканмиз унда ерни худди қизни севгандек севиш, унга яхши серҳосил уруғлар сепиш, уни мўл-кўл ҳосил берадиган онага айлантормоқ илоҳий қонун эканлигини қайта-қайта илғаймиз. Бундай муносабатнинг илоҳийлиги шундаки, ер қадрини билмаган деҳқон, жамоа, давлат хор бўлиши табиий ҳолдир. Асардаги қуйидаги сатрларни ўқиганимизда айтилганларга тўла ишонч ҳосил қиламиз.

«Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик баҳш этади. У гўзал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонга кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстикдошга фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўл-кўл мевапарни инъом этади» (Ўша жойда, 114-115 бет).

Ер номидан унга ишлов берган зот учун шундай хитоб қилинади: «... Мен бу ерда ҳосилга кираман. Ҳар турлик хўрак ва мўл-кўл буғдой етиштираман». (Ўша жойда). Ерни шудгор қилмаган, унга жилов бермаган кишиларга нисбатан шундай хитоб қилинади: «... Сен бегоналар эшиги остонасидан нон истовчилар билан бирга бўлурсан. Кўзларинг йўл кўради.

Улар сени эшиги остонасидан ҳайдаб юборадилар». (Ўша жойда)

Шулардан хулоса қилиб айтиладики, Ахура Мазда динини фақат буғдой тўйғизади. Шунинг учун Ахура Мазда одамларига Зардушт тимсолида шундай хитоб қилади: «Буғдой эсмоқ ва яна буғдой эсмоқ, керак» (таъкид бизники-муалл.). Дарҳақиқат, одамлар, жамият, мамлакат тақдири ва истиқболида нонни ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун Зардуштийлик таълимотида бу масала алоҳида ва муҳим ўрин тутди. Зеро, нон мустақилиги мамлакат, Ватан мустақиллиги билан бир даражадаги аҳамиятли иқтисодий-ижтимоий масала эканлиги бежиз эмас. «Авесто»нинг нон масаласидаги ғоясининг нақадар яшовчанлиги ва чуқур мазмунга эга эканлиги бизнинг Ўзбекистонимиз мустақиллигига эришишидаги дон (буғдой) мустақиллиги билан бир даражага қўйилганлигида яққол ифодаланмоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримов «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида унинг ана шу эзгулик билан суғорилган ғояларининг яшовчанлигига эътиборни қаратган эди:

«Авесто» билан танишар эканмиз яна бир қарра шунга иқрор бўламизки, бу мангу китобда ифода этилган буюк ғоялар, фалсафий ҳикматлар ўзининг ҳаётий мазмуни билан бизни бугун ҳам ҳайратта қолдиради. Бу ҳақда гапирганда, мен, аввало «Авесто»нинг туб маъно моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилда ҳозирги замон учун ҳам беҳат ибратли бўлган сабоқлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. (И.Каримов «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» -«Ўзбектсон овози» 2001 й. 6 ноябрь, таъкид бизники-муалл.).

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг ҳақиқий (иқтисодий) мустақиллигини таъминлашнинг ғоят муҳим омили бўлган ғалла мустақиллиги иқтисодий сиёсатимиз

марказида турганлиги бежиз эмас. Бугунги кунда мамлакатимиз 1.3 млн. га. ер майдонида ғалла етиштирмоқда. Оқибатда мамлакатимизнинг дон мустақиллиги жуда тез шиддатларда таъминланди.

Ерга бўлган эътибор, уни қадрлаш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш борасида ўтказилаётган аграр сиёсат оқибатида ғалла ҳосилдорлиги муттасил ортиб бораётир.

Аграр соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоқнинг самарадорлигини ошириб бориш, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бозор талабларига мувофиқлаштириш, уларнинг банкротлик ҳолатидан иқтисодий соғломлаштиришга қаратилган «Санация тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда ерга бўлган муносабат умуммиллий аҳамиятдаги вазифа эканлигини тасдиқлайди.

Демак, «Авесто»даги иқтисодий ғоялар қандайдир мавҳум, қуруқ фикрлар бўлмай, балки қудратли моддий кучга эгадир. Унинг иқтисодий ғоялари асрлар оша ўз замини-Ўзбекистонда реалликка айланмоқда, республика Президенти ва ҳукуматининг иқтисодий сиёсатида мужассамлашмоқда

3. «Авесто» даги мулкый муносабатлар ғояси

«Авесто» ҳақида гапирилар экан, у ғоят кенг қамровли, одамлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган асар эканлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Асарда иқтисодий муносабатлар ҳақида ҳам ажойиб фикрлар, хусусан бизнинг бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос келувчи ғоялар ҳам ўз ифодасини топганлиги, унинг Президентимиз И.Каримов айтганларидек «Мангу китоб» эканлигига ишончингиз комил бўлади. Унда хусусан мулкый муносабатлар ҳақидаги фикрлар ҳайратланарлидир. Унда мулкдор бўлишлик яхши фазилат эканлиги алоҳида кўрсатилган. Бу фикрни қуйидаги ғоялар тасдиқлайди: «Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир. Кимнинг дунёси

бўлса, у ҳеч вақоси йўқ гадодан афзалдир» (таъкид бизники муалл.— қаранг. «Авесто», 121-бет).

Гап шундаки, мулкдор одам тўқ бўлади, у душманларига қарши курашганда бардош бера олади, ёвуз кучларга қарши тураолади, уларни енгаолади. Хатто бундай одам «ўз хукмдори амрига мутабиқ, ёмонликка қарши бош кўтаради ва уни забун айлайди» (ўша жойда 49-бет).

Масаланинг моҳияти шуки, мулкдор одамлар иқтисодий жиҳатдан шунчаки бақувват бўлмай, айнаи чоғда улар иқтисодий эркиндир, улар ўз фаолиятини ўзи мустақил белгилйди. Бошқаларга муте бўлмайди. Мулкдор одамнинг қудрати шундаки, унда мулккий манфаат ва мулккий масъулият уйғунлашади.

«Авесто»нинг бу иқтисодий ғояси кейинчалик жуда кўп буюк аждодларимиз томонидан ривожлантирилди, бойитилди. Жумладан, Абу Наср Фаробий «Фозил кишилар шаҳри» (Т., 1991 й) асарида уқтирадики, «Мулк ортиришда унчалик ҳавф йўқ, аммо уни эҳтиёт қилиб сақламоқ керак. Агар бошқа бировлар ҳисобига мулк орттирганлар жазоланмасалар, у ҳолда шаҳар аҳолисидан инсоф ва шуҳрат йўқолади. Мулкни эҳтиёт қилиб сақлаб ўз эҳтиёжи учун ишлатса, бу ёмон одат ҳисобланмайди». (47-бет). Фаробий давом этиб ёзадики, «одамларнинг мулксиз бўлиб қашшоқ яшаганидан кўра, мулкдор бўлиб бойроқ бўлиб яшагани афзапроқдир». Кўриниб турибдики, Фаробий қарашлари «Авесто» ғоялари билан ғоят ҳамоҳангдир. Бу «Авесто» кейинчалик илм-фан ва тафаккурга қанчалик таъсир кўрсатганини тасдиқлайди.

«Авесто»нинг мулккий муносабатлари борасидаги ғоялари Ўзбекистонда ўтказиладиган иқтисодий ислохотлар мақсадлари билан ҳамоҳанг эканлигини таъкидлашни истар эдик. Зеро бозор иқтисодиётига ўтиш — тўқ ва фаровон яшаш воситаси сифатида фуқароларнинг мулкдор бўлишларини тақозо этади. Президентимиз И.Каримов асарларида, хусусан, унинг «Ўзбекистон XXI асар бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,

барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Т.,1997 й) асарининг ушбу масалага бағишланган «Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши» номли қисмида шундай сатрлар мавжуд:

«... Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликини ташкил этиши мамалакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолати ҳисобланади. Шу сабабли биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди» (кўрсатилган асар, 196-197 бетлар).

Мулкдорликнинг нақадар улкан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятга молик масала эканлиги ҳақидаги бу фикрларга бирор нарса қўшиш қийин. Фақат шуни қайд этмоқчимизки, мулкдор одам ҳеч нарсага бефарқ, лоқайд қарамайди, ўз мулкини, Ватанини ҳимоя қилади, адолат учун курашади, ҳаётга очик кўз, манфаат билан қарайди. «Авесто» тили билан айтганда, мулкдор одам адолатсиз ҳукумдорга, адолатсиз тақсимот механизмига, ёмонликка қарши бош кўтаради. Мулкдор бўлишлик ғоясининг ғоят чуқур фалсафий-маънавий мазмуни ана шундай.

4. Кредит муносабатлари ғояси

Асардаги иқтисодий муносабатларнинг яна бир долзарб масаласи-кредитга оид фикрлардир. «Иқтисодиёт назарияси» фанида у ёки бу иқтисодий муносабатнинг, иқтисодий категориянинг кенг ва тор маъноларидаги талқинлари эътирф этилади. Кенг маънода иқтисодий категориянинг кишилик жамиятининг барча иқтисодий даврларида амал

қилиши тушунилса, тор маънода, унинг маълум тарихий иқтисодий давр шароитидаги амал қилиши тушунилади. Кредит ёки қарз бериш категорияси ҳам анашундай бой мазмунга эга бўлган иқтисодий муносабатлардандир. Бироқ, ўзининг чуқур мазмунининг реал иқтисодий ҳаётда рўёбга чиқиши, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни жадаллаштириб юбориши, иқтисодиётга юксак ўсиш суръатлари бахш этиши нуқтаи-назаридан к р е д и т том маънода бозор иқтисодиёти даври муносабатидир. Бугун иқтисодий тараққиётнинг ҳоҳ у макроиқтисодий, ҳоҳ у микроиқтисодий даражаларда бўлсин цивилизация кредит туфайли бўлиши исбот қилинган. Чунки, умумжаҳон иқтисодиёти равнақи ҳам, миллий иқтисодиётлар ривожини ҳам кредит муносабатларсиз амалга ошмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Айни яоғда кредит жуда қадим тарихга эга бўлган иқтисодий категория эканлигини «Иқтисодий таълимотлар тарихи»дан, хусусан, ўттиз асрга тенг деб эътироф этилаётган «Авесто» асарида ҳам кўрсатиб ўтилган. Бизнинг буюк аждодларимиз к р е д и т д а н (қарз бериш) фойдаланиб хўжалик юритганликлари бу мангу асарда ўз ифодасини топган. Бизнинг «Авесто» асари устида олиб борган тадқиқотларимиз ана шундай фикрга келишимизга асос бўлди. Асарни таҳлил қилар эканмиз ўша қадим замонларда бизнинг аждодларимиз ўртасида иқтисодий фаолият билан шуғулланишда қарз бериш ва қарз олиш билан боғлиқ муносабатлар бўлганлигига шубҳа қолдирмайди.

«Авесто»да қарз бериш ва қарз олиш одамлар ўртасидаги ҳаётий муносабат эканини ўқтирилиб, олинган қарзга хиёнат қилмаслиги айтилади. Асарда айтиладики «ҳеч ким ўз қўшнисидан олган омонатидан тониб, ёлғон сўзламасин» (121 бет).

Китобда одамларнинг бир-бирлари олдидаги мажбуриятлари, шартнома, аҳдномалари муқаддас ҳисобланиб «қасам» билан мустаҳкамланган. қасамлар бир-биридан масъулиятлироқ, мустаҳкамроқ

бўлиб, уларнинг ҳар бирининг бузилиши ўзига хос қийматга (баҳога) эга, яъни қасамни бузганлик иқтисодий жиҳатдан маълум иқтисодий тоvon (жарима) билан жазоланиши белгилаб қўйилган. қуйида ана шу қасамларни айнан келтирамыз:

«Ахура Мазда жавоб беради:

-Менинг қасамларим олтита:

биринчи-сўз қасами;

иккинчи-қўл қасами;

учинчи- қўй қасами;

тўртинчи- сигир қасами;

бешинчи- одам қасами;

олтинчи- экин қасами, энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин» (Ўша жойда, 117 бет)

Савол туғилади: нима учун бунчалик қарз мажбуриятларининг (қасамларнинг, қарз олишда берилаётган иқтисодий кафолатларнинг) тури кўп яъни олтита? Гап шундаки, қадимги замонларда олинган қарзларни (кредитни) ёзма равишда баён қилиш, уни ҳозиргидек нотариус идоралари томонидан тасдиқлаб унга ҳуқуқий мақам бериш одат бўлмаган. Дастлаб, қарз олган томон билан сўз қасами орқали аҳдлашилган бўлса керак, чунки зардуштийлик динида одамларнинг қўл бериб аҳдлашуви ҳам муқаддас ҳисобланган, қарз олган томон ўз мажбурияти олдида, Ахура Мазда олдида гуноҳга ботишдан қурққан.

Кейинчалик қўл қасами, яъни қўл беришиб аҳдлашув одатга кирган бўлса ажабмас. Сўз ва қўл қасамларни томонлар бузиши ҳолатлари вужудга келган, кредит кафолати моддий асосга кўчирилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. қарз кафолатининг, мажбуриятининг моддийлашуви, табиийки одамларда масъулиятни оширган, зеро «мулк аччиғи жон азоби» деган халқ мақоли бежиз пайдо бўлмаган бўлса керак.

Бунда қўй қасамининг баҳоси битта қўй қийматига тенг бўлган; қўл

қасамининг маъноси томонларнинг қўл қисиши билан шартлашилганлигини билдирган. Кўриниб турибдики, қасамлар таркибида энг катта қасам-экин қасамидир, бу шунчаки моддий қасам эмас, балки «энг яхши, энг серҳосил заминдаги экин» қасамидир. Бундай қасам ш а р т н о м а маъносини билдиради, томонларнинг ўзларига олган мажбуриятларини акс эттиради. Ўз аҳдини бузган томон «энг серҳосил заминдаги экин» қиймати даражасида тавон тўлаган. Экин қасамини бузиш тўққиз юз қамчин аснаҳих-ашантра билан, «тўққиз юз қамчин саравуш-чарана билан савалаш» орқали жазоланиши қатъий белгилаб қўйилган.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қасамларнинг энг зўри, масъулияти, иқтисодий жазоси кучлироғи «экин қасамидир». Албатта, бунда Ахура Mazda томонидан илгари сурилган илоҳий маъно бор. Бу маъно шуки, деҳқончилик маҳсулоти, деҳқончилик меҳнати барча меҳнат турлари ичида мўтабарроқ, улғувроқ, илоҳийроқ эканлигидир.

Маълумки, шартнома маълум иқтисодий вазифаларни, мажбуриятларни ўз зиммасига олишни билдиради. Зардуштийлик динида инсон лабзи, унинг бир-бирига берган аҳди (қасами) яратганнинг олдидаги қандайдир фарз амалидек кучга эга бўлган. Бизнинг ислом адабиётларимизда, хусусан «Мухтасар» асарида ижара муносабатлари хусусида гап борганда худди юқоридагидек масъулият юклатилган. Масалан, «Мухтасар» асарида ёзилишича, ижара муносабатлари қарз мажбурияти-кредит бериш маъносини билдиради, яъни «ижара олувчига ижара ҳақини ўша заҳотиёқ бермоқ вожиб эмас...» деган илоҳий қоида ёзилган. Албатта, бундай иқтисодий муносабат-ижара тўловини маълум муддатга кечиктирилиши кредит олувчининг иқтисодий-ижтимоий аҳволини енгиллаштирган. Яна шу нарса муҳимки, исломий қоидага мувофиқ мулк ижарага олинган бўлса-ю, ундан фойдаланилмаса ҳам ёки ижара ҳақи даражасида ҳам ундан самара олинолмаган бўлинса ҳам ижара

ҳақини тўлаш, мулкни бут-бутун қайтариш мажбурияти юкланган. (қаранг. «Мухтасар» Т., 1994 й. 189 бет).

Зардуштилик динида олинган қарз мажбуриятини бажармаслик шунчаки иқтисодий жазога лойиқ иш эмас, балки шартномани бузганлик жуда ҳам катта гуноҳ ҳисобланган, бундай одам Ахура Мазда назаридан қолган. Айни чоғда бундай илоҳий мажбурият қарз олган томонга куч-қувват ҳам берган, шартномани бузмасликка ундаган, мажбур этган.

Шартнома-қасам маълум қарздорлик муносабатини билдириб, омонат юзасидан олинган мажбуриятни ифодалайди, омонатга ҳиёнат қилиш, қайтарилишини ўйламаслик, уни ўзиники қилиб олиб ўзлаштириб олиш «ўғрилланган билан баробардир» дейилади, яъни бебурдлик қилиш ўғирлик билан бир даражага кўйилади. Ўғирлик қилиш эса Зардуштийликда катта жиноят, гуноҳ ҳисобланган.

«Авесто» китобини умуминсоний қадриятлар ҳақидаги қасида дейиш мумкин. Унда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, биродарлик, дўстлик, ўзаро ёрдам ва мадад бериш ғоялари, билим олиш, ўтмиш донишмандлар, ағломалар билимларини эгаллаш каби комил инсон бўлишга хос умумбашарий қоидалар, уларга асосланиб яшаш лозимлиги уқтирилади. Масалан, асарнинг 4 фаргарди, иккинчи қисмда ёзиладики, одамлар ҳеч қачон бир-бирларидан ҳеч нарсани дариг тутмасликлари, қизганмасликлари лозим. Хусусан, моддий мадад беришни, дин илмини, умуман илм олишни, касб-ҳунар эгаллашни биродарига беминнат ўргатиши зарур, деган кўрсатма берилган.

Бироқ, одамлар ўз илоҳий ва дунёвий вазифаларини бажаришлари учун табиат неъматларидан, ўзлари ишлаб чиқарган нарсалардан истеъмол қилишлари, дам олишлари, роҳатланмоқлари ҳам зарур. Зеро, дам олиш, роҳатланиш, маънавий озиқ олиш тирикчилик билан, иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун куч-қувват беради. Буларнинг заминиди «шиддат билан билим олиш» ётади. («Авесто», 121- бет).

5. Яратувчилик (ишлаб чиқариш)-энг эзгу амал

«Авесто» муаллифи бўлган буюк олим Зардушт руҳонийларга, илм-маърифатли кишиларга кўрсатма берадики, одамларга моддий неъматлар яратиш асосларини (муқаддас ишларни) ўргатсинлар, зеро моддий олам ва бутун жонли мавжудод емак-ичмак билан тирикдир. Китобдан ўқиймиз: «Ҳеч ким хураксиз (емак-ичмаксиз-муалл.) Ашаҳ қонунларига амал қилиш қудратига эга эмас. Омоч қудратига эга эмас. Фарзандлар дунёга келтириш қудратига эга эмас.

Моддий оламда халқ қилинган ҳар бир мавжудод емак билан тирикдир, емаксиз ўликдир» (115 бет). Емак учун истёъмол қийматларини, моддий неъматларни ишлаб чиқармоқ даркор. Асарда таъкидланадики, моддий неъматларининг яратилиш манбаи ердир. Ерни ишлаш, унинг унумдорлигини ошириш, тирикликни абадийлаштириш эса ғоят улуг ибодатдир, бу иш Аллоҳ олдидаги вазифадир. Ана шу вазифадан келиб чиқиб хитоб қилинади: «Кимда-ким заминни шудгор қилиб, уни меҳрибонлик ва пархезкорлик билан бир Ашаванга (Ашаван-тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳақиқат, қонун, тартиб маъносини беради) топширса, Сипандормаз уни замин қаърида, хасрат ва паришонлик оламида, тубанлик ва шўрбахтлик сарзаминида, девлар макони-дўзах тубига улоқтириб ташламайди» (Ўша жойда).

«Авесто»да яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, яхшиликка, эзгуликка эришиш йўллари, одамларнинг бахтли-саодатли яшаши воситалари ҳақидаги умумбашарий ғоялар илгари сурилган. Асарнинг «Вандидод» номли иккинчи қисмида «қаҳратон совуқ» ёмонлик, борлиқни йўқотувчи куч сифатида ифодаланиб, бу куч кези келганда барча жонли мавжудодни бадном этади. Бундай офатни олдини олиш Ахура Мазда томонидан буюк илоҳий сиймолардан бири бўлган ЖАМга юклатилади.

«Эй Жам, -деб хитоб қилинади, - ҳар бирининг тўрт томони асприйс¹ узунлигида бўлган вар², бино қил. қўйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва куйдиргувчи қизил олов уруғларини у ерга олиб бор.

Сўнгра-сен, Эй, ЖАМ!-одамларнинг яшамоғи учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қил. Сигирлар ва қўйлар учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қил».

«...У ерда ҳамиша ям-яшил ва ҳуррам, ҳамиша ёғулик қут-баракали яйловлар яратгин. ...У ерда кенг ва баланд уйлар қур». (111- бет)

Келтирилган сатрлардан билиш мумкинки, «Авесто» инсоният ҳаётининг абадий эканлиги, бироқ бу абадий ҳаёт доимо хавфсиз бўлавермаслиги, унга тажовуз қилиб турувчи ҳар хил ёвуз кучлар ҳам бўлиши, уларга қарши мустаҳкам замин-неъматлар яратиш, уйлар, иншоотлар қуриш, чорва ҳайвонларини асраш ва шу билан ҳаётнинг давомийлигини сақлаб қолиш мумкинлиги тушунтирилади

қурилган варларга (иншоотларга) «Хушбўй ўсимликларнинг уруғларини олиб бориш, ер юзидаги энг ёмишли, энг ёқимли ва хушбўй таомларнинг уруғларини олиб бориш», ҳайвонлар ва одамларнинг йўқ бўлиб кетмаслиги учун «уларни жуфт-жуфт қилиш» лозимлиги ҳам уқтирилади. қизиғи шундаки, инсоният, ҳайвонот ва табиат оламини соғлом ва мусавффолиги ҳаётнинг абадийлик гарови эканлиги ҳақидаги ғоя асарнинг марказий ўрнида туради. Айтиладики, одамлар ва ҳайвонларга фақат «ёқимли ва хушбўй таомлар» берилиши даркор.

Ахура Мазда Жамга кўрсатма бериб «зинҳор у ерга (варларга) букрилар, пуштензлар, ғўллар, дуясана, дайвак, касвиш, визбориш, сўйлоқ тишли, пес, умуман Аҳраман ўз доғини қолдирган бирор кимсани кирита кўрма» дейди. (Ўша жойда, 111 бет).

Бизнингча, бундан шундай хулоса қилишимиз мумкин: инсоният ҳаёти

¹ Асприйс-узунлик ылчови

² Вар-одамлар ва ҳайвонларни сову=дан са=ланувчи ер ости иншооти

Ўз-ўзича, стихияли тарзда кечмаслиги даркор, унга аралашмоқ яъни ҳаётнинг мусаффолиги учун курашмоқ, жамиятнинг барқарор ривожланиб бормоғи учун одамлар онгли равишда ўз билимлари, кучлари, тажрибаларини сафарбар қилишлари керак. Бунинг учун илм-фан ютуқларини ижтимоий-иқтисодий турмуш мусаффолиги ва равнақи йўлида тадбиқ этиш лозим.

«Авесто»нинг инсоният ҳаётини масоффалаштириш борасидаги ғоялари нақадар ҳаётбахш эканлигини бугунги цивилизациялашган дунё англаб етмоқда. Ҳаётни сақлаб қолиш учун одамларга мусаффо тоза табиий муҳит билан бирга экологик соф маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш зарурати бутун дунё миқёсида муаммо сифатида кун тартибига қўйилаётгани бежиз эмас. Зеро, инсоният ҳаётининг давомийлиги экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришни ер куррасининг барча мамлакатларда амалда йўлга қўйиш лозим. Чунки, бугунги дунёда халқаро иқтисодий ва бошқа муносабатлар шу қадар ривожланиб, мамлакатлар иқтисодиёти интеграциялашиб бормоқдаки, дунёнинг бирор бир мамлакатадаги ҳаётни заҳарловчи неъматлар бошқаларга етиб келмаслигига кафолат деярли йўқ.

Демак, «Авесто»да билим олиш, дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаш инсон фаолиятининг барча жиҳатлари учун ғоят муҳим эканлиги уқтирилади. Ҳақиқатда, билим олиш, билимли бўлишнинг ҳосияти жуда каттадир. Илм олишнинг, билимли бўлишнинг ҳосияти ҳақида бизнинг Шарқ ривоятларида ҳам ажойиб фикрлар мавжуд. қадимда Ануширвон деган бир подшоҳ ўтган бўлиб, у ўзининг ғоят билимдан, зукко, донишманд вазирига суяниб иш юритган ва адашмаган. У бир куни вазирдан «яхши одамни қандай билса бўлади?» деган саволни беради. Шунда, зукко вазир яхши одамнинг уч фазилати бўлади: биринчиси, у илм олишга, билимли бўлишга интилади, олимлар, ўқимишли одамлар даврасида бўлишга интилади; иккинчиси, у ўз ишларини илмга асосланган

ҳолда қилади; учинчиси, унинг юзи чиройли, ёқимли бўлади, ундан нур ёғилиб туради, деб жавоб берган экан.

«Авесто»нинг «илмни шиддат билан ўрганиш» ҳақидаги ғояси кейинчалик кенг тарғиб қилинди. Бунинг оқибатида бизнинг Мавоуннахрда, Марказий Осиёда илм-фаннинг ривожига улкан ҳисса қўшган, жаҳон фани бешигини тебратган улуғ олимлар Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоийдек фан дарғалари, Ал-Бухорий, Ат. Термизий, Мотурудий, Марғиновий, Нақшбанд, Замаҳшарий каби исломий олимлар етишиб чиқишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

«Авесто»да илм олишга даъват қилишнинг маъноси шуки, илм-маърифатли кишининг меҳнат унуми юқори бўлади, жамиятда фаровонлик бўлишига энг кўп ҳисса қўшилган бўлади. Демак, илм олишлик иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишга, яратувчанлик салоҳиятини кўтаришга хизмат қилар экан.

6. Меҳнат ва меҳнат тақсимооти ғояси

«Авесто»ни том маънода меҳнат ва яратувчилик мадҳи ҳақидаги, уни одамлар ва жамият ҳаётидаги беқиёс ўрни ва аҳамияти ҳақидаги тенги йўқ асар дейиш мумкин. Унда ёзилишича, тинч ва осийишта меҳнат, яратувчилик фаолияти, табиатга, унинг неъматларига меҳрли бўлиши, тежамкорлик инсон танасидаги барча иллатларини, нопокликларни қувади, унга ҳақиқий роҳатбахшлик ва осойишталик бахш этади, унга шодлик, қувонч, фаровонлик олиб келади жамиятда, ҳар бир хонадонда, шахсий ҳаётда тинчлик, адолат, барқарорлик фақат меҳнат (яратувчилик) туфайли қарор топади.

Ҳақиқатда ҳам тинч ва ҳапол меҳнат билан банд бўлган одам ҳеч қандай бузғунчиликни, беқарорликни истамайди, у ўз меҳнати маҳсулини олишни кўзлайди, пировард юқори ва унумли самара бўлишини кутади, ўз меҳнати натижалари орқасидан фаровон яшашни орзу қилади. «Авесто»даги бундай эзгу ғоялар бизнинг цивилизациялашган давримиз

учун ҳам бегона эмас. Зеро, зардуштийлик дини инсон руҳини яратувчанликка –меҳнатга тайёрлашга қаратилганлиги учун яъни инсон руҳи ва моҳиятига айнан меҳнат монандлигини асослаш билан минг йиллар давомида одамлар қалбини забт этиб келди, ҳозир ҳам у ана шундай эзгуликни тарғиб этиб келаётир.

Одам умри жуда қисқа, ана шу қисқа муддатда у яхшилик ва эзгулик қилишга улгуриши ва бу билан ҳар икки дунё саодатини топиши лозим. Эзгулик ва яхшилик қилиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий неъматлар барпо этиши даркор. Асарда меҳнат қилмайдиган одам қораланиб, бундай одамнинг уйида олов доимо ёнмайди, ҳайвонлар ем-хашакка тўймайди, уйида ноз-неъматлар етишмайди, хотин ва фарзандлари фаровон яшамайди, уйида хотиржамлик ва барқарорлик бўлмайди, деб кўрсатилади. Китобда меҳнат қилмайдиган, дангаса одамга нисбатан шундай хитоб қилинади:

«...Меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатдан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражасан. Ҳақиқатдан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак!» (қаранг. Ўзбек педагогикаси антологияси 1-жилд. Т., 1995, 36-бет).

«Авесто»да қайд этилишича, меҳнатни севмайдиган, меҳнат қилмайдиган одамда, унинг хонадонида еб-ичиш учун озиқ-овқатлар бўлмайди. Демак, бундай одам Аллоҳга таъват ибодат қилишса ҳам кучи-мадори бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини ҳам уддапай олмайди, соғлом фарзандлар бундай оилада туғилмайди. Меҳнаткаш одам оиласида эса унинг тўқ ва фаровонлиги боис ахлоқ-одоб, инсоф-иймон ҳукм суради, илоҳий сўзлар янграйди, оила баққуват ва барҳаёт бўлади.

Маълумки, меҳнат ва унинг самарадорлиги одамларнинг биргаликдаги баҳамжихат фаолияти билан боғлиқдир. «Авесто» асарининг

муҳим, бебаҳо ғояларидан бири ҳам айнан, одамларни бирликка, яхлитликка, якдилликка, баҳамжиҳатликка, ҳаполликка, жамоа бўлиб яшашга даъват этишидир. Унда индивидуализм, айримлик, худбинлик, яккалик қаттиқ қораланади. Хўш, бундай улуғвор умуминсоний ғоянинг объектив замини нимада? Бизнингча, биринчидан, қадимги дунё шароитида меҳнат қуролларининг ғоят оддийлиги (примитивлик), бунинг устига уларнинг камлиги (етишмаслиги) яъни ҳар бир ишловчига етарли таъминланмаганлиги одамларни биргалашиб ишлашга, жамоа бўлиб, унинг ҳамма аъзолари манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишни тақозо этган бўлса, уларнинг табиат кучлари олдида ожизлигидан келиб чиққан бўлса, иккинчидан, фақат жамоа бўлиб, биргалашиб ҳаракат қилишларида барака бўлган, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган, одамлар меҳнат тарбияси ва кўникмаларини олишган, тажриба тўплаган ва алмашишган. Гап шундаки, зардуштийлик дини меҳнатнинг ижтимоийлигини илоҳийлаштириш асносида инсон салоҳияти ҳам, хусусан унинг меҳнат яратувчилигини ҳам ислоҳийлаштирган. Шундай маънодаги инсон фаолияти уни илоҳий кучга яқинлаштирган (Ахура Маздага яқинлаштирган).

Маълумки, бизнинг Ислом динимизда ҳам меҳнат бундан-да улуғланади, у ибодат даражасига айлантирилган, ҳапол меҳнат инсонни улуғлайди, унинг ҳар икки дунёсини ёритади, жаннат остонасига етаклайди. «Авесто»даги меҳнат мадҳи деҳқончилик меҳнати тимсолида куйланади. Бунинг сабаби ўша қадимги дунёда деҳқончилик моддий ишлаб чиқаришнинг асоси, инсон эҳтиёжларини қондиришнинг бош манбаи эканлиги билан ҳам изоҳланади, албатта. Бироқ, айтиш жоизки, инсоннинг деҳқончилик соҳасидаги ўз ҳапол меҳнати яратувчилигининг илк босқичи-дастлабкисидир. Зеро, деҳқончилик меҳнати ерга уруғ қадашдан бошланиб, бу уруғнинг ердан-энг улуғ неъматдан униб чиқиши билан давом этади. Дарҳақиқат, деҳқончилик меҳнати ҳаполлик, поклик

фаолият рамзидир, бундай меҳнат яхшилик рамзидир. Шу маънода китобда қуйидаги ажойиб маърифий ғоя илғари сурилади: дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у яратганга ихлосмандлик эътиқодини илғари суради, у ўз яратган неъматлари билан иймонни озиклантириб туради, бундай одамдан фақат эзгулик келади.

«Авесто»да яхшилик идеали деҳқон ва унинг ҳалол меҳнати тимсолида баён этилиши бежиз эмас. Бунда илоҳийлик бор, жаннатга дахлдорлик яширинган; асарда яратувчилик билан шуғулланувчилар куйланади, айнаи чоғда, унда барча ноз-неъматларни, Аллоҳ яратган табиатни муқаддас билиш, илоҳий қонун сифатида собитқадамлик билан уқтирилиб борилади. Асарда таъкидланишича, кимки шу ҳаётини дунёда ҳалол ва пок меҳнат фаолияти билан шуғулланса Ахура Мазда даргоҳида бўлади, унинг назарини топади. Ана шу илоҳий ҳақиқат бир мисол тимсолида баён этилади:

«Бир гуруҳ одамлар бир ерда гиламлар устида бир-бирига жипс бўлиб ёстиқларга бош қўйиб ухлаб қолганлари...» чоғида «нагоҳон уларнинг орасидан бирови ўлиб қолса, ўлимлар жисмини булғагувчи насв деви уларнинг неча нафарини ёмонлик ва палидлик булғайди?» деган савол қўйилиб, унга шундай жавоб берилади. Бунда «насв деви ўн биринчи кишининг жисмига кириб, ўн нафарини булғайди», «агар марҳум деҳқон бўлса, мурда жисмини булғагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва тўққизинчи кишининг жисмига кириб саккиз нафарни булғайди» (Ўша асар, 125 бет).

Кўриниб турибдики, бу ерда деҳқон бошқа касб эгаларига нисбатан Аллоҳ олдида мўътабарроқ эканлиги таъкидланмоқда; унинг ҳурмати туфайли бир неча киши булғинишдан, нопок бўлиб қолишдан, ёмонлик ва палидликдан сақланиб қолади. Ҳақиқатдан ҳам деҳқончилик, у билан шуғулланган кишилар улугдир, улар жамиятда жуда катта обрӯ-эътиборга созавор бўладилар, улар бутун тириклик мавжудодни едириб-

қийинтиришади. Бу ҳақида буюк аجدодимиз Юсуф Хос Хожиб «Қутадғу билиг» асарида, даҳо шоиримиз Алишер Навоий «Махбуб-ул қулуб» номли китобида деҳқонларга алоҳида боблар бағишланганликларини айтиб ўтиш ўринлидир.

«Авесто» асарини меҳнат тақсимои нуқтаи назаридан ўрганиш шуни тасдиқлайдики, бизнинг аجدодларимиз бундан 3000 йиллар илгариёқ ибтидоий, яъни табиий меҳнат тақсимои даражасидан алпақачон чиқиб кетишган, улар ижтимоий меҳнат тақсимои асосида иқтисодиётни ташкил этиш ва олиб боришга ўтишган.

Меҳнат тақсимои дастлаб йирик ижтимоий меҳнат тақсимои асосида ривожланиб борган, яъни аҳоли чорвачилик деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо ишлари, ип йиғириш, тўқимачилик ва тикувчилик, овчилик каби меҳнат турлари билан шуғулланишга ихтисослашишган. Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи қабилаларда қизларга юнгдан ип йиғириш, урчуқ ва чарҳда ишлаш, ҳар хил матолар тўқиш, либослар тикиш каби ҳунарлар ўргатилган бўлса, ўғил болаларга мол боқиш, ўргатиш, чорвани йирткич ҳайвонлардан ва қароқчилардан ҳимоя қилиш, ҳарбий ҳунарларни эгаллаш асосида аҳоли тинчлигини муҳофаза қилиш юклатилган.

«Авесто»даги маълумотларга кўра, балоғат ёшига етган ўсмирлар алоҳида имтиҳон қилиниб ундан муваффақиятли ўтганлар рўзғор юритиш, оила қуриш, оила бошлиғи ёки уй бекаси бўлишлик ҳуқуқи берилган. Йигитлар ичидан энг иқтидорлилари ажратиб олиниб, ҳарбий машқларга сафарбар қилинган. Айни чоғда аҳоли фаолиятини бошқариб туриш учун махсус кишилар тайинланган. Бундай меҳнат тақсимои иқтисодиётнинг ривож топиб боришига, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик ҳукм суришига олиб келган.

Ўша даврнинг ижтимоий меҳнат турлари ичида деҳқончилик, хусусан дон экиш ва ғалла етиштириш энг афзал ҳисобланган. Асарда

«олам гўзаллиги деҳқончиликдан» деган умумбашарий ғоя илгари сурилган бўлиб, «кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтирибди, ягона шу йўлгина ҳақиқатдир, қолганлари савобдир» дейилади.

Зардуштийлик динида ерларга ишлов бериш, экин эқиладиган майдонларни кенгайтириш, ерни асраб-авайлаш, уни муқаддас деб билиш, унга сажда қилиш илоҳий қонун деб баҳоланади. Дарҳақиқат бу динда у дунё ҳаловатига, Ахура Мазда розилигига эришмоқ учун бу дунё ишларини сидқидилдан бажариш, фаровон ҳаёт учун интилиб яшаш зарурлиги таъкидланади. Бундай иноятга эришадиган инсон ерни улуғлаши, уй-жой куриши, уни олов билан таъминлаши, уй ҳайвонлари боқиши, мева-чева етиштириш, хонадонини ёмоқ-ичмоқ неъматлари билан мўл-кўл қилиши, уйланиши, бола-чақали бўлиши лозим.

Ана шундай инobatлар бор қиладиган макон борми, деб сўралади Ахура Маздадан. У хитоб қилиб айтадики: «Бундай жой Ашаван уй тиклаган макондир. Ўша уйда мубад рўзгор тебратилади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Тевалар хўраки фаровон, яхши итларнинг ризки сероб. Уй бекаси бахтиёр. Фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуруллаб туради. Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади..» (Ўша асар 112 бет)

«Авесто»даги ана шу ғоялар асрлар оша бизнинг ўзбек заминимизда тўлақонлик сақланиб қолганига иймон келтирамиз. Зеро, ўзбек халқи доимо ўз ерини бўш кўймасликка, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишга, ўз ризқини ердан ундириб олишга сидқидилдан ўрганган миллатдир. Буни бугун бутун дунё ҳамжамияти эътироф этаётгани бежиз эмас.

7. Табиат-эҳтиёжларни қондиришнинг бош манбаи ҳақидаги ғоя

Эҳтиёжлар фақат одамлар билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий категориядир, тушунчадир. Зеро, инсоният пайдо бўлибдики, унинг эҳтиёжлари вужудга келди, уларни қондириш учун ҳаракат одамлар онгли фаолиятининг асосига айланди. Эҳтиёжларни тўлароқ ва яхшироқ қондириш масаласи ҳар қандай ижтимоий тузумнинг долзарб масаласи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаётир. Фақат ана шу эҳтиёжларни қондиришнинг омиллари, манбалари, усуллари такомиллашиб борди. Замонлар ўтиши билан, цивилизация таъсирида эҳтиёжлар таркиби ва уларнинг нисбати ўзгариб борди. Масалан, ривожланган мамлакатларда моддий (иқтисодий) эҳтиёжларнинг эҳтиёжлар таркибидаги нисбати маънавий-социал эҳтиёжларга нисбатан пасайиб бориши иқтисодий қонуниятга айланиб бормоқда.

Жамият ҳаётининг зардуштийлик даври қарор топган замонларда моддий неъматлар ва уларга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун ҳаракат инсоннинг комиллик сари интилиши рамзига айланган эди. Бундай зарурат одамларни ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш (ўша давр имкониятлари даражасида) уларни бир-бирига яқинлашишини, меҳнат тақсимооти асосида ишлашни ҳаётий ҳақиқатга айлантирди. Одамлар эҳтиёжининг бир қисми ўзлари ишлаб чиқараётган неъматлар билан қондиришга ўтилаётган бўлса ҳам она-табиат эҳтиёжларини қондиришнинг асосий омили, бош манбаи бўлиб қолмоқда эдики, бу бутун табиат оламини, табиий борлиқни севиш ва эъзозлашни илоҳий қонуниятлар даражасига кўтарган эди.

«Авесто»нинг бош ғояларидан бири ҳам табиий муҳитни асраб-авайлаш, ҳавони, сувни, ерни мусоффо сақлашдир. Бу ғоя китобнинг деярли барча қисмларида, барча саҳифаларида сингдирилиб юборилган. Шу маънода «Авесто»да Ахура Мазда яратувчилик, яхшилик, борлиқни сақлаш ва яшнатиш тимсоли, Ахира Ману эса вайроналик, яхшиликни

қўпориш, табиатни бўлғаш, бузиш, ёмонлик келтириш тимсоли сифатида тараннум этилади.

Президентимиз Ислом Каримов «Авесто»нинг 2700 йилиги тантаналарида сўзлаган нутқида асарнинг минг йиллар оша сақланиб келаётган юқоридаги ғоялари бугун ҳам биз учун ғоят қадрли эканлигини таъкидлаб шундай деган эди: «Айниқса, бу китоб аجدодларимизнинг табиатга, еру сувга, қуёш ва ҳавога бўлган меҳр-муҳаббатини, ўз ерини кимлардан, қандай хавф-хатардан ҳимоя қилиб, жамоа бўлиб яшаганини-барча-барчасини мукаммал ёритиб бергани билан қимматлидир» («Ўзбекистон овози», 2001 йил, 6 ноябрь).

Зардуштийлик дини таълимотига кўра комил инсон, бегуноҳ банда шундай шахски, унинг «сув оқиб ўтадиган бир бўлак ери, айвонли ховлиси, 15 ёшли хотини бўлади». Унинг ҳавли жойида олов ёниб туради, хотини ва фарзандлари бўлади, у ўз меҳнати билан оиласини бемалол боқаолади, ерини яхши парвариш қилади, молларига яхши қарайди, уларни асраб-авайлайди, кўпайтиради. Дарҳақиқат, тинч осойишта ҳаёт, кўп бола-чақа бўлиши, озиқ-овқатларнинг мол-кўл бўлиши учун эса у пок инсон бўлиб ҳалол ва унумли меҳнат қилиши керак.

Юқорида таъкидлангандек, табиат барча эҳтиёжларни қондириш манбаи бўлганли учун табиатни асраб авайлаш инсон комиллигининг, Аллоҳ томонидан уни комилликда кўрилишининг асоси деб қаралган. Буни китобнинг «Ясна дафтари» деб аталган қисмида яққол сезиш мумкин.

Фикримиз исботи учун қуйидагиларни келтирамыз:

«Сувлар, заминлар ва гиёҳларни олқишлаймиз.

Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар,

Сувлоқларни олқишлаймиз. қишлоқ соҳиби

Ахура Маздани олқишлаймиз».

«Ҳушвақтлик боғишлагувчи сувни олқишлаймиз

Рад ашаван, одамларга фароғат ва кенглик
боғишлагувчи қудратли Суришни олқишлаймиз.

Ўтин ва тутунни олқишлаймиз (Ўша асар, 46 бет)

Китобда сувлар, ер, гиёҳлар, яйловлар ва умуман табиий бойлик олқишланади, яъни мадҳ этилади. Бошқача айтганда, Аллоҳ яратган, инсонларга ўз меҳнатлари, ақл-идроклари билан ўз ҳаётий тирикчилигини ўтказишлари учун бериб қўйилган бутун борлиқ олқишланади, яъни уларнинг шукронасини қилишга даъват этилади, ундалади. Асарда бутун табиий борлиқни яратуви Аллоҳ Ахура Мазда тимсолида тасвирланган.

Инсонларнинг яратганга миннатдорчилиги, шукроналиги рамзи сифатида билдирилган қуйидаги тўлқинлантирувчи ғоялар яна ҳам мазмунли, теран фалсафий фикрларга бой, тафаккур учун материалдир:

«Мен сени ўз бағрида ўстирган серҳосил ва кенг заминни олқишлайман.

Мен сени гиёҳлар паҳловони, ҳушбўй, олижаноб Мазда гиёҳи қилиб ўстирган сарзаминни олқишлайман» (Ўша жойда, 53 бет).

«Ниҳоят сувларни олқишлаймиз.

қуйи оқувчи, йиғилувчи, равон оқувчи, эзгу ниятли оҳуравий сувларни мадҳ этамиз.

-Эй сувлар!

Сизлар яхшилик билан равонасиз. Хилқатни ювиб пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз

Биз Сизларни эъзозлаймиз» (Ўша жойда, 77-бет).

Буюк аجدодларимизнинг, зардуштийлик соҳибларининг сувга, ҳавога, гиёҳларга, бутун табиий борлиққа бу қадар катта эътибори, меҳр муҳаббати биз авлодлар учун ибратли бўлиши лозим. Афсуски, бугун турли сабабларга кўра, биринчи навбатда, ўзимизнинг, кўпчилигимизнинг табиатга, бизни боқувчи она заминга муносабатимиз салбий томонга ўзгарди.

Шаҳарларимиздан, қишлоқларимиздан, ҳатто дала-даштларимиздан оқиб ўтаётган сувларни бевосита истеъмол қилишга яроқсиз қилиб қўйдик, сувларга турли чиқиндиларни ташлаб уни ифлослантирмоқдамиз. Оқибатда ўзимизни экологик офат, экологик хавф даражасига келтириб қўйилди.

Бу ҳақида Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида илмий асосланган фикрлар илгари сурилган:

«Сув заҳираларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир... Дарё сувларининг ифлосланиши гигиена ва санитария-эпидемиологик вазиятни, айнеиқса, дарёларнинг қуйи оқимларида ёмонлаштирилмоқда. Иккинчи томондан, дарё сувлари таркибида тузларнинг мавжудлиги Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёларнинг дельталарида тупроқнинг шўрланишини кучайтирмоқда...»

«Мутахассисларнинг маълумотларига қораланди, ҳар йили республиканинг атмосфера хавосига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар қўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингургут қўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизига яқини ўзига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади» (123 ва 129 бетлар)

Тўғри, сувларни тозалаб берувчи иншоотлар қурилмоқда, ер остидан тоза ичимлик суви чиқариш ва уларни узатиш трубалари орқали хонадонларимизга етказиб берилаётган бутун бир тизим яратилди. Аммо бу сувларнинг бутунлай мусоффо эканлигига, улар барча зарарли химикатлар, микроблардан батамом тозаланганлигига ким кафолат беради. Демак, ўз ҳаётимиз, қанчалик умр кўришимиз, соғлом яшаб ўтишимиз бизни ўраб турган табиат мусоффолигига ҳамон боғлиқ эканини идрок қилишимиз учун имконият бор. Бунини «Авесто» китобида эслатма

сифатида илгари сурилган ғоялардан билиб олишимиз даркор. Зеро, бизнинг эҳтиёжларимиз ҳамон тўхтовсиз ўсиб бораётган экан, уларнинг қондиришнинг бирдан-бир омили табиат ва унинг неъматлари экан, уни ажодларимиз каби эъзозлашга, асраб-авайлашга юз буришимиз айна ҳақиқат ва муддаодир.

Шу маънода Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: ««Авесто»да мужассам топган ғоя ва фикрлар ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг нақадар чуқур мазмунга эгалиги ва ўзининг абадийлиги билан, табиатга ҳурмат туйғуси, борлиқ оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, табиат ва инсон уйғунлиги, атроф муҳитни сақлаш ва асраш одамзоднинг энг асосий вазифаси эканини тасвирлаб ва асослаб берилгани билан бугунги кунда ҳам ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради» («Ўзбекистон овози», 2001 й., 6 ноябрь)

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. «Авесто» китобида таъкидланган «уч эзгулик ғояси» нимадан иборат?
2. Нима учун деҳқонни «заминини энг бахтиёр қилган шахс» деб улуғлайди?
3. «Авесто»даги ер билан боғлиқ муносабатлар ғоясининг мустақил юртимизда ўтказилаётган аграр ислохотлар билан боғлиқлик жиҳатини Сиз қандай таърифлайсиз?
4. Мулкдор бўлишлик буюк фазилат, улуғ неъмат эканлиги ғояси Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш зарурлиги ҳақидаги И.Каримов таълимоти билан боғлиқлигини нимада кўрасиз?
5. қарз олиш ва қарз бериш борасидаги қарз олганлик кафолати ҳақидаги «қасамлар» ғояси ҳақида сиз қандай тушунчадасиз?
6. «Авесто»даги меҳнат ва тақсимооти тўғрисидаги ғоялар мазмунини очиб беринг?
7. «Авесто»да табиат қандай эъзозланади?

2-БОБ: ҚАДИМГИ ДУНЁ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

1. Қадимги Мисрдаги биринчи иқтисодий ғоялар

Иқтисодий ған манбаларини жаҳон цивилизациясининг бешиги-қадимги Шарқдан изламоқ мантиқан тўғридир.

Иқтисодий ғояларнинг шаклланиши инсониятнинг пайдо бўлиши билан боғланган. Аммо ҳозирги пайтда қўлёзмаларда акс эттирилган ғояларгина таҳлил қилинган. Шу сабабли «Иқтисодий таълимотлар тарихи» ни қўлдорлик жамияти пайдо бўлиши билан боғлашади.

Дастлаб қўлдорлик жамияти Шарқда синфий ажралиш бошланган жойларда, Месопотамия, (Тигр ва Ефрат дарёлари оралиғи)да ва Мисрда эр.ав. IV минг йилликда юзага келди. Бунга асосий сабаб шуки, бу ерда технологик инқилоб рўй берди, метал қуроллар ишлатила бошланди, қишлоқ хўжалигида интенсив, кўп ҳолларда суғорма деҳқончиликка ўтилди. Шу асосда нисбатан турғун қўшимча маҳсулот олиш имкони туғилди. Оқибатда жамиятда меҳнат тақсимотини ривожлантиришга, кўпгина хунардмандчилик соҳаларининг ажралиб чиқишига ва синфий табақаланишига туртки бўлди.

Бу даврда маҳсулот олишнинг асосий усули жамоага бирлашган деҳқонларни эксплуатация қилиш йўли билан рента-солиқ олиш бўлса, қўлларни беайов ишлатиш билан ҳам катта бойлик ортирилган. Шарқда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражасига қараб айрим «эркин» аҳолининг аҳволи қўлларникидан фарқ қилмаган. Лекин айрим олимларнинг фикрича, Шарқда қўлдорлик классик шаклда ривож топмаган, патриархал, яъни уй хўжалигидан устун бўлган.

Шарқ, жумладан Ўрта Осиё мамлакатларидаги хўжалик фаолиятида нисбатан эркин одамлар иштирок этган. Масалан, деҳқончилик, хунардмандчилик, қурилиш соҳасида қўллар меҳнатидан фойдаланилмаган. Антик дунё (ғарбий Европа) даги айрим худудларда халқаро савдони олиб

бориш билан боғлиқ равишда товар пул муносабатлари ҳам анчагина ривожланган. Шу асосда қулчиликка асосланган хусусий мулкчилик асос топди. Ўз маҳсулотини сотишга мўлжалаб ишлаб чиқарган қулчилик хўжаликлари эксплуатацияни кучайтиришни талаб этган. Оқибатда классик ёки антик қулчилик юзага келди.

Қадимги Шарқнинг иқтисодий таълимоти асосан давлатни бошқариш тўғрисидаги илм қонунларига оид эди. Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида амалда бутунлай натурал хўжалик фаолият қилар эди. қадимги Шарқнинг ёдгорликларида давлатнинг бошқариш санъати бўйича қоида ва қонунлар тўплами ҳамда иқтисодий ғоялари сақланиб қолган. Бизгача бўлган биринчи ёдгорлик «Гераклеполик шоҳнинг ўз ўғлига насиҳатлари» эсталиклари (қадимги Миср, эр.авв. XXII аср) жуда ҳам қадимги манбалардан ҳисобланади. Муаллифнинг таъкидлашича «насиҳатларда» эътиборни бошқарув аппарати фаолиятини самарали юритиш зарурати ва қайсики Фиравнлар (қадимги Миср подшоҳларининг номи ёки унвони) ва аҳоли ўртасида бўладиган муносабатлар кўрсатилган. Бу даврда синфий ажралиш тўла шаклланмаган бўлиб, бошқарув ишига ишбилармонларни таклиф этиш (юқори табақали ёки оддий аҳолидан) керак дейилган.

Васиятномада муаллиф асосий эътиборни подшоҳ билан халқ ўртасида турувчи бошқарув аппаратига қандай муомала қилиш кераклиги ҳақида ёзилади. Унда шундай дейиладики, «бошқарув аппарати ягона отряд каби иш олиб бориши керак, бунинг учун эса подшоҳ ўз амалдорлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилиши ва моддий рағбатлантириб бориши керак, шундагина улар сенинг қонунинг билан яшайди».

Сақланиб қолган ёдгорликларда ва ёзма қонунларда иқтисодий-сиёсий ғоялар мавжуд бўлган, унда мустақил ишлаб чиқарувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тартибга солиш ҳамда ишлаб чиқарувчилар қатламини емирилишини тўхтатишга қарши муҳим фикрлар берилган эди. Айниқса, эрамиздан аввалги XVIII асрда Бобилда подшоҳлик қилган

Ҳамурапининг қонунлар тўплами (кодекси) машхурдир. Бу тўплам 1901-1902 йилда Суза шаҳри қолиқларини археологик қазилар пайтида топилган. Тошга ўйиб ёзилган муҳим ва қадимий, тарихий ҳужжатни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, мавжуд давлат синфий ва ижтимоий жиҳатдан анча мукамап кўрилганлиги билан ажралиб туради. Бу қонунларнинг асосий мазмуни қайсики «кучли кучсизли» шиори остида кучлилар томонидан кучсизларни бутунлай камситиши ҳимоя қилган эди. қарз эвазига қул қилиш фақат уч йилгагина рухсат этилган эди. Лекин бу чегаралаш бўлса, ҳам хусусий мулкчилик ҳам қонун билан расмийлаштирилган эди. Хусусий мулкчилик ҳуқуқий битимларда ҳимоя қилинар, агар ижарачи зарурий ишларни маълум бир сабабларга асосан бажара олмаса турли хил имтиёзлар бериларди. Хусусий мулкчиликка суйиқасд қилинишига иқтисодий жавобгарлик жорий этилди.

Ҳаммурапи кодексининг яратилиши қадимги Вавилон жамиятининг бирлашиши учун муҳим омил бўлади. Ҳаммурапи кодекси иқтисодий ҳаётни ҳуқуқий нормалар билан бошқаришга қилинган биринчи ҳаракат эди.

2. Қадимги Ҳиндистон иқтисодий таълимотлари

Қадимги Ҳиндистоннинг «Ману қонунлари»да (э.ав. IV-III асрлар) ижтимоий меҳнат тақсимотининг ҳуқуқронлиги ва бўйсиниш институтларининг мавжудлиги айтилади.

Қадимги дунё олимлари томонидан сиёсий-иқтисодий ёзилган биринчи асрларидан бири «Артхашастра» хинд иқтисод илмининг биринчи намунасидир. Бу аср Шох Чандрагутанинг (э.ав. IV-III асрлар орлигида) бош маслахатчиси Каутилье томонидан ёзилган. Ҳиндча «артха» сўзи фойда, моддий манфаат, «шастра» эса илм, илмий асар маъносини англатиб, асар моддий манфаат тўғрисидаги илм маъносини англатади.

Бу асарда, биринчи навбатда, шу давлатда яшаётган халқлар ва гуруҳлар ҳақида маълумот берилади. Хинд халқи 4 та кастага (табақага) бўлиниб брахманлар, касрийлар, вайшийлар ва шудраларга бўлинади. Каутилье ёзади: «жахоннинг ривожланиши касталарнинг ўз қонунлари асосида яшашига боғлиқдир. Подшоҳ ҳеч қачон касталарни аралашиб кетишига йўл қўймаслиги керак», дейди. Бу асарда ёзилишича, брахманлар ва шатрийлар барча имтиёзларга эга бўлиб, бошқариш ишлари билан шуғулландилар, вайшийлар ва шудралар ерни ишлаш, хунармандчилик ва савдо билан шуғулланганлар. Бу асарда қуллар, уларни сотиш, сотиб олиш ҳақида маълумотлар берилиши билан бирга, қулларни ҳам хусусий мулки бўлиши ва унинг дахлсизлигини қонун йўли билан таъминланишини таъкидланади.

Бу асарда деҳқончилик ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилади: Ер бойлик манбаи бўлиб, ундан тўғри фойдаланмоқлик, кимда ким ерга ишлов бермаса, маданийлашган ерларни тортиб олиш, ишлов талаб қилинадиган ва маданийлашган экин майдонларидан фойдаланиб деҳқончилик қилганларга ёрдам кўрсатиш ва имтиёзлар бериш уқтирилган.

Асарда савдо ҳақида, савдо бу хўжалик юритишнинг асосий бўғини сифатида қаралади. Хазинанинг ортишига асосий йўл савдо деб қаралади. Савдони назорат қилувчининг олдида қатор талаблар қўйилади, аввало у товарлар ҳақида қаердан, қанча келади, маълумотга эга бўлиш баҳоларини аниқ билиш ва товарни сотиши ва қанча фойда олишини билиши шарт дейилади. Савдо фойдаси ҳақида гапирилиб, агар бу фойда подшоҳга халқни катта зарари асосида келтирилса керак эмас дейилади, ҳеч қачон фойда келтирилмаса ҳам халқни бирламчи истеъмол товарларини тўпланиб қолишига ҳоким йўл қўймаслиги керак деб ёзилади. Масалан, тарозилар ҳар 4 ойда албатта текширилиб турилиши керак дейилади. Хазинага олинадиган солиқлар ҳақида қуйидагилар ёзилади: Ўлчов

(метрға ўхшаш) билан сотиладиган товарлардан тушадиган даромаднинг 1/16, тарзида сотиладиган товарларнинг даромадидан 1/11 олинади, деб ёзилади.

Маҳсулотнинг бозор баҳоси билан унинг табиий қиймати ўртасидаги фарқ айтилган; товарга бўлган эҳтиёж ортганда унинг баҳоси қийматидан ошиб кетиши мумкин дейилган. Савдо билан шуғулланувчиларга алоҳида урғу берилган бўлиб, фойда масаласи кўтарилган, фойданинг миқдори товар баҳосига қўшилиб, маҳаллий маҳсулот учун % фойиз, четдан келган товарлар учун 10 фойиз қилиб белгиланган. Умуман «Артхашастра» да биз савдо, баҳолар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш билан Хиндистоннинг ўша даврдаги ҳўжалик ҳолатини бошқарилишини тушуниб олишимиз мумкин.

3. Қадимги Хитой иқтисодий таълимотлари

қадимги Хитойдаги илмий иқтисодий қарашларнинг авж олган даври эр.ав. VI-III асрларга тўғри келади. Бу мамлакатдаги дастлабки қулдорлик давлатлари эр.ав. II минг йилликда пайдо бўлган. «Иқтисодий таълимотлар тарихи»да Хитойда Конфуций таълимоти жуда катта рол ўйнади. Бу таълимотнинг асосчиси Конфуций (илмий асарларда шундай ёзилади) ёки Кун-Цзи (эр.ав. 551-479 й) дир. Унинг асосий илмий қарашлари «Лунь-юй» («Сўхбат ва муҳокама») тўплами бўлиб, шоғирлари томонидан тўлангандир. Унинг даврида йирик зодагонларнинг таъсири анча камайиб жамиятда парокандалик ҳукм сурмоқда эди. Бу ҳолатдан чиқиш учун эса у келажакни поклаш учун ўтмишни яхшироқ ўрганишга чақирди. Ана шу даврда обрўси пасайган зодагонларнинг манфаатини ҳимоя қилади. Конфуций мамлакатнинг келажagini эмас, ўтмишини кўра билишни, ўзининг ижтимоий олий мақсади деб билди. У уруғдонлик, аслзодалик позициясини ҳимоя қилди. Ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш учун у инсонни маънавий покланиш дастурини илгари сурди. Чунки ўша давр Хитойда темирни қайта ишлаш кучайиб, товар-пул

муносабатлари ривожланди, натижада савдо ва савдогарларни жамиятга таъсири ортди. Хукмрон синф ичида синфий бўлиниш вужудга келдики, йирик авлоддан-авлодга ўтувчи аристократия билан ёш янги аристократия ўртасида адолат кучайди. Шу даврда бу қарама-қаршилиқни бартараф этишга ҳаракат қилувчи мафкура (идеология) сифатида ҳам конфуцийчилик майдонга келди. Бу таълимот қулдорлик тузумини ҳимоя қилиб «табиий ҳуқуқ» ғоясини илгари сурди. Бу таълимотга кўра, Худо оламни яратувчидир. Аммо ижтимоий ҳаётга аралашмайди, чунки жамият табиий қонунлар асосида ривожланади. Уни билиб олиш эса Худо берган ақлга боғлиқ, у эса фуқаролик қонунлари билан ҳимояланади. Бу таълимот асрлар давомида Хитойда ўрганилиб келинмоқда.

Ёшларнинг қарияларга хурмати, уларга қарши чиқмаслик ғояси асос қилиб олинган. Давлат бу «катта оила», подшо эса «халқлар отаси»дир, бойликлар нисбатан текис тақсимланиши керак, солиқларни меъёрида сақлаш, ер ишларини яхши бажариш, ҳамманинг ўз вазифаларини бажонидил адо этиши зарур дейилади.

У қулдорликни ҳимоя қилиш билан бирга йирик қулдорларни бойиб кетишларидан чўчийди ва ўрта ҳол хизматчи қулдорларни ҳимоя қилади. Бу билан ижтимоий «тенгликка» эришишга ҳаракат қилади. Конфуций мулкни икки турини кўради:

1. «буюк жамоа мулки»-коллектив мулкчилик яъни деҳқонлар жамоасининг мулки
2. «хусусий мулкчилик» -қулдорларнинг мулки

Унинг таълимотида баъзи қарама-қаршилиқларгани ҳам кўриш мумкин. Масалан, ички қарама-қаршилиқларга хусусий мулк сабабчи деб ҳам ёзди, лекин бир вақтда қулдорларнинг хусусий мулкчини ҳимоя қилди. У инсонларни табақаланишини табиат ва худо томонидан аалга оширилган ҳақиқатдир деб ёзади. Энг муҳим иқтисодий хулосаси унинг шуки-бойликнинг, манбаи меҳнатдир, деб таъкидлади, лекин шу билан

бирга қулдорларни давлат бойлигини кучайтириш учун қулларни кўпроқ ишлатиб, камроқ егизишга чақиради.

Конфуций таълимотининг давомчиларидан бири Мен-Цзи (эр.ав. 372-289) эди. Унинг қарашларида жамият аниқ бошқарувчи ва бошқарилувчиларга бўлиниб, халқ бошқарувчилари учун ишламоғи керак дейди. У жамиятни классик тақсимланиши, тарафдори, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршилиқни ҳимоя қилади. қадимги Хитойда Конфуций таълимотининг иккинчи энг йирик номоёндаси Сюн-Цзи (эр.ав. 313-238 й.) эди. У давлатнинг иқтисодий жиҳатдан кучайиши тарафдори эди. Инсонларни бойлик ортиришга бўлган ҳаракатларини оқлайди, лекин бу ҳаракатлар қонунлар доирасидан четга чиқмаслигини кўрсатади. Лекин одамларни бирданига ҳамма хунарлар билан шуғулланишга қилган ҳаракатларини қоралайди. Инсон бир вақтнинг ўзида кўп касб эгаси бўла олмайди, деган фикр илгари сурилади. Натижада, у биринчилардан бўлиб, меҳнат тақсимоти таълимотини илгари сурди (бу жуда муҳимдир). Унинг таълимотига кўра, одамлар бойлар ва камбағалларга ва турли тоифалаига бўлинишини табиий деб қараб, турлича кийим бошда юришларини таъкидлайди. Унинг фикрича, давлатнинг иқтисодий сиёсати асосан учта асосий тамойилларга асосланиши керак:

1. ҳаракатларини иқтисод қилиш, яъни тежаб-теграб сарфлаш;
2. халқ тўқлигини тўла таъминлаш;
3. ортиқча маҳсулотларни сақлаш зарурлиги.

Унинг фикрича, давлатда тақсимот мавжуд табақаланишга мос келмоғи даркор. Етарлича таъминот таъмойили инсоннинг жамиятдаги ўрнига боғлиқ ҳолда белгиланган. Эксплуатация қўллаб-қувватланади, жамиятда ҳамманинг ўз ўрни бўлиши керак дейилган, яъни хукмдорга, тобелик, отага, ўғилни бошқариш маълум қонун асосида эмас, балки оддий одат бўйича бўлиши, оғир солиқ ва мажбуриятлар бўлмаслиги таъкидланади.

Эр.авв. VI-III асрларда Конфуцийчилик мафкурасига қарши муҳолифлар ЛЕГИСТЛАР («қонуний» дегани) оқими пайдо бўлади, улар бошқаришни аниқ қонунлар асосида (оддий одатга қарши) олиб бориш тарафдори эдилар. Бу оқим номаёндалари Цзи-Чан, Ли-Куй таълимотида марказий давлат ва кучли мамлакат ягона бирлашган бўлишини қўллаб-қувватлашга ундайдилар.

Легистлар мактабининг вакили Хитой тарихида машхур бўлган Шан-Ян (эр.ав. 390-338 й.) ўзининг «Шан вилояти ҳукмдори» китобини ёзди. Унинг қишлоқ хўжалиги концепциясида деҳқончилик, дончилик (ғалла) ривожлантиришга алоҳида эътибор берган. ғалла масаласини ҳал этиш бош масала деб билган. Давлат олдида амалдорларни боқиш ва босқинчилик урушларини юритиш учун жуда катта озиқ-овқат захираларини жамғариш вазифаси юклатилди. Шан-Ян кўрсатишича иккита манба ёрдами билан давлат гуллаб ривожланади: дон ва уруш (атрофдаги ерларни босиб олиш). Деҳқонлар рўйхатини ўтказиш, қонун йўли билан йиғилган дон миқдорига боғлиқ ягона солиқ тизимини киритиш таклиф этилади. қонун йўли билан турли «ишёқмасликлар»ни «ерга қайтариш», яъни деҳқончилик билан шуғулланишга, яъни меҳнат қилинга мажбур этилади.

Чегарада ва бозорда тезлик билан тўловларни ошириш кераклиги, натижада савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар даромадлари камайиши ҳисобига улар ҳам тез кунлар ичида деҳқонга айланади, деб таклиф қилди.

қадимги Хитой иқтисодий таълимотлари «Гуан-Цзи» (эр.ав. IV аср) асарида (трактати) жуда катта ўрин тутди. Унда ўша давр учун хўжаликни давлат томонидан бошқаришнинг бутун бир тизими талқин қилинади. Бу асарни муаллифлар жамоаси тайёрлаган бўлиб, олдинги таълимотлардан энг асосий фарқ шундаки, унда товар-пул муносабатларини яхши ўрганиш асосида хўжаликни бошқаришни унумли йўлга ўтишига даъват этилган эди. Халқ хўжалигини барқарор сақлаш

учун товарлар баҳоларини ушлаб туриш ғояси илгари сурилади. Давлат нон ва пул металини тартибга солиш йўлини қўлида сақласа, мамлакат ривожини нисбатан текис боради, дейилган. Бу асарда ҳам аграр соҳа, айниқса деҳқончиликка алоҳида урғу берилган. Агар легистлар хунурмандчилик, айниқса савдони бефойда соҳа деб ҳисоблаган бўлсалар, бу асарда эса ўша соҳаларга ҳам ижобий баҳо берилган.

Асарда иқтисодий бозор стихиясидан ҳимоялаш масаласи ҳам кенг ўртага ташланиб, бунинг учун эса баҳо механизмидан фойдаланиш кераклиги айтилиб, бундай ёзилади: «Бозор бу шундай нарсани, унга қараб жамиятда тартиб ёки тартибсизлик ҳукм суришини билиб олиш мумкин».

«Ерни бошқариш» учун давлат ернинг табиий хусусиятларини яхши билиши керак. Ер майдонларини нисбатан текис тақсимланиши зарур деҳқонларни иш қизиган даврда бошқа юмушларга жалб этмаслик, солиқ тизими шароитига қараб (ер унумига боғлиқ равишда) бўлиши таклиф этилган. Бу ерда гап Ер кадастрини тузиш тўғрисида боради, яъни бу ишда ҳисоб-китоб бўлиши қайд этилади. Асарда ер ва сувларни давлат ихтиёрига ўтказиш ва уларни даромад топиш йўлида фойдаланиш баҳоларини тартибга солиш йўли ва бошқа кўпгина иқтисодий ғоялар илгари сурилади. Бу ғоялар амалда ҳам қўлланилади ва яхши самара беради.

Қадимги Хитой ижтимоий ҳаётида Даоцизм (айнан-йўл) ғоялари алоҳида ўринни эгаллайди, унинг асосчиси Лю-Цзи бўлиб, Конфуций даврида яшаб, ижод этган (эр.ав. IV-III асрлар). У таққиловчи қонунларга амал қилмасликни таклиф этди; қонунлар кўплиги туфайли «халқ камбағалланмоқда» деган эди. Даоцизм ғоялари конфуцийликка қарама-қарши бўлиб, инсоният аввалги мажбуриятлардан воз кечиши, оддий табиий ҳаётга қайтиши керак, деган фикрни илгари суради. Бу ғояга кўра, инсон ибтидоий даврга қайтиши, янги меҳнат қуролларидан фойдаланмаслиги керак. Кўриниб турибдики, унда реакционерлик

элементлари бор, аммо бу ғояда ҳам маълум маъно бор эди. Зеро ўша даврларда цивилизация ютуқлари эксплуатация манфаатларига ҳам хизмат қилаётган эди.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Нима учун илк иқтисодий таълимотлар айнан Шарқда пайдо бўлган?
2. «Ҳаммурапи қонунлари»нинг асосий қоидалари.
3. «Артхашастра» асаридаги иқтисодий тушунчалар
4. Қадимги Хиндистонда савдонинг ўрни ва аҳамияти қандай бўлган?
5. Қадимги Хитойда мулкчиликнинг неча хил шакли бўлишлиги кўрсатилган?
6. Қадимги Хитойдаги Конфуций иқтисодий таълимотида давлатнинг иқтисодий сиёсати нечта тамойилга асосланган?
7. Қадимги Хитойдаги иқтисодий ғоялар «Цан-Цзи» трактатида қандай тасвирланган?

3-БОБ: ИСЛОМ ДИНИ ИҚТИСОДИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

Мамлакатимиз эришган улуғ неъмат-мустақиллик туфайли халқимиз ўзининг муқаддас дини бўлмиш ислом маънавиятига эришди, унга эмин-эркин эътиқод қилиш, уни ўрганиш ва ундаги буюк инсонпарвар илоҳий ғояларни қалбларга жойлаб маънавий покланиш имкониятига эришди. Бугунги кунда бу улуғ динимиз миллий мафкурамизнинг маънавий диний илдизи сифатида инсон онги ва руҳиятини поклаш, эзгу сўз, эзгу амал, эзгу фикрга интилиш, илм ва ҳунар эгаллаш орқали ҳалол яшаш ва ишлаш, ўз муқаддас Ватани равнақи учун фидоий бўлиш воситасига айланди.

Ватанимиз тараққиётининг ҳозирги ғоят мураккаб босқичида ота-боболаримиз динининг моҳиятини, унинг муқаддас китобларидаги, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мутаффо Саллоллоҳу Алайҳивассалам ҳадисларидаги ғояларни, хусусан иқтисодий фикрларни ёшларимиз онгига етказиш жуда долзарб вазифалардан бирига айланган. Гап шундаки, Президентимиз И.Каримов уқтириб келаётганидек, динимиз халқимиз маънавиятининг юксалишига доимо муносиб хисса қўшиб келган ва

бундан буён ҳам ана шундай манба бўлиб миллий мафкурамизни шакллантириш ва сингдириб боришда муҳим аҳамият касб этади. «Биз, - деб ёзади Ислом Каримов ўзининг машҳур асарларидан бирида, - мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлари ҳуқуқини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ идрок қила боргани сайин, халқнинг ҳаётига маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покizarоқ бўла беради».

Иқтисодий тараққиётнинг турли босқичлари ва усулларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, моддий неъматларни ишлаб чиқаришда ва уларни истеъмол қилишда одамларни қай даражада иштирок этишига дин, одамларнинг иймон-эътиқоди катта таъсир этиб келган. «Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, уни ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир синовларга бордош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга давлат қилган, ишонтирган. Бундай даъват, ўз навбатида, одамларга куч қувват бағишлаган, иродасини мустақкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган¹».

Диний таълимот таркибида иқтисодий тафаккурнинг ўрни ҳам катта, бу тафаккур исломининг муқаддас китобларида тарғиб қилиниб келинди.

1. «Қуръони Карим» иқтисодий қадриятлари

Исломнинг асосий манбаи-«Қуръони Карим» дир. Унинг ҳар бир ояти бандаларни покликка, иймонга чорлайди. Унинг 293 та ояти бевосита иқтисодий тафаккурга бағишланган. Бошқа жуда кўп оятларда ҳам қисман иқтисодиётга оид фикрлар берилган. «Қуръони Карим» инсонларни

¹ И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида, Т., 1995, 151-бет

ҳалол меҳнат қилишга, тежамли бўлишга, меҳру шафқатга, ҳалоллика ундайди.

Меҳнат-ҳаёт ва охират кафолати.

Ҳаёт шундай неъматки, у инсонга фақат бир мартаберилади. Демак, уни шундай ўтказиш керакки, у одамларга бу дунёда бахт-саодат келтирсин, охиратда ҳисоб-китобни осон қилсин. Бунинг учун одам ҳаёт вақтида умрини бемаъни ўтказмай, яхши амалларга сарфлаши керак.

Ҳалол меҳнат қилиш бу дунё ва у дунёда бахт-саодатни кафолатлайдиган амалдир. Зеро, «Қурони Карим»нинг бир қанча оятларида меҳнат ҳар томонлама улуғланган, у зарур ибодат эканлиги таъкидланган.

Парвардигори олам одамзодни яратиш билан унга нафси бериб қўйди. Одамлар яшаш учун истеъмол қилишлари, озиқ-овқат ейишлари, кийим-кечак кийишлари, маълум турар-жой шароитларига эга бўлишлари керак. Одамлар учун керак бўлган бу истеъмол буюмлари табиатда тайёр ҳолда мавжуд бўлмайди. Оллоҳ таоло моддий неъматларнинг манбаларини бунёд этди ва уларни истеъмол учун керак бўлган нарсаларга айлантира олиш учун одамларга куч-қувват, ақл-идрок берди. Ақл-идрокни ишга солиб, касб-корни эгаллаб, Оллоҳ яратган имкониятлардан ўз ризқини териб ейишни инсонлар зиммасига юклади.

«Қуроъни Карим»нинг бир қанча оятларида ўз меҳнати билан Парвардигор яратиб қўйган ризқини териб ейиш зарурлигига даъват қилинган. «Таборақ» (Мулк) сурасининг 15-оятида «Хуваллазий жаъла лакумул арза залулан ва илайхиннушуур», дейилган. Маъноси: «У (Оллоҳ) сизлар учун Ерни хокисор-бўйсингувчи қилиб қўйилган зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида юраверинглар ва (Оллоҳнинг берган) ризқ-рўзидан енглар. Ёлғиз унинг ҳузурига тирилиб чиқиш-қайтиш бордир».

Уламоларимиз ушбу ояти кариманинг тафсирини исломда меҳнатга чорлашга далил қилиб келтирадилар. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ерни яратиб, уни инсонга бўйсундириб қўйиш билан бирга, инсонларга бу улугъ неъматдан унумли фойдаланиш учун дангасалик, ишёқмалик қилмасдан, касб-корни пухта эгаллаб, ризқни ундириб ейишга ундаган. Бу ерда гап бағоят улугъ неъмат-Ер тўғрисида кетса ҳам, уни кенг маънода Оллоҳ таоло барча имкониятлар тўғрисида айтмоқда, деб тушунилса ўринлироқ бўлади.

Мана шундай Оллоҳ яратган имкониятлар ва улардан ақл-идрок билан касб-корни эгаллаб, ўз ризқини териб ейишлари бандаларнинг бурчлари эканлиги тўғрисидаги даъватни биз «қуръони Карим»нинг «Бақара» сурасининг 3,22,25,33,57, «Наҳл» сурасининг 11,12,114, «қасас» сурасининг 76,77, «Анкабут» сурасининг 17,62, «Сажда» сурасининг 27, «Ёсин» сурасининг 34,35, «Ва-ссафот» сурасининг 41-44, «Сод» сурасининг 50-51, «Зумар» сурасининг 21-оятларида ҳам кўрамиз. Оллоҳ таоло ўз каломида бандаларини ўзи берган неъматларига шукур қилиб, тоат-ибодат қилишга, бу неъматлардан тўғри фойдаланишга чақиради. Оллоҳга иймон келтириш, ундан қўрқиш инсонни яхши, хайрли ишларга йўналтиради. У иқтисодга адолат, омонат, ҳалоллик маъноларини бериб, очкўзлик, ҳаром ва адолатсизликлардан четлатади. Демак, иймонли одам дангасалик, ишёқмаслик қилмасдан, ғайратли бўлиши, бирор касб-хунарни эгаллаб, ҳалол меҳнат қилиши керак.

Инсоннинг меҳнати, саъй-ҳаракати фақат дунё неъматларидан кўпроқ баҳраманд бўлиши учунгина эмас, балки охираатдаги ҳисоб-китоб учун зарурдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб айтадиларки, «Оллоҳ таоло ўз бандалари ичида ғайратлисини ёқтиради». Хадиси шарифлардан бирида: «Эй Парвардигор, мен сендан,

ғам-ташвишдан, хафаликдан, ожизликдан, дангасаликдан, бахилликдан, қўрқоқликдан, қарздорликдан ва хорликдан паноҳ тилайман!» дейилган.

Инсоният босиб ўтган узундан-узоқ йўл меҳнат жараёнидан иборатдир. Шу боисдан кишилар меҳнатни қадрлашлари, улуғлашлари, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашлари керак. Шунинг учун ҳам халқ мақолларида меҳнат ва меҳнатсеварлик ғояларига алоҳида эътибор берилган. «Меҳнат, меҳнатнинг тағи-роҳат», «Ўзгаллик хуснда эмас-меҳнатда», «Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар», «Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан душман» каби ўнлаб мақоллар шулар жумласидандир.

Меҳнатсеварлик инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятида амалга оширадиган ҳислатидир. Ҳақон меҳнат киши ҳаётининг мазмунини ташкил этади.

Президентмиз И.А.Каримов Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишга шароит яратадиган хусусиятлар тўғрисида гапириб, «Ўзбекистоннинг меҳмондўст, меҳнатсевар халқи унинг чинакам бойлигидир», деб бежиз айтмаганлар.

Меҳнатсеварлик киши камолотининг асосий омилларидан биридир. У муҳтожликдан, зериктишдан, ахлоқий бузилишдан одамни сақлайди. Меҳнатсеварлик тўғайли обрў-эътибор ортади, кишидан яхши ном қолади, унинг ҳаёти сермазмун, сержило, баракали бўлади. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларидан бирида: «Одамларнинг яхшиси одамларга манфаат келтирганларидир», деб бежиз айтмаганлар. «қуръони Карим» да ҳам бу борада алоҳида таъкидланади. Яхши, солиҳ-ҳайрли ишни бажарувилар, халқига манфаат келтирувчи кишилар Оллоҳнинг йўлида курашувчилар билан тенглаштирилади ва уларга охирада остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннат ваъда қилинади.

Одамнинг меҳнатсевар бўлиши унга болалигидан бериладиган тарбияга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозир мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор берилмоқда. Таълим ҳақидаги миллий Дастурда меҳнат тарбияси, касб-кор бериш масаласи устувор қилиб қўйилганлиги бежиз эмас.

Меҳнат ҳам намоз, рўза, закот, ҳаж каби ибодатдир. Меҳнатнинг энг олийси — илмдир.

Илм олиш эса ибодатнинг энг афзалидир. Зеро, «қуръони Карим»да «илм» сўзи 754 жойда тилга олингани бежиз эмас. «**Мужодала**» сурасининг 11-оятида «Оллоҳтаоло сизлардан иймон келтирганларни ва илмли бўлганларнинг даражасини кўтаради», дейилган. «**Зумар**» сурасининг 9-оятида айтиладики: «Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?! Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насилхат олурлар», деган қалималарини ўқиймиз. Бу ояти қарималарда илмли кишиларнинг ҳурмати Оллоҳнинг ҳузурида нақадар юқори эканлиги кўрсатилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси муборакларидан бирида: «Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиффор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам», деб огоҳлантирганлар. Шунинг учун ҳам: «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиқишдан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир», деб уқтирадилар. Пайғамбаримиз ўз умматларига бешиқдан то лаҳадгача илм олишга интилишни маслаҳат берганлар.

Мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръони Карим» ва Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳивассалам ҳадисларида илм олмоқ ва бермоқликнинг хикматлари баён қилинган:

-Эй Муҳаммад, яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан ўқинг! («Алақ» сураси биринчи оят). Демак, ўқиш ва ўрганиш Ислонинг бизга биринчи хитоби;

-илм талаб қилишлик (ўргатишлик) ҳар бир мусулмон учун фарздир;
-бир соат илм ўргатиш (ўрганиш) бир кечалик ибодатдан, бир кунлик дарс бериш эса, уч ойлик нафл рўзадан афзалроқдир;
-бешиқдан то тобутгача илм ўрган;
илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик, гўёки мол дунёни йиғиб, уни сарфқилмай кўмиб юбориш билан баробардир;
-илм ўргатиб шоғир д қолдирган, илм қилиб китоб қолдирган олим садақаю-жория сохибидур, шоғир длар шоғир д қолдиргай, китоблардан китоб пайдо бўлгай, бас шундай экан-ул олим абадий савобга доҳилдир;
-шайтон учун бир фақиҳ, яъни олим одамни чалғитишдан кўра, минг обид (омий) одамни чалғитиш осонроқдир;
-кишининг илм соҳасидан бир бўлагини ўрганишлиги, дунё ва ундаги нарсаларга эга бўлишдан кўра яхшироқдир;
-Жаноби Хақ тупроқни ёмғир билан жонлаштиргани каби, ўлик қалбларни илм билан тирилтиради.

Ўтган замондаги ислом уламулари ҳар бир илмга астойдил ёпишганлар. Илм ва фан соясида исломият тараққий қилди, маданият тарқалди, иқтисодиёт ривожланди.

Модомики, биз ҳам ҳозирги кунда порлоқ истиқбол сари қадам ташлар эканмиз, илмга суянмоғимиз зарур. Чунки, Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек:

«Бугун биз мустақил давлат қурамиз. Истиқболимиз, тараққиётимиз кўп жиҳатдан фан даргоҳларида ишлаётган олимларнинг изланишларига, уларнинг жасоратига, фидойи эканига, юксак илмий салоҳиятлари ва оқилона тавсияларига боғлиқдир¹».

Исломда мулк масаласи. Иқтисодиёт назариясида мулк, мулккий муносабатлар масаласи асосий ўринни эгаллайди. Зеро, ҳар қандай жамият

¹И. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин», Т., 1994, 172-бет.

иқтисодий тизимининг асосини мулкчилик ташкил этади. Мулкчилик — кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат махсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган ва тарихий аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабатдир. Мулк эгаси бўлиш ва бўлмаслигига қараб кишиларнинг жамиятдаги макъеи, уларнинг ижтимоий мақоми юзага келади.

Исломда мулк тушунчаси, унинг моҳияти одамлар қўлидаги бойлик-бу Оллоҳнинг бойлиги, одамлар-эса фақат унинг ердаги бошқарувчилари эканлигини тан олишдан иборат.

«Қуръони Карим»нинг «**Таборақ**» сурасининг 1-оятда «Таборақаллазий биядихил мулку ва хува аълаа қулли шайъин қодир», дейилган. Маъноси: "қўлида мулк бўлган зот (Оллоҳ) улуг, муқаддас бўлди. У барча нарсага қодирдир».

Ижтимоий манфаатлар ўртасидаги келишув, унинг асосини мулк-сармоя ташкил этади. Ислом шахсий манфаат ижтимоий манфаатга зарар келтирса, уни (шахсий манфаатни) маъкулламайди. Шунинг учун ҳам уларнинг келишувини ёқлайди. Сармоя ижтимоий вазифани бажариши, иқтисодиёт ва жамиятга фойда келтириши учун доимо ҳаракатда (оборотда) бўлиши керак.

Хусусий ва ижтимоий мулк маълум ижтимоий манфаатларга хизмат қилади. Хусусий мулкнинг ҳар қандай шакли жамият томонидан назорат қилиниши ва жамият манфаатларига хизмат қилиши керак. Демак, Исломда хусусий мулк ижтимоий вазифани бажаради.

Ижтимоий бойлик-жамият эҳтиёжлари учун зарур бўлган табиий бойликлардир. Бу бойликлардан жамиятнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин, лекин уларга танҳо ҳукмронлик қилиш ва ғаразли мақсадда фойдаланиш қатъиян тақиқланади. «Қуръони Карим»нинг бир қанча оятларида бировнинг ҳақиқа хийнат қилиш қораланади. «**Бақара**» сурасининг 188-оятда "Мол-дунёларингизни

ораларингизда ноҳақ - ҳаром йўллар билан емангиз, яъни бир-бирингизнинг ҳаққингизни еманг. Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейиш учун молларингизни пора қилиб ҳокимларга узатманг», дейилган. Бу ояти каримада Оллоҳ мусулмонларга бир-бирининг молини ботил — ҳаром йўл билан емоқдан қайтармоқда.

Шариат қонунлари тўғрисидаги **«Мухтасар»** номли китобда мусулмончиликда мулкӣ муносабатлар қандай бўлиши кераклиги батафсил баён этилган.

Оиланинг мулкӣ муносабатлари. Жамиятнинг мустаҳкам бўлиши ҳар жиҳатдан оиланинг мустаҳкам бўлишига боғлиқдир.

Шунинг учун Ислом оиладаги мулкӣ муносабатларга катта эътибор беради.

«Қуръони Карим»нинг **"Нисо"** сурасида янги исломӣ жамият қуришга бўлган интилиш ўз аксини топган. Жумладан, етимларнинг ҳақларига риоя қилиш, кичик ёшдаги болалар, заиф кишилар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, бу сурада аёллардан жабр ва зулмни кўтариб, уларга ҳақиқӣ инсонӣ муносабатда бўлиш йўлга қўйилган. Сурада махр масаласи кенг баён қилинган.

Исломдан илгари турмушга чиқариладиган хотин-қизларнинг маҳрини уларнинг отаси, ака-укаси ёки бошқа қариндоши куёв томони билан савдолашиб олишар ва ўзлари тасарруф қилишарди. Ислом бу номаъкул олди-бердини ҳаром қилди. Маҳрни келинга берилиши фарз бўлган ҳақга айлантирди. Маҳр келиннинг шахсий мулкига айланди. Келин маҳрнинг тўлақонли эгаси сифатида нима қилса ўзи билади.

Оила ичидаги мулкӣ муносабатларда нафақа ҳам катта ўрин тутати: **«Парвардигоро, бизлар Сенга иймон келтирганмиз, бас, «Гуноҳларимизни марфират айла ва бизни жаҳаннам азобидан**

асра!»дейдиган сабр-қаноатли, иймонларига содиқ, ибодат-итоатли, инфоқ-эҳсонли бўлган, саҳарларда Оллоҳдан марфират тилайдиган бандаларини кўриб тургувчидир». (**«Ол-и Имрон»** сурасининг 17-оятига қаранг.)

Ислон шариати қонунларида эрнинг хотинига, фарзандларига, ота-она, бобо-момоларига, яқин қариндошларига берадиган нафақалари, уларниш миқдори ва шартлари аниқ баён этилган.

Оила ичидаги мулкый муносабатларда мероснинг ўрни катта. **Мерос** деб ворис қолдирувчиларга тегишли бўлган мулкый ва шахсий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар йиғиндисига айтилади. Мерос вафот қилган одамнинг мол-мулкни ҳақдор оила аъзолари ўртасида тақсимланишини ўзида ифодалайди. Мероснинг тўғри тақсимланиши оила аъзолари ўртасидаги тотувликни таъминласа, нотўғри тақсимланиши уриш-жанжалларни келтириб чиқариши мумкин.

Бизда собиқ тузум даврида мерос тақсимотиға эътибор берилмаслиги натижасида кўп оилавий можаролар, ака-ука, опа-сингилларнинг умрбод бир-бирлари билан тескари бўлган ҳоллари кўп бўлган. Энди истиқлол туфайли мусоффолашаётган шарқий, янги миллий маънавиятимиз мерос масаласида ислоний адолатни ўрнатиш имконини бермоқда.

«Қуръони Карим»да, Ҳадиси шариф ва шариатнинг **фикҳ** китобларида мерос ҳақида етарли маълумотлар берилган. **"Нисо"** сурасида мерос оила аъзолари ўртасида қандай тақсимланиши аниқ кўрсатилган. Пайғамбаримиз ўзининг бир қанча ҳадисларида «қуръони Карим» таълимотидаги меросға оид фикрларни кенг шарҳлаб берганлар. Ислоний фикҳ китобларида мерос тўғрисида анча чуқур маълумотлар берилган. **"Мухтасар"да** таъкидланишича, агар вафот этувчи тириклигида мол-мулкни ворисларига васият қилиб қолдирмаган бўлса, қолган мол-мулкидан аввал вафот қилувчининг қарзи тўланиши, қолган мол-мулкни эса меросхўрларига «Қуръони Карим»да белгиланган тартибда

тақсимланиши кўрсатилган.

Поклик-иқтисодиётни ривожлантириш омили. Жамиятда одамлар, жамоалар, минтақалар ва давлатлар ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида ўзаро иқтисодий муносабатда бўладилар. Бу муносабатлар қанча ҳаюл бўлса, муносабатда бўлган томонлар ундан шунча кўп наф кўрадилар. Аксинча, муносабатларга нопоклик, бир-бирини алдаш, қаллоблик аралашса, уларда бир-бирига ишончсизлик пайдо бўлади, ўзаро иқтисодий алоқалар бузилади. Бир-бирига шартлашилган маҳсулотларни ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бермаслиги натижасида ишлаб чиқариш жараёни ишдан чиқади, истеъмол буюмларининг такчиллиги вужудга келади, ишсизлик кўпаяди.

Шунинг учун ривожланган мамлакатлар ўзаро иқтисодий муносабатларнинг ҳаюл бўлишига катта эътибор берадилар.

Собиқ Иттифок даврида иқтисодиётни ташкил этишнинг маъмурий буйруқбозлик усули ва одамларнинг руҳида шаклланган коммунистик имонсизлик шароитида иқтисодий муносабатларда бир-бирини юлиб қолиш одат тусига кириб қолди.

Мамлакатда иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун айтиб ўтилган иллатлардан тезроқ қутулиш зарур. Президентимиз И.А.Каримовнинг айтишича: «Бозор муносабатларига ўтиш ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиқни ёки кўнглига келган ишни қила берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муносабатларига алоҳида аҳамият бераямиз». (И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». 141-бет.)

Маънавий-руҳий тикланиш ва покланишда мусулмончилик йўл-

йўриқлари катта роль ўйнайди. Иймон, эътиқод бандаларнинг дилини пок қилади. Дили пок киши ҳар қандай гуноҳни қилишдан қўрқади. Ёлғонсўзлаш, одамларни алдаш, ўғирлик, порахўрлик қилиш, фоҳишабозлик, ичкиликбозликдан ўзини тияди. Дили билан сезиб турадики, у нима қилса, худо кўриб туради. Бундай одам иқтисодий муносабатларда ҳеч қаллобликка йўл қўймайди.

Одамнинг дили покланиши учун у «Қуръони Карим»нинг оятлари, Пайғамбаримизнинг ҳадислари, илоҳиётчи олимларининг ҳалоллик, поклик тўғрисидаги панд-насиҳатлари билан таниш бўлишлари керак. Зеро, Ислом поклик дини, "Қуръони Карим" поклик китобидир.

«Қуръони Карим»нинг жуда кўп оятларида мусулмонлар поклик ва ҳалолликка даъват этилади. **«Бақара»** сурасининг 2—3-оятларида «...ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган ва биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар — йўлбошчидир», дейилган. Кўпгина оятларда қалб поклиги, дидорлик ва хидоятда юришдан ризқнинг мўллиги, фаровонлик ва серобчилик келиб чиқиши таъкидланган. Жумладан, **«Аъроф»** сурасида: «...сиймоларцдан таниб олган кишиларига (яъни дўзахиларга) нидо қилиб дейдилар: «Тўплаган молу дунёингиз ва қилган кибру ҳавойингиз сизларга асқатмабди-ку», дейилган. Шунга ўхшаш оятлар «Моида», «Ҳуд» ва бошқа сураларда ҳам бор.

Демак, қайси халқ Оллоҳдан қўрқса, яхши амалларни қилса, адолат ва омонликни жорий қилса, Оллоҳ у халқни ер юзида пешқадам қилиб қўяди. У халқ, фаровонлик, тараққиёт ва бахтли ҳаётга эришади.

"Тағобун" сурасида шу нарсга огоҳлантириладики, мол-мулк киши учун синовдир. қўлига мол-дунё келганда ҳам ховлиқмасдан, тўғри йўлда сарфласа, ибодатини вақтида қилса, улкан савобларга эга бўлади. Аммо дунёга берилиб йўлдан адашса, ҳаром-ҳариш ишларни қилса, мол топиш учун гуноҳ йўлларга ҳам кираверса, унда синовдан ўта олмаган бўлади ва

гуноҳига яраша жазосини олади.

«Қуръони Карим» да огоҳлантирилишича, одам ўзининг хавои нафсига қул бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай одамларни "Нафс бандаси" ҳам дейилади. Бундай ҳолда у зикр этилган нарсаларга эришиш учун ҳеч қандай йўлдан, ҳеч қандай гуноҳдан қайтмайди. Пайғамбаримиз ўз ҳадисларидан бирида: «Динор ва дирҳам бандаси бадбахтликдир», деганлар.

«Қуръони Карим» назарида, бойлик- бу дунё ҳаётининг ўткинчи хою хавасларига, бойликка, ўйин-кулгига эмас, балки Оллоҳнинг мағфиратига ва жаннатга элтувчи яхши амалларга қаратилиши керак. Зеро, Пайғамбаримиз айтганларидек, «Оллоҳ таоло сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва қилаётган амалларингизга қараб баҳо беради».

Ижтимоий ҳимоя масалалари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг муаммоларидан бири аҳолининг табақаланиши, одамлар ўртасида турмуш даражаларида фарқ (баъзан кескин фарқ) вужудга келишидир. Бу муаммони ҳал қилиш учун муҳтож кишиларни жамият томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини вужудга келтириш зарур. Ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ўз-ўзидан ғайриихтиёрий тарзда амал қиладиган иқтисодий механизм, давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати ва ислом шариати амалларидан иборат бўлади.

Аҳолининг муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан бу ишларга бойларнинг эътиборини жалб этиш, уларни фақир-мискинлар, етим-есирлар, бева-бечораларга садақа, хайри эҳсон қилишга сафарбар этишга боғлиқ. Бу мақсадга эса уларни мажбур қилиш йўли билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун аҳолининг бадавлат қисмини «қуръони Карим» оятлари ва Пайғамбаримизнинг бу тўғридаги ўғитлари билан таништириш зарур.

«Қуръони Карим»нинг жуда кўп оятларида мусулмонларни, айниқса,

бойларни етим-есирлар, бечора-мискинларга ҳайри эҳсон қилиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришга чақирилади. «**Моъувн**» сурасининг 2—3-оятларида: «Бас, бу етим-есирни ҳайдаб соладиган ва мискин-бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир», деб таъкидланади. Мусулмонлар эса муҳтожларга доим ёрдам берадилар, дейилади. Бу сурада ўзлари ёлғиз бўлганларида намоз ўқишни унутиб қўядиган ва фақат эл кўрсинга намозхон бўлган ҳамда қўни-қўшни, ҳамсоялардан одатда ўртада ишлатиладиган энг арзимас рўзғор буюмларини ҳам аяйдиган рийёкор ва хасис кимсалар ҳақиқа дуойибад қилинади ва бу билан етим-бечораларга мудом ёрдам қўлини чўзадиган, тоат-ибодатни ёлғиз Яратганнинг ризолигини кўзлаб бориб қиладиган хайр-саҳоватли зотларгина ҳақиқий мумин мусулмонлар эканлиги таъкидланади.

Айтилишича, одамларнинг бир қисми бойлик келганда ўзини йуқотиб қўйишади, хаддан ошишади, кекқайиб бошқаларни, айниқса, камбағалларни назар-писанд қилмай қўйишади. Бойликка уч одам ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бўлиб қолади. Ҳатто «Пулим мени дунёда абадий сақлаб қолади», деган эътиқодга ҳам олиб келади. Улар мол-мулкини тез-тез санаб, хузур қиладилар.

«Қуръони Карим»да бундай одамларни тезда эс-хушини йиғиб олиб, ҳақиқатни тўғри тушунишга чақиради. Мол-дунё инсон учун абадий эмаслиги, ундан тўғри, ўринли фойдаланиш зарурлиги, ортиқча хою хавасларга берилмай, кераксиз дабдабаларга сарфламай, ундан ўзининг ҳақиқий манфаати учун, яъни бу дунёдаги вақтинчалик айш-ишратларидан кўра, оҳиратда ўзига манфаат етказадиган ишларга, хайру эҳсонларга сарфлаши лозимлиги уқтирилади, сарфларининг ичида энг аълоси Оллоҳга бериладиган қарз эканлиги, бу «яхши қарз» эканлиги таъкидланади. «Яхши қарз» деганда камбағал-муҳтожларга бериладиган қарз, яъни қарз эвазига устама талаб қилмай бериладиган қарз, яна бошқа ерда эса етим-есирларга қилинадиган эҳсон эканлиги тушунтирилади. Бундай

қарзни Оллоҳ ўзига берилган қарз деб ҳисоблайди. Бундай қарз берганларга бу дунёда қарзини бир неча баробар ошириб (ўн ва етти юз мартагача кўпайтириб) қайтаришга, у дунёда эса (оҳиратда) жуда катта ажри-изимлар берилишига ваъда қилинади.

Ҳадиси қудсийда Оллоҳи таоло: "Эй одам фарзанди, Ўзим берган мол-дунёдан ҳақимга закот ажратиб фарзимни адо этмасанг, фақир ва мискинлар ҳақини ушлаб турадиган бўлсанг, билгинки, мажбуран мол-дунёнингни тортиб оладиган золимларни юборурман. Улар қўлига ўтиб кетган молинг учун ҳеч қачон ҳеч қандай савоб ололмайсан», дейди.

Зеро, ўзини мусулмон, худонинг бандасиман, дейдиган киши эсхушини йиғиб, фойда ва зарарни ажратиши, зарарли мол-дунё қули бўлишдан фойдали саховат йўлига кириши керак.

Пайғамбаримизнинг «Қуръони Карим»га асосланган жуда кўп ҳадисларида камбағалларга, мискинларга, етим-есирларга инъом-эҳсон қилиш мумин-мусулмонларнинг бурчи эканлиги қайта-қайта таърифланган. Бир ҳадисда: "Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити камбағал-бечораларни яхши кўрмоқликдир», дейилган. Яна бир ҳадисда: «Нуқсонсиз бўла туриб камтарин, ўзини ўта мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган молларидан эҳсон қилувчи, илму ҳикмат билан аралашиб юрадиган, мискин ва бечораларга разулу шафқат қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлур», дейилса, яна бир ҳадисда: «Оллоҳтаолонинг қавми яхши кўрган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизча ҳаргиз ҳайриятга эришмағайсиз ва Оллоҳ нимаики эҳсон қилсангиз, уни билиб тургай», дейилган.

Ислом таълимотига оид кўп манбаларда садақа, эҳсонларнинг самарали бўлиши; ундан кўп савоб олиш учун уларни хўжакурсинга бойларга, тўқларга эмас, балки мухтожларга берилиши зарурлиги уқтирилади. Бундай хайру эҳсонларнинг турлари кўп. Улар тўғрисида «Қуръони Карим» оятларида ҳам, Ҳадиси шарифларда ҳам, шариат

қонунларида ҳам кўп гапирилган. Закот, фитр садақаси, ушур, нафл садақа, назр ва ақиқа, курбонликлар тўғрисида батафсил тушунча берилган.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, Ислом динида бева-бечора, етим-есир, фақир-мискинларга бой, ўзига тўқ одамлар томонидан хайр-эҳсон қилиб турилиши зарурлигига жуда катта эътибор берилган. Бу заруриятни дилга жо қалган ҳар бир мусулмон киши ўз бойлигидан Ислом қоидаларида белгиланган миқдорда ажратиб, закот, ушур, фитр, фидя, назр, ақиқа ва садақларни муҳтожларга бериб турса, уларнинг турмуши анча яхшилانган, эҳсон қилувчилар эса қанча савобга эга бўлиб, гуноҳлардан ҳоли булар эди.

Исрофгарчилик-гуноҳи азим. «қуръони Карим»нинг бир қанча оятларида исрофгарчиликка йўл қўймай, Оллоҳ берган неъматлардан унумли фойдаланишга чақирилади. **«Аъроф»** сурасида: «Эй, Одам болалари, ҳар бир сажда чоғда зийнатланингиз ҳамда еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, У (Оллоҳ) исроф қилгувчи кимсаларни севмас». «Айтинг: Оллоҳ бандалари учун чиқарган безак ва ҳалол-покризқларни ким ҳаром қилди?!. Айтинг: Улар ҳаёти — дунёда иймон эгалари учун қиёмат кунида эса фақат ўзларига хосдир», дейилган. (31—32-оятлар.)

Ҳадиси Кудсийда Оллоҳ таоло бандаларига хитоб қилиб, «Эй одам фарзанди, қачонки сенга мол-дунё мулк-кўл кела бошласа, уни исроф қилмасдан яхши йўлларга сарф қил. Ўлимни эслаб, ҳаромдан сақлан», дейди. Яна: «Эй одам фарзанди, билгилки, бу дунёда тўплаган бойлигинг меросхўрларингга қолади. Ундан емоқ, ва ҳузурини курмоқ кўпинча бошқаларга насиб бўлур. Унинг ҳисоб-китоби ва надомати эса сенинг бўйинингга тушгай. қабрда сенга фақат ҳаётлик вақтингда қилган яхши амалларинггина ёрдам бергай», деб уқғирилади.

Имом Исмоил ал-Бухорий келтирган бир ҳадисда **Расулуллоҳ:**

«Сизларнинг учта ишингиз учун Оллоҳ таоло рози ва учта ишингиз учун ғазаблик бўлади: **биринчиси**, ибодатни Оллоҳнинг ўзигагина қилиб, ибодатга бошқа нарсаларни унга шерик қилмаслигингизга, **иккинчиси**, Оллоҳ таолонинг динига—қуръонига эътқод қилмогингизга, **учинчиси**, Оллоҳ таоло сизга бошлиқ қилиб қўйган кишига хайрихоҳ бўлмогингизга рози бўлса, булар-бўлмас гапни нақл қилиб юрмогингизга, кўп суриштиравермаслик ёки сўрашлик (гадойлик қилиш) ва молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилмогингизга ғазабланади», — дедилар.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, «қуръони Карим» оятлари ва Пайғамбаримизнинг ҳадисларида тежамкорликнинг фойдаси ва исрофгарчиликнинг зарари тўғрисида кўп ўғитлар берилган. Исломда ҳар қандай исрофгарчилик—увол саналиб, увол қилганлар гуноҳкор ҳисобланганлар. Пайғамбаримиз ўз ҳадисларидан бирида: «Исроф қилувчилар шайтонни биродарлари (дўстлари)дир», деганлар.

Исрофнинг баъзи турлари **фикҳ** китобларида шундай баён қилинади:

1. Пешона тери тўкиб етиштирилган ҳар қандай неъматни эҳтиёжингизга яраша истеъмол қилинг. қорнингиз тўйдими, ортиқча еган лўқма ҳам исрофдир.

2. Овқат қилган идишингизнинг тагида бирор қошиқ овқат қолса — у катта исроф, ҳатто идиш тагида қолган ёғ ёки юқи ҳам исроф, яланг, идишни тозалаб қўйинг. Ҳар гал идишнинг тагида овқат қолдириш мутакаббирлар ишидир.

3. Дастурхонга тўкилган бир дона нон ушоғи ҳам исрофдир. Олиб ёб қўйинг.

4. Маросимларда ортиқча нон-ош тортишлар, ейилмай қолса тўкиб юборишлар жуда катта гуноҳларга сабаб бўладиган исрофгарчиликдир. Жавобгарлик ўша издҳом-маросимларнинг мутасаддилари зиммасига тушади.

5. Кибр-ҳавога берилиб, «Одамлар мени мақтасин», деган мақсадда

қилинган ҳамма ҳаражатлар ҳам исрофдир.

6. Ўзига ортиқча зеб бериш мақсадида ўта қиммат-баҳо ҳарир либослар ва тақинчоқлар сотиб олиб, кийиб-тақиб юришлар ҳам исрофгарчиликдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳивасаллам ўз ҳадиси муборакларидан бирида, «Оллоҳ, таоло молни ноўрин ерларга сарф қилиб, зое қилмоғингизга ғазабланади», — дейилган. Исломда ҳар қандай исрофгарчилик увол ҳисобланиб, увол қилганлар гуноҳкор бўлади, деб уқтирилади.

Ҳозир халқимиз иқтисодий мустақилликка эришиш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўли билан фаровонликка эришиш учун курашмоқдалар. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг асосини икки манба: бойликларни кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш ташкил этади. Бу нарса жамиятга, меҳнат жамоасига ва ҳар бир оилага тааллуқлидир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, модомики халқимизнинг фаровон яшаши учун зарур бўлган неъматларни Оллоҳ таоло томонидан берилган ризқ деб ҳисоблар эканмиз, улардан Худони ўзи буюрганидек фойдаланишимиз, уни исроф қилмаслигимиз, ҳалолни ҳаромга чиқармаслигимиз керак. Бунинг учун ҳаммамизда иймон, эътиқод бўлиши керак.

Раҳбарликда ҳалол бўлишлик масаласи. Иқтисодиёт тизимида раҳбарлик (бошқарув) катта ўрин тутати. Бошқарувнинг тўғри ташкил этилиши иқтисодиётни соғғломлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, тараққиётини тезлаштиришини таъминлайди. Бунинг учун иқтисодиётни бошқаришда истеъдодли, билимдон кадрларга таяниш керак. Улар ҳалол-пок, масъулиятли, инсофли, виждонли, ўз манфаатини халқ манфаатидан, жамият манфаатидан юқори қўймовчи бўлишлари керак.

Исломда давлатнинг хўжалик турмушини тартибга солишдаги ролига

катта аҳамият берилади. Унда давлат табиий бойликларнинг тақсимотчиси сифатида ҳам, иқтисодий камчиликлардан ва табиий бойликларга монополиялардан асровчи сифатида ҳам, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи сифатида ҳам, уларнинг эгаси сифатида ҳам майдонга чиқади.

«Қуръони Карим»да раҳбарларнинг масъулияти ва ҳалол-пок бўлишлари тўғрисида кўп гапирилган. «Қуръон»да кўрсатилган ана шу йўлдан одамларни бошлаб бориш учун раҳбарлар иймон-эътиқодли, ҳалол-пок бўлишлари керак. Бу борада бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг барча ишларида «қуръон»га суянгани раҳбарлар учун ибратлидир.

«**Бақара**» сурасининг 213-оятда айтиладики: «...Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг (ораларида келишмовчиликлар пайдо бўлгач), Оллоҳ, (мўминларга) хушхабар элтувчи ва (кофирларни жаҳанном азобидан) қурқитувчи пайғамбарларини юборди ва уларга қўшиб одамлар орасида чиққан тортишувларга ҳакам бўлсин, деб Ҳақ Китобни (Таврот, Инжилни) нозил қилди. Энди очиқ оятлар келганидан кейин, фақат шу Китоб берилган кимсалар ҳадларидан ошиб, талашиб-тортишдилар. Сўнгра Оллоҳ Ўз изни билан мўминларни улар (Китоб берилган кимсалар) ихтилоф қилган ҳақ йўлга йўллади. Оллоҳ, Ўзи истаган кишиларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилади».

Одамлар ўртасида келиб чиқадиган ихтилоф ва келишмовчиликларни бартараф қилиб, уларни тўғри йўлга бошлаш учун Оллоҳ таоло ер юзига Пайғамбарларни юборган, одамларнинг айримларини уларга бошлиқ (раҳбар) қилиб қўйган. Уларга дастуриламап бўлиши учун «Қуръони Карим»ни нозил этган. Шу «Қуръон»да кўрсатилган йўлдан одамларни бошлаб бориш учун раҳбарлар иймон-эътиқодли, ҳалол-пок бўлишлари керак.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан

бирида: «Подшоҳларингиз яхши одамлардан, бойликларингиз сахий ва ишларингиз эркаклар билан бамаслаҳат бўлса, Сизлар учун ернинг остидан кўра усти афзалдир. Акс ҳолда ернинг устидан осмон афзалдир», дейилган. Дарҳақиқат, раҳбарлар золим, меҳрсиз, адолатсиз, порахўр кишилардан бўлса, фуқаронинг ҳолига вой. Бундай раҳбарларга қарши Пайғамбаримиз: ... «Эй Парвардигор, умматларимнинг бирор ишига ҳоким бўлган киши уларга жабр қилса, сен ҳам жабр қил. Агар у уларга яхши муомалада бўлса, сен ҳам унда шундай (яхши муомалада) бўл», дейди.

«Қобуснома»да давлат хизматида банд бўлган мансабдорларнинг сифатлари, вазифалари, масъулиятларига катта эътибор берилган. Уларга қарата, «Давлатга, неъматга молик бўлганингдан сўнг ҳалойиққа наф еткурғил, саховатни халқдин дариг қилмағил», дея насҳат қилади. Давлат ишида ҳамиша барқарор бўлишнинг шарти сифатида Расул алайҳиссаломнинг катта амакиси ҳазрати Аббоснинг ўз ўғли Абдуллоҳга айтган қуйидаги насиҳатларини эслатади: «Эй фарзанд, билгинким, бу киши, яъни Умар сенга эътиқод қилди ва барча халқдин илгари тутди. Энди, агар (сенга) душман ғолиб бўлмасин десанг, **беш хислатни** маҳкам тутғил, шунда сен ҳамиша иймонли бўлғайсан. **Биринчиси** шуки, ҳаргиз ёлғон сўзламағил, **иккинчиси**, подшоҳ олдида ҳеч кишининг айбини айтмағил, **учинчиси**, подшоҳга ҳеч вақт хиёнат қилмағил, **тўртинчиси**, подшоҳнинг фармониға хилоф иш қилмағил, **бешинчиси**, подшоҳнинг сири, ҳасрати, кучсизлигини ҳеч бир одамга айтмағил, не учун-ким, киши бу беш хислат билан ўз мақсадига етса бўлур».

Давлатни бошқаришда бобокалонимиз АмирТемурнинг «Тузуклари» ҳам катта қўлланмадир. «Темур тузуклари» подшоҳларнинг туриш-турмуши ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисоладир. Амир Темур «Тузуклари» да давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сақлаш, сипохийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат

арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради. Амир Темур «Тузуқлари» да солиқ ва жарималар ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар бор.

Ислохотларнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тadbиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир. «Раҳбарлик—лавозим, мансаб эмас, аввало одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак», деган эди Президентимиз И. А. Каримов. (Ҳалоллик ва фидойилик — фаолиятимизнинг асосий мезони булсин». 1994. 24-бет.)

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизга Оллоҳ қўйган талаб битта — иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш. Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман хокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки оддий деҳқонми — мартабаси ва касбидан қатъи назар, ўзини ҳаром-ҳариш ишлардан тийиши, ҳар бир инсон юртимизни обод қилишга улуш қўшиб, шу обод юртда савоб ишлари билан ўзидан яхши ном ва яхши из қолдириб, Оллоҳ ва эл-юрт олдидаги муқаддас бурчини адо этиши шартдир.

2. «Ҳадислар»даги иқтисодий қадриятлар

«Иқтисодий таълимотлар тарихи»ни ўрганишда ислом иқтисодий қадриятлари энг йирик манбаларидан бири **"Қуръони Карим"** бўлса, кейингиси Ҳадиси **шарифдир**. Ушбу манбалар ўзининг ҳаётийлиги билан фақатгина Уйғониш даври Ўрта Осиёдаги, Амир Темур ва темурийлар

даври, XX аср бошларидаги ўзбек иқтисодий таълимотларидагина эмас, балки Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий таълимотларни яратишда ҳам эътиборга олинаётгани Ҳадисдаги иқтисодий қадриятлар катга ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳадисларнинг яратилишига ҳам даставвал «Қуръони Карим»ни яратишни тақозо этган шарт-шароитлар сабабчи бўлган. Ислом динининг яратилиши, уни қисқа давр ичида катта ҳудудларга, турли тилларда сўзлашадиган, ҳар хил миллатга мансуб бўлган халқлар томонидан қабул қилингани ва улар сафининг тобора кенгайиб бориши натижасида улар урф-одатлари ва яшаш шароитларида катта фарқ борлиги, уларнинг баъзиларини бошқаларидан «афзал» бўлишига йўл қўймаслик, лекин ҳаммани адолатли ва тенг яшашини таъминлаш, ҳар хил жанжал ва уришлар бўлишига йўл қўймаслик, хуллас, бир тартибга солиш мақсадида яратилган. Ҳадис оятларини юксак савияда ўзлаштириб олган мазҳаблар пайдо бўлиб, улар ўз даврининг буюк олимлари сифатида кишиларга ҳадис дапиллари асосида ҳидоят йўлини кўрсатиб бердилар.

Ҳадис ислом динининг «Қуръони Карим»дан кейинги асосий эътиқодлик манбаларидан бўлиб, у Пайғамбаримизнинг айнан айтган сўзларининг ўзгинасидан ёки бажарган ишларининг саҳобалар томонларидан ўз кўзлари билан кўриб бизгача етказган атамаларидан иборатдир. Ҳадиси шариф «Қуръони Карим» оятларини изоҳлаш ва уларнинг том маъноларини англаш, диний ва дунёвий ишларимизни тўғри, шариатга биноан амалга оширмақ учун гўёки шамчироқдир. Ислом оламида **Ҳадиси шариф** жам этилган олти китобни, уни сиҳоҳи ситта ҳам деб атайдилар, мўътабар китоб, деб юритадилар. Уларнинг мусаннифлари: Имом Малик бин Анаса, Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим бин-Ал Ҳажжож, Имом Абу Довуд, Имом Аҳмад бин Шуайб Ан-Насаи, Абу Исо Ат-Термизийлардир (Оллоҳ уларнинг барчаларини ўз раҳматига олсин). Биз қуйида Пайғамбаримиз ҳадисларида баён қилинган айрим иқтисодий

тафсилотлар намуналаридан келтиришни лозим топдик.

Бозордаги муносабатлар ҳақида. Бозорда ҳар хил истеъмол неъматлари сотилади. Бироқ, айнан бир хил истеъмол буюмлари ҳам алмашиши мумкин. Пайғамбаримиз қимматбаҳо металлар савдоси мисолида буни тушунтиради.

Бу ерда шунга эътибор бериш керакки, олтинни олтинга сотиш мумкин, лекин қандай кўринишда, оғирликда, бунда бирор томон афзалликка эгами? Кумушни олтинга, олтинни кумушга сотиш мумкинми?

«Олтинни олтинга (улар танга ёки бирор буюм шаклида бўладими ёхуд қуйма бўладими, бундан қатъи назар) бир-бирига тенг оғирликда сотингизлар, бирини иккинчисидан афзал қилмангизлар. Кумушни кумушга ҳам айнан шу тарифа сотингизлар! Савдолашиб тўрган ерингиздан жилмай туриб, бир-бирингизни молингизни қўлга олингизлар!" (Ҳадис, Т., 1997, 2-том.)

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, сотувчи ҳам ўз молининг айбини яширмаслиги, ҳарид қилувчи ҳам пул беришда фирромлик қилмаслиги лозим, фақат шундагина савдода барака бўлади, агар ҳар иккала томон ҳам бир-бирини алдаса, фирромлик қилса, бу савдо ҳалол савдо эмас. Савдо ҳалолликни ёқтиради ва шунинг учун сотувчи ҳам, олувчи ҳам рост гапириши шарт.

Савдо-сотикдаги ҳалолликда дастлаб сотувчининг ўз молига адолатли, инсофли, ҳар иккала томонга ҳам манзур буларли даражада нарх қўйиши билан бошланади. Чунки сотувчи мол эгаси бўлгани учун дастлабки нархни ҳаридорга биринчи бўлиб таклиф этишга ҳақлидир.

Сотувчи билан ҳаридор молнинг ўзлари ихтиёр қилган нархини савдолашиб тўрган жойларини тарқ қилгунларига қадар бир-бирларига таклиф қилмоқлари лозимдур. Ҳар иккала томон ўртасида савдо ихтиёрий бўлиши керак. Савдо-сотикдаги ихтиёрийликнинг асоси деб савдолашиб турилган жойдан бир қадам бошқа жойга жилмай туриб савдо шартларини

аниқ келишиб олишни ва шу ернинг узида олди-сотди муносабатларини бевосита содир бўлгани деб тушунмоғимиз лозим. Демак, савдо-сотик қилиш тўғрисида сотувчи билан ҳаридор аниқ бир белгиланган жойда (бозор ёки бошқа бир ўзаро келишил-ган жойда) содир бўлишининг зарурлигини ҳаётнинг ўзи азалдан тақозо этган.

Сотувчи билан ҳаридорнинг ихтиёрий равишда савдо-сотик ишида бир-биридан рози бўлиши савдони ҳалол ва ҳар иккала томон учун ҳам адолатли бўлганлигини билдиради. Ҳаридор талаби билан сотувчининг таклифи мувофиқ келиш жараёни (буни талаб ва таклиф мувозанати деб тушуниш мумкин) ҳар иккала томоннинг розилигини ифдаловчи пировард келишуви билан содир этилган бўлади. Битишаётган жойдан жилмай ҳаридор сотувчига «Мен таклиф қилган нархни ихтиёр қилсанг, сот!» — демоғи ёхуд сотувчи ҳаридорга: «Мен таклиф қилган нархни ихтиёр қилсанг, ол!» — деб айтмоғи керак. Агар сотувчи билан ҳаридор ўртасида молнинг ўзлари ихтиёр қилган нархни бир-бирларига таклиф қилмасалар олди-сотди муносабатининг амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун агар сотувчи билан ҳаридордан қайси бири ўзаро савдолашгандан сўнг, иккинчисининг мол нархи хусусидаги таклифи қабул қилинган жараёнда савдо амалга ошган ҳисобланади. Буни янада аниқроқ изоҳлаш лозим бўлса, айтиш мумкинки, бири иккинчисининг мол нархи хусусидаги таклифни қабул қилгач, ҳар иккаласи савдолашиб, келишиб тўрган жойларини тарк қилса, савдо амалга ошган ҳисобланади. Бу хусусда 44-бобда: «Сотувчи билан ҳаридор молнинг ўзлари ихтиёр қилган нархини бир-бирларига уч бор таклиф қилмоқлари даркор»лиги кўрсатилиб, «Агар сотувчи билан ҳаридор ўзаро ҳалоллик қилсалар қилган савдолари баракали бўлур ва агар ўз фойдаларини кўзлаб, бир-бирларига ғирромлик қилсалар савдоларидан барака кўтарилур», деб таъкидлаб ўтилади. Олиб сотишнинг ўз чегараси бор ёки гуноҳи азимдир.

Савдо-сотик ишида баъзан ҳаридор бирор нарсани сотиб олиши

биланоқ шу захоти уни сотувчининг кўзи олдида, агар у лозим топса, бошқа бир одамга ҳадя қилиб юбориши ҳам мумкин бўлади. Бундай ҳолатда: «Агар ҳаридор сотувчини муайян бир нархга кўндириб, ундан бирор мол сотиб олса-ю, сўнг уни ўзга кишига сотиб юборса, жоиздур, (чунки) ул мол ўзининг мулки бўлиб, фойдаси ҳам ўзиникидир»(45-боб).

Ҳадисларда бир жойдан мол олиб, шу ернинг ўзида уни бошқаларга сотган олибсотарларнинг қилмишлари қораланади. Бу борада **"Бозорлар хусусида"** деган 45-бобда шундай ривоят қилинади: «Одамлар бозорга мол олиб келаётганларни тўхтатиб, улардан егуликлар сотиб олишар (ва ўшал ернинг ўзида уларни қайта сотишар эрди). Шу боисдан Жаноб Расулulloҳ ул олибсотарларга одам юбориб, таомни сотиб олинган ернинг ўзида сотишни маън қилдилар ва уни таом сотиладурғон жойга олиб бориб сотишни амр қилдилар». Шундай қилиб, олинган озиқ-овқатлари бирмунча вақт ўзида ушлаб турмай ва сотиб олинган еридан бўлак жойга олиб бормай қайта сотиш ман қилинади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ва олибсотарлик ҳақидаги ҳадисда озиқ-овқат маҳсулотларини кўтарасига сотиб олгач, уларни қўлларига олмай (ҳамда жойидан ҳам кўзғатмай) туриб, ўша ернинг ўзида бошқа одамларга сотган одамларни калтаклангани ёзилади. Бу ерда кимки таом (озиқ-овқат маҳсулотлари) сотиб олса, уни ушламай ва жойидан ҳам жилдирмай туриб бошқа кишиларга сотиш мумкин бўлмаганлиги кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, ушбу бобда бундай шароитда молни сотиш мумкин эмаслиги, бундай савдода дирҳамни дирҳамга (пулни пулга) сотилгандек бўлур, чунки сотиладиган озиқ-овқат маҳсулоти қўлдан қўлга ўтмаётганлиги боисидан савдода иштирок қилмаётгани асосий сабаб қилиб кўрсатиб берилади.

Ҳадисдаги ривоятларда: «Кимки бирор озиқ-овқат маҳсулотини кўтара сотиб олган бўлса, уни уловига ортмай (яъни сотиб олинган еридан бўлак жойга олиб бормай) туриб қайта сотиб юбормаслиги керак, чунки

тижорат одоби шуни тақозо қилур» (54-боб), дейилади. Амалда тижоратнинг бундай одобига қаттиқ амал қилинган, одобсизлик қилганларни эса калтаклаганлар.

Ҳалол савдо қилиш ҳосияти. Савдо-сотик ишларида амал қилинадиган шартлардан яна бири савдогар бошқа савдогарнинг савдосини бузмаслигидир. Бир савдогар бошқа савдогарнинг савдосига: биринчидан, токи ўзи рухсат бермагунча ва иккинчидан эса уодам савдони тарк этмагунча аралашмаслиги ва учинчидан эса, бирор молни сотиб олиш учун унинг савдосини айнитмаслиги лозим. Пайғамбаримиз: «Бирортангиз биродарингиз савдосини устига савдо қилмангиз!» (56-боб) деганлар. Бу гапдан бошқалар молини олиб қолиб қимматроқ нархда сотиш, алдаш мақсадида нархни атайлаб ошириш, савдогар савдоси устига савдо қилишга йўл қўймаслик каби мазмунлар ётади.

Савдо-сотик ишида судхўрлик қораланади, 22-бобда: «Судхўр бўлган кимсалар қиёмат куни жин чалган мажнун каби турадилар», дейилиб, судхўрлар учун у дунёда ҳам жазо борлиги айтилади. 23-бобда судхўр хусусида гап кетиб, «Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан ҳам мўмин бўлсангиз, судхўрликни тарк қилингиз! Агар (фармонимизни) бажармасангиз, у ҳолда Оллоҳ ва унинг Расули томонидан (сизларга) уруш эълон қилинур. Агар тавба қилсангиз, сармоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмас. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутингиз. Агар билсангизлар, (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшидир. Ва (барчангиз) Оллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра, ҳар бир жонга қилган амалига яраша тўла жазо берилур ва ҳеч кимга зулм қилинмас», дейилади.

Судхўрликдан олинган фойда ҳалол фойда эмас ва шунинг учун унинг баракаси ҳам бўлмайди. «Оллоҳ, судхўрликдан орттирилган фойдани йўқ қилиб (яъни, судхўрга юқтирмай), садақаларни (яъни, уларнинг савобини) зиёда қилур. Оллоҳ ҳеч бир кўрнамак (судхўр) гуноҳкорни севмас».

Савдодаги (ёлгон) қасам, гарчи молнинг бозорини қилсада, баракани йўқ қилур.

Ғирромлик қилиш ҳам судхўрликнинг бир кўриниши сифатида қораланади.

Кўпинча савдода алданган кишилар шикоят қилганларида: «Пайғамбаримиз уларга: «Ҳар сафар савдо қилаётганингда: савдода алдов йўқ, деб қўй», деб савдо қилиш кераклигини маслаҳат берганлар» (46-боб).

Бўнак (аванс) –хадисий қоида. Ҳадисда бўнак бериб мол олиш ҳақида ҳаммаси бўлиб 8 та бобдан иборат бўлган кичик китоб ҳам берилган бўлиб, унда бўнак (аванс) бериб мол олишда кафолат бериш, молнинг бир қисмини маълум муддатда узиш шarti билан мол олиш каби ҳолатларни адолатли ҳал этиш усуллари кўрсатиб берилган.

Китобнинг 2-бобида Пайғамбаримизнинг Мадинага келиши хусусида гап кетганда, одамлар бўнак (аванс) бериб, қолган ҳақини бир-икки йил ичида ўз шarti билан самар (дон-дун, мева-чева ва сабзавот) бериш одати мавжуд бўлгани ёзилади. Пайғамбаримиз одамларга янада қулайроқ бўлиши ва масалани адолатлироқ ҳал этиш мақсадида: «Кимки бўнак (аванс) бериб, қолган ҳақини эрса маълум муддатда узиш шarti билан хурмо (ва ундан бўлак нарсалар) оладирган бўлса, ўлчанадирганини ўлчаб, тортиладирганини тортиб олсин», деб ўз маслаҳатини беради (48-бет). Шунингдек, ушбу китоб Пайғамбаримиз даврларида одамлар бўнак (аванс) бериб, қолган ҳақини маълум муддатда узиш шarti билан маҳсулотларини ўлчаб, тарозида тортиб олингани, насиёга таом сотиб олишда қолган ҳақнинг кафолати учун темир совутлар гаровга қолдирилгани каби ривоятлар бор. Булардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирги пайтда ҳам кишилар ўртасида маълум муддатни келишиб олиб, бир-бирларига ер ёки пул қарз бериб, унинг эвазига ёки бир қисмига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳайвон ёки бошқа товар олиш одати жуда қадимдан мавжуд бўлган ва у кундалик ҳаёт тақозо этган

талаблар асосида тобора такомиллашиб бормоқа.

Ҳадисларда жуфъа китоби ҳам берилган бўлиб, ундаги учта бобда жуфъанинг моҳияти ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Унда тақсимланган, ҳали чегараси аниқ белгиланмаган умумий мулкда жуфъа ҳуқуқи борлиги, лекин улар тақсимланиб, чегаралари аниқ белгиланиб, унинг эгаси аниқ бўлса, бу ҳуқуқнинг барҳам топиши хусусидаги фикр талқин этилган.

Жуфъа иқтисодий ва ҳуқуқий аснода ерлари туташ бўлган қўшнилارнинг бир-бирларининг уй ва ерларини ҳамда бирор мулкка шерик ёхуд бирор мулкда улуши (насибаси) бор кишиларнинг бир-бирларининг улуш насибаларини биринчи бўлиб сотиб олиш ҳуқуқларини билдиради (50-бет). Бу ерда биринчи бўлиб улушни ким сотиб олиш ҳуқуқига эга эканлигига эътиборни қаратиш лозим ва бундай фикрга китобнинг 2 ва 3-бобларида берилган ривоятларда янада аниқлик юритилиб, қўшнисининг ижозатисиз ўз уйи ва ерини, шеригининг рухсатисиз ўз улуши (насибаси)ни сотолмаслиги, сотганда ҳам агар иккита қўшнининг қай бирининг эшиги ўзингга яқинроқ бўлса, фақат унга бошқаларга қараганда арзонроқ нархда сотиш лозимлиги кўрсатилган. Бунда Пайғамбаримизнинг: «қўшни қўшнига уй-жойларининг туташлиги бирлан бошқалардан кўра ҳақлироқдур», деган маслаҳатлари ҳеч қандай жамоага тегишли бўлмаган, тақсимланмаган умумий мулкка нисбатан жуфъа ҳуқуқига асос қилиб олинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳадисда баён этилган ривоятлар ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳозирги иқтисодий муносабатларда ҳам, маҳалла кўйларда удум бўлиб ўтказилиб келинаётган турли хил расм-русумлар ва тадбирларда ҳам қўшничилик муносабатларидаги ахил-иноклик, иқтисодий ночор оилаларни қўшнилар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маҳалла кўмиталари томонидан берилаётган турли ёрдамлар, ҳадисларда илгари сурилган иқтисодий фикрлар ҳозирги пайтда ҳам ўз ифодасини йўқотмаган.

3. «Мухтасар» асарининг иқтисодий ғоялари

"Мухтасар" муслмон оламининг энг машхур асарларидан бири бўлиб, у Али ибн Абу Бакр Марғилонийнинг қаламига мансубдир. Бу китоб дастлаб «Ҳидоя» деб аталар эди, унга жуда кўплаб шархлар ёзилган. Шулардан бири Убайдуллоҳ ибн Масъуд томонидан ёзилган шарҳ бўлиб, у «Мухтасарул виқоя» деб номланган. У бизнинг ўлкамизда кенг тарқалган бўлиб, ўтган аср охирида Санкт-Петербургда, асримиз бошида Тошкентда ва бошқа жойларда туркий тилда босилиб чиққан. Ушбу асар Шаҳобиддин ибн Абдулазиз томонидан туркий тилга таржима қилинган ва у ҳозир «Мухтасар» (Ихчам) номи билан босмадан чиқарилди.

Бу асарнинг аҳамияти аввало шундаки, унда ислом қоидаларига мувофиқ қонун-қоидалар, шу жумладан, иқтисодий муносабатлар ҳам ихчам шаклда баён қилинган. Ушбу китоб Шарқ иқтисодий таълимотини билиб олишимиз, ўрганишимиз, ундан ҳозирги замон иқтисодий муносабатларини ўрганиш ва иқтисодий тафаккуримизни ислом иқтисодий қарашлари билан бойитиб боришимиз учун ғоятқимматли дастуриламалдир. Шу билан бирга унинг кўп қоидалари мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар билан, йўлга қўйилаётган иқтисодий таълим соҳасидаги ишларимиз билан ҳамохангдир.

Асарнинг энг қимматбаҳо томонларидан бири, бизнинг назаримизда, унда ижара муносабатлари ғоят кенг, мукаммап баён қилинганидир. Китобда ижаранинг хўжалик фаолиятини ташкил этиш, иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиб олиш, фойдаланилмай ёки вақтинча фойдаланилмай ётган мол-мулкни ҳар икки томон учун ҳам ўзаро манфаатли шаклда ҳаракатга келтириш, ижарани ҳар икки томоннинг рози-ризолиги асосида шартнома билан тасдиқлатиб олиш каби бир қанча қоидалар ўз ифодасини топган.

Қуйида китобдаги ижаранинг моҳияти, асосий тамойиллари,

шартлари, қоидаларига оид айрим жиҳатларини ўқувчимизга ҳавола қиламиз:

Биринчидан, ижарага берганда ёки ижарага олганда мулкдан келадиган фойданинг қандай миқдори берилишини ва қандай муддатда ижара муддати тугашини кўрсатиб қўйиш лозимлиги уқтирилади. («Мухтасар», Т., 1994 й., 189-бет.) Ёзиладики, «Ижарага олувчи нарса билан фойдаланишнинг муддатини айтиб билдирмоқ жоиз, гарчи узоқ муддатга бўлсада...» (Ўша жойда.)

Иккинчидан, ижаранинг мазмуни шуки, ижара ҳақини ўша замони берилмайди, бу эса ижара олувчи аҳволини, табиийки, енгиллаштиради. Бу ҳақда «Ижара олувчига ижара ҳақини ўшал заҳотиёқ бермоқ, вожиб эмас...» деган исломий қоида ёзилган.

Учинчидан, мулкни ижарага олинган бўлса-ю, ундан фойдаланилмаса ҳам ижара ҳақини тўлашлик шарт эканлиги уқтирилади. Бу ҳақда қуйидаги қоидани ўқиймиз:

«Ижарага олинган бўлса-ю, гарчи уйда у турмаса ҳам ижара ҳақини тўлаш жоиздир»(ўша жойда). Бу исломий қоида ижара муносабатларида бизнинг шароитимизда бузилиб турилиши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, ерни ижарага оладилар-да, ундан ижара ҳақини тўлайдиган даражада ҳосил олмайдилар. Йил охирида ҳосил бўлмаганлиги руқач этилиб, ижара ҳақини тўлаш борасида турли баҳоналар қилинади, ҳатто ижара ҳақини тўлашдан бўйин товлашгача борилади. Бу гапни ижарага олинган бошқа ишлаб чиқариш воситалари юзасидан ҳам айтиш мумкин.

Тўртинчидан, китобда ижарага олинаётган мол-мулкни қандай мақсадда олинаётганини аниқ кўрсатиб олиншига эътибор қаратилган. Бу ҳақда қуйидаги қоидани ўқиймиз: «Ерни уй қуриш, дарахт экиш учун ваъда тайин қилиб ижарага олиш дуруст. Муддати ўтгач, ижарага олувчи ерни уйлардан, ёғочлардан бўшатиб топшируб ёки ер эгаси ерларнинг, ёғочларнинг ер устидан олинғоч суғурилган туратурғон ёғочларининг

ҳақларни бериб, (ижарага олувчи гарчи қолдиришга ризо бўлмасада) ўзига олиб қолур, агарда биноларни кучириб, ёғочларни суғўрган тақдирда ерни бузиб зарар келтирарлик бўлса, аммо ерни бузмаслик учун уйлар, бинолар хўжаси-ла савдолашиб ул ризо бўлгон баҳсга олиб қолар»(191-бет). Ушбу қоидалар замонавий иқтисодий муносабатлар талқинида: **«Ер ижараси тўғрисидаги қонун»**имизда ўз ифодасини топган. Шундан кўринадики, Шарқ, иқтисодий ғоялари воқелик, ҳаётийлик, адолатлилик, демократик асосларга кўйилган экан.

Бешинчидан, ижара ҳақини тўлаш қоидалари баён қилинган. Айтиладики, «Ижара ҳақини тўлаш ижара шарти айтилган вақтдан бошланур» (132-бет). Демак, ижара шартларига қатъий риоя қилишлик вожиб амаллардандир.

Олтинчидан, асарда ижарани бузиш ва ижарага олинган омонатни (яхши) сақлаш ҳақида алоҳида кўрсатмалар мавжуд. Ижаранинг бузилиши қатор сабаблар билан борлиқ. Масалан, «Ижарага олинган нарсада аввалги айби бўлганлиги сабабли ижара айби бузулур, агарда бу аввалги айби нарса била фойдаланурга зарар бермагудек бўлса...»(194-бет.) Омонатни сақлаш, унга зарар етказмаслик қоидалари китобнинг алоҳида бобида баён этилади. Унда омонат олувчи (ижарага нарса олувчи) омонат қўювчининг (ижарага нарса берувчининг) барча шартлари ва қоидаларига сўзсиз риоя этиш қайд этилган.

«Мухтасар» китоби яна шу билан қимматли аҳамиятга эгаки, унда «қуръони Карим» оятлари, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида баён этилган қоидалар оддий одамларнинг тушуниб етишларига кўмаклашиш мақсади ётади. Зеро, бу улуғ китоб ва ҳадислар мазмуни шу қадар чуқурки, уларни мукаммал тушуниб етиш учун ҳар кимнинг ҳам иқтидори етмайди. Худди ана шу мақсадда ҳам бу китоб бебаҳодир.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. «Қуръони Карим»да инсон эҳтиёжи ва уни қондириш воситалари ҳақида.
2. «Қуръони Карим»да меҳнатнинг ҳар икки оламдаги аҳамияти талқини.
3. «Меҳнат ҳам ибодатдир» деган каломнинг мазмуни тавсифи.
4. «Қуръони Карим»да мулк ва мулкӣ муносабатлар тавсифи.
5. Хусусий мулкнинг ижтимоий вазифаси «қуръони Карим»да қандай изоҳланади?
6. «Қуръони Карим»да маҳр масаласи. Маҳр нима?
7. Маънавий-рухий покланши иймон-барака омилидир, деган қараш мазмуни.
8. «Қуръони Карим»да ижтимоий ҳимоя масалалари.
9. Закот, унинг моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти.
10. «Қуръони Карим»да раҳбарликда ҳаполлик ҳақида.
11. Ҳадисларда бозор муносабатларидаги ҳаполликларга қандай эътибор берилган?
12. Ҳадисда аванс (бўнак) қандай тушунтирилган?
13. Ҳадисда мулкӣ муносабатлар таснифи.
14. Ижара муносабатлари «Мухтасар»да қандай ўрин тутади?
15. «Мухтасар» ислом иқтисодий ғоялари ҳақидаги асар эканини изоҳлаб кўринг!
16. «Мухтасар» асаридаги ижара муносабатлари ва уларнинг ҳозирги давр билан ҳамоҳанглиги.
17. «Мухтасар» асарида ижара тамойиллари, шартлари ва қоидалари.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Меҳнат-ибодатдир- «Қуръони Карим»да Парвардигоримиз меҳнатни улуғлаб, уни банданинг ҳар икки дунёсини обод ва саодатли қилувчи амаллардан бири сифатида улуғлайди. Аллоҳ бандаларининг рисқи-рўзини берувчи улуғ зотдир. Мавжудодлар ичида фақат одамларгина шу қадар кўп ва мўл яшаш неъматлари ато этган. Бироқ, Аллоҳ бандалари учун яшаш неъматларининг манбаларини беради уни бевосита истеъмол неъматларига айлантириб фаровон яшаш одамларнинг ўзларига, уларнинг ақл ишлатиб, меҳнат билан тирикчилик ўтказишга буюрган.

Илм олиш ва ўргатиш- «Қуръон» да ўқиш, ўрганиш ва илм олишга улуғ ибодат сифатида таълим берилади, илм олиш фарз қилинади. Айни чоғда илм ўрганиб, уни бошқаларга бермаслик, ўргатмаслик ҳам гуноҳдир, дейилади. Илмнинг хусусияти шуки, илмли кишига ҳар бир нарса, хатто денгиздаги балиқлар ҳам

истиғфор айтар экан.

Исломда мулк тушунчаси- «Қуръон»нинг «Таборақ» яъни «Мулк» деган сурасининг ўзиёқ бу масалага исломда қанчалик аҳамият берилганини ифода этади. Бутун ўн минг саккиз олам, бутун моддий борлиқ Аллоҳнинг мулкидир. Парвардигор бандаларга ғамхўр зот бўлганлиги туфайли ана шу моддий борлиқни уларга бериб қўйган. Мулки бор одам ҳамма нарсага қодир бўлади. Бироқ, ислом қоидасига мувофиқ хусусий мулк ижтимоий манфаатга ҳам хизмат қилиши керак. Шунинг учун мулкдор-бой одамларга закот бериши, хайри-эксон қилиб туриш ва шу билан ўз бойлигини ҳаюллаб олиш фарз қилинган.

Оиладаги мулкый муносабатлар- Исломда оиланинг мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун оиланинг моддий асослари-мулкый муносабатларга катта ўрин берилган. Агар «Қуръон Карим» суралари диққат билан мутолаа қилинса, уларда эрнинг хотинга, хотиннинг эрга, ота-онанинг болаларга ва уларнинг ота-оналарига берадиган нафақалари, ёрдамлари, улар ўртасида мулкнинг тақсимооти масалалари баён этилганлигини кўрамиз. Айниқса, аёлларга бериладиган мулк (махрам) масаласи шарият қонунлари марказида туради.

Поклик ва иқтисодий равнақ- «Қуръон Карим» да қайд қилинадики, Ислом дини покликка, ҳаюлликка асосланади. Поклик ва ҳаюллик бор жойда барака, иқтисодий мўл-кўллик, иқтисодий ривож топиш бор. Айни чоғда мол-мулкни Аллоҳ беради, яъни мулк (бойлик) бериб бандалар синалади. Мулкни тўғри, тежамлиги, исроф қилмай истеъмол қилган, унинг шукронасини қилган одамларга бунданда зиёдроқ бойлик берилиши айтилади. Шу билан бирга қаерда нопоклик бўлса, у ердан барака кўтилиши уқтирилади. Зеро, Пайғамбаримиз Саллоллоҳу алайҳуссалом айтганларидек, «Исроф қилувчилар шайтоннинг дўстларидир».

Исломда раҳбарлик масаласи- Ислом таълимотида давлатни, иқтисодиётни, одамларни бошқариш яъни ҳозирги ибора билан айтганда «менежмент» масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Раҳбарнинг масъулияти, ҳаюл-пок ишлаши, агар у ана шундай ҳосиятлар соҳиби бўлса, қандай савобларга эга бўлишлиги кўрсатилади «Қуръон» қоидаларига асосланиб давлатни бошқарган арбоблар кам бўлмаганликлари Амир Темур мисолида ҳаммамизга аёндир.

Ижара масаласи- Ислом таълимотида мулкни оқилона тасарруф этиш, уни эгаси самарали фойдалана олмаган шароитда уларни ўзи ва эгаси учун ҳам фойдали тарзда ишлата олувчиларига ижарага бериб туриш қоидалари баён этилган. Бу шундан далolat берадики, мулк ижараси масаласи бугун бозор иқтисодиёти

унсури бўлмай у азалий исломий қадрият экан. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида ижара муносабатларини иқтисодиёт субъектларига ўргатишда ислом қоидаларига амал қилишимиз ниҳоятда долзарб масаладир.

Бўнак-Пайғамбаримиз Саллоллоҳу алайҳувассаламнинг муборак хадисларида баён қилинган иқтисодий қоидалардан бири. Бўнак (аванс) мол олишда кафолат бериб, мол қийматининг бир қисмини маълум муддатда узиш шарти билан олиш каби ҳолатларни адолатли йўлга қўйиш тартибидир. Насияга бирор нарса олишда бўнак бериш, қолган ҳаққини кейинроқ тўлаш ёки насияга олинган мол учун бир нарсани кафолатлашга (гаровга қўйиш тавсия этилган). Бундай муносабатлар одамлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда адолат ўрнатиш мақсадини назарда тутиш билан бирга одамларнинг иқтисодий аҳволларини енгилаштиришга ҳам ёрдам берган.

4-БОБ: УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎРТА ОСИЁНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ

Ислом иқтисодий ғоялари Ўрта Осиё ағломаларининг иқтисодий тафаккури ривожини манбаи бўлиб қолдики, бу Форобий, ибн Сино, Беруний, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Низомул-Мулк, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб мутафаккирлар ижодида ўз ифодасини топди.

Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино иқтисодий мероси марказида инсон ва унинг эҳтиёжларини қондириш масаласи туради. Зеро, юқорида айтилганидек, инсон бу дунёнинг олий неъматини ва унинг эҳтиёжларини қондириш ҳар қандай жамиятнинг яшаш ва ривожланиш шартидир. Албатта, инсон эҳтиёжлари турли-туман ва доимий ўсиб боровчидир. Одамлар эҳтиёжларини иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий гуруҳларга ажратиш мумкин. Аммо инсон эҳтиёжлари ичида устувор ўринда иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларни қондириш туради.

1. Абу Наср Форобийнинг иқтисодий ғоялари

Абу Наср Форобий буюк аждодларимиздан биридир. У илм-фан тарихига Шарқнинг буюк файласуфи, Шарқ Арастузи, Шарқ Афлотуни каби машхур номлар билан муҳрланган. Унинг иқтисодий ва бошқа ижтимоий қарашлари Арасту ва Афлотун асарларини тушунтиришга қаратилган бир қанча асарларида баён этилган, жумладан, унинг иқтисодий дунёқараши «**Фозил кишилар шаҳри**» (Т., 1993 и.) асарида ҳам ўз ифодасини топган.

Мутафаккир Афлотун қарашлари ҳақида гапирар экан, «мулкка эга бўлиш ёмон одат эмаслигини, қашшоқликда (мулксиз) яшагандан кўра, бадавлат яшамоқ афзалдир», деган фикрни айтади. Фақат «мулкни

бефойда жамғаришдан сақланиш зарур», деган фикрни илгари суради. Фикрини давом эттириб ёзадики, «одамларга, авлодга зарар келтирмайдиган мол-мулк орттириш фойдали ишдир; бунда қонунлар ёрдамида руҳ ва баданни эъозланишига сазовор қиладиган тарбия муҳим аҳамиятга эга. Фақат бошқалар учун зарар келтирадиган бойлик тўплаш, мол-мулкка эга бўлиш ёмон одатдир» (Ўша асар, 38-бет).

Олим Афлотун фалсафасини шарҳлар экан, одамларни мулкий қонунлар асосида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор беради. «Агар шаҳар аҳолиси маърифатсиз, тажрибасиз одамлар ва болалардан иборат бўлса, у ҳолда улар қонун ўрнатган тартиб ва бошқарув усулини қабул қилмайдилар». (Ўша жойда, 39-бет.) қайд этиладики, қонунлар асосида, яъни ҳуқуқий тарбия ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ғоятмуҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий тарбия нафақат ўзини эмас балки бошқаларни ҳам ўйлаб яшаш ва ишлашга хизмат қилади, мулкни, манбаларни тўғри тасарруф этиш, ундан яхши натижалар олишга олиб келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг Таълим тўғрисидаги Дастури ва қонунида ҳуқуқий тарбияга, мулкий тарбияга катта ўрин ажратилади. Форобий уқтирадики, «Мулк орттиришда унчалик хавф йўқ, аммо уни эҳтиёт қилиб сақлаш керак. Агар бошқа бировлар ҳисобига мулк орттирганлар жазоланмасалар, у ҳолда шаҳар аҳолисидан инсоф ва шуҳрат йўқолади. Мулкни эҳтиёт қилиб сақлаб, ўз эҳтиёжи учун ишлатса, бу ёмон иш -ҳисобланмайди...» (Ўша асар, 47-бет.)

Бу кўрсатмаларнинг аҳамияти бугунги кунда жуда ҳам катта. Зеро, одамлар энди, мустақиллик ва демократия туфайли мулкдор бўлмоқдалар. Бироқ мулкдор бўлиш бошқа-ю, мулкни эҳтиёт қилиб, ўзи ва жамияти учун самарали фойдаланиш ундан ҳам муҳим. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳали мамлакатимиз фуқаролари мулкни тасарруф этиш ва уни тўғри, фойдали ишлатиш тажрибасига, кўникмасига эга эмаслар.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол учун ҳаражат қилиш муайян заруратдир.

Ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг самараси кўпинча ана шу ҳаражатлар миқдори, тартиби ва мезонларига ҳам боғлиқдир. Олим ҳисоблайдики, яшаш учун эга бўлинган маблағларни, маҳсулотлар ва мулкни тўғри тақсимланмаса, меъёри билан ҳаражат қилинмаса, бундай ишда «номақбулчилик рўй беради». «Бу — бошқарилиши энг қийин бўлган ишдир, кимда-ким ўз ихтиёрида бўлган мулкни фойда чиқариш учун муомалага қўймаса, уни фақат ўзи учунгина жамғарса, жуда катта зарар келтиради» (ўша асар, 42-бет).

Фаробий қарашларида тақсимот масаласи жуда кенг ва ўзига хос усулда талқин этилади. У жамият ва одамлар йўлидаги мулк ва ноз-неъматларни тўғри тақсимлаш давлат қурилишида асосий масаладир, деган фикрни билдиради. Демак, жамият ҳаётида энг муҳим муаммолардан бири мулкни, маҳсулотларни керакли мақсадларга тўғри, самарали тақсимланишидир. Тақсимот иши мақсадга мувофиқ йўлга қўйилмас экан, кўпчилик одамлар бачканалашиб кетади, одамлар фақир аҳволга тушиб қолади.

Тақсимот мавжуд мулк, маҳсулот, бойликлар ҳисобини тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Худди ана шу фикр Фаробий томонидан илгари ўринга чиқарилади. «Аввало, — дейди олим, — ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур нарсалар бўлган озиқ-овқатлар, эқиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олиниши зарур» (ўша асар, 37-бет). Фаробий Афлотуннинг қуйидаги фикрларини алоҳида ажратиб келтиради: «Тақсимотнинг иши жуда қийин, лекин жуда зарар ишдир». Буюк даҳоларнинг тақсимот ва мулкни тасарруф этиш масалаларига бу қадар чуқур қарашлари бежиз эмас.

Албатта, тақсимот мавжуд нарсалар тақсимотидир, у ишлаб чиқаришга нисбатан вақт жиҳатидан кейинги ўринда туради, ишлаб чиқариш муносабатларидаги иккинчи бўғиндир. Бироқ шуни унутмаслик

керакки, тақсимот ишлаб чиқаришнинг бошқа томони, аслида унинг давоми ва такрорланишидир. Бунинг маъноси шуки, тўғри ва адолатли тақсимот тизими яратилган шароитдагина ишлаб чиқариш натижалари шунчалик яхши бўлади. Бу ерда гап фақат макроиқтисодий даражадаги тақсимот устидагина бораётгани йўқ, бу хулоса микроиқтисодиётнинг барча бўғинлари учун ҳам баб-баравар аҳамиятга эга. Форобийнинг иқтисодий қарашларида жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари кўтарилгани бўлиб, улар бизни бу масалаларга қарашларимизни янада зийраклаштиришга хизмат қилади.

Шарқ фалсафасида эҳтиёжлар масаласи умуман одамлар эҳтиёжлари ва уларнинг қондириш воситаларини қидириш эмас, балки ҳар бир одамнинг шахс сифатидаги зарурий эҳтиёжларни тадқиқ қилиш ва уларни қондириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Ана шу эҳтиёжлар тизимида одамнинг шундай физиологик эҳтиёжлари мавжудки, улар фақат ҳаракат қилиш, меҳнат ва яратувчанлик (ишлаб чиқариш) билан қондирилади. Демак, инсон эҳтиёжларининг энг муҳими меҳнат қилиш (яратувчанлик) эҳтиёжидир, барча эҳтиёжларни қидириш ҳам худди ана шу меҳнатга бўлган эҳтиёжни қондириш орқали эришилади. Шарқ иқтисодий тафаккури марказида инсон ва унинг эҳтиёжлари, уларни қондириш масаласининг туриши бежиз эмас.

Ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ана шу энг долзарб масаласи Шарқнинг буюк фарзанди, файласуф Абу Наср Форобий асарларида асосий ўрин олганлиги фикримизнинг далилидир. Шарқ Арастуסי номи билан машҳур бўлган аптома Арасту фалсафаси таҳлилига баришланган асарида иқтисодиёт фанининг муҳим категорияси (тушунчаси) бўлган эҳтиёжлар масаласига алоҳида эътибор бериб, эҳтиёжларни қондириш инсон ҳаракатининг марказида туражагини кўрсатди. У инсон эҳтиёжларини қондиришда меҳнат ва меҳнат қуролларининг ўрни беқиёс эканлигини уқтириб ўтади.

2. Абу Али ибн Синонинг иқтисодий ғоялари

Абу Али ибн Сино шу нарсани чуқур тушуниб етадики, одамлар ўз эҳтиёжларини қондиришда бир-бирлари билан боғланишлари, алоқа ва ҳамкорликда бўлишлари керак, яъни улар иқтисодий муносабатларга киришишлари лозим. Чунки ҳар бир одам алоҳида ҳолда ишлаганда, у қанчалик кучли ва салохиятли бўлмасин, хатто ўз эҳтиёжларини ҳам қондира оладиган маҳсулотни яратишга қурби етмайди. Шунинг учун одамлар ўзаро иқтисодий келишувга келишга, яъни меҳнат тақсимоти асосида фаолият қилишга интиладилар. Бунинг иқтисодий назария нуқтаи назаридан маъноси шуки, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳақиқатдир, табиий заруратдир, муайян ҳолатдир.

Ибн Сино одам жамиятдан ташқарида яшай олмаслигини, у жамоат муҳитидагина ижтимоий боғлиқ бўла олишини қайд этган. Улар ўзаро иқтисодий ҳамкорлик орқали ўз ҳаётларини кўрадилар, ўзларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондирадилар. Бироқ, одамларнинг ўзаро муносабатлари адолат доирасида бўлмоғи даркор, адолатни эса фанни (ҳақиқатни) севадиган давлат ўрнатиши мумкин, холос. Агар қонун чиқарувчи давлат адолатсиз бўлса жамият унга қарши кўтарилади ҳам.

Ибн Сино фикрича, давлат ҳар бир одамнинг жамиятдаги ўрнини (иш жойини) аниқ белгилаб бериши, қандай фаолият қилишини ташкил қилиб бериши керак, айниқса, давлатда текинхўрлар, бошқалар ҳисобига кун курувчилар бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Давлат бундай такомилга фақат фанни ривожлантириш орқали эришади.

Ибн Сино савдо муносабатларининг жамият тараққиётида катта роль ўйнашини ҳам уқтирган. У савдо алоқалари шаҳарлар (мамлакатлар, халқлар) ўртасида йўлга қўйилиши лозимлигини уқтиради, чунки шундагина ижтимоий тараққиёт юз беради, одамлар ўртасида тушуниш вужудга келади. Юқоридаги қоидаларга ҳулоса қилиб шуни айтишимиз

мумкинки, ибн Сино илмий ижодида иқтисодий муносабатлар масаласи ҳам, унинг муаммолари ва уларни такомиллаштиришга оид тадқиқотлар ҳам салмоқли ўрин тутди.

Абу Али ибн Сино **"Тиббиёт достони"**да ёзадики, агар ҳайвонлар табиат неъматларига қаноат қилиб яшасалар, одамларга бу неъматлар озлик қилади, улар озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришлари лозим. Унинг таъкидлашича, агар ҳайвонлар тайёр табиат неъматларини ўзлаштириб олсалар, одамлар ўз меҳнатлари билан ўзларига овқат, кийим-бош, уй-жой яратадилар, улар ана шу мақсадда деҳқончилик, хунармандчилик, чорвачилик билан шуғулланадилар. Шунинг учун аллома одамларни ижтимоий фойдали меҳнатга чорлайди.

3. Абу Райҳон Берунийнинг иқтисодий ихтироси

Пул пайдо бўлган даврдан бошлаб, айниқса, танга шаклларида турли металлардан пул зарб этиш бошланган даврлардан бошлаб иқтисодий тафаккур даҳоларининг фикру зикри турли минерал хом ашёлар ҳажми ва оғирлигида мужассамлашган қимматбаҳо металлар — олтин, кумуш, мис ва бошқалар хиссасини аниқлаш услуби ва асбобини яратиш муаммоси қўйилиб келинган. Айниқса, бу масала X—X1 асрларда — халқаро савдо тез ривожлана бошлагач, заргарлик буюмлари яшаш кучаяверган, натижада, бу фан ва амалиётнинг энг долзарб муаммосига айланди. Аҳвол X асрда Мовароуннахр ва Хуросонда жуда катта миқдорда тўла қийматга эга бўлмаган тангалар зарб этиш авжга чиққан яна ҳам оғирлашди. Масалан, муомалада бўлган **«Исмоилий»** дирҳамлари ёнига қимматга эга бўлмаган металлардан зарб қилинган Бухоро дирҳами — **«гитрифий»** кабилар ёки паст сифатли кумушдан ясалган **«муҳаммадий»** тангалар муомалага чиқарилди. Бундай ҳол турли хил қаллобликларнинг, алдашларнинг кучайишига қулай шароит яратди. Бунинг оқибатида олтин

динорлар ҳам муомалада қатнашмай қолишига олиб келдики, натижада олтин тангалар оддий товарлар каби тортиб бериладиган вазият вужудга келди.

Маълумки, Абу Райхон Беруний минералогия ва металшунослик бўйича ўз даврининг энг етук олими эди. Шунинг учун ҳам у иқтисодий тараққиётга путур етказётган бундай ахволга қараб тура олмас эди. У жуда катта тадқиқотлар, изланишлар, амалий тажрибалар ўтказиб, минераллар таркибидаги қимматбаҳо металлар хиссасини топиш услубини яратди. Бу усулни амалда қўллаш учун махсус ўлчов асбоби яратиш ҳам керак эди. Шундай асбоб Беруний томонидан яратилди, бу эса пул муносабатлари тарихида, унинг ривожланишида бебаҳо аҳамиятга эга бўлди. Беруний ўзи ясаган асбобнинг тузилишини, унинг қандай механизмлардан ва қандай қилиб ясаганини «**Минералогия**» номли асарида бир-бир баён қилган. Бу асбоб ёрдамида турли металлардан ясалган тангалар таркибидаги қимматбаҳо металларнинг ҳақиқий миқдорини ўлчаш мумкин бўлди. Бундай асбобнинг яратилиши пуллар ўртасидаги ҳақиқий нисбатларни аниқлаш, уларни ўзаро алмаштиришнинг адолатли асосларига эга бўлиш имкониятини берди. Шунингдек, бу усул ёрдамида пул яшашдаги мавжуд қалпобликларни бартараф қилиш ва ана шундай нохушликларнинг олдини олиш мумкин бўлиб қолди. Буюк бобокалонимизнинг бундан 1000 йилдан зиёдрок аввал ишлаб чиққан усуллари ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани мамнуният билан қайд этилмоқда (қarang: Беруни. Сборник статей к 1000 летию со дня рождения. Т., «Фан», 1973, стр. 121—130).

4. Юсуф Хос Хожибнинг иқтисодий ғоялари

“Қутадғу билиг” — қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим, деган маънони беради. Уни мутафаккир шоир 1069 йилда ёзиб

тамомлаган. Муаллиф бундай улкан тарбиявий, маънавий, иқтисодий тафаккур манбаи бўлган асарни ёзиш учун узоқ тайёргарлик кўради, у кўплаб ўлкаларга саёҳат қилади, кўплаб маданий-адабий манбаларни ўрганади, тадқиқ этади, у деярли барча туркий халқлар яшайдиган ўлкаларда (Хитой, Туркистон, Эрон ва Турон) бўлади.

Асар ўша даврнинг подшоҳи Тавғочхон ҳузурига келтирилади. Хон бу асар билан танишиб чиққач, унинг бадиий, илмий, тарихий, маънавий аҳамиятини ҳаққоний тақдирлаб, шоирга **Хос Ҳожиб** унвони берилади. Ушбу асар XV аср ўрталарида Ҳирот шаҳрида қайта кўчирилади. Маълумки, бу давр Хиротда сўз мулкининг Атоий, Саккокий, Лутфий каби даҳолари ижод этар эдилар. Шундай бир муҳитда китобга берилган эътибор асарнинг ҳақиқатда ҳам жуда юқори қийматидан даполат берар эди.

«Қутадғу билиг» биз учун ғоятмуҳим иқтисодий ғоялар илгари сурилган асар сифатида илмий аҳамият касб этади. Асардаги иқтисодий муносабатларнинг турли жиҳатлари тўғрисидаги иқтисодий фикрлар, айниқса, қимматлидир. Асарда меҳнатга тўғри ҳақ тўлаш, бошқалар меҳнати тўғри тақдирлаш, кадрига етиш, моддий манфаатдорлик, касб-хунар эгаллаш, кучли ижтимоий химоя масалаларига катта ўрин берилган. Асарда муаллиф тақсимот муносабатларига, уларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятига эътиборни қаратади, зеро, рағбатлантириш кучига эга бўлган тақсимот муносабати ишлаб чиқаришни кучайтиради, жамият ва халқ бойлигини орттиради. Юсуф Хос Ҳожиб ёзади: «Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходим кунгли синади».

«Аммо хизмат қилувчиларни ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Улар турли-туман тоифаларга бўлинади. Ходимларнинг наф келтирувчилари бор, шунингдек, нафи йўғи ҳам анча. Наф келтирувчи кишига хизматига лойиқ равишда тортиқлар бериш керак. Хизматига лойиқ тақдир кўрган ходимнинг боши кўкка етади. Инсон дегани, ахир, хайвон тенги эмас. Ана

шуни билиб, унга амал қилинса, барча иш кўнгилдагидек бўлади...» («Қутадғу билиг». Т., 1991. 63-бет.)

Кўриниб турибдики, аллома текис тақсимотни, барчани баб-баробар таъминлаш тизимини танқид қилмоқда. Ҳар бир ходим ўз меҳнатига, ҳаракатига, иш унумига, келтирган нафига қараб тақдирланса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади. Шу билан бирга ҳар бир соҳибкор, иш берувчи унга ёлланган ходимнинг меҳнатини тўғри қадрлашга чақирилади. Бу, бир томондан, ишнинг самарали бўлишига олиб келса, иккинчи томондан, **«Бошқалар меҳнатининг қадрига етиш инсонийликнинг энг йирик аломатидир»** (ўша жойда). Шуни қайд этиш керакки, собиқ социалистик тузум» ҳар кимга меҳнатига яраша» деган шиорни ўртага ташлаган бўлсада, аслида меҳнат қилган кишилар том маънода рўшнолик кўрган эмас. Меҳнаткашларнинг меҳнати тўғри тақдирланмаганлиги туфайли ҳам жамият чуқур таназзулга юз тутди. Буюк олим ушбу асарда давлат билан (юрт бошлиғи) меҳнаткаш ходим ўртасидаги бир сирни очади. Бунга кўра, давлатнинг буюк бўлиши, унинг бойиши, эл бошлиғининг эса доврўғи оламга ёйилиши учун халқ бойиши, ишлайдиган одамлар меҳнатига мувофиқ рағбатлантирилиши лозим. Юрт бошлиғи (давлат) одамларни ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини таъминласа, юрт учун фидойи бўладилар, ўз жонини ҳам аямайдилар, деб таъкидлайди Юсуф Хос Ҳожиб. У давлат раҳбарини халқини тўқ ва фаровон қилишга ундайди (ўша асар, 64-бет). Улуғ бобокалонимизнинг юқоридаги иқтисодий ўғитлари мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг иқтисодий қарашлари, бозор иқтисодиётини кўриш концепцияси ҳамда унинг иқтисодий сиёсати, у бошлиқ ҳукуматимиз олиб бораётган яратувчанлик фаолиятида эътиборга олинмоқда, уларга асосланилмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобидаги қуйидаги сатрларни келтирамиз: «Бунда ислохотлар инсон манфаатларига мос

келган, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берган, турмуш даражасини оширишга қаратилган тақдирдагина аҳамиятли бўлишини ҳамиша ёдда тутмоғимиз лозим» (19-бет). Ҳа, инсон ҳаётининг даражаси ўзи қилаётган меҳнатга, унинг сифатига ва миқдорига боғлиқ эмас экан («хизматига яраша» — Юсуф Хос Ҳожиб), ҳеч қандай иқтисодий ислоҳот кўзланган натижани бермайди.

Маълумки, инсонлар ўзларининг ҳар бир ҳаракатидан манфаат ахтаради, зеро, манфаат катта ҳаракатлантирувчи кучдир. Ушбу ҳақиқатни Юсуф Хос Ҳожиб қуйидаги фикр билан тасдиқлайди: «Аслида бутун қимирлаган жон наф ва эзгуликни ўйлаб ҳаракатланади. Шу нафи бўлмаганида эди овчи ҳам уйдан чиқмас эди» (Ўша асар, 64 –бет). Бу фикр кейинчалик «Сиёсий иқтисод» дарсликларида бошқалар тилидан, «ҳар қандай ҳаракат заминидан манфаат ётади»-деган ибора билан ифодаб келинди.

Мулк ва мулкый муносабатлар ҳақида. Иқтисодий муносабатлар марказида мулк ва унга нисбатан вужудга келадиган одамлар қарашлари туради. Мулкый муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатларининг моддий асосидир. Иқтисодиёт назариясининг ана шу адолатли хулосаси мамлакатимизда олиб борилаётган, тобора чуқурлаштирилиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга ҳам сингдирилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли асарида одамларни мулкдор қилиш, ўрта мулкдорлар синфини вужудга келтириш кечиктирилмас вазифа эканлиги уқтирилди. Бундай хулосалар улуғ шоиримиз Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги иқтисодий ғоясига асосланган бўлса ажаб эмас:- «Моли бўлса киши билим ўрганади, барча эзгуликка қўл чўзади. Бу мол билан киши тилак тиласа (меҳнат қилса -муаллиф), мол-дунёси бир йўлак яъни восита бўлиб, юқорига кўтарилади» (Ўша асар, 85-бет). Дарҳақиқат хусусий мулк, умуман мулкдорлик ҳисси жуда улуғ неъматдир. Зеро, ўз мулкани сақлаб қолишга, унинг самарали тасарруф этишга, ундан ўзи ва

бошқаларнинг ҳам манфаат кўришига, истиқболда фаровон ҳаёт кечиришга куч-қувват ҳам чуқур масъуллик ҳис этади. Шунинг учун ҳам шоир давом этиб ёзадики, «кишининг моли бўлмаса, барча эзгуликларга ҳам унинг қўли қисқалик қилади» (Ўша асар, 85-86 бетлар). Ана шу иқтисодий фикрлар неча асрлар оша бизнинг бахтимиздир, уларнинг бизнинг бугунги ҳаракатимизда намоён бўлаётгани айтиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам одамларни мулкдор қилиш орқалигина «ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳасини ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш мумкин» (И.Каримов, ўша асар, 18 бет). Айтиш мумкин шундай фикрлар Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида ҳам қайта-қайта уқтирилиб ўтилди.

«Қутадғу билиг» асарининг иқтисодий ғоялар қамрови жуда кенг ва нуфузлидир. Унда бошқарув илмига оид, эл, юртни идора қилишга оид фикрлар ҳам ифода қилинган. Масалан, китобда «Эл яшатиш, уни бошқариш, идора қилишга, шунингдек, оламни обод қилишга беклар бунёд бўлган. Бу ишлар урф-одат, расму-қоидалар билан амалга ошади...». Билимли, ўқув-идрокли бўлган халқ бошчиси ҳақида яхши айтган: «Оламни тутиш учун ақлли ва юракли бўлиши керак»-деган фикрларни ўқиймиз (86-бет). Бу фикрлар бир ижтимоий-иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш даврида жамиятга ана шундай раҳбар келиши заруриятини англаб ёзилганга ўхшайди. Улуғ бобокалонимиз орзу қилган ана шундай юрт бошқарувчиси тарих тақозоси билан бизнинг Ўзбекистонимизга насиб этди. Мамлакатимиз халқи ўзининг доно, билимдон, ақлли ва довурак раҳбари-Ислом Каримов билан ҳақли равишда фахрланади. У ўзининг донишмандлиги, тарихнинг бурилиши даврида кўп миллатли халқни янги демократик фуқаролик жамияти томон дадил етаклаб бораётганлиги халқимизнинг бахт-саодати ва омадидир.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳар бир инсонни ҳунар ўрганишга, ҳунарли

бўлишга чақиради. У «турли-туман ҳунарларни ўрганмаслик тубанлик белгисидир»-деган фикрни илгари суради. Бу фикр кейинчалик Шарқ халқларининг умуммиллий қонидасига айланиб кетди. Маълумки, бу ғоя улуғ донишманд Баҳоуддин Нақшбанд томонидан «қўлингиз ишда бўлсин, қалбингиз Оллоҳда бўлсин» - ибораси билан ривожлантирилди. Бу билан у мўмин-мусулмонларни ҳунар ўрганишга даъват этди. Бугунги кунда янги фаровон жамият қураётган эканмиз, юқоридаги даъватларга эътибор қилмоғимиз даркор. Ана шу улуғ ўғитлардан келиб чиқиб мамлакатимиз ёшларини касб-ҳунарли қилиш, уларни Ўзбекистоннинг чинакам бунёдкорлари қилиб тарбиялаш мақсадида «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» ва «таълим тўғрисида» янги қонун қабул қилинди. Бу дастуруламал ҳужжатларда ота-боболаримизнинг азалий касбларини қайтадан тиклаш, ёшларни замонавий касбларга йўналтириш борасидаги улуғвор вазифалар илгари сурилган. «Қўтадғу билиг» асарида аллома деҳқонлар, савдогарлар, чорвадорлар, турли-туман ҳунар соҳиблари хусусида алоҳида-алоҳида боблар зикр этилган. Масалан, деҳқонларга бағишланган бобда қуйидаги мисралар бор:

Қимирлаган жонга нафберар улар,
Ейишу-ичишга жон берган шулар
Нафас олган бутун тирик жонтвор
Деҳқондан бўлмоғи керак миннатдор.

(Ўша асар, 95 бет).

Бироқ «деҳқон миннатдор» бўлмоғи учун унга унумли ишлаши, ўз меҳнати натижаларидан барҳаманд бўлиши учун қулай иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Шоир тили билан айтганда, «уларга доим яхши сўзлаш, очиқ юз билан боқиш лозим». Алломанинг ана шундай ғоялари мустақиллик тўғрисида бизнинг мамлакатимизда ҳақиқатга айланадиган, ҳаёт юзини кўрадиган бўлди. Юртимизда ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида

деҳқонларга хўжалик юритишнинг ширкат, кооператив, деҳқон хўжалиги, хусусий хўжалик, оила пудрати, ижара каби хўжалик юритишнинг замонавий шакллари, хусусан, ҳозирги самарасиз ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналарини пайчилик асосида ишлайдиган ёпиқ ҳиссадорлик мулкчилик шакли орқали ўрта мулкдорга айлантириш ҳуқуқи берилади, бу деҳқоннинг ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига, жумладан, ўз меҳнати маҳсулотларига эгаллик ҳиссини орттиради, манфаатдорлигини оширади.

Асарда ноз-неъмат яратувчиларнинг яна бир тоифаси-чорвадорлар ҳақида ҳам жуда илқ фикрлар баён қилинган. Бу касб эгаларига ҳам яхши меҳнат ва рағбатлантириш шароитлари яратиб берилиши кераклиги уқтирилади.

Кўриниб турибдики, Юсуф Хос Ҳожиб жуда кўп иқтисодий фикрларни илгари сурган. Бу ғояларнинг мантиқан чуқурлиги ва ҳаётийлиги шундаки, улар асрлар оша бизнинг давримизгача келиб ҳам ўз аҳамиятини нафақат сақлаб қолмоқда, балки у бизни иқтисодий натижаларга эришиш томон ундамоқда, улар мустақил, эркин иқтисодий тизимни яратишга ёрдамлашмоқда.

5. Низомулмулкнинг иқтисодий қарашлари

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан яратилган миллий ғоя ва миллий мафкура заминида халқимизнинг, ўзбек миллатининг кўп асрлик тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги эришган ютуқлари, буюк аجدодларимиз қолдириб кетган бебаҳо маънавий қадриятларимиз ётади. Улар шу қадар серқирра ва бойки, уларда фалсафий, диний, бадий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ғоялар, таълимотлар жамулжамдир. Уларни ўрганар эканмиз қалбимиз ғурурга, фахр-ифтихорга тўлади, шундай миллатга дахлдор эканлигимиздан чексиз қувнасан киши. Миллий тарихимизга

ўзининг ижоди ва фаолияти, қолдирган миллий мероси билан ўчмас из қолдирган буюк бобокалонларимиздан бири Низомул-мулкдир.

Шарқ тарихий иқтисодий таълимотлари тизимида Абу Али ибн Али Тусий- Низомулмулкнинг бутун дунёга машҳур «Сиёсатнома» (ёки «Сияр ул-Мулк») асарида илгари сурган иқтисодий ғоялари ўзига хос ўринга ва ўзига хос аҳамиятга эга. Низомулмулк узоқ йиллар давомида салжуқий шоҳлар Алпарслон (1063-1072 йиллар) ва Маликшоҳ (1078-1092 йиллар) саройида вазирлик лавоизимларида хизмат қилган. У ўз замонасининг ғоят билимдан, тadbиркор, ўз лавозимига жуда ҳам мос тушган, сидқидилдан хизмат қилувчи вазири сифатида донг таратди. Шунинг учун ҳам у Низомулмулк яъни мулкнинг низоми, тартиби номи билан машҳур бўлиб кетади. У давлатнинг деярли барча ишларини ўзи олиб боради ва юксак ташкилотчилик маҳоратини кўрсатади. Ўз навбатида у мамлакатда фан ва маданиятни ривожлантиришга ҳаракат қилади, ўз даврининг илм-фан кишиларини саройда ишлашга таклиф этиб, улар ҳақида ғамхўрлик кўрсатади. Низомулмулк даврида Шарқнинг машҳур олими ва файласуфи Умар Ҳайём саройда илм-фан билан шуғулланади, унга обсерватория қуриб берилади.

Маликшоҳнинг ўзи ҳам илм-фанга, давлатни бошқариш санъатига қизиққан султонлардан бўлганлиги «Сиёсатнома» асарида қайта-қайта таъкидланади. Маликшоҳ саройда фаолият кўрсатаётган фозилу олимларга мурожаат қилиб давлатни бошқариш қоидалари, тартиби, усуллари ҳақида бир китоб ёзилишини, асарда ўтган шоҳлар тарихи ва ҳаётий тажрибалари умумлаштирилишини топширади. Шоҳ фикрича бу китоб давлатни бошқариш ишининг дастурамали бўлишлигини ҳам уқтиради. Табиийки, ушбу ижодий ишда етук олимлар қатнашадилар. Улар ичида Низомулмулк ҳам қатнашиб «Сиёсатнома» рисоласи тақдим этади.

Низомулмулкнинг ушбу асари ўтган асрлар давомида шоҳлар, султонлар, олимлар, тарихчилар эътиборини тортади. Бу китоб

салжуқийлар тарихини ўрганувчилар учунгина, Шарқ тарихини тадқиқ этиш жиҳатидангина эмас, ўша Уйғониш даврининг иқтисодий муносабатлари тарихи ҳақида ҳам бой илмий манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўзининг «Тузуклари»да Низомул-мулкнинг давлатни бошқаришдаги маҳоратини вазирлар учун тарихий намуна сифатида эътироф этади ва уни юксак ҳурмат билан тилга олади.

«Сиёсатнома»ни мутолаа қилар эканмиз унинг мавзу жиҳатидан ғоят кенг қамровли ва мазмун жиҳатидан пурмаъно асар экани маълум бўлади. Асарда иқтисодий масалаларга – хазина, уни бойитиш ва сарфланиши, озиқ-овқат ва бошқа давлат барқарорлиги учун зарур заҳиралар ташкил этиш, хизматчиларга маош белгилаш, адолатли тақсимот, солиқ ва хирож, закот, молия ва хўжалик масалаларига доир бир қанча кўрсатмалар ўз ифодасини топади.

«Сиёсатнома»ги қизиқиш шу қадар катта бўлдики, у махсус тадқиқодлар объекти бўлди, унинг ҳақида бир қанча тадқиқодлар эълон қилинди, бир неча жаҳон тилларида, жумладан инглиз, француз, немис тилларида нашр этилди.

Биз буюк аллома аждоди- Низомул-мулкнинг авлодлари мустақиллик тўғрисида унинг меросини ўрганиш, ундаги ғояларни халқимизга тақдим этиш шарофига муяссар бўлдик. «Сиёсатнома»ни ўз ана тилимизда ўқиш, ўрганиш бахтига муяссар бўлдик («Сиёсатнома», Тошкент, «Адолат» нашриёти, 1997 й.).

Асарда илгари сурилган иқтисодий ғоялар шунинг учун ҳам ўрганишга моликни, улар бизнинг ҳозирги давримиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз воқеъликлари билан, ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар билан, бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топтириш вазифалари билан ҳамохангдир. Шу билан бирга ундаги иқтисодий ғоялар халқимизда, ёшларимизда «Иқтисодий таълимотлар тарихи»мизни ўрганиш ва шу

асосда иқтисодий тафаккур ҳосил қилиш вазифасига хизмат қилишлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Китобнинг дастлабки саҳифасиданоқ муаллиф давлатни идора қилиш ва мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун қилиниши лозим бўлган иқтисодий тадбирлар ҳақида фикр юритади. Бунинг учун «четдан қорез қазиб сув келтириш, қишлоғу далапар ободонлиги учун катта ариқлар қозиш, қалъалар қуриш, шаҳарлар бино этиш, зебо бинолару кенг кўчалар, работлар қурдиришдир» лозим деб ёзади (17-бет). Дарҳақиқат, улуғ бабокалонимиз кўрсатмаси бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида рўёбга чиқаётганидан воқифмиз. Мамлакатимизда иқтисодиёт ривож топмоқда, улкан иншоотлар йўллар, миллатимиз тарихига муҳрланиб қоладиган бинолар йирик корхоналар барпо этилаётир. Бундай ишлар,-дейилади китобда- «тарихда қолади ва олдинги маликлар ҳаётини безатади...» (Ўша жойда).

Асарда аҳолидан хирож олишнинг йўл-йўриқлари баён этилган. Солиқлар одамларга малол келмайдиган бўлиши, уларга азоб-уқубат етказмаслиги, солиқ тўлаш имконияти йўқларни мажбур қилинмаслик каби қоидалар таклиф этилади. Китобда ёзиладики, «Хирожни ҳам у (солиқ йиғувчи-муалл.) шундай йўл билан талаб қилсинки, одамларга зиён етмасин. Солиқ ўз вақтидан олдин олинса, раиятга ранжу азоб етади, улар мажбурликдан мол-давлатларни ярим баҳода сотиб, уй жойларини ташлаб, овора ва сарсонликда ғарибликка мубтапо бўладилар» (28-бет). Бошқача айтганда, солиқ солиш ва ундириш ишини одамийлаштириш (гуманизм руҳи) лозимлиги уқтирилади. Давлатнинг мана бундай солиқ сиёсати подшоҳга, оқибатда эл-юртга нақадар фойдали эканлиги бир неча хикоятлар (тарихий воқеаликлар) мисолида ишонарли қилиб тушунтирилади.

Ривоят қилинадики, қадимда бир подшоҳ ёмон вазир маслаҳатига кўра бой-бадавлат одамларнинг бойлигини тортиб олган, ўзларини бадном

этган. Бунинг оқибатида подшоҳлик ҳам, мамлакат ҳам ҳароб бўлган. Адолатли ва инсофли солиқ тизими эса, аксинча ижтимоий-иқтисодий равнаққа рағбат беради.

Асар муаллифи бозорлардаги олди-сотди ишларини қандай тартибга солиш ҳақида ҳам тавсия беради. Зеро, бозорда тартиб ўрнатилса мамлакатда осойишталик қарор топади. Бунинг учун «ҳар бир шаҳарда тарози ва нархларни тартибга соладиган, олди-сотди ишларини биладиган энг олим ва доно кишилардан мухтасиб қўйиши керак. Ва атрофдан олиб келиб сотиладиган ҳар бир молни бозорда сотиш учун ва ҳаридорларни алдамаслик учун улар устидан назорат бўлиши шарт. Тарози тошларини тўғри тутиб амри маъруф ва наҳйи мункар қилишлари лозим» (50-бет).

Асарда хизматчиларга маош бериш тартиби ҳақида ҳам тавсия берилган. Масалан, давлат мол-мулкини муҳофаза қилувчи ашрофлик лавозимидаги хизматчилар «ўз мартабаси ва билимларига кўра маош олишлари зарур. Уларнинг ойлик ҳаражат ва маошларини раият ҳисобидан эмас, балки хазинадан берилиши керак. Шунда халқ бошига ранжу азоб тушмайди...» деб таъкидланади (68-69 бетлар). Бу ерда биз иккита тамойилни кўрамиз: биринчиси- иш ҳақи хизматчиларнинг ўз лавозими ва билим-тажрибасига қараб табақалаштирилиши зарурлиги бўлса, иккинчиси-уларнинг иш ҳақи ва оилавий моддий ҳаёти одамларга мапол келмаслиги. Бу ҳол давлат хизматчиларга нисбатан халқ норозилигига сабаб бўлмаслигига ва уларнинг ҳалолу пок хизмат вазифаларини бажарилишига сабаб бўлади. Бу фикр ҳам бугунги кунда нақадар аҳамиятли экани тушунарлидир.

Китобда давлат солиқ хизмати ходимларининг аҳолидан солиқ йиғишдаги ўзбошимчалиги ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги айтилади. Шунинг учун улар фаолиятини давлат томонидан қонуний йўллар билан назорат қилиб туришлик ҳақида кўрсатма баён қилинган. Агар солиқ хизматчиси давлат белгилаганидан кўп солиқ олса, «Халқ

бундан камбағаллашади», одамларга кўп азоб етади, кўп моллар талон-тарож этилади»(79 бет). Бу ерда ўзбошимчалик билан, давлат буйруғисиз ҳам солиқ йиғувчилар фаолияти чеклаш зарурлиги ҳақида гап боради.

Асарда тарихий хикоятлар асосида кўпчиликка намуна бўлувчи ва катта тарбиявий аҳамиятга молик бўлган воқеаликлардан мисоллар келтиради. Улардан бирида айтилишича, яратувчилик билан, боғ-роғ барпо этиш иши билан шуғулланувчилар рағбатлантирилиши лозим. Бундай рағбат тадбиркорларни яна ҳам катта ишлар қилишга ундайди (130-бет). Шунингдек, хикоятлардан бирида Маъмуншоҳ ўзига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган «бир кишининг хожатини чиқаришга кўрсатма берганлигини хикоя қилинади, чунки у бу дунё ҳаракатидадир» (130-бет). Муаллиф имконияти бор ҳар бир одам мухтожларга ўз вақтида ёрдам кўрсатмоғи кераклигига даъват этади. Зеро, бойлик ҳар доим ҳам киши қўлида туравермайди, уни ўз вақтида савобли ишларга сарфламоқ жоиз.

Юқоридаги ибратли мисоллар миллий тарихимиздан олинган. Демак, халқимизда азалдан мурават пешалик мужассам. Миллий давлатчилигимиз қайтадан барпо этилаётган ҳозирги мустақиллик даврида ана шу мурувватпешалик фазилатларимиз ҳозирги бойларимизга, тадбиркорларимизга «юқиб» бораётганлиги бизни қувонтирмоқда. Миллатимизнинг бир қанча олийжаноб, инсонпарвар сайий кишилари ўз сармоясидан мактаблар, болалар боғчалари, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта мулкчиликни ривожлантиришга йўналтираётганлари ҳақида маълумотлар анчагина бор.

Низомул-мулк ўз тажрибасидан ва тарихий тажрибалародан келиб чиқиб шундай насиҳат қиладики, олинган ҳар бир даромадни, албатта ҳаражатга сарфлаш керак эмас, «Ҳар бир нарса ўз вақти ва ўз жойида ҳарж бўлиши керак» (228-бет). Шундагина «одамлар роҳатда яшайди, бирор киши мол-мулки жиҳатидан азоб чекмайди» (Ўша жойда). Демак, юқорида

келтирилган фикрдан хулоса шуки, хазинага (давлат ёки оила бюджетига) келган даромадни обдон ўйлаб, керакли мақсадларга, энг зарурий эҳтиёжларга сарф этилмоғи даркор. Шундагина фаровон ва тинч яшаш имконияти вужудга келади.

Муаллиф ўз фикрларини мукаммал, тушунарли ва ишонарли чиқиши учун хикоят ва ривоятлардан усталик билан фойдаланади. Унинг фикрича, мамлакатда тараққиёт ва тинч-осойишда ҳаёт ҳукм сурмоғи учун подшоҳдан тортиб барча раҳбарлар амалдорларгача инсофли, одил бўлишлари, ёмон ва нотўғри ишлардан қўл тортишлари керак. (230-233-бетлар). Китобда шоҳ Ануширвоннинг ўғли бир савдогарнинг мол-мулкни тортиб олиб бермай қўйганлиги учун ўз ўғли қўлини кесиб ташлаганлиги ва савдогарнинг барча нарсалари тўлалигича қайтариб берилганлиги ҳикоя қилинади. Муаллиф бундай мисолни шунинг учун келтирадики, унинг замонасида бировлар мол-мулкни тортиб олганлари, одам ўлдирганлар, пул олиб ҳам хожат чиқармайдиганлар кўпайиб бораётган эди. Бундай ҳолат бизнинг ҳозирги ҳаётимизда ҳам такрорланмаётир, деб айтишимиз қийин. Президентимиз томонидан порахўрлик, тажовузкорлик, хиёнаткорликка қарши қанчалик ҳаракат қилинаётганлигига қарамай, бошқалар мулки ва ҳаётига тажовуз қилаётганлар йўқ эмас. Бу мисол уларга бир эслатмадир.

Китобнинг сўнги 50 фаслида ғоят ажойиб, ибратли иқтисодий ғоя илгари сурилган. Муаллиф ёзадики «... Беҳуда ҳарж ҳам исроф ва ифратга ҳам йўл бермаслик керак, одамлар иқтисодни тежамсизлик деб билмасин.

Саҳоват ҳам кишига мос бўлсин, хазинадан нафақа оладиганларга ҳақ берсин: кўп оладиганга кўп, кам оладиганга кам. Шунда ҳар бир одам ўз қадрини тушунади» (234-бет).

Муаллиф «иқтисод» деган категорияга амалдорларнинг иш- хўжалик юритиш тартибларини (хўжалик фаолияти ташкил этиш) даромадлар, бойлик, мол-мулкни сақлаш, зарур заҳиралар шакллантириш, хазина

бошқариш, тўғри сарф-ҳаражатлар қилиш каби тушунчаларни киритадики, бу унинг иқтисодий дунёқараши қанчалик кенг қамровли эканидан далолат беради. Бу ерда «иқтисод» тушунчасини тежамсизлик, бахиллик деб тушунувчи иқтисод илмидан беҳабар кишиларга эслатма ҳам англатилган. Ҳақиқатда ҳам одамларимиз орасида «иқтисодни ўрганиш» деганда гўё зиқналик, қизғончилик, бахиллик деб билувчи кишилар ҳам йўқ эмас. Бундай ноилмий қарашларни сақланиб қолаётганини гўё Низомул-мулк пайқагандек туюлади бизга. Юқоридаги иқтисодий фикрда нафақа оладиганлар ҳам ўз меҳнатига қарб нафақа олишлари лозимлигига эътибор берилган. Зеро, давлат хазинасидан одамларнинг ижтимоий ҳимояланиши ҳам текислик тамойилига эмас, аксинча нотекислик (табақалантириш) тамойилига асосланиши лозим. Фақат «шундагина ҳар бир одам ўз қадрини тушунади». Ушбу фикрда жуда катта иқтисодий тафаккур яширинган, унда одамларни иқтисодий тарбиялаш масаласи ётади.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАРИ:

1. Абу Наср Форобий мулк ва мулкдор бўлишнинг хосияти ҳақида ғоялари.
2. Тақсимот муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти ҳақида Абу Наср Форобий қарашлари.
3. Абу Наср Фаробий ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар, хусусан меҳнат эҳтиёжи хусусида.
4. Абу али ибн Сино ижтимоий меҳнат тақсимои ҳақида қандай ғояни илгари сурган
5. Абу Али ибн Сино давлатнинг иқтисодиётни бошқариш ҳақидаги фикрлари қандай эди.
6. Абу Али ибн Сино меҳнатнинг одамлар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида.
7. Абу Райхон Беруний нима сабабдан пулларнинг (метал тангалар) таркибини ўрганди ва бу оламшумул ихтиронинг пул муомаласи барқарорлиги учун қандай аҳамияти нимада бўлади?
8. Юсуф Хос Ҳожибнинг «қутадғу билиг» асари тарихан юқори баҳоланганлиги сабаби нимада?

9. Юсуф Хос Хожиб меҳнатни тўғри рағбатлантиришнинг аҳамияти ҳақидаги ғоясининг тарихий аҳамияти тушунтиринг.
10. Низомул-мулкнинг «Сиёсатнома» асари ҳақида қандай фикрдасиз
11. Низомул-мулк давлатни идора қилиш ва мамлакатда иқтисодий барқарорликка эришиш учун қандай тадбирларни тавсия этган
12. Низомул-мулкнинг бозорларни тартибга солиш масаласидаги фикрлари

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Эҳтиёжлар- одамларнинг яшаши, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланишлари, мол-мулкка эга бўлиш, умуман ҳаётни давом эттириш ва ривожлантириш учун зарур бўладиган неъматлардир. Эҳтиёжлар объектив равишда ортиб боради, бу ҳаёт қонунидир.

Абу Наср Фаробий мулкий муносабатлар ҳақида. Мулк одамларнинг бадавлат ва фаровон яшашининг иқтисодий асосидир. Шундан келиб чиқиб Фаробий мулкдор бўлишни яхши одат ҳисоблайди. Зеро, мулксизлик қашшоқликка маҳкум этади. Фақат мулк ортиришда меъёр бўлмоғи яъни бефойда жамғармаслик, бошқа одамларга зарар етказадиган даражада мулк тўпламаслик зарур. Бу борада тартиб ўрнатилмоғи учун ҳуқуқий тарбия борилиши лозим, яъни мулки тўғри самарали тасарруф этишга одамларни тарбиялаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тақсимот-моддий ва маънавий неъматларни эҳтиёжлар асносида тақсимланишидаги муносабат Фаробий тақсимот масаласини жуда қийин, аммо жуда ҳам зарур иш, деб ҳисоблайди. Зеро, тақсимот иши тўғри бўлмас экан, одамлар бачканалашиб кетди, фақир аҳволга тушиб қолдилар. Тақсимот ишининг боши мавжуд мулк ва неъматларнинг миқорини аниқ ҳисобини олишдир. Жамиятда адолатли, қонунлар асосида яратилган тақсимот тизими бўлгандагина ишлаб чиқариш яхши натижалар беради.

Абу Али ибн Сино эҳтиёжлар ва уларни қондириш ҳақида. Эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим ижтимоий жиҳати-бу одамлар ўртасида ҳамкорлик ва алоқалар ўрнатишдир. Чунки ҳар бир одам қанчалик қобилиятли бўлмасин ҳатто ўз эҳтиёжини ҳам қондиришга етарли неъматлар ярата олмайди. Демак ижтимоий эҳтиёжларни меҳнат тақсимоти асосида ишни ташкил этиш орқали қондирилиши мумкин. Бунда давлатнинг ўрни ғоят муҳимдир. У адолатли қонунлар орқали одамларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатда ўз ўринларини топиб олишларини таъминлайди.

Пул муомаласини тартибга солиш. Тарихан товар-пул муносабатларининг ривожланиши туфайли пулга (олтин ва кумуш пулларга) талабнинг

ортиб кетиши қалбаки пулларнинг (таркибида қиймати паст металларнинг кўпайиб кетиши) муомилага чиқарилишига олиб келган. Бундай ҳолат иқтисодийни издан чиқаришга, одамлар турмуш аҳволини ёмонлаштиришга олиб келади. Ана шу вазиятни бартараф қилиш воситаси пуллар таркибидаги қимматбаҳо металлар салмоғини аниқ аниқлаб беришдан. Бундан 1000 йиллар илгари бундай мураккаб аппарат яратиш жуда қийин бўлган. Бироқ буюк олим Беруний беш йил ижодий шуқулланиб ана шундай аппарат яратди ва пул муомиласидаги инқирозни бартараф этди.

«Қутадғу билиг»- Буюк алломаимиз Юсуф Хос Хожибнинг улкан тарбиявий маънавий, бадий ва иқтисодий тафаккур манбаи бўлган асари. Асарда меҳнатга тўғри ва адолатли ҳақ тўлаш, одамлар меҳнатини тақдирлаш, меҳнаткаш қадриг етиш, моддий манфаатдорлик, касб-ҳунар эгаллаш масаллари ўз ифодасини топган. Унда ёзиладики, инсон ҳайвон тенги эмас, ана шуни билиб унга амал қилинсагина барча иш кўнгилдагидек битади ва ишдан самара чиқади. Демак, текис тақсимот яроқсиздир, фақат меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимот ташкил этиш жамиятда тартиб бўлишига олиб келади. Китобда давлатнинг (давлат бошлиғининг) бу борадаги вазифалари аниқлаштирилиб берилган.

Хирож-иқтисодий субъектларидан, одамлар даромадидан давлат ҳисобига олинадиган мажбурий тўлов, тушум. Хирож ҳамма замонларда ҳам давлатнинг иқтисодий тянчи ва қудрати бўлиб келган Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида хирожнинг (солиқ) меъёрлари белгилаб берилади. Солиқлар шундай бўлиши керакки, улар одамларга маълум келмаслиги, азоб-уқубат етказмаслиги, солиқ тўлаш қобилиятидан келиб чиқиши, ночорлар солиққа тортилмаслиги лозим. Унда ёзиладики, солиқлар адолатсиз бўлганда, одамлар ўз уй-жойларини ҳам сотиб, Ватанларини ташлаб сарсонлик ва ғарибликка мубтало бўладилар. Фақат адолатли солиқларга иқтисодий раванққа олиб келади.

Бозорни тартибга солиш- Низомулмулк вазир сифатида ҳам бозорларда барқарорлик бўлиши таъминлашни зарур деб билан. Бунинг учун у бозорлардаги тош-торозининг тўғрилиги, нарх-наволарнинг адолатли бўлишини назорат қилиб турадиган махсус масъул кишилар тайинланган. Улар бозорларда тош-тарозларни «тўғри тутиб амри-маъруф ва наҳйи-мункар қиладилар»

Сарф-харажатлар меъёри- Низомулмулк таълим берадики, олинган даромадларнинг ҳаммаси ҳам харажатга сарфланмаслиги даркор «ҳар бир нарса ўз вақти ва ўз жойида ҳарж бўлиши керак». Фақат шундагина «одамлар роҳатда яшайди, бирор киши мол-мулки жиҳатидан азоб чиқмайди». Топилган даромад керакли мақсадларга энг зарур эҳтиёжларга сарф этилмоғи даркор.

Осойишта ва тинч ҳаёт омили-Олим фикрига кўра мамлакатда осойишта, тинч ва фаровон ҳаёт ҳукм сурмоғи учун подшоҳдан тортиб барча раҳбарлар, амалдорларгача инсофли, одил бўлишлари, ёмон ва нотўғри ишлардан қўл силтайдиган бўлишлари керак.

Нафақа ҳам меҳнатга яраша бўлсин. Низомулмулк айтадики, хазинадан нафақа оладиганлар: «кўп оладиган кўп, кам оладиган кам олсин. Шунда ҳар бир одам ўз қадрини тушунади». Бошқача айтганда, давлат томонидан ижтимоий ҳимоялаш ҳам нотекислик (табақалаштирилган) тамойилига асосланиши керак, яъни нафақа миқори меҳнатлари миқдорига қараб белгилансин. Олим «Иқтисод» тушунчасини зикналик, қизғончиқлик, бахиллик деб тушунмасликлари, аксинча, хазинани тўғри бошқариш тўғри сарф ҳаражат қилиш, мол-мулкни, бойликни, даромадни тўғри тасарруф этиш, зарур заҳиралар барпо этиш деб тушунишлари керак деб билди.

5-БОБ: АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

1. Амир Темурнинг иқтисодий тафаккури

Шарқ иқтисодий тафаккурининг ривожланишида улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон, буюк саркарда Амир Темур иқтисодий ғоялари, у ишлаб чиққан ва амалда юритган иқтисодий сиёсат мисолсиз аҳамиятга эга. Амир Темур иқтисодий ғояларининг ўзига хос улуғворлиги шундаки, улар ҳаёлий эмас, балки реал ҳаётдан келиб чиққан ва унда ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам бу ғоялар илгари сурилганига, мана, 600 йилдан ошганига қарамай, ўзининг амалий ҳаётий аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Амир Темурнинг иқтисодий ғоялари «Темур тузуклари» асарида баён этилган. Унда Соҳибқироннинг мамлакатни бошқариш, уни ривожлантириб бориш қоидалари, тамойиллари, йўл-йўриқлари ўз ифодасини топган. Бу асарда иқтисодиётни ташкил этиш, барқарорлаштириш, тартибга солиб бориш, уни барқарор суръатлар билан юксалтириб боришга оид қимматли иқтисодий тавсиялар жамланган.

Соҳибқироннинг иқтисодий ғоялари ва сиёсати замирида инсон, унинг манфаати, фаровон ва тинч ҳаёт кечириши ташвишлари ётади. У одамларга касб-ҳунар бериш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан ва тижорат ишлари билан машғул бўлувчиларга етарли сармоя бериш, етарли уй-жойлар кўриб бериш ҳақида қайғуради. «Темур тузуклари»да қуйидагиларни уқиймиз:

«Касб-ҳунар ва маърифат аҳлларига салтанат корхоналаридан улуш берилсин», «билагиди кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касби корига қараб йўл тутсинлар», «сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин», «кучи етмайдиган деҳқонларга экин-тикин учун уруғлик ва асбоб-ускуналар тайёрлаб берилсин», «фуқаролардан уй-жойи бузилиб.

тузатишга қурби етмаганларга керакли нарсаларни етказиб бериб, уларга ёрдам берилсин» («Темур тузуклари», 1., 1993, 67-бет). Соҳибқироннинг юқоридаги иқтисодий қоидалари янги, бозор иқтисодиётини қуриш, янгича иқтисодий тарбияни йўлга қўйиш ишларида биз учун муҳим йўлланма, тарихий йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади. қизиғишундаки, бундай иқтисодий қоидалар ғарбдан 300—400 йил илгари баён этилди, ҳаётий тажрибадан ўтди.

Амир Темур иқтисодий қарашлари тизимида солиқ масаласи марказий тутади. Чунки солиқ тизими орқали иқтисодиёт ташкил этилган, бошқарилган, мамлакат иқтисодий ва ҳарбий ҳаёти тартибга солинган. Соҳибқирон ўз солиқ сиёсатида ҳам халқнинг манфаати устуворлигидан келиб чиқади. У агар аҳоли солиқ тизими орқали камбағаллашиб кетса, давлат ҳам оқибатда камбағаллашиб боради, аҳолининг бой-бадавлат яшамоғи учун адолатли солиқ тизими зарур, деб ҳисоблаган.

Амир Темур таъкидлайдики, аҳолидан олинадиган солиқлар уларнинг ишлаб топган даромадларига қараб белгиланиши, уларнинг қайси бирлари эл-юрт ободончилиги йўлида ўз мол-мулки ва сармоясини аямай сарфласа, уларга давлат солиқ тўлашда имтиёз бериши керак (қarang: «Темур тузуклари», 95—96-бетлар). Шу билан бирга у солиқлар одамларни меҳнатга, яратувчиликка, тадбиркорликка, соҳибкорликка рағбатлантириши зарурлигини уқтиради. «Амр қилдимки, — дейилади асарда, — аҳолидан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади» (ўша асар, 98-бет).

Амир Темур аҳолининг ўзи юргизаётган иқтисодий сиёсатдан, хусусан, молиявий муносабатлардан, пул муомаласи ва солиқ тизимидан хабардор бўлишини, яъни, иқтисодий саводхон бўлишини талаб қиларди.

У аҳоли иқтисодий саводхон бўлса, мамлакат иқтисодий жиҳатдан равақ топади, деб ҳисобларди.

Соҳибқирон солиқлар хусусида яна қуйидагиларни ёзади: «Агар аҳоли рўйхатга олинган ерлардан бериладиган солиқни нақд ақча (пул) билан тўлашга рози бўлса...», уларга имтиёз берилиши керак (қаранг: ўша асар, 98-бет). Бу ерда гап солиқни нақд пул билан тўловчилар нақд пулсиз (маҳсулот йўли билан) тўловчилар олдида енгилликлар олиши устида боради.

Амир Темури колдирган иқтисодий мерос бизгача етиб келганлиги жуда муҳим воқеадир. Унинг вориси бўлган бугунги ўзбек халқи ўз мустақил давлати иқтисодий тизимини яратаятган ҳозирги даврда буюк Соҳибқироннинг маслаҳатларига суянмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов Амир Темури таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақидаги фармонида халқимизни улуғ аجدодимиз мероси, тамойиллари, қоидалари руҳида тарбиялашга чақирди. Шубҳа йўқки, улуғ бобокалонимиз иқтисодий ғоялари яна кўплаб авлодларни иқтисодий тарбиялашда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳозирги ислохотлар иккинчи босқичининг устувор вазифаларидан бири миллий валютаимизнинг қадр-қимматини ошириш, уни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ички ва ташқарисида эркин алмаша олишга эришишдир. Бунга иқтисодий ривожлантириш, бўш пул ресурсларини аҳоли ихтиёрида муомаладан ташқарида қолмаслиги чораларини кўриш, пулнинг реал муомалада юриши орқали эришилади. Ана шу умумий қоидалар Амир Темури иқтисодий сиёсатида ўз ифодасини топган. У нақд пул билан давлат солиқларини тўлаганларга маълум имтиёзлар берган. Бу билан аҳолининг бўш пулларини муомалага киритиш, хазинани тўлдириш (бизнинг ҳозирги ифодамиз бўйича давлат бюджети даромадларини кўпайтирамиз), иқтисодийтимизда пул такчиллигини келтириб чиқармаслик, пул эмиссиясини кераксиз амалга оширмаслик, яъни

пулнинг қадрсизланмаслигининг ғоятпухта ўйланган иқтисодий воситаси топилган.

Шунингдек, у солиқ ислоҳотига катта эътибор берган, ишлаб чиқарувчиларга солиқ тўлашда имтиёзлар берган. Бу мамлакат ва ишлаб чиқарувчилар манфаатига ҳам ижобий таъсир этишини яхши тушунган Президентимиз иқтисодий ислоҳотлар муҳим буғини бўлмиш солиқ ислоҳоти ҳақида гапириб, бундан буён солиқларни фойдадан олиш ва солиқ, юкини корхоналардан камайтириб бориш каби тамойилларни илгари сурганида Соҳибқирон кўрсатмаларига асосланган бўлса ажаб эмас. Бундай тартиб ишлаб чиқарувчиларда кўпроқ даромад топиш, камайтирилган солиқ, ҳисобидан ишлаб чиқаришнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, замонавий технология сотиб олиш, одамларни рағбатлантириш имкониятида туғилади.

Амир Темури ўтказган иқтисодий ислоҳотлар тизимида деҳқонлардан олинадиган тушумларни табақалаштириш тамойили ҳам алоҳида ўрин тутади. У тушумлар миқдори ер ва иқтисодий шароитларга қараб белгиланишини талаб қилган. Масалан, янги ер ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилаётган кишилардан 1-2 йил солиқ олмаслик, кейинги йилларда эса у сарфлаган сармояси қопланишини эътиборга олиб солиқ солиш, ернинг табиий унумдорлигига қараб хосилнинг $\frac{1}{4}$, $\frac{1}{3}$, $\frac{1}{2}$ каби нисбатларда тайинланиши каби табақалаштирувчи солиқлар жорий этди. Айни вақтда янги ерлар ўзлаштириш, сув чиқариш ва мелиорация ишлари юкини давлат зиммасига олиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий назария фанида (илгари «Сиёсий иқтисод») аграр муносабатлар, уларнинг мавзуи бўлган ер рентаси таълимоти мавзуси алоҳида ўрин тутади. Бу таълимот марказида ер рентаси, унинг мутлақ (абстракт), дифференциаллашган (табақали), монопол шакллари масалалари ётади. Бироқ бу таълимот асосчилари деб В.Петти, А. Смит, Д. Рикардо ва бошқаларнинг номлари тан олинади. Аслида дифференциал рента

таълимотининг асосчиси, карвонбошиси бизнинг Соҳибқирон Амир Темур эканлигини исботлашга хожат йўқ. Тўғри, Амир Темур рента ғояси тўғрисида махсус асар ёзган эмас. Бироқ унинг солиқларни ер шароитлари ва бошқа мавжуд бўлган шароитларига қараб белгилаш тизими илмий асосланганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида янги хўжаликларни шакллантириш (деҳқон, фермер, якка, шахсий хўжаликлар) ва уларга нисбатан юргизилаётган солиқ сиёсатидаги имтиёз ва табақали ёндашувлар сўзсиз Амир Темур иқтисодий сиёсатига боғланганлиги табиийдир.

2. Мирзо Улуғбекнинг иқтисодий ислохотлари

Мирзо Улуғбек ўзининг подшолик, олимлик, мутафаккирлик фаолиятида улуғ бобоси Амир Темур васиятларига, унинг кўрсатмаларига тўла асосланди. Натижада унинг 40 йиллик ҳукмронлиги даврида мамлакатда барқарорлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик, иқтисодий равнақ катта ижодкорлик ҳукм сурди. Мирзо Улуғбек ўз фаолиятида иқтисод илмига, иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарорликни таъминлашга катта эътибор берди. У шундай иқтисодий ўзгаришлар (ислохотлар) қилдики, булар оқибатида иқтисодий инқирозларнинг олдини олди, давлат қудратини юксак даражага кўтарди.

Унинг солиқларни тартибга солиш ва пул муомаласини барқарорлаштириш, пулнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик учун кўрган чора-тадбирлари тарихий аҳамиятга эга бўлди. Масалан, у хирожнинг миқдорини белгилашда табақалаштириш йўлини тутди, яъни хирожни ернинг шарт-шароити, унумдорлиги, бозорларга яқин-узоқлиги каби омилларга қараб белгилади. Иқтисод илмининг ҳозирги тушунчаси билан айтганда, ер рентаси таълимотини асослашга ҳаракат қилди. У солиқларни пул шаклида тўлашни афзал деб билди ва шундай солиқ шаклини ижтимоий

адолатга хизмат қилади, деб билди.

Мирзо Улуғбек иқтисодий дунёқарашида пул ислоҳоти алоҳида ўрин тутди. У шу мақсадда пул зарб қилувчи корхона қурдирди. қизиғишуки, пул бирликларининг номини ана шу корхона жойлашган шаҳар — Бухоро халқ атамаси билан аташни лозим топди (масалан, донаки адлия, нилдонаки адлия, дудонаки адлия каби). Пул бирлигининг вазни пул қийматига қараб 2,3—8,6 грамм оғирликда белгиланган. Бундай иқтисодий тадбир мамлакатда товар-пул муносабатларининг ривожланишига, халқаро савдо равнақига, миллий мулкнинг барқарор бўлишига хизмат қилади. Улуғ бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг пул ислоҳоти борасидаги тажрибаси изсиз қолмади. Мустақил Ўзбекистонимиз ҳам ўз миллий валютасини муомалага чиқаришда ана шу тарихий меросга асосланмоқда. Мамлакатимиз миллий сўмни чиқарадиган ўз корхонасига эга. Эндиги вазифа иқтисодий идрок кучи билан иш тутиб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, пул қадрини ошириш, иқтисодиётни бозор изига тушириб юборишдан иборат.

Табиий равишда шундай саволлар турилади: нима учун Мирзо Улуғбек салтанатида узоқ йиллар иқтисодий ва сиёсий барқарорлик ҳукм сурди ?

Нима учун Мирзо Улуғбек мамлакат учун алоҳида пул зарб этувчи корхона қурдирди, пулни бошқа мамлакатда чиқариб келтирса ҳам бўлар эди-ку?

Мирзо Улуғбек иқтисодий дунёқараши аслида улуғ бобокалони Амир Темурга асосланади, яъни мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш унинг учун бош вазифа эди. Иқтисодий мустақилляк иқтисодий ислоҳотлар орқали таъминланади. Ислоҳотлар тизимида миллий валютанинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳам ётади. Агар мамлакат ўз пул зарб қилиш корхонасига эга бўлса, бу муомалада ортиқча пул ресурсларининг тўпланишига, яъни пул қадрсизланишига йўл қўйилмайди, пул чиқариб келтириш учун ортиқча харажатлардан халос бўлинади, мамлакат мустақиллиги мустаҳкамланади. Худди ана шу

асослар мамлакатимизда чуқур иқтисодий ўзгаришлар қилишга ва ўз пул чиқарувчи корхонамиз бўлишига туртки бўлди. Бу ҳамдўстлик мамлакатлари ичида ўзимизга хос ўрин олишимизга хизмат қилмоқда.

3. Алишер Навоийнинг иқтисодий даҳоси

Ўзбек халқининг маънавий меросида, унинг маданияти халқаро миқёс касб этишида улуғ шоиримиз, фахр-ифтихоримиз, маънавий дохиймиз буюк Алишер Навоийнинг ўрни, унинг хизматлари беқиёсдир. Ҳозирга қадар халқимиз, хусусан, ёшларимиз уни шеърят мулкининг султони деб таниб келдилар. Бироқ Алишер Навоий илмий мероси шу қадар бой ва кенг қирралиги, унда иқтисодиёт масалаларига доир кўпгина қимматли ғоялар ҳам ўз ифодасини топган. Буюк мутафаккиримизнинг иқтисодий қарашлари унинг бир умрлик китоби бўлган «Маҳбуб ул-қулуб» («қалб севгилиси») асарида баён қилинган.

Ҳеч кимга сир эмаски, инсоният доимо ижтимоий адолат тамойиллари ўрнатилган адолатли демократик жамият қуришни орзу қилиб келади. Бутун мустақиллик учун кураш мақсади ҳам худди ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Буюк шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўзининг бугун онгли фаолиятини мазкур умуминсоний мақсадга қаратган эди. Асарда тақсимот муносабатларига, уларнинг адолатли ташкил этилишига эътиборни қаратди, хусусан, хизматга яраша тақдирлаш (ҳақ тўлаш) масаласи диққат марказида турди. У ясовул мисолида шундай дейди: «Агар у хизматига яраша ҳақ олиши ҳаёлида бўлса, у ота мероси ва она сути каби ҳалолдир» («Маҳбуб ул-қулуб», I., 1983, 21-бет).

Бу ерда Алишер Навоий иккита иқтисодий ғояни илгари суради: **биринчидан**, меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ тақдирланиш фикри бўлса, **иккинчидан**, меҳнатига яраша ҳақ олиш «она сутидек ҳалол» эканлиги ҳақидаги фикр уқтирилган. Айтиб ўтишимиз керакки, ҳозирги даврда ҳам бу масала долзарб бўлиб қолмоқда.

Кўриниб турибдики, бу ғоя «қандай қилиб бўлмасин, тирикчилик ўтказилса бўлдида» қабилидаги фикрга тамомила зиддир. Ёшларда, барча фуқароларда иқтисодий тарбия масаласи илгари сурилаётган бир вақтда буюк шоиримизнинг юқоридаги ғояси нақадар аҳамиятли эканлиги тушунарлидир.

Шу нарса маълумки, Алишер Навоий феодализм муносабатлари хукмрон бўлган бир даврда яшаб ижод этди. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида Алишер Навоий жамиятнинг бойишида савдо-сотиқ тижорат ишлари муҳим роль ўйнаши ҳақидаги иқтисодий ғоянимаркантилистлардан бир аср илгариёқ асослаб берган экан. «Савдогар, — деб ёзади буюк алломанимиз, — ёлғиз фойдани ният қилмаслиги», «савдо қилиб фойда топаман, деб ортиқча кема сўрмаслиги», «мол ва пул кўпайтираман, деб жонсарак бўлмаслиги керак». «Савдогар бож-хирож бериш ўрнига ўз молини яшириб, ўз обрўсини тўкмаса ёки топган-тутганини меросхўрлари сотиб совуриши учун тўплаб қўймаса ёки бирор ёмон ходиса кўзлаш учун сарфламаса, жамғармаса яхши бўлади» (ўша асар, 33-бет).

Алишер Навоийнинг савдогарлар тўғрисидаги ушбу фикрлари худди бугун бизнинг савдогарлар ва тижоратчилар учун айтилаётгандек туюлади. Асарда баён этилган юқоридаги иқтисодий фикрлардан қуйидаги иқтисодий хулосаларга келиш мумкин: **биринчидан**, савдо, бозор, тижорат, муомала жараёни (олди-сотди) иқтисодиётни ри-вожлантиришда етакчи аҳамият касб этади. Зеро, улар товар-лар такчиллигини тугатишга хизмат қилади. **Иккинчидан**, савдо давлат бюджета даромадининг манбаи, мамлакат иқтисодий кудратининг таянчларидан биридир, зеро, савдогарлар давлат хазинасига бож-хирож тўлаб туриш би-лан молиявий муносабатларда муҳим роль ўйнайдилар. **Учинчидан**, алломанимиз савдогарларни инсофга, диёнатга чакиради, улардан фақат ўз фойдасини кўзлаб иш тутмасликни талаб қилади.

Маълумки, мазкур даврда (хатто энг тараққий этган мамлакатларда

ҳам) асосий ишлаб чиқарувчи куч деҳқонлар бўлган, жамиятнинг иқтисодий аҳволи, келажак тараққиёти, одамлар фаровонлиги ҳам уларга борлиқ бўлган. Алишер Навоий ўз даҳоси билан деҳқонларнинг моддий неъматлар яратувчи асосий куч эканини, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тақдири уларга боғлиқ эканини кўра билди. У ёздики, «Оламнинг ободонлиги деҳқондан, меҳнат тут шодон, улар шодон». «Деҳқон қандай экин экишга қилса ҳаракат — элга ҳам озиқ-овқат етказар, ҳам баракат»(ўша асар, 36-бет).

Келтирилган фикрлардан, Алишер Навоий моддий неъмат яратувчи бошқа кишилар гуруҳини (хунаrmандлар, майда товар ишлаб чиқарувчилар), уларнинг иқтисодий аҳамиятини камситган, деган фикр келиб чиқмайди. Алишер Навоийнинг машҳур «Фарход ва Ширин» достонида хунарнинг, хунаrmандчиликнинг катта иқтисодий-ижтимоий аҳамияти кўрсатиб берилганлигини ҳамма яхши билади.

Бу ерда шунини айтиб ўтиш лозимки, ўзбек адабиётида то Алишер Навоийга қадар ҳеч ким, ҳеч қачон оддий яратувчи одамларни бу қадар самимият, чуқур ҳурмат ва эҳтиром, чуқур инсонпарварлик руҳи билан шарафламаган. Буюк мутафаккиримизнинг деҳқонлар хусусидаги иқтисодий ғоялари бугунги мустақил Ўзбекистон давлати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда, бозор иқтисодиётига ўтишда, тўғри аграр сиёсат белгилашда илмий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз И. Каримовнинг «Деҳқон тўқ бўлса, юрт тўқ бўлади, деҳқон бой бўлса, давлат бой бўлади», деган сўзлари буюк шоиримиз иқтисодий ғояларига ҳамохангдир.

Иқтисодиёт тарихидан биламизки, кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳамма босқичларида, давлат орқали ижтимоий-иқтисодий ҳаётни бошқариб бориш йўлга қўйилган даврлардан бошлаб солиқ тўлаш масаласи бош иқтисодий масала бўлиб келмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда солиқ масаласи, унинг тизими, тўлаш тартиблари ва бошқа

шу билан боғлиқ масалалар янада долзарблик касб этади. Алишер Навоий ҳам ўз даврида вазир ва давлат арбоби сифатида бу муаммо билан кўп тўқнаш келганлиги, у билан бевосита шуғулланганлиги тарихий манбалардан маълум. ҳикоят қилишларича, у давлат томонидан аҳолига солинган солиқларни ҳатто ўз ҳисобидан тўлаб юборган, бу билан халқ аҳволини бир оз енгиллаштирган.

Табиийки, у вазир ҳамда амир сифатида солиқ назарияси ва амалиётидан хабардор бўлган. Ана шу нуқтаи назардан Алишер Навоий асарларида солиқ масаласи ўз ифодасини топганлигига таъжжубланмаса ҳам бўлади. Айни вақтда у оддий одамларга «солиқни тўлашдан бош тортмасликни маслаҳат беради, зеро бундай хатти-ҳаракат «ўз шерикларига жафо қилишлик» билан баробардир», дейди. Алишер Навоийнинг солиқ ҳақидаги, бож-хирож тўлаш ҳақидаги фикрлари мустақил давлатимиз солиқ тизими ҳақидаги билимларимизнинг тарихий асосларини билиб олишга ёрдам бериши табиийдир.

Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб» асарида «қиймат» категорияси ҳам маълум маънода ўз ифодасини топган. Албатта, мазкур асарда бу мураккаб иқтисодии тушунча (қийматнинг таърифи берилган) тўла ҳолда илмий асослаб берилмаган. Алишер Навоийнинг қиймат ҳақидаги фикри чинни идиш мисолида (ўша даврларда чинни идиш тайёрлаш ғоят оғир, кўп меҳнат талаб қилувчи хунар бўлган) шундай таърифланади: «Чинни идишнинг — уни тайёрлашдаги қийинчилигига ярашлиги биландир; уни асрашда ҳам қийматга аҳамият берилади. қиймати оз нарсанинг — ҳурмати оз» (ўша асар, 7 8-бет). Бу ерда биз учун аҳамиятли бир хулоса шуки, хали ғарб адабиётларида қиймат тушунчаси учрамаган бир даврда бизнинг буюк бобокалонимиз Алишер Навоий қийматнинг миқдорий жиҳатини тушуниб етди ва уни ўз асарида таърифлади.

Алишер Навоий одамларни хунарли бўлишга, доимо ҳаракат билан

яшашга, тадбиркорлик, тежамкорлик хислатларини эгаллашга ундайди. Алишер Навоий бу ҳақда шундай дейди: «Ҳар бир ишдан фойда кўрганингда бажар, уни бажаришда қийинчиликлар ва иккиланишлар пайдо бўлса, машаққати озроқ томонига куч бер, қийинчилигидан эринмаслик чорасини кўр» (ўша асар, 71-бет). Кўриниб турибдики, бу ғояларда тадбиркорликнинг мазмуни, хосияти чуқур мантиқийлик билан баён қилинган, уларда инсон ақл-заковат билан иш юритишга даъват этилган.

Алишер Навоий иқтисодиётнинг муҳим жиҳати бўлган мулк масаласига эътиборни қаратади. У мулкни тўғри тасарруф этиш, ресурслар, иқтисодий шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик керак, дейди. Ана шунда одамлар тўқ ва фаровон яшашлари мумкинлиги ҳақидаги иқтисодий қарашни илгари суради. «Исроф қилиш сохийлик эмас, ўринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни қўйдирганни девона, дейдилар, ёруғ жойда шам ёққанни ақлдан бегона, дейдилар», — деб ёзади (ўша асар, 69-бет).

Бизнинг илмий-техник тараққиёт давримизда мамлакатимиз бойликларини исроф қилмай ишлатиш, уларни келажақ авлодларга ҳам мерос қилиб қолдириш зарурати кундан-кун ортмоқда. Бунинг устига мавжуд манбалардан самарали фойдаланишни бозор иқтисодиёти ҳам талаб қилаётир. Бундай шароитда улўғ шоиримизнинг юқоридаги маслаҳатларига асосланиб хўжалик юритишни одат қилсак, келажагимиз фаровон, юртимиз бой, Ватанимиз буюк бўлишига эришамиз.

Буюк ёзувчимиз Ойбекнинг шоҳ асари бўлмиш «Навоий» романида ҳам шоирнинг иқтисодий тафаккури иқтисодий муносабатлар билан бевосита шуғулланиши, ўша даврнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларига ечим топишга қодир бўлган буюк ахлома ва тадбиркор, инсонпарвар давлат арбоби эканлиги каби бир қатор фазилатларини очиб беради.

Асарда ёзилишича, Алишер Навоий мулозимлар (ўзига қарашли

ерларда деҳқончилик ишларини бошқарувчилар) билан тез-тез учрашиб туради, улар билан суҳбатлар қуради, қўш ва экинлар ҳақида, деҳқонларнинг ахволи, тирикчилик ўтказиши, истеъмоли буюмларининг нарх-наволари билан қизиқади, улар билан мулоқотлар уюштиради. У ўз хўжалигида иш юритувчиларга оғорларда қолган ўтган йилги ҳалланинг бир қисмини мамлакат қўшинларига ажратишни ва бир қисмини бевабечораларга эҳсон сифатида улашиб беришларини топширади. Айни чоғда бундай хайрли ишга тездан тайёргарлик қуришни буюради. Кўриниб турибдики, улуғ бобокалонимиз ўзига тегишли бўлган мол-мулкни давлат хавфсизлигини таъминлаш, одамларга тинч меҳнат шароити яратиш бериш, қийналиб қолган одамларга моддий ёрдам бериш туриш каби олижаноблик ҳислатларини ўзида муҳассамлаштирган буюк инсон эди.

Шоир мамлакатда илм-фаннинг ривожланишига, мадрасаларда замонасининг етук мутахассисларини тайёрлаш ишига ўз шахсий ёрдамини аямайди. У мадрасаларда бўлиб, толиби илмларнинг нафақалари тўғрисида ғамхўрлик қилади. Ҳирот ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида юзларча истеъдодли шоирларни халққа танитишга барча имкониятни сафарбар қилади.

Ойбек берган маълумотларда буюк инсон—Алишер Навоий даромадлардан хайри эҳсон учун қилинаётган чиқимларни текширтиради, уларни ўз йўналишлари бўйича сарфланиши билан тез-тез қизиқиб, назорат қилиб туради. У тез-тез Ҳирот кучаларини пиёда кезиб, пойтахтда қурилаётган тарихий биноларни, жойларни кўзатиб турган, шаҳарнинг хуснини очиш учун яна нималар қилиш кераклиги тўғрисида ўйланади ва ечим топишга бор кучгайратини, ҳатто ўзининг шахсий бойлигини ҳам аямади.

Ҳа, биз ана шундай буюк даҳолар авлодлариданмиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айни чоғда, уларга содиқ муносиб бўлиб қолиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

4. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг иқтисодий ғоялари

Бобур ўз қисқа ҳаёти давомида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётнинг жуда кўп муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилди. Унинг илмий дунёқараши машҳур «**Бобурнома**» асарида баён этилди. Бу асар ўзининг ҳар жиҳатдан мукамаллиги, турли соҳаларга оид тадқиқотларнинг маҳсули эканлиги, жуда кўп фанларга оид бебаҳо материалларга бойлиги билан илмий жамоатчиликнинг хайрат ва тақсинига сазовор бўлди, шу билан бирга тарихимизни билиш, ўзлигимизни англаш учун бебаҳо манба сифатида ҳам аҳамиятлидир. Унда адабиётшунослик, манбашунослик, жуғрофия, тилшуносликка оид ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид ғоялар ва қарашлар мужассамлашган, бу асарни мутолаа қилар эканмиз, ундан мамлакатимизнинг бугунги ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш, улардан хулосалар қилиш ва қилаётган ишларимизда фойдаланиш учун фикрлар топамиз. Айниқса, иқтисодиётга оид, унинг умумий асосларига (ишлаб чиқариш, унинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти) оид, савдо ва тижоратга борлик илмий қарашлар бизни тўлқинлантиради.

Гарчи бизнинг қўлимизда Бобурнинг давлатни бошқариш, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этишга оид алоҳида асари ёки унинг ўша даврларда юритган иқтисодий сиёсатига доир манбалар бўлмаса ҳам, илмий умумлашма кучи билан шундай хулосага келиш мумкинки, у иқтисодий муносабатларнинг, иқтисодий қонунларнинг моҳиятини, қонунларнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини чуқур тушунган, яхши ва адолатли қонунлар ва фармонлар қабул қилган, адолатли иқтисодий сиёсат юритган бўлса керакки, унинг даврида давлатда осойишталик, ҳамжиҳатлик, тараққиёт қарор топган, у асос солган салтанат бир неча аср яшаган.

«Бобурнома» узоқ йиллар «Буюк ипак йўли» буйлаб қилинган саёҳат ва кузатишлар тафсири берилган асардир. Бу йўлдан қанча-қанча савдогарлар, тожирлар (тижоратчилар, дўкандорлар) ўз молларини дунёнинг турли

минтакалари ва мамлакатларига етказиб берганлар. Улар ўз ишлари билан савдо - иқтисодий фаолиятнигина эмас, айтиб ўтганимиз, халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик ва ўзаро манфаатдорлик ришталарини ҳам боғлаганлар. Маълумотларга қараганда, ҳатто урушлар, ўзаро келишмовчиликлар ҳукм сураётган даврларда ҳам савдогар-тижоратчиларнинг мол-мулкани талаш, босқинчилик қилиш, зиён етказиш қаттиқ қораланган. Агар мозийга назар солинса, ўша даврларда давлатлар, хонлар, подшоҳлар уруш-жанжаллари асосан қулай савдо йўллари, бозорлари, дунё бозорларига чиқиш мақсадларида олиб борилган. Буюк Амир Темури ва унинг муносиб вориси бўлган Бобур ҳам мамлакатлар, халқлар ўртасида халол савдо-сотиқ ҳамкорлик, тинчлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун курашганлар.

«Бобурнома»да асар муаллифининг ўзи туғилиб ўсган юрт, Ватани, унинг табиий, иқтисодий, маънавий ресурслари, ажойиб меҳнаткаш, яратувчи халқи тўғрисида тўлқинланиб ёзган сатрларини ҳаяжонсиз ўқиш қийин. Мана унинг жонажон Андижонли ҳақидаги фикри: «...Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиги вофур, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши булар. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ, расм эмас...» (З.М. Бобур. «Бобурнома», Т., 1989, 5-6-бетлар); қобул ҳақида: «Ҳиндистон биля Хуросонга восита бу вилоятдур. Бисер яхши саводхондир. Савдогарлар Хитойга ва Румга борсалар, ушмунча — ўқ савдо қилғайлар... қуйи Ҳиндистондир, ўн-ўн беш-йигирма минг уйлук, қорвон қобулга келур... Хуросон ва Ироқ, Рум ва Чин матои қобулда топилур... Найшақарни келтуруб, эқтуруб эдим. Чилғўзани Нижровдин келтурурлар» (ўша жойда, 117—118-бет). Ёки Самарқанд тўғрисида шундай ёзади: «Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳардур, бу шаҳарда бир хусусият борким, ўзга кам шаҳарда андоқ, булғай. Ҳар хирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, товар расмедур. Хўп нонволиклари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддан чиқар. Жувози қоғазлар суйи томом Кониқилдин келадур...» (ўша жойда, 46-бет).

Юқоридаги фикрларнинг аҳамиятли томони шундаки, биринчидан, уларда иқтисодий фикрлар, қарашлар ифодаланган бўлса, иккинчидан, уларда Бобурнинг яратувчилик, ишлаб чиқаришга қизиқишлари баён этилгандир. Моддий неъматларнинг узоқ-узоқларга етиб бориши ва машҳур бўлиб кетиши ўша давр иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг натижаси бўлса, бошқа томондан, улар савдогарларнинг олийжаноб хизматлари тусфайдир. «Бобурнома»да бир юрт молларининг бошқа юртларга олиб борилиши, алмашуви, аҳоли эҳтиёжларининг қондирилиши ва уларнинг аҳамияти мароқ, билан ҳикоя қилинади.

Бобур савдо-сотиқнинг халқлар ўртасидаги бебаҳо аҳамиятини жуда чуқур тушунар эди. Шунинг учун ҳам у савдо қарвонларини йўлларда талаш, босқинчилик қилиш, мол-мулкига зиён етказиш каби салбий иллатларга шахсан ўзи ҳам катъий қарши чиқади. Бунга мисол қилиб қуйидаги сўзларни келтириш мумкин: «Қалотга етганда, қалин Ҳиндустон савдогариким, Каботга савдо қилгали келган экандурлар, қоча олмадилар, черик эли алар устига — ўқ етиб борди. Аксар бирин бўлдиларким шундоқ ёғийлик маҳалида ёғий вилоятга келатуғонларни таламоқ керак, мен рози бўлмадим, савдогарларнинг не гуноҳи бор...» (ўша асар, 187-бет).

Ўзгалар мулкига ҳиёнат қилмаслик, уларнинг мулкани муқаддас билиш, эл-юрт фаровонлиги йўлида тиниб-тинчимай ишлаётган одамларни қадрлаш, уларни ҳимоя қилиш каби умумбашарий кадриятлар Бобурга бобоси Амир Темурдан мерос бўлиб келган. Отасининг ана шундай олийжаноб хислатини эслаб қуйидагиларни ёзган эди: «Адолатла шу мартабада эдиким, Хитой Қарвони келатурғонда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлик қарвонни қор бостиким, икки киши кутурди. Хабар топиб мухассиллар йибориб, қарвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандонким, вориси ҳозир йўқ эди, бовужуди эҳтиёт сақлаб, бир-икки йилдан сўнгра Самарқанд ва Хуросондан ворисларини тилаб келтуриб, молларини солим топширди» (ўша асар,

10-бет).

Бобур тузган давлатнинг бир неча асрлар яшнаб, равнақ топиб боргани, унинг муборак номи асрлар оша яшаётгани унда ижтимоий адолат жуда юқори эканлиги тўфайли ҳамдир. Шунингдек, Бобур бизга қолдирган маънавий ва иқтисодий тафаккур мероси, у юргазган иқтисодий сиёсат мустақиллигимиз учун курашимизда қудратли таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, Бобур иқтисодий дунёқарашини ўрганиш, унинг иқтисодиётга оид қарашларини тадқиқ этиш навбатдаги долзарб вазифалардан биридир. Биз юқорида келтирган фикрлар ушбу эзгу ишдаги дастлабки ҳаракат маҳсулидир, холос.

«Куръони Карим» ва ислом шариати қоидалари асосида солиқ ҳақида таълимот— Исломдаги фарзлардан бири — закотдир, у солиқ маъносида қўлланилади. Закот пул ва савдо йиғимитурларида тўланган. Бобур ғоятадолатли, инсонпарвар инсон бўлганлигидан унинг солиқ ҳақидаги қарашлари ҳам умуминсоният қадриятларини акс эттирган. У солиқни ҳисоблаш учун солиқ мавзуининг «ҳисоби»ни ҳисоблаш, яъни мол-мулкнинг солиқ солишга лаёқатли миқдорини аниқлаш зарур, деб билган. Солиқ ҳосилга, яъни олинаётган даромадга қараб белгиланган.

Бобур иқтисодий таълимотида «хирож», яъни ер солиғимасаласи алоҳида ўрин тутати. У ер солиғиниикки тоифага бўлади, яъни «муқассам ва муваззар». **Биринчиси**, олинган ҳосилнинг миқдорига борлиқ бўлган, яъни ҳосилнинг $1\frac{1}{3}$ дан $1\frac{1}{2}$ гача миқдорда белгиланган; **иккинчиси**, экилаётган ер майдонига боғлиқ қилиб қўйилган. Суғориладиган ерларга белгиланадиган солиқ миқдори ҳам алоҳида ҳисобланган. Сув солиғи ҳосилнинг $1\frac{1}{10}$ нинг ярми миқдорида тайинланган. Шу билан бирга чорва хайвонларига ҳам уларнинг турлари ва сонига қараб табақалаштирилган тарзда солиқ белгиланган. Масалан, 40 та қуйдан биттаси, 120 та қуйдан иккитаси, 201 та қуйдан учтаси, қўйлар сони 400 тадан ортган тақдирда ҳар

100 тасидан биттадан қўй закот (солиқ) сифатида тўлаши фарз қилинган.

Феодализм даври иқтисодиётида савдонинг аҳамияти, унинг иқтисодиётдаги салмоғи юқори эканлиги маълум. Бобур савдогарларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнини яхши тушунганлиги туфайли улар даромадидан ҳам солиқ тўлашнинг алоҳида (ўзига хос) тартибини тақлиф этган. Масалан, савдогарларнинг савдо йиғимининг ҳар 20 мисқоли — олтиндан бир мисқоли савдо йиғими тарзида олинган. Аҳамиятли томони шундаки, биринчидан, солиқ хиссаси савдодаги олинadиган даромад хиссасига нисбатан камайиб борилиши кўрсатилган, бу эса савдогарларни рағбатлантирувчи воситага айланган; иккинчидан, агар савдогарлар Ислом мамлакатларидан келган бўлса, даромаднинг 1/20 қисми миқдорида солиқ, белгиланган. Яна шу қоида биркитилиб қўйилганки, мусулмон савдогарлардан олинган солиқ, уларнинг ўз мамлакатларидаги солиқ, миқдори даражасида бўлиши кўзда тутилган.

Бобур ишлаб чиққан солиқ, сиёсати узоқ йиллар мусулмон мамлакатларда қўлланилган. Бу эса Бобур иқтисодий тафаккур олами жуда узоқни кўзловчи илмий асосларга суянганидан далолат беради. Бундай салоҳият унинг ворислари, ҳамюртлари қалбида унга нисбатан янада чуқур ҳурмат ва фахрланиш ҳиссини туйдиради.

5. Ибн Халдуннинг иқтисодий қарашлари

Ибн Халдун Шарқнинг буюк файласуфи, тарихчиси, сиёсатшунос олим, давлат арбоби ва йирик иқтисодчи сифатида ўз даврида катта обрў ва шон-шухрат қозонган тарихий шахсдир. У 1332 йилда Шимолий Африканинг Тунис шаҳрида таваллуд топди. Унинг аجدодлари бир неча аср давомида обрўли давлат лавозимларида фаолият кўрсатганлар. Унинг отаси эса сиёсий ҳаётдан кетиб фаннинг турли соҳаларида тадқиқодлар олиб борган, ўзини фанга бағишлаган киши эди. Табиийки, бундай муҳитда фарзанднинг тарбиясига қулай шарт-шароит яратилган, отаси

раҳбарлигида ислом ҳуқуқи, тил ва адабиёт, сиёсат ва иқтисод фанларини чуқур эгаллади. Айни чоғда Ибн Халдун ўз даврининг етук давлат арбоби даражасига кўтарилди, бир қанча давлатларнинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашди. Унинг ҳаётдаги муҳим воқеалардан бири умрининг охирларида буюк соҳибқироқ Амир Темур билан учрашгани, унинг иззат-эҳтиромини қозонган, Темурнинг иқтисод ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилганлигидир.

Ибн Халдун бир қанча йирик асарлар ёзди. У кўпроқ фалсафа ва сиёсатшуносликка оид китоблар битди. Унинг иқтисодий қарашлари ҳам жаҳон илм аҳли томонидан эътироф этилди. Унинг иқтисодий қарашлари «Кириш» деб аталган асарида баён қилинган.

1) Ибн Халдун меҳнат ва меҳнат тақсимоти ҳақида

Ибн Халдун тарихни одамларнинг ўзлари яратади, уларнинг ҳаракати ва манфаатларини рўёбга чиқариш жараёнида тариз юзага келади деган фикрдан келиб чиқиб, одамларнинг меҳнат фаолиятлари ва бу жараёнда уларнинг бир-бирларига ҳамкорлиги, мадади ёрдам беришлари масаласига катта эътибор берди. Унинг фикрига кўра, одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти жамиятнинг яшаш ва ривожланиш шартидир, бу эса уларнинг моддий эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бироқ эҳтиёжларни алоҳида ажралган ҳолда қондириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, унинг эҳтиёжини фақат бошқалар билан биргаликда ишлаш меҳнат турларини қобилиятларига қараб бўлишиб олиб ишлаш асосидагина қондириш мумкин. Демак, одамларнинг ҳаётий эҳтиёжлари фақат биргаликдаги ҳаракати билангина қондирилади.

Ибн Халдун табиий-жўғрофик муҳит одамлар ҳаётига, уларнинг яшаш тарзига, иқтисодий фаолиятига кучли таъсир кўрсатишини айтиб, бироқ у кишилиқ жамияти тараққиётини таъминловчи бош омил бўла олмаслигини уқтирган. Бундай бош омил одамларнинг меҳнат тақсимоти асосида уюштирилган иқтисодий фаолият бўлиши мумкин. Бироқ,

одамлар бир-бирлари билан яшаш шароитларини, воситаларини яратиш мақсадидагина боғланадилар, ўзаро ёрдамлашадилар.

У индустриал, яъни меҳнат ташкил этишнинг шаҳар шаклини юқори баҳолайди, уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг олий босқичи деб атайди. Чунки шаҳар ишлаб чиқариш шароитида моддий ва маънавий неъматларни яратиш усуллари такомиллашади, инсон эса ижтимоий раванқ топишининг юқорироқ поғонасига кўтарилади, шаҳар ҳаёт тарзи ҳунармандчилик ривожланишига ҳамда унинг кенг тарқалишига асос бўлади. Шуларга асосланиб олим қайд этадики, меҳнат қуролларининг ишлаб чиқарилиши ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, табиий равишда маҳсулот алмашинувини кенгайтиради. Алмашув жараёнида эса истеъмол ривожланади, одамлар онги, тафаккури ўсади ва даромадлар асосида яшаш тарзи шаклланади.

Ибн Халдун-қўшимча маҳсулот ва меҳнат тақсмоти таълимотининг асосчиси

Ибн Халдун халқлар ва давлатларнинг ҳақиқий бойлиги пулда эмас, балки меҳнатда ва меҳнат маҳсулотларида эканини пайқайди. Унинг фикрича, жамиятнинг фаровонлиги ва унинг ривожланиши мамлакат аҳолисининг кўпайиши, иш кучларининг шаҳарларда тўпланувчи, яъни «меҳнат миқдорининг ўсиши»га боғлиқдир. Бироқ, жамият фақат зарурий маҳсулот ишлаб чиқариш билан чегараланса, у қашшоқлик ва қолоқликдан чиқа олмайди. Жамиятнинг ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг ортиши фақат «ортиқча маҳсулот», қўшимча маҳсулот ишлаб чиқара олганидагина таъминланади. Демак, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти асосини қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этади. Гап шундаки, қўшимча маҳсулот, унинг моҳияти, аҳамияти, тараққиётнинг бирдан-бир моддий асоси эканлиги тўғрисидаги тушунчага ғарб иқтисодчиларидан камида 350-400 йил илгарироқ келган эди.

Одамларнинг меҳнат тақсмоти асосида ишлаши уларнинг меҳнати

унумдорлигини оширади. Яъни зарурий эҳтиёжларни қоплаб қўшимча маҳсулот яратиш имкониятини туғдиради. Олим ёзадики, жамоага, гуруҳга бирлашган одамларнинг бир-бирига таъсири, ўргатиши, ёрдами, натижасида уларнинг ўзлари истеъмол қиладиган маҳсулотдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади яъни, қўшимча маҳсулот яратилади. Гап шундаки, одам якка ҳолда ҳатто ўзини боқишга ҳам етмайдиган маҳсулот яратиши мумкин, агар улар кўпчилик бўлиб биргалашиб ишласалар, яъни меҳнат тақсимооти асосида фаолият қилсалар, уларнинг ҳаммаси ўз эҳтиёжларидан кўпроқ неъматлар яратадилар.

Мутафаккир уқтирадики, шаҳарнинг ёки вилоятнинг бир қисм аҳолиси меҳнат тақсимооти асосида ишлаб зарурий маҳсулот яратсалар, аҳолининг бошқа қисми ортиқча меҳнат билан қўшимча маҳсулот яратади. Бу маҳсулот ёрдамида бошқа эҳтиёжларни қондириш мумкин бўлади. Эҳтиёжларни қондириш маҳсулотларни қиймати бўйича алмаштириш орқали таъминланади. Демак, қўшимча меҳнат ва қўшимча маҳсулот алмашувини бозорларни вужудга келтиради, эҳтиёжлар таркибини кенгайтиради, уларга эришиш эса интилишни кучайтиради.

Ибн Халдун яна шуни асослаб бердики, қўшимча маҳсулот жамият аъзоларининг меҳнат тақсимооти асосида бирлашган меҳнатининг натижасидир, бу маҳсулот одамларнинг қанчалик тўпланиб ишлашларига, уларнинг меҳнат тақсимооти асосида бирлашиб ҳаракат қилишларига бевосита боғлиқдир. Хулоса шуки, жамиятдаги меҳнат тақсимооти шароитида ҳар бир одам қўшимча маҳсулотнинг кўпайишидан бевосита манфаатдордир, чунки у уларнинг ҳар бирининг ва ҳаммасининг фаровонлигига хизмат қиладир. Жамиятнинг қашшоқлик ва қолоқликдан чиқиши ҳам ишловчилар сонига ва улар меҳнат тақсимооти асосида бир иш кучи сифатида биргалашиб ишлашига боғлиқдир. Иқтисодиёт ана шундай асосларда ташкил этилса, истеъмол қилинадиган неъматлар кўпаяди ва уларнинг баҳолари паст бўлади.

Ибн Халдун шаҳарларнинг жамият тараққиётида ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда бош омил эканлигига эътиборни тотади. Унинг фикрича, шаҳарлар қанча катта бўлса, улар қанча кўп бўлса, уларда одамлар, иш кучи қанчалик тўпланса, тараққиёт ва жамият тараққиёти шунчалик юқори бўлади. У шаҳарлар пайдо бўлгач, одамлар ҳам очлик, қашшоқликдан, қалоқликдан қутила борадилар деб исботлайди.

Хўш, одамларни тўпланиб ишлашга шаҳарлар барпо этишга меҳнат тақсимоти асосида фаолиятларини мувофиқлаштиришга нима мажбур этди? Бу саволга унинг ўзи қуйидагича жавоб беради: «Бунга одамларнинг осийишта, хотиржам ва бадавлат яшашга бўлган интилишлари сабабдир». Демак, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи меҳнат тақсимоти асосида тўпланиб меҳнат қилишларидир. Бутун тарих ҳақиқати, саноат шаҳарлари тарихи Ибн Халдун ғояларининг нақадар асосли эканлигини исботлаб турибди.

Ибн Халдуннинг фан оламидаги буюк хизматларидан бири инсоният жамиятнинг ривожланиш концепциясини яратганида ҳамдир. Бу таълимотга кўра жамият қуйи фазадан юқори фазага томон прогрессив равишда ривожланиб боради. Бу ривожланиш кучи жамиятнинг ўзидадир, яъни одамларнинг шаҳарларда тўпланиб кооперацияга уюшиб, меҳнат тақсимоти асосида уюшган фаолият қилишларидир. Бу ғоянинг аҳамияти шундаки, унгача жамият тараққиёти қандайдир ташқи куч таъсирида бўлади деган қараш ҳукмрон эди. Албатта, «Ташқи куч» ғояси жамиятни тараққиётга рағбатлантирмас эди. Ана шундай шароитда Ибн Халдун таълимоти ҳаракатлантирувчи аҳамиятга эга бўлди.

2) Ибн Халдуннинг қиймат назарияси

Маълумки, қиймат назарияси иқтисодиёт фанида энг мураккаб, қийин тушиниладиган, таҳлили қийин кечадиган иқтисодий муносабатлардан биридир. қиймат категориясини тушуниш ва у ҳақида илмий фикр илгари суриш ўша тарихий шароит нуқтаи-назаридан қараганда ҳар кимнинг ҳам

қўлидан келадиган иш эмаслиги аниқ. Шундай бўлса-да, биз Ибн Халдун илмий дунёқарашида қиймат категориясини тушунишга уни тушунтиришга дастлабки, биринчи ҳаракатни кўрамыз.

Ибн Халдуннинг буюк хизматларидан бири шуки, у меҳнатнинг қиймат яратувчанлик ролини кўрсатиб берди, товарлар алмашинуви асосида уларга сарфланган ижтимоий меҳнат ётишини асослади, яъни у қиймат субстанциясини тушунишга интилди. қиймат субстанциясининг асосини ижтимоий меҳнат ташкил этиши ҳақидаги фикр ўз даври учун ғоят қимматли эди, чунки бу масалада Шарқ олими Арастудан илгарилар кетган эди. Арасту эса қиймат деганда алмаштириши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани тушунган эди.

Ибн Халдун икки нарсанинг ўзаро бир-бири билан алмашинуви асосида нима, қандай иқтисодий асос ётишини тушунишга ҳаракат қилади. Унинг қарашига кўра қиймат ижтимоий меҳнатнинг намоён бўлиши ёки ифодаланишидир, унингсиз қишлоқ хўжалиги ҳам ҳунармандчилик ҳам амал қилмайди.

Шуниси аҳамиятли ва қувонарлики, Шарқ мутафаккири қиймат тўғрисидаги ўз қарашларини ғарб иқтисодчиларидан 300-400 йил илгари сурган эди. Бироқ, Шарқда кейинчалик иқтисод илмига эътиборсизлик, олим қарашларининг жаҳон миқёсида тарқалиши ва унинг қиймат назарияси бўйича асосчи бўлиб танилишига таъсир этди.

3) Ибн Халдун мулкчилик ва мулкдорлик ҳақида

Ибн Халдун иқтисодий таълимотида мулкчилик муносабати ва одамларнинг мулкдор бўлишлик масаласи алоҳида мавзудир. Унинг фикрича инсон шунда камолотга эришадики, агар унинг тимсолида ишлаб чиқарувчилик фаолияти билан мулкдор бўлишлик муштараклик касб этса.

«Мулкдор бўлишлик инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқи, - дейди у, - инсоният жамиятининг вужудга келиши ҳам одамларнинг мулкдор бўлишига интилишларидандир». Демак, мулкдор бўлиш, хусусий мулкка

эгалит қилиш инсоннинг қонуний, объектив ва ҳуқуқий заруратидир. Шунинг учун давлат муносабатлари нафақат бошқаришга балки уларни бошқаришни тартибга солиб туришга мажбурдир.

Агар Ибн Халдуннинг мулкдорлик, хусусий мулкчилик ҳақидаги қарашлари бугунги цивилизация нуқтаи-назаридан қараб таҳлил этилса, шу ҳақиқат аён бўладики, иқтисодий эркинлик инсон учун ёт нарса эмас, уни мулкдорлик ҳуқуқидан маҳрум этувчи сиёсий кучларгина бу умуминсоний ҳақиқатни инкор этганлар ва ҳатто уни паймол этишган. Инсон ҳуқуқлари Декларациясида, барча демократик давлатлар Конституцияларида қайд этилган одамларнинг хусусий мулкдорлик ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар Ибн Халдун таълимоти асосида қонунлаштирилган бўлса ажаб эмас. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Конституциясида, Президентимиз И.Каримовнинг асарларида одамларни мулкдор қилмай туриб иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўз мақсадига эриша олмаслиги тўғрисидаги хулосалар улуғ бобокалонимиз, Шарқ иқтисоди илмининг даҳоси Ибн Халдун қарашлари билан чамбар-час боғлиқдир.

Ибн Халдуннинг жамият билан унинг аъзоси ўртасидаги иқтисодий муносабат фалсафаси

Ибн Халдуннинг фалсафий ва иқтисодий қарашларида жамият билан унинг аъзоси бўлган инсон муносабати масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Унинг таълимотига кўра, жамиятнинг ҳолати унинг бойиши, равнақи, истиқболи, унинг аъзоларининг иқтисодий ҳаракатларига яшаш воситаларини яратишга бўлган интилишга боғлиқдир. Агар одамлар яшаш воситаларини топишга интилмасалар, ҳаракат қилмасалар, ғамхўрлик қилишмаса, бозорларда товарлар сотилмай қолади, бозорлар бўм-бўш бўлиб, хувиллаб қолади.

Бундай шароитда одамлар ҳар томонга ўзга юртларга тарқалиб кетди, мамлакат аҳолиси камайиб кетади, оқибатда давлат ҳароб бўлади.

Иқтисодий таназзулга гирифтор бўлади. Демак, у давлат хокимияти ва хусусий мулкчиликни, жамият билан унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни жамият нормал ҳаётининг асослари деган тушунчани асослайди, улар генетик жиҳатдан диалектик боғлиқ муносабатлардир.

4) Ибн Халдун пул ва бойлик хусусида

Ибн Халдун феодал олими бўлганлиги учун пулни бойлик деб тушунди, жамиятнинг асл бойлиги пулдир, жамиятда пул қанча кўп бўлса, у шунча бойдир деган фалсафага асосланди. Бундай фикрларни олим онгига сингиши бежиз эмас, албатта. Зеро, у моддий буюмлардан олтин ва кумушгина қийматни ёки маҳсулотдаги бутун меҳнатни мужассамлаштиради. Унинг бундай чекланган илмий қараши яна шундан келиб чиқадики, у ҳали товар қиймати одамлар ўртасидаги бозор субъектлари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабати эканини тушуниб етмаган эди. Шунинг учун ҳам қиймат ва пул моҳияти ҳақида чекланган қарашлар билан кифояланди.

Ибн Халдун фойда категорияси ҳақида фикр юритиб, унинг манбаи қўшимча маҳсулот эканини тушуниш даражасига кўтарилмади. У савдогар оладиган фойдани товарларни ўз қийматидан арзон олиб, қиймат баҳосида сотишдан келади, фойда бойлар томонидан одамлар меҳнاتини тўғри тақдирланмасликдан келиб чиқади деб тушунди.

Гарчи Ибн Халдуннинг иқтисодий қарашларида айрим нуқсонлар бўлса ҳам улар бизнинг «Иқтисодий таълимотлар тарихи» тўғрисидаги билимларимизни янада чуқурлаштиришга иқтисодий тафаккуримизни шакллантиришимизга ёрдам беради. Энг муҳими, қатор иқтисодий категориялар моҳияти тўғрисидаги илмий асосланган қарашларни иқтисодиёт тарихида биринчи бўлиб илгари сурганлиги, Шарқ иқтисодий тафаккури ғарб иқтисодий қарашларидан тарихан анча асрлар илгари шаклланганлиги билан бизнинг маънавий ғуруримизни кўтаради.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАРИ:

1. «Темур тузуклари» асарининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маърифий аҳамияти.
2. Амир Темурнинг аҳоли ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати.
3. Амир Темур иқтисодий қарашларининг ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар билан ҳамоҳанглигини Сиз қандай изоҳлайсиз?
4. Амир Темурнинг солиқ тизими ва унинг ижтимоий адолат сиёсатидаги ўрни.
5. Нима учун Соҳибқирон солиқ ва тўловларни нақд пул билан тўлашда имтиёзлар жорий қилган?
6. Мирзо Улуғбек пул ислохотларини нима учун ўтказди ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нимада эди?
7. Алишер Навоийнинг иқтисодий даҳосини Сиз қандай изоҳлайсиз?
8. Алишер Навоий савдо ва тижорат ишларига қандай баҳо берди?
9. Алишер Навоий қандай солиқ сиёсати тизимини таклиф этди?
10. Алишер Навоий ўз мулки ва бойликларини қандай тасарруф этди?
11. «Бобурнома» асаридаги иқтисодий ғоялар нималардан иборат?
12. Бобурнинг «Закот тўғрисидаги китоби»да қандай иқтисодий қарашлар илгари сурилган?
13. Бобур савдо-сотиқнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётдаги ролига қандай баҳо берди?
14. Ибн Халдун қўшимча маҳсулот ва меҳнат тақсимоти ҳақида
15. Сиз Ибн Халдуннинг қиймат назариясини қандай тушундингиз
16. Ибн Халдуннинг мулкий муносабатлар хусусидаги қарашлари қандай?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Амир Тумурнинг солиқ тизими- солиқлар қуйидаги тамойилларга асосланилган: 1) халқ манфаатининг устивор бўлиши; 2) аҳоли бой-бадавлат яшамоғи учун адолатли бўлиши; 3) даромадларга боғлиқ бўлиши, табақалаштирилиши, ўз даромадидан ободончилик, ер ўзлаштириш, ночорларга ёрдам берганлик ҳолатларидан имтиёз бериш ёки озод этиш; 4) яратувчиликка, ташаббускорлик ва тadbиркорликка рағбатлантирилиши; 5) нақд пул билан солиқ тўланганда имтиёз бериш; 6) аҳолининг давлат солиқ сиёсатидан тўла хабардор бўлиши; 7) давлат иқтисодий сиёсати бўйича аҳолининг саводхон бўлиши.

Миллий валюта-Мирзо Улуғбек мамлакатда иқтисодий ва сиёсий

барқарорлик бўлишининг муҳим омили пул муомиласини тартибга солиш деб билди. Бунинг учун мамлакат ўз миллий валютасига эга бўлиши ва уни ўз ҳудудида зарб этиш зарур. Бу бир томондан, мустақил молия сиёсати юрғатишга, иккинчи томондан-молиявий маблағларни тежашга имконият яратади.

Хизматга яраша тақдирлаш-Алишер Навоий олим ва давлат арбоби сифатида тақсимот масалаларига жиддий эътибор қаратган. У ҳар кимга хизматига яраша ҳақ бериш, мана шундай у «она сутидек ҳалол бўлади» деб билди. Демак, меҳнатига яраша тақдирлаш, рағбатлантириш Алишер Навоий назарида нафақат адолатли иш шу билан бирга одамларнинг иқтисодий тарбияси масаласи ҳамдир. Зеро, ҳар бир ходим фақат ўз қилган меҳнат эвазига яшаш кўникмаларига ўргансин.

Савдогар фақат ўз фойдасини кўзламасин. Буюк тарихимизнинг маълум даврларида савдо ишлари иқтисодий ривожланиш учун муҳим омил бўлган, савдогарлар фаолияти ҳазинани бойитишда етакчи аҳамият касб этган. Мана шу нуқтаи-назардан Алишер Навоий айтадики, савдогар ёлғиз фойдани ният қилмасин, фақат фойда деб ишламасин, солиқлардан даромадни яширмасин, беҳуда мол-дунё жамғармасин. Бу ғоя бугунги савдогарларимиз учун ҳам бағоят аҳамиятлидир.

«Ҳар бир ишдан фойда кўрсанг бажар»-Алишер Навоий одамларни касб-ҳунарли бўлишига, тежамкор ва тадбиркор бўлишига даъват этиш билан бирга қилинадиган ҳар бир ишдан манфаат, фойда бўлишини кўзлаб ҳаракат қилиш лозимлигини уқтиради. У бирор ишга киришганда машаққатини олдиндан кўра билиш «қийинчилигдан эринмаслик чорасини кўриш»га чақиради. У исрофгарчилик, ўринсиз сахийлик, ҳалол молни совуриб-сопуриш энг ёмон хислатлар, дейди, хатто бундай бўлишни «демоналик» деб баҳолайди.

Алишер Навоий йирик тадбиркор ва бошқарувчи- У йирик давлат арбоби, буюк шоир бўлиш билан бирга йирик тадбиркор ва менеджер ҳам бўлган. Унинг қарамоғида йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, мадрасалар, саройлар ва бошқа мол-мулк бўлиб, уларни маълум адолатли бошқариш тизимини яратган эди. Алишер Навоийнинг бу хислатлари Ойбекнинг «Навоий» романида маҳорат билан тасвирланган.

Хирож-Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Хирож» масаласида ҳам ўз таълимотига эга бўлган. У ердан олинадиган солиқни (хирож) икки тоифага бўлган: «муқассам ва муваззар». Биринчисида хирож ҳосилнинг миқдорига қараб, иккинчи –экилаётган ер майдонига қараб белгиланган. Сув солиғи ҳам бўлиб, у ҳосилнинг 1/10 қисми даражасида бўлган. Хирож яна чорва ҳайвонлари сони қанча кўп

бўлса, хирож миқдори нисбатан камайтирилиб борилган. Савдогарлардан олинадиган солиқлар ислом мамлакатларидан бўлса даромаднинг 1/20 миқдорда бўлган, Ўрта Осиёлик савдогарлардан хатто солиқ олинмаган ҳам.

Қўшимча маҳсулот –Ибн Халдун таълимотида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ғояси илғари сурилган. Унинг фикрига кўра, жамият зарурий маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланса, у қашшоқлик ва қолоқликдан чиқаолмайди. Жамиятнинг ривожланиши ва аҳоли турмушининг ортиш «меҳнат миқдорининг ошишига» яъни қўшимча маҳсулот яратилишига боғлиқ. қўшимча маҳсулот яратилишига одамларнинг меҳнат тақсимооти асосида ишлашлари асос бўлади. Чунки, бунда одамлар бир-бирларидан ўрганади, меҳнат унумдорлиги ортади. Эҳтиёжларни қондириш маҳсулотларнинг қиймати бўйича алмашуви орқали амалга ошади. қўшимча меҳнат ва қўшимча маҳсулот алмашуви бозорни вужудга келтиради. Одамларнинг тўпланиб (шаҳар, саноат меҳнати) ишлашлари (меҳнат кооперацияси) қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда бош омилдир.

Қиймат назарияси–«қиймат» категорияси иқтисодиёт назариясининг қийин масалаларидандир. Ибн Халдун ана шу категория мазмунини очиш, идрок қилиш даражасига кўтарилган биринчи олимдир, дейиш мумкин. У товарлар алмашуви асосида ижтимоий зарурий меҳнат ётади, меҳнат қийматнинг субстанциясини (мазмунини) ташкил этади деган ғоят муҳим назарияга биринчи бўлиб асос солди.

Мулкдор бўлишлик-инсоннинг муқаддас ҳуқуқи–Ибн Халдун таълимотида мулкдор бўлишнинг қонуний, умуминсоний ҳуқуқи эканлиги асослаб берилган. Мулкдор бўлишлик, хусусий мулк эгаси бўлишлик қандайдир кимларнингдир муруввати эмас, балки инсоннинг қонуний, объектив, ҳуқуқий заруратидир. Давлат ана шу ҳуқуқи рўёбга чиқаришга ва бошқаришга хизмат қилиши керак.

Фаровон яшаш одамларнинг ўзларига боғлиқ. Ибн Халдун таълим берган эдики, жамиятнинг ҳолати, унинг бойиши, равнақи, истиқболи, энг аввало, жамият аъзоларининг интилишларига, ҳаракатларига боғлиқ. Демак, бутун мамлакат ҳали ҳар бир фуқаро ҳам ўз фаровонлигини ўзи таъминлашга мутасадди ва масъулдир. Ҳеч ким уларга ташқаридан келиб фаровон ҳаёт яратиб бермайди.

Пул-бойлик–Ибн Халдун пулни бойлик деб тушунди. Унинг фикрича, пул қанча кўп бўлса, жамият ва одамлар шунча бой бўлишади. Зеро, пулда (олтин ва кумуш) ўзида маҳсулотлардаги меҳнатни мужассамлаштирган. Бу дунёқараш моҳиятан чекланган бўлса ҳам, ўз даврида анча илғор қараш бўлди. Бу таълимотнинг яна бир жиҳати шуки, «пул-бойлик» деган тушунчага меркантилизм тарафдорлари Ибн Халдундан 300-350 йиллар кейин келдилар.

6-БОБ. XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИ (ЖАДИДЛАР ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ)

1. Жадинлар иқтисодий қарашларининг тарихий, ижтимоий- иқтисодий асослари

Тарихдан маълумки, ўзбек фани ва маданияти ривожда, хусусан, миллатнинг иқтисодий тафаккурида ҳам XV – XVI асрлардан кейинги даврда қандайдир турғунлик, орқада қолишлик ҳолати кузатилди. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Бу қолоқлик Европа мамлакатларидаги ҳар томонлама юксак тараққиёт билан таққослаганда янада равшанроқ кўринар эди.

Бундай ачинарли ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, сиёсий тушкунликни XIX асрнинг охири XX аср бошларида миллат, Ватан тақдири учун ўзларини масъул деб билган ва бундай қолоқликдан чиқаришга ўзларининг бутун вужудини, ақлий салоҳиятини, керак бўлса иқтисодий имкониятларини ҳам бу йўлга бағишловчи жадинлар деб номланган бир гуруҳ ўзбек ватанрарвар, миллат фидойиси бўлган зиёлилар тийран идрок этдилар. Улар бундай қолоқлик эндиликда давом этмаслиги керак, унга қарши миллатни маърифат, илм-фан тарқатиш билан уйғотиш орқали курашиш лозим деб ҳисобладилар. Булар М.Бехбудий, А.Фитрат, Ф. Хўжаев, А.Чўлпон, А.Авлоний, С.Миржалилов, О.Махмудов сингари кўплаб буюк зотлар эдилар.

Жадинлар сиёсий фаолиятининг негизи мустақиллик ва озодлик ғоялари билан суғорилган эди. Бу ғоялар авваламбор XIX асрнинг 50-70 йилларида ўзбек халқининг Россия тажовузига қарши курашларида ўз ифодасини топган эди.

Туркистон истило қилинган, ўлкада капиталистик бозор муносабатлари шакллана бошлади. Ана шу жараёнда маҳаллий халқ ичидан етишиб чиққан миллий сармоядорлар – савдо–саноат эгалари ҳам шакллана борди. Мустамлакачилар маҳаллий миллат вакиллари орасида

йирик мулкдорлар пайдо бўлишини сира истамас эди. Улар миллат ичидан етишиб чиққан мулкдорлар табақаси охир-оқибатда ўз халқининг туб манфаатлари учун курашишидан кўрқар эдилар. Шунинг учун подшо ҳукумати амалдорлари ва буржуазияси ўсиб келаётган ўзбек маҳаллий сармоядорларининг иқтисодий-сиёсий ҳуқуқларини чеклаб, унинг ривожланиши, иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлиб кетишига тўсиқ қўйган эди. Лекин шунга қарамай қадим замонларда ҳам Буюк Ипак йўлининг назоратини ўз қўл остида сақлаган, ўз ҳунармандчилик буюмлари билан жаҳон бозорларини тўлдирган ота-боболаримиз юртида, мустамлака шароитида ҳам ишбилармон ва тадбиркор, Ватан ва миллат фидойиси бўлган кишилар етишиб чиқдилар.

Улар рус давлатининг Туркистон заминида ҳукумронлиги ўрнатилгандан кейин ҳам халқнинг қалбида жўш уриб турди. Бу ҳамиша ўз халқининг дардида яшаган ва унинг озодлиги учун жонини тиккан жадиждларнинг онги ҳамда қалбини чулғаб олди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган кутлуг бир кунларда бу мустақиллик учун яшаган, курашган, моли билан, жони билан бу йўлда ҳизмат қилганлар ҳақида сўзлаш шартдир.

Рус – Япон уруши ва 1905 йилги рус инқилобидан сўнг Бухоро ва Туркистон ерли аҳолисининг энг ўқимишли ва маълумотли доираларида тараққиёт унсурлари ҳаракати сезиларли равишда жонлана бошлади, кейин бу ҳаракат жадиализм номини олди.

1905 йилги рус инқилоби Европа Россиясининг ўзидаги қолоқ халқлар шу жумладан, турк – татар қабилалари орасида ижтимоий ҳаракатга бевосита таъсир ўтказиб, оммавий инқилобий ва миллатчилик партиялари ҳамда гуруҳларининг пайдо бўлишига ёрдам берди. Шунингдек, инқилобий жараён чуқурлашиб ва кенгайиб борган сари Туркистон сингари узоқ чекка ўлкаларда ёки Бухоро ва Хоразм каби ярим

мустақил “қарам бўлмаган” давлаталарда ҳам воқеаларнинг ривожланиб боришига катта таъсир қилди.

Натижада бу инқилобий ҳаракат Ўрта Осиёнинг ўзи учун сезилмаган ҳолда уни Россиядаги ижтимоий-сиёсий ривожланиш билан боғлади. Масалан, Марказий Россия, Қрим ва Кавказ татарлари Ўрта Осиё халқларидаги сиёсий, маданий ва иқтисодий ривожланишга кўп йиллар давомида катта таъсир ўтказиб турдилар.

Кейинги йилларда “Таржимон”, “Вақт” рўзномалари “Мулла Насриддин” сингари сатирик журналлар ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида тараққий парварлик ва миллий – озодлик ғояларининг кенг ёйилишида катта роль ўйнади. Ўрта Осиёдаги тараққийпарвар кишилар “жадид”, реакция (қарама-қарши) кучлари эса “қадимийлар” деган ном билан юритиладиган бўлиб қолди. Гарчи бу сўзларнинг асли арабча бўлса ҳам, аммо татарлар орқали кириб келди: “жадид” янги деган маънони, “қадимийлар” эски деган маънони билдиради.

Шу тариқа ҳур фикр ва тараққий кишиларнинг айрим гуруҳларидан дастлаб Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Самарқандда бир неча маданий – оқартув жамиятлари тарзида жадидлар ташкилоти вужудга келди.

Дастлаб мавжуд мактабларни ислоҳ қилишни тарғиб қилиб келган, сўнгра дунёвий таълим тизими зарур деган ва унчалик катта бўлмаган ислоҳотлар талаб қилган бу жамиятлар кейин ривожлана бориб Туркистонда маданий-оқартув характеридаги ошқора ҳаракатга айландилар. Кейинроқ бориб ўзларининг маданий-оқартув характеридаги истакларига майда-чуйда маъмурий ислоҳотлар ўтказиш керак деган талабларни ҳам қўшдилар. 1917 йили Октябрь тўнтаришидан сўнг эса Туркистон Автономияси байроғи остида бирлашдилар.

Бухорода бу ҳаракат бошқа йўлдан борди. Бухоро жадидлари деҳқонлар ва майда савдогарларга солинадиган оғир солиқларни енгиллаштириш ва солиқ ишини умуман тартибга солиш зарур деган

талаблар билан иш бошлаб, аста-секин чинакам махфий жамиятга айландилар. Кўп сонли аъзога эга бўлган бу жамиятнинг Бухоро аҳолиси турли ҳил табақалари орасида ўзининг бўлимлари ва жуда кўп ҳайрихоҳ кишилари бор эди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Туркистон ва Бухородаги миллий озодлик ҳаракатининг йўллари ўртасидаги фарқ ўша вақтда рус Туркистони билан ярим мустақил Бухорода вужудга келган хўжалик ва сиёсий муносабатлар ўртасидаги фарқдан келиб чиқди.

Бухорога нисбатан анча юқори хўжалик укладига эга бўлган, кўпгина рус ишчи кадрлари мавжуд бўлган ва рус сиёсий партияларининг фаолияти анчагина ривожланган Туркистонда тараққийпарварлик ғояларининг ривожланиши учун мавжуд вазият иккиёқлама зулм- подшо - капиталистлар зулми (шавқатсиз зулм) остидаги Ўрта Осиё Бухородагидан қулайроқ эди.

Туркистон жаидлари ошкора иш олиб бордилар. Амир истибдодининг оғирлиги Бухоро жаидларини махфий жамият тузишга мажбур қилди.

Бухоро жаидлари тарғиб қилаётган ғояларни Туркистондаги жаидлар, Туркистон жаидларининг ғояларини эса Бухоро жаидлари маъқуллар эдилар.

Бухородаги жаидларга келганда шунини айтиш керакки, амирликнинг Ўрта асрга хос истибдоди ва Бухородаги даҳшатли сиёсий вазиятдан норози бўлган айрим тараққийпарвар кишилардан иборат бу жаидларнинг ҳеч қандай партиявий уюшмаси йўқ эди, шунчаки бир тўдадан иборат эди. Шундай бўлса ҳам бу тўда ўсиб, бора-бора кучли миллий-прогрессив ҳаракатга айланди, жаидизм номи билан танилди.

1910 йилдан бошлаб жаидлар ҳаракати ташкилий тусга кирди.

Хўш, жаидлар иқтисодий ғоялари ўз-ўзидан тасодифан юзага келганми ёки унга маълум шарт-шароитлар сабаб бўлганми? Туркистондаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият муайян маънода

жадидларни жамиятни ислоҳ қилишнинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш билан боғлаш ғоясини юзага келтирди. Бизнингча, бу ғоя халқни иқтисодий саводхонлигини ошириш маърифатли қилиш ҳақидаги ғояни юзага келишига сабаб бўлган.

Албатта, ҳар бир янги ғояларни юзага келишига маълум бир шарт-шароитлар сабаб бўлади. Туркистонда жадидлар ҳаракатини юзага келиши жадидизмнинг бошланиши ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бунга ўша вақтдаги иқтисодий маданий ва сиёсий шарт-шароитлар сабаб бўлди. Биринчи параграфда кўриб ўтган масалаларимиз яъни XIX аср охири XX аср бошларидаги Туркистон ижтимоий-иқтисодий ҳолати, Чор Россиясининг Ўрта Осиёда ўтказган мустамлакачилик сиёсати, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини арзон хом-ашё билан таъминлашга қаттиқ киришганлиги мамлакат иқтисодиётига катта таъсир кўрсатди.

Туркистон Россия империясининг асосий хом-ашё етказиб берувчи базаси бўлишига қарамасдан, бу ерда бирорта тўқимачилик корхонаси қуришга ҳаракат қилинмади. Россиянинг мустамлакачилик сиёсати империализмнинг четга товар чиқаришдан кўра сармоя чиқариш афзаллиги ҳақида анъанавий тамойилларига зид эди. Чор маъмуриятининг бундан кўзлаган асосий мақсади ҳар қандай йўллар билан, хатто иқтисодий зарар ҳисобига ҳам ўз мустамлакаларида саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш ва шу йўсинда уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётини чеклаб қўйишга қаратилган эди.

Жадидчилик, маълумки, Марказий Осиё минтақаси ижтимоий ривожланишининг туб бурилиши босқичида юзага келди. Маҳаллий ватанпарварларнинг мустамлака Туркистонда инқирозли ҳолатни, ўлканинг умумжаҳон жараёнларидан тобора орта қолаётганини, туб аҳолининг эркпарварлик ҳаракатларига кескин зарба берилиб ҳамма

жойларда бостирилишни, маънавият соҳадаги турғунликни идрок этишлари жамиятни атрофлича ислоҳ этиш керак деган ғоянинг юзага келишига туртки бўлди.³

Россиянинг Ўрта Осиёда ўтказган мустамлака сиёсати, айниқса, иқтисодга катта таъсир кўрсатди. Рус ҳукумати ва капиталистлар биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини арзон хом-ашё билан таъминлашга қаттиқ киришдилар. Пахтачиликни жадаллик билан ривожлантиришнинг ёмон оқибатларга олиб келишини XIX асрнинг охирларидаёқ жамиятнинг илғор вакиллари яхши англаб, бу кетишда “оқ пахтадан ўзбек халқи бошига қора кунлар тушишини” башорат қилганлар. Чунки пахтадан олинадиган даромадларнинг асосий қисми савдо-сотик корчалонларининг кармонига тушаберди. “Пахтачилик кишиларга катта ҳажмдаги маблағларни олиб келган бўлса-да, -дейилади манбада, - лекин улар фирмалар, судхўрлар ва шунга ўхшаш бошқа кишилар ўртасида тақсимланади.

Ўрта ҳол деҳқонлар пахтадан бойимадилар, камбағал пахтакорлар эса хонавайрон бўлдилар”.⁴

Ўлкадан Россияга фақат пахтанинг ўзи эмас, балки чигит, кунжара ва ёғ сингари маҳсулотларнинг узлуксиз олиб кетилиши ҳам деҳқонларнинг хўжалигига салбий таъсир кўрсатган. Бу ҳолат ўлкада улар миқдорининг камайишига ва нархнинг ошишига олиб келган. Айниқса, пахта ёғи кўп олиб кетилган.

жадвал

Россияга олиб кетилган пахта ёғи.

Йиллар	1906	1909	1910	1911	1912	1913
Ҳажми, <i>пуд</i>	566.878	1.102.876	1.575.988	1.772.186	2.382.818	2.115.119

³ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. - Т.: Маънавият, 2000. –Б. 7.

⁴ Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана-М., 1926. - С. 60.

Жадвалдан кўринадик, унинг ҳажми 1906 йилда-566.878, 1909 йилда-1.102.876, 1910 йилда-1.575.988, 1911 йилда-1.772.186, 1912 йилда-2.382.818 ва 1913 йилда-2.115.119 пудни ташкил қилган.

Шунингдек, чор ҳукумати ўлкани тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш имконига ҳам эга бўлди. Пахтадан Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусан, газлама ўлкага тобора кўп миқдорда келтирила бошланди. Шунини таъкидлаш лозимки, ўлкани Россия босиб олгунга қадар, яъни ўзбек хонликлари даврида Сибирь, Волга ва Урал орқали Россияга, асосан, тайёр маҳсулотлар, хусусан, ип ва газламалар чиқарилган. Бу ҳол ўлкада ишлаб чиқариш кучларининг ўсишида муҳим ўрин эгаллаб, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг самарадорлигини таъминлаган. Аммо ўлка вақт ўтиши билан тобора Россиянинг тайёр маҳсулотлар бозорига айланиб борди. Буни 1840-1850 йиллар мобайнида олиб борилган савдо алоқаларидан кўриш мумкин.

жадвал.

1840-1850 йиллардаги Россия ва Ўрта Осиё савдо алоқалари⁵

Россиядан Ўрта Осиёга келтирилган молларнинг турлари	Молларнинг қиммати, сўм	Ўрта Осиёдан Россияга юборилган молларнинг турлари	Молларнинг қиммати, сўм
Тилла ва кумуш тангалар	1.530.800	Пахта ва калава ип	2.747.688
Мис	331.170	Қуруқ мевалар	208.770
Темир, чўян ва турли металллар ва ундан тайёрланган буюмлар	682.916	Қимматли тошлар	123.727
Ипли газламалар	1.487.863	Газламалар	4.012.028
Ипак ва ярим ипак газламалар	102.805	Ипакли ва ярим ипакли газламалар	137.985
Юнгли моллар	528.381	Юнгли буюмлар	120.22
Чарм моллар	825.556	Қоракўллар, мўйналар ва юнглилар	1.075.702
Сандиклар	65.875	Кашмир шойиси	161.612
Бўёқ ва бошқалар	438.211	Маряна(рўян)	223.733
Турли моллар	776.695	Турли моллар	178.370
Жами	6.770.272	Жами	8.881.637

Жадвалдан аёнки, ўлкадан ип-газмалар – 4012028 сўмлик, ипак ва ярим ипак газламалар – 137985 сўмлик ҳажмида юборилган. Россиядан

⁵ “Биржевая ведомость”. 1867. №75.

келтирилган ипли газламаларнинг ҳажми – 1487863 сўм. Аммо ўлкада чоризм ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин аҳвол ўзгариб борди. Чунончи, бир томондан рус газламаларини келтириш ошиб борган бўлса, иккинчидан, унинг сотилган пулига пахтани арзон баҳода харид қилиш ҳам кучайган. Пировардида, рус газламаларини, яъни тайёр маҳсулотларни келтириш ҳам тобора ошиб борган.

Ўлкага рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берган. Маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай ички ва ташқи бозордан тобора кўп сиқиб чиқарилди. Бу хусусда бир мисол: 1885 йилда биргина Тошкентда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 182.700 сўмни ташкил этган бўлса, 1890 йилга келиб 49.875 сўмга тушиб қолди. Айниқса, маҳаллий газламаларни ишлаб чиқариш жуда пасайиб кетди.⁶

Туркистон замини Россиядан келтирилган тайёр саноат моллари билан тўлдирилиб, рус ҳукумати ва фирмалари ундан ҳам мўмай даромадларни қўлга киритдилар. Умуман айтганда, рус давлати ярим асирлик вақт ичида маҳаллий ҳалқларнинг бойликларини имкони борича ўзлаштиришга ҳеч нарсадан тоймади.

Мустамлакачилар ўлкадаги табиий бойликларни ҳам таладилар. Россиядан ўлкага тайёр саноат молларини узлуксиз келтирилиши ҳам тараққиётни бўғиб халқни қашшоқланишига олиб келган. Шунинг учун жадидлар моддий бойликларини бегоналарнинг қўлидалиги ва уларни таланишига қарши курашни муқаддас бурч ҳисоблаганлар. Чунончи, Бехбудий “Хуршид” газетасининг 1908 йилги сонларидан бирида чоп этилган мақоласида мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон ўлкаси фақат хом ашё етказиб берувчи замин бўлиб қолганидан халқимиз қашшоқ яшамокда, деб қайғурган. Айни пайтда у Россияни ўзимиздан хом ашёни

⁶ Зиёев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000. - Б.199-200.

арзонга олиб ундан ишланган молларни қимматга сотишини қоралаган. “6 миллионли туркистонликларда, -деб ёзган Бехбудий,- уч миллионер борлиги маълум эмас. Деҳқонлар эса, агарчи бир вақт қўли бир оз ақча кўрар, яна Оврупо (Россия бойларига) бир икки- беш хом мол бериб пишиқни зўрға олур!...”⁷

Ҳақиқатан ҳам Россиядан ўзбек пахтасидан тайёрланган газламалар, кийимлар ва бошқа буюмлар ўлкага келтирилиб қиммат баҳода ҳарид қилинган. Шунинг учун ўзбек халқи пахтани хом-ашё сифатида Россияга олиб кетилиши ва ундан ишлаб чиқарилган молларни келтирилиб, юқори нархда сотилишидан катта талофат кўрган. Бундай адолатсизлик зулмнинг жонли гувоҳи бўлган жаидлар зулмга қарши курашиш йўллари кўрсатишга уринганлар. Бу хусусда А.Фитратнинг қарашлари айниқса эътиборлидир.

“Эллик йилдан бери,—деб ёзган эди Фитрат,—эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди. Еримиз босилди, молимиз таланди. Шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тузумли турдик, сабир этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйинсиндик. Бутун борлиғимизни қўлдан бердик”⁸.

Хуллас, Туркистонни Россиянинг хом-ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши, аёвсиз таланиши ва қашшоқланиши жаидларнинг ҳам, миллий буржуазиянинг ҳам нафратини уйғотди. Бу ҳолат, уларда она юртнинг иқтисодий мустақиллигини тиклаш ғояси ва курашини шакллантирди. Ана шундай шароитда жаидчилар “ҳақ олинур, берилмас” деган даъватни шиор қилиб чиқдилар.

“Тарихдан яхши маълумки, - деб ёзган эди Маҳмудхўжа Бехбудий – “Ҳақ олинур, берулмайдур”. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади...

⁷ Алиев А. Фитрат ва маърифат//Шарқ юлдузи, 1992, № 9. -Б. 22.

⁸Қосимов Б. Фитрат (чизиклар)//Шарқ юлдузи, 1992, № 10. - Б.173.

Биз мусулмонлар, хусусан Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ”.⁹

Келажакни башорат қилиш ўтмиш ва ҳозирги замон тажрибасига таянади деган фалсафий ҳақиқатни жаидлар жуда яхши анлаганлар ва ўз асарларида унга асосланишган. Маҳмуд Бехбудий “Мозий – истиқболнинг тарозусидир”, деб ёзганда айна шу ҳақиқатга таянган эди.

Бинобарин, жаидчилик ҳаракати мозийга қараб иш кўриш, мамлакат иқтисодий ҳаётидаги аянчли ҳолатдан изтиробга тушиш ва бу адолатсизликларга қарши норозилик ифодаси сифатида намоён бўлди.

Натижада маҳаллий ҳалқнинг иқтисодий – ижтимоий ва маданий аҳволи чидаб бўлмас даражада оғирлашди. Туркистон ҳалқларининг шу даврдаги ҳаёти, савияси ҳақида Бехбудийнинг “Падаркуш” пьесаси, Фитратнинг “Мунозара”, Чўлпоннинг “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтир Муҳаммадиёр” ҳикоялари ва бошқа ўнлаб жаид адабиёти намуналарини ўқишнинг ўзи кифоядир. Ўз навбатида бу асарлар ўша давр ҳалқнинг ижтимоий аҳволини ўзига англатиш, уларни миллий, уйғоқликка даъват этиш, миллий мустақиллик ғоясини илгари суриб оммани зулм ва истибдодга қарши оёққа турғизишни ҳам мақсад қилиб қўйганлиги сир эмас.

Жаидчилик ҳаракатининг катта ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқишида Туркистоннинг ўзида ҳам асосий омил бўлиб ҳизмат қилган замин ва шароит етилган эди. Европа XVIII-XIX асрларда техника тараққиётига йўл бериб, XX аср маданияти ва турмуш тарзи учун мустаҳкам пойдевор яратган эди. Осиё, жумладан, Туркистон, илм-фан амалиёти ва техника тараққиётидан орқада қолиб кетганди. Ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон) ўртасида мунтазам давом этиб келган низолар охир-оқибатда уларни заифлаштириб, Россиянинг бу хонликларни

⁹ Бехбудий М. Баёни ҳақиқат//Улуғ Туркистон. 1917. 12 июнь.

босиб олиб, жаҳолат ва иқтисодий-маданий таназзулни янада чуқурлаштириб юборди.

Қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолининг аянчли аҳволи Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли қатламларида фикр – мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. Жадидлар ўзларининг асосий эътиборларини миллатнинг маърифатли, ўқимишли, билимдон ва касб – ҳунарли бўлишига қаратиб уни дунёнинг илғор миллати бўлишига чақирдилар, акс ҳолда, абадий қолоқлик исканжасида қолишлари мумкинлиги ҳақида қайғурдилар.

Жадидлар ўлкада биринчилардан бўлиб, чоризм ҳукмронлиги шароитида саноат инфратузилиши ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бирёқлама характерга эга бўлганлигини, мустамлакачилик тартиблари оғир оқибатларга олиб келганлигини кўрсатиб бердилар. Улар “Ойна”, “Ал-ислоҳ”, “Ал-изоҳ” журналлари, “Турон”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Хуррият” ва бошқа газеталарда эълон қилинган мақолаларида чоризм ҳукмронлиги даврида маҳаллий ҳалқларнинг оғир аҳволини, уларнинг миллий манфаатлари эътиборга олинмаганликларини кўрсатишиб, давлат мустақиллиги, маориф ва маданият соҳаларида жиддий ижтимоий-сиёсий талаблар билан чиқдилар. Жумладан, жадидлар ҳаракатининг таниқли арбоблари М.Бехбудий, А.Фитрат, Ф. Хўжаев, А. Чўлпон А.Авлоний, С.Миржалилов, О.Махмудов ва бошқалар ўз мақолаларида чоризм мустабид ҳокимияти ўлканинг иқтисодий аҳволини оғирлаштириб, маҳаллий ҳалқларнинг миллий кадр-қимматлари ерга урилганлигини изтироб билан кўрсатиб ўтдилар.

Табиийки, жадидлар Туркистонни иқтисодий ривожланган, қудратли давлат сифатида кўришни истар эдилар, улар ўзларининг иқтисодий ғояларини ҳам ишлаб чиққан эдилар. Жадидлар иқтисодий ғоялари марказида иқтисод илмини ўрганиш зарурлиги, ихрож ва аъмол саноати, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар масаласи, иқтисодиётга хорижий

сармояларни, илғор техника-технологияларни жалб этиш, Туркистонда банклар фаолиятининг ўрни ва аҳамияти, савдо-тижорат ишларини илмий асосга қуриш, тадбиркорлик, аграр иқтисодиёт самарадорлигини ошириш масалалари муҳим ўрин тутди (1-расмга қаранг).

Жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари маърифат ва илм тизимида иқтисод илмининг миллат равнақи учун аҳамияти алоҳида эканлигини қайта-қайта такидлаганлар. Жадидларнинг етук арбобларидан бири Абдулла Авлоний бу ҳақда шундай деган эди: “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саҳоватнинг зидди баҳиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдир...”¹⁰



Келтирилган лавҳада жуда чуқур иқтисодий маъно яширинган: биринчидан, муаллиф пулни неъмат яъни меҳнат билан яратилган маълум

¹⁰ Авлоний А. Танланган асарлар. 1 жилд. Т., 1998. —Б. 37.

қиймат унинг ифодаси деган илмий фикрни билдиради; иккинчидан пул тадбиркорни иш билармонни ёқтириши, фақат ана шундай кишилар қўлида пул, мол-дунё тўпланишини уқтиради.

Ҳар замонда инсоннинг мақсади эркин ва фаровон яшашдир. Айниқса, “... бу замонда мақсадга етмак учун, - деб ёзади Абдулла Авлоний, - ўз миллатига ҳизмат қилмоқ мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлардандур. Ҳар ерда бой миллатлар оғир келуб, фақирларга енгил келуб қул ва асир бўлиб қоладур...”¹¹.

Иқтисод илмидан боҳабар бўлган кишилар ҳар доим қиладиган сарф харажатларининг самара беришини олдиндан ҳисоб-китоб қиладилар. Олим мисол келтириб айтадики, илмдан яхши хабардор бўлган америкалик ва европаликлар иқтисодий билимликлари туфайли, фаровон тўқ яшайдилар. У ёзган эди: “Боболаримизнинг бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар” замонлари ўтуб, ўрнига “билгон битар, билмаган йитар” замони келди. Америкаликлар бир дона бўғдой экиб, йигирма қадок бўғдой олурлар. Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни кетуруб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар”¹².

Абдурауф Фитрат ҳам иқтисод илмини эгаллашга, ёшларимизни тижорат ва савдо ишларига ўқитишимиз лозимлигига даъват қилган эди. У ватандошларига, миллатдошларига мурожаат қилиб шундай деб ёзган эди: “Сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо ишига ўқитингиз, чунки бегоналар (хорижий савдогарлар - муаллиф) тижорат илмидан хабардор. Сиз эса беҳабарсиз”¹³.

Юқоридаги таҳлиллар шундан далолат берадики, жадиidler ватанимиз озодлиги ва мустақиллигининг моддий ва маънавий асосларини яратиш, ана шу асосда миллатнинг ўз мустақиллиги учун курашини илмий

¹¹ Авлоний А. Гулистон ёхуд ахлоқ. - Т., 1967. –Б.33-34

¹² Авлоний А. Танланган асарлар. 1 жилд. - Т., 1998. – Б.57-58.

¹³ Фитрат А. Танланган асарлар. 1 жилд. Ҳинд сайёҳи баёноти. 2000. –Б.167.

даражага кўтариш мақсадларини кўзлаганлар. Шунингдек мулкдор бўлмоқ, миллий иқтисодиётни яратмоқ, миллат ва Ватан равнақини таъминламоқ учун иқтисод илмини эгаллаш долзарб масаладир. Бу масаланинг долзарблиги бизнинг бугунги бозор муносабатларини жадаллик билан шакллантираётган давримизда яққол кўзга ташланмоқда ва жадинларни мазкур масаладаги илғор ғояларини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш уни жамият, давлат ва миллат истиқболини яратишдаги ўзига хос манбаа сифатида қарашга ундайди.

2. Жадинчилик маърифатида миллий иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш масалалари

Жадинчилик, маърифатпарварликдан қудратли сиёсий ҳаракатга қадар бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Туркистондаги мустамлака унинг чуқур таназзулга юз тутганлиги, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларидан иқтисодий жиҳатдан ортда қолиши, маданий қолоқлик, ижтимоий онгдаги турғунлик – жадинларни жаҳон тараққиёти тажрибасидан фойдаланиб, тезликда бу ҳолатдан чиқиш йўлларини излаб топишга чорлади.

Жадинлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жадинларнинг Туркистон мустақиллиги учун кураш дастурида асосан тўрт йўналиш мавжуд эди:

- а) янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш;
- б) қобилиятли ёшларни чет элларга ўқитишга юбориш;
- в) турли маърифий жамиятлар тузиш;
- г) газета ва журналлар чоп қилиш.

Ана шу дастур амалга оширилган тақдирда жадин зиёлиларининг кучли партиясини ташкил қилиш мумкин эди.

Жадидчиликнинг асосий ғоя мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонга мухторият мақомини бериш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузимини ўрнатиш озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш.

Ватанимиз ва халқимиз мустақиллиги учун бутун вужуди билан, илмий ва ташкилотчилик салоҳияти билан курашганлардан бири Абдурауф Фитратдир.

А.Фитрат Туркистонни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқишни икки йўлини таклиф этди ва бу ғояни руёбга чиқариш йўлида собит қадамлик билан кураш олиб борди. Мустақилликка эришишнинг биринчи йўли миллатни, халқни ўқимишли, маърифатли қилиш, унинг барча қатламларига зиё тарқатиш, тарихан доимо озод ва мустақил яшашга интилган буюк миллат эканлиги руҳиятини унга сингдириш, дунё халқлари эришган маърифат ва маданиятдан, илмий – техник тараққиётдан баҳраманд бўлиш, одамларда Ватан тақдири ва истиқболи учун масъуллик ҳиссини уйғотиш, метрополия иқтисодиётига хом ашё етказиб берувчи макон бўлиб қолмасликка чақириш, унинг учун иқтисодий тафаккур, фикрлаш туйғусини сезишга уйғотишдир; иккинчи йўл – Туркистоннинг ўз миллий иқтисодиётини вужудга келтириш, мустақил иқтисодиёт асосларини қуриш, жаҳон иқтисодиёти билан иқтисодий тенглик ва манфаатлилик тамоили асосида ҳамкорликка, интеграцияга киришдир.

Бу маърифатпарвар ва ватанпарвар бўлган А.Фитрат ўзи таклиф этган миллий уйғониш ва иқтисодий юксалиш концепциясини амалда моддийлашувининг иқтисодий, маърифий, интеллектуал омилларини ҳам кўрсатиб берди. Унинг “Ҳинд сайёҳининг баёноти” асари ана шу иқтисодий ғояни ишлаб чиққан илмий асар сифатида катта қийматга эга.

Бу асарда Она– Туркистон замини табиий хом ашё манбаларига жуда бой эканлиги, улар ҳозирча яшириниб ётганлиги, бу ер ости бойликларини ўзлаштириш, миллий хунармандчиликни жаҳоннинг илғор мамлакатларидан технология келтириб замонавий асосда тубдан қайта қуриш, хорижий сармоя, илм-фан, техника- технология ютуқларини миллий иқтисодиётни яратишга дадил жалб этиш каби илғор иқтисодий қарашлар илгари сурилган эди.

Жадидларнинг мустақил далат тузиш ҳақидаги ғоялари ўртасида уларни иқтисодий қарашлари алоҳида ажралиб туради. Чунки, Туркистонни Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши, аёвсиз таланиши ва қашшоқланиши жадидларнинг миллий нафратини уйғотган эди. Бу ҳолат уларда она юртнинг иқтисодий мустақиллигини тиклаш ғояси учун курашишини шакллантирди.

1908 йилда “Шухрат” номли жадидларнинг газетасида эълон қилинган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг мақолаларидан бирида туб аҳоли вакилларида бўлган инженер (муҳандис)лар, қонуншунослар, врачлар, иқтисодчилар тайёрлаш учун ёшларни хорижий мамлакатларга юбориш лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, “Шухрат”да сиёсий ҳаётга доир мақолалар ҳам эълон қилинди. Бу газета ҳам одатдагидек чор маъмурияти томонидан ёпилади.

Бироқ жадидлар томонидан 1913 – 1915 йилларда “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Бухорои Шариф”, “Турон” газеталари ва “Ойна” журналида эълон қилинган мақолаларда ислохотлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича фикр – мулоҳазалар илгари сурилади.

Келажакни башорат қилиш ўтмишни ва ҳозирги замон тажрибасига таянади деган фалсафий ҳақиқатни жадидлар жуда яхши англаганлар ва ўз асарларида унга асосланишган. М.Беҳбудий “Мозий – истиқболнинг

тарозисидир”¹⁴ – деб ёзганда айна шу ҳақиқатга таянган эди.

М.Беҳбудийнинг ана шу фикридан келиб чиқадиган бўлсак, жаҳидларнинг иқтисодий ҳамда назарий қарашларида иккита муҳим хусусият кўзга ташланади: мустаҳкам ирсий илдиз ҳамда Шарқ ва Ғарб маърифатчилари, файласуфларининг назарий меросини эгаллашга интилиш. Улар мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг гарови Ғарб ва Шарқ маданиятларини уйғунлаштириб, халқнинг кўзини очиш деб билган.

М.Беҳбудий “Тарих ва жўғрофия” асарида бундай деб ёзган эди: “Дунёга ишонмоқ учун комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқимоқ ва билмоқ керак. Подишою вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқимоқ керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ё нопадид (мустамлака) бўлган давлатларни билмоқ учун тарих ўқимоқ керак. Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва ол хол на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Бунга билмоқ учун тарих ўқимоқ керак. Хулоса дину дунёдан бохабар бўлмоқни ҳохлайдиган ҳар ким учун тарих ўқимоқ керак. Чунки ҳар нимарса ва шунинг асли ва насли тарихдан билинур”¹⁵.

М.Беҳбудий тарихни билиш умуман билимга муносабат масаласига бежиз тўхталмаган. Зеро тарихий манбалардан маълумки, аср бошларига келиб, миллатнинг ижтимоий ва маиший ҳаётида таназзул, турғунлик сўнгги нуқтасига етган эди. Турғунлик ва таназзулнинг ички, ташқи сабаблари кўп ҳамда мураккаб лекин ташқи сабабларидан кўра ички сабаблари жиддийроқ. Ички асосий сабабларидан бири–миллий беҳабарлик эди. Халқнинг кўпчилик қисми дунё ишларидан, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ҳаёти, турмуш даражасидан, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан, улар учун курашларидан хабардор эмас эди.

¹⁴ Шарқ юлдузи, 1992 йил № 10. –Б.173.

¹⁵ Алимова Д. Ҳақиқатнинг туташ манзили//Тафаккур- Т.: 2000.- № 2. –Б. 55.

Миллат иши учун ҳамиша куйган, қайғурган ва доим маърифатпарварлик ғоялари билан юрган Мунаввар Қори Абдурашид ўғли 1906 йилдаёқ “Тараққий” газетасида чиққан “Бизни жаҳолат–жаҳли мураккаб деган аччиқ мақоласида ана шундай умумий хабарсизлик ҳақида ёзиб қадим “Қобуснома” донолигига жўр бўлиб, алам билан: ... билмаслар. Билмаганларини ҳам билмаслар”¹⁶, деб ёзган эди. Бинобарин хабарсизлик таназзул ва турғунликнинг онасидир.

Шу билан бир қаторда миллат зулм остида ортирган кайфиятларидан яна бири: ҳамиятсизлик, иккинчиси ғайратсизлик эди. Аслида миллат табиятига хос бўлмаган фақат зулм ва зулмат, маърифатсизлик, зўровонлик остида узоқ муддатларда орттирилган бу кайфиятларни жадиidlар теран англаб етган ва унинг фожиаи ҳақида бонг урган эдилар. Биз юқорида тилга олган “Тараққий” (“Ўрта Осиёнинг умр гузаронлиги газети”)нинг 1906 йил 7 март сонида Мунаввар Қорининг “Никоҳ тўғрисида” деб номланган мақоласида ана шундай дадил чиқиш кўзга ташланади. Мунаввар Қори унда чамаси, Туронда илк маротаба маиший бир мавзу баҳонасида катта ижтимоий масалаларни кўтариб чиқади. Миллатнинг ижтимоий ҳаёти манзараларини чизади. Энг муҳими, миллат ва мамлакат таназзулининг тарихий сабабларини қидиради.

Жумладан унда шундай сўзларни ёзади: “Аммо бул замондин юз йилдин зиёдроқ муқаддам замондин бошлаб, оҳиста-оҳиста миллат деворининг ҳар тарафиға раҳналар пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва умароларимизнинг ўз нафсларини риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди. Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатға қилгон хизматлари танҳо хотун олмоқ ва кучук уруштирмоқ ва беғайрат ва ҳаққоният диндор кишиларни бадарға қилмоқ ва тутуб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима, шариат нима билмадилар ва қарамадилар. Шунинг учун миллат деворини раҳналари

¹⁶ Мунаввар Қори Абдурашид ўғли. Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб//Тараққий газетаси, 1906 йил 14 июнь.

тобора зиёда бўлди...

Бу ишларни алҳол, бизларнинг ота-боболаримиз расмларидур, деб истеъмол қилмоқдадурлар...”¹⁷. Лекин расмлар деганда, ўта жайдари ва кўп нарсаларни англаш, улардан ифтихор қилиб оғизнинг сувини чиқариб, мақтаниш ҳам бир чеккаси миллий таназзулнинг, тубанлашувнинг кўринишларидан эди. Ҳар қандай миллат шу ҳолга тушиши мумкин: агар у туб ҳаётий инсоний мақсадларни бой берса, Мунаввар Қори бундан шундай хулоса чиқаради: “... охирул амр бу афъоли қабиҳаларимизни сабабидан мулк–мамлакатимиз тағаййур ва табадул бўлиб, асир-у, хор-у залил бўлдук...”¹⁸.

Жадидларнинг бу фикрларини моҳиятига чуқурроқ эътибор берсак, аввало маърифат орқали миллат тараққиёти юксалади, фақат малака, ранг-баранг салоҳиятлар, юксак иқтидорли интилишлар кашфиётчилик, ихтиролар руҳи билан яшаш орқали унинг порлоқ истиқболи намоён бўлади. Яна бир муҳим хулоса шундаки, буларни англаб етиб, ўз турмушининг заруриятига айлантира олган миллатлар камбағал бўлмайди. Унинг камбағали бошқаларнинг энг бойига тенг бўлади.

Жадидларнинг иқтисодий қарашларини тасаввур этишда, 1913 йилда “Туркистон овози” ва “Голос Туркестана” газеталарида кўрсатилган қуйидаги уч масала ҳам диққатни жалб этади:

1. Сибир Темир йўлида Афғонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаётган бутун халқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва солиқлар соҳасида тенгликни вужудга келтириш.

2. Кўчманчи ҳаёт кечирувчи мусулмонларга қишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилгунга қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик.

3. Замонавий маърифатни тарқатиш.

Жадидлар мафкурасида ҳозирги кунда жамиятни ташвишга солаётган

¹⁷ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2003. -Б. 140-141.

¹⁸ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2003-Б. 140-141.

динни инсон маънавий камолотидаги ўрнини тўғри тушуниш, бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш, тараққийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш, Туркистонда ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди. Фитрат ўзининг “Ҳинд сайёҳининг баёноти”, “Раҳбари нажот”, М.Бехбудий “Мухтасар тарихи ислом” (“Исломнинг қисқача тарихи”) асарларида айрим уламоларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом моҳиятини бузиб кўрсатаётганлигини танқид қилдилар ва диндан фойдаланиб, олиб борилган сиёсий тадбирлар қанчалар оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатиб берадилар. Жадидлар ислом динининг тараққийпарвар ролини тушунтириш билан таълим, иқтисод, маданият ва умуман жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш заруриятини тушунтиришга интилганлар. Жадидлар Туркистон учун ер масаласи асосий масала эканлигини яхши тушунганлар. Шу сабабли ерга хусусий мулкчилик жорий этишни зарур деб ҳисоблаган, аммо бу ер фақат маҳаллий аҳоли учун хизмат қилишни истаганлар. Жадидлар мамлакатимизда “Бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш” масалаларига ҳам тўхталганлар. Жадидлар Туркистонда тараққиётга эришишнинг бош асоси иқтисодиётни зарур оқимда ривожлантиришдаир деб билганлар.

“Нима бизни кемиряпти ва орқага тортаяпти?” – М.Бехбудий ўз мақоласида мана шундай савол қўяди ва дабдабали тўй ва дафн маросимларини назарда тутиб, бу саволга, бутунлай ортиқча расм-русумлар ва уларга кетадиган сарф-харажатлар, - деб жавоб беради. “... биз – туркистонийларни шаҳри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тирикчилигимизга сорилгон ва бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататургон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман”¹⁹.

Қуръон ва хадисларга асосланиб, у оилаларнинг хонавайрон бўлиш

¹⁹ Бехбудий М. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1999. -Б.189.

хавфини солувчи шу каби ҳодисаларнинг кераксизлигини тушунтиради. Бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам ниҳоятда долзарбдир.

Жадидларнинг йирик вакилларидан бири Абдулҳамид Чўлпон ватанининг фидойи, халқпарвар фарзанди сифатида мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумга ўз муносабатини мақолалари орқали билдириб борди. У Ватанни, миллатни бағоят севган чин маънодаги ватанпарвар эди. Жумладан, Туркистонда темир йўллар қурилишини ижобий баҳолагани ҳолда, бундан келиб чиқаётган салбий ҳодисаларни ҳам ўз вақтида кўрсатиб берди.

Бошқа тараққийпарварлар қаторида Чўлпон темир йўл қурилиши туфайли аҳоли вокзал, станциялар барпо қилиш учун ўз ерларини арзонгаровга сотиб, марказлардан узоқлашиб, қашшоқликка маҳкум бўлаётганини, улар ўрнини европали аҳоли эгаллаётганини куюниб ёзган эди.

Чўлпоннинг ватан, она ер ҳақидаги фикрлари ғоят ибратли ва таъсирчандир: “... Ватан тупроқи шундоғ онадурки буни хор қилдук, ўзимизнинг ҳам хор бўлмоқимиз кўз олдидадур... Тупроқдан яратилдук, демоқ тупроқ танимиздир, ўз танимизни ўзимиз сотсак беақллик эмасму? Ажабо!!!...”

Айни пайтда Чўлпон миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди: “... Эй қариндошлар ... катта илтимосимиз шулдурки, Оврупанинг мўдасидан, шишасидан, бузук ахлоқидан намуна олмасдан ва бунларга бул жиҳатдан тақлид қилмасдан, балки илм, фан, ҳунар, саноатга ўхшашлик маданиятларидан намуна олуб, бул жиҳатдан тақлид қилмоқимиз лозимдур. Оврупанинг мўдаси ва бузук ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир-қул қиладур. Бундан сақланингиз!!!”²⁰

Чўлпон Туркистонга тараққий давр киргандан бери газеталарда “Илм

²⁰ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар // Садои Фарғона. – 1914 йил 6 июнь.

керак! Ўқимоқ керак” дея қичқириб келингани, шу қичқириш натижаси ўлароқ “Ўқумоқ ва ўқутмоқ ишлари секин бўлса ҳам олдинга босгани”, газета-журналлар чоп этилиб турганию “ҳамма шаҳарларда “янги усул” мактаблар очилганини” ҳам таъкидлайди.

Бироқ, адибнинг фикрича, бошқа бир муҳим масала ҳам борки, у ҳақда “ёзгучи ҳам, ўқугучи ҳам йўқ”. Чўлпон ўқувчилар эътиборини, хусусан, маслакдошлари эътиборини мана шу муҳим масалага қаратмоқчи бўлади: “хайхот, зироат ишларимиз тамом хароб! хароб! хароб!... Олдинга бир одум отулгани ҳеч кўрилгани йўқ. Бир таноб ер қишлоқда минг сўмга чиқди. Аммо ер деҳқонда эмас, миллатга, халқга иона бермай тек сақлаб ётадурғон бойларда. Оҳ, шул бизни тамом куйдурадир”. Чўлпон ўз фикрларини асослаш учун ўн - ўн беш йил илгариги маориф ва зироат ишларидаги аҳволни қиёслайди: бирида оз бўлса-да олдинга силжиш, иккинчисида орқага кетиш бўлганини кўрсатишга ҳаракат қилади. Чўлпон ўз мулоҳазаларини одатдагидек мурожаат билан якунлайди: “Ёзайлук, қариндошлар, зироатдан! Ёзайлук қариндошлар, иқтисоддан! Алар бўлса, мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур. Деҳқонлар бойлар кўлидан, қуллик, асирликдан қутилса, ҳаммаси бўлур. Ёзайлук, қариндошлар!...”²¹ Кўринадики, Чўлпон жаид маърифатчилиги мавқеида тургани ҳолда миллатни тараққий эттириш учун илму ирфоннинг ўзи кифоя эмаслигини, бунинг учун жиддий иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш зарурлигини англай бошлаган. Айни пайтда, Чўлпон маърифат ва иқтисод муносабатини ўзгачароқ (“алар бўлса мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур”) тушуна бошлайди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун эса ижтимоий муносабатлар (“деҳқонларни қуллик, асирликдан қутқариш”) ни ўзгартириш, ислох қилиш даркор.

Энг муҳим нукта ислоҳни қай йўсин амалга ошириш масаласида Чўлпон ҳали тугал бир фикрга эга эмаски, бу нарса унинг онгида

²¹ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик // Садои Фарғона. – 1914 йил 30 май.

зиддиятли ўйлар кураши, изланиш жараёни кечаётганидан далолатдир.

Мустаҳкам иқтисодий асосга таянган ҳолдагина тараққиётга эришиш мумкинлигини Чўлпон ўз қарашларида ифода этган.

Туркистонда иқтисодий тараққиётга, фаровон ва обод яшашга олиб келувчи бошқа йўллар борлиги ҳақида А.Фитрат ҳам ўзининг “Ҳинд сайёҳининг баёноти” асарида ёзади. Ана шулардан бири “ихрож саноати”, яъни ер ости бойликларини қазиб олиш ва “аъмол саноати”, яъни ускуналар (фабрика ва зовудлар) яратишдир.

Туркистон бағрида тилла, мис, темир, тошкўмир, лампа мойи ва бошқа жуда кўп табиий бойликларнинг миқдори мавжуд, улар кони фойда, уларни ишга солиш орқали халқни баҳраманд этиш лозим. Шунингдек, А.Фитрат “... бухороилар, Аллоҳнинг неъматини бўлган бу бойликлардан фойдаланмас экансиз, ҳаял ўтмай, бегоналар бу бойликларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирлари устидан ҳайратангиз машиналар ва фабрикаларни ўрнаштирадирлар. Дунё-дунё пул ишлаб оладирлар. Минглаб хизматчилар бу ишга сафарбар қилинадир. У вақтида сизларнинг фарзандларингиз чорасиз қолиб, бегоналарнинг хизматларига бўйин эгишлари муқаррар...”²² – деб уқтиради.

Дарҳақиқат, ўша даврда Туркистон ўзининг миллий мустақиллигини қўлга кирита олмаганлиги сабабли ўлканинг ер ости бойликлари бир неча ўн йиллар мустамлакачилар томонидан қазиб олиниб, ташиб кетилди. Ҳатто шунчаликка борилдики, тоғ-кон саноатида, хусусан олтин ва бошқа рангли металллар ишлаб чиқариш жабҳасига ўзбек ишчи ва мутахассислари яқинлаштирилмади, бу улкан бойликларнинг бир миққолидан ҳам шу бойликларнинг ҳақиқий эгаси бўлган ўзбек халқи баҳраманд этилмади.

Жадидларнинг ер ости ва усти бойликларига эгалик қилиш борасида бундан 100 йил илгари билдирган эслатмалари бугунги мустақиллик шароитида яна ҳам қимматлидир. Бунинг маъноси шуки, мустақилликнинг

²² Фитрат А. Танланган асарлар. 1 жилд.- Т.: Маънавият, 2000. -Б.168.

асосларидан бири бўлмиш ер ости бойликларини ўзлаштириш, бу улкан имкониятни Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга сафарбар қилиш кечиктирилмайдиган вазифалардан биридир.

Албатта, ер ости бойликларини ўзлаштириш ва халқ фаровонлигига йўналтириш учун, энг аввало, юқори малакали мутахассислар, илғор илм ва техника билан қуролланган ишчилар зарур. Бугунги Ўзбекистонда минглаб замонавий дастгоҳларни ишлатувчи юқори малакали мутахассислар бор. Бунинг устига қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ўнлаб олий ўқув юртлари ва юзлаб техника касб-хунар коллежлари малакали кадрлар тайёрламоқда.

3. Жадидлар қарашларида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ҳамда халқнинг моддий фаровонлигини юксалтириш нафақат иқтисодий соҳадаги, балки кўп жиҳатдан ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир.

Тарих сабоғи шундаки, унинг айнан кескин бурилишларида, ижтимоий формациялар алмашинаётганда ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллий хавфсизликка, фуқаролар тинчлигига ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади. Бу ҳолни келиб чиқиш сабабларидан асосийси шуки, ижтимоий зиддиятлар ўз моҳиятига кўра ҳамиша сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган...

“Шу сабабли тараққиётнинг ҳамма босқичларида одамларнинг ижтимоий кайфиятларини, ижтимоий муаммоларни назар-писанд қилмаслик барқарорликка ва миллий хавфсизликка катта хавф

туғдиради”²³.

Шунинг учун ҳам мураккаб ўтиш даврида амалга оширилаётган ислохотлар энг аввало инсонларни, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросини яшаши ва фаровон ҳаёт кечириш учун муносиб шарт-шароитлар яратилишига йўналтирилиши керак бўлади.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: “Барча ислохотларнинг-иктисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат”²⁴. Президентимиз фикрларидан шуларни англашимиз керакки барча ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Шу сабабли иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг бутун даври давомида аҳолини турмуш тарзини яхшилаб бориш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш объектив заруриятдир.

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий, маърифий вазият тақозоси билан майдонга келган жадинлар ҳам инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш, аҳолини турмуш тарзини яхшилаб бориш чора-тадбирларини амалга ошириш учун мамлакатни атрофлича ислоҳ этиш керак, деган ғояни илгари сурдилар.

Жадидчилик Марказий Осиёда, Осиё ва Европадаги илғор ислохотлар оқими таъсири остида, XIX аср охири XX аср бошларида вужудга келди ва ижтимоий тараққиётда бурилиш босқичини белгилаб берди. Миллий зиёлилар, илғор тараққийпарвар кучлар мустамлака Туркистон, Россияга ярим қарам бўлган Бухоро ва Хива хонликларидаги инқирозли аҳвол, бу ўлкаларнинг умумжаҳон тараққиётидан тобора ортда қолаётгани, маҳаллий аҳолининг эрк учун интилишларининг бостирилиш сабабларини, нафақат иқтисодий соҳада, балки диний, маънавий соҳада

²³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б. 211-212.

²⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. -Б. 282.

ҳам юзага келган турғунликни чуқур англаб етдилар ва бу улар онгида жамиятни ислоҳ этиш ғояларини уйғотдики, бусиз тараққиётни тасаввур ҳам этиб бўлмас эди.

Ватанимиздаги бу ислохотчилик ҳаракати мураккаб, тарихий жиҳатдан серкирра йўлни босиб ўтди. Жаидчилик турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасини танлаб олиб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилди, айна пайтда, ижтимоий тараққиёт йўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди.



Жаидлар иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришнинг бош омили мамлакатда янги тартибдаги мактаблар, ўқув юртлари, дунёвий илмларни чуқур бера оладиган илм-маърифат масканлари очишдир, унга миллатнинг барча қатламларини, хусусан ёшларни жалб этишдир, деб билдилар.

Табиийки, бу йўлда улар бор кучи, билими, моддий ва молиявий

имкониятларини сафарбар қилдилар.

Шу ўринда Махмудхўжа Бехбудий қуйидаги фикрларни билдириб ўтган.

“Муҳтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндурки, макотиб-тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча тараққий йўлига кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас”²⁵.

Жадидчилик дунёвий таълимни фаоллаштиришга интила бориб, айна пайтда юзага келаётган миллий буржуазия манфаатлари, шаклланаётган товар-бозор муносабатлари шароитларини ўзида акс эттирди. Улар анъанавий таълим ислоҳоти, янги усулдаги мактаблар ва театр труппаларини яратиш, ҳар бир мусулмоннинг банк ва молиявий капитал ишида иштирок этиши имконияти тарафдорлари бўлганлари ҳолда, исломнинг баъзи эскирган ақидаларини инкор этишди, фаннинг (математика, география, грамматика ва бошқалар) ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришдаги алоҳида аҳамиятини тан олишди. Шу жиҳатдан қараганда айрим тадқиқотчиларнинг “Жадидчиликнинг прогматик ва мафкуравий жиҳатлари узлуксиз бирлик ва чамбарчас ўзаро боғлиқликда бўлди”²⁶ деган фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин. Жадидлар маънавий ва иқтисодий янгиланиш эҳтиёжи ҳақида матбуотда кўплаб чиқишлар қилишди, жумладан М.Бехбудий ўзи нашр қилган “Ойна” журналида шундай деб ёзди: “...Сиз, муҳтарамлар, ўз болаларингизни улар дин ва миллатга хизмат қилишлари учун замонавий билимларга ўқитмоғингиз лозим, миллат ва динга хизмат қилиш эса, фақат

²⁵ Бехбудий М. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 1999. –Б.176.

²⁶ Эргашев Б.Х. К вопросу о младобухарцах//История СССР, 1990. - № 4. - С. 62.

билимлар ва пул орқали мумкин”²⁷.

Бу мақсадлар замонавий ўзгаришлар амалиёти билан ҳамоҳангдир. Зеро ўтмишда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам интеллектуал имкониятга эга бўлиш, бозор тузилмаларини тадбиқ этиш негизида жадал иқтисодий ўсиш, кенг миқёсда инвестициялар киритиш миллий гуллаб-яшнашнинг муҳим шартидир.

Жадидчилик илғор эстетик ва маънавий-иқтисодий ғояларни ўзига жамлади. XX аср бошларидаги жадидчилик сиёсати қонун асосида инсоннинг сўз, матбуот, виждон, шахс дахлсизлиги эркинлигини ҳимоя қилди.

Шундай қилиб, жадидчилик юзага келган пайдан бошлаб оқ феодализм тузум ва мустамлакачиликнинг туб негизларига қарши чиқди. У анъанавий исломга зид ўлароқ динни маънавий ва иқтисодий тараққиёти вазифаларига мослаган ҳолда унинг айрим эскирган қоидаларини ўзгартиришга интилди.

Жадидлар ўз халқини маърифатли ҳолда кўришни истади, ҳар қандай куллик, хурофотга берилиши, миллий биқикликдан озод бўлишига интилди. Улар ўз фаолияти бошларидаёқ Туркистон аҳолисига жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан ошно бўлиш йўлини таклиф этдилар. Бу йўл миллий ва диний-маънавий қадриятлардан воз кечиш эмас, балки, аксинча, улар асосида, бундан кейинги ривожланиш ва тараққиётга ҳалақит берувчи эскирган ақида ва хурофотлардан воз кечиш билан секин-аста ўтиш эди.

“Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатга қўшиш қилинмаса раби аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларга қолур, бу масъулиятдин қутулмоқ учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқумоқ учун тарғиб қилмоқ керакдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасадур. Дунёвий

²⁷ Ойна. 1914 йил, 21-сон. –Б.390-391.

фанларни ўрни ҳукумат мактабларидур...”²⁸

Жадидлар мактаб таълимини ислоҳ қилиш масалалари билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий тузумни ислоҳ қилишнинг долзарб муаммоларини ҳам кўтара бошлашди. Февраль даврида Туркистонлик жадидларнинг метрополия мустамлакачилик сиёсати, ҳуқуқий институтларга муносабати кескин ўзгарди. “Улар, эндиликда мустамлака маъмуриятининг айрим вакиллари ва давлат органларининг камчиликларини танқид қилиш билан чекланиб қолишмади”. Миллий демократлар мустамлакачиликни умуман қаттиқ танқид остига олишди, унинг иллатларини очиб ташлашди, давлат мустақиллигига эришиш ҳақидаги ғояни олдинга суришди, конституциявий монархияни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги илгариги ғояларидан бутунлай воз кечишди ва Туркистонга Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-худудий мухторият берилиши тарафдори бўлиб чиқдилар.

Жадидлар “Туркистон халқининг ёрқин истиқболи фақат федерация шароитдагина кафолатланади, бусиз Туркистон умуман мавжуд бўла олмайди”²⁹, деб ҳисоблашди.

Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида миллий худудий мухторият тамойилларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан Туркистон Федератив Республикаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунларни нашр этиш, ҳокимият, бошқарув ва суднинг олий органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиш ва ҳоказоларга жиддий эътибор билан қарадилар.

Демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб қўйилди, унда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши ва конституциявий кафолатланиш кўзда тутилди. Жадидларнинг ўша йиллардаги хизмати шундаки, улар Туркистондаги барча миллат ва элатларнинг иқтисодий

²⁸ Бехбудий М. Миллатлар қандай тараккий этарлар// “Самарқанд” газетаси, 1913 йил 30 июль.

²⁹ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси.–Т.: Маънавият, 2000. –Б.27

ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий соҳаларда қонуний тенг ҳуқуқлиги ғоясини олға суришди.

Жадидлар таълимотида ислоҳотларни ҳар томонлама амалга ошириш лозимлиги таъкидланиб ўтилган. Булар маориф, фан, бошқарув, ишлаб чиқариш ва техника технологиялар билан биргаликда бозорларни, уларнинг дўкон ва расталарини ҳам ислоҳ этиш кераклиги тўғрисидаги фикрларни билдириб ўтганлар. Шу ўринда А.Фитрат ёзади: “Бу шаҳарнинг дўконлари эскича услубда қурилгон. Айрим расталарда ғарб услубича қурилгон бир-икки дўкон ҳам кўзга ташланади. Бу ўлканинг тижорати маданиятли, ривожланган мамлакатлар тижорати каби тараққий этмаган бўлса-да, аммо хануз умуман аҳолининг қўлидан чиқмаган. Агар ислоҳ қилсалар, Бухоро аҳолиси жуда катта давлат ва бойлик эгаси бўлишлари мумкин”³⁰.

А.Фитратнинг бу иқтисодий қарашлари бугунги кундаги ислоҳотларимиз билан бевосита ҳамоханг эканлиги миллий маънавиятимиз, мафкурамиз ва иқтисодиётимизни таркибий тузумларини такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Зеро, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бош вазифаси ҳам хорижий инвестицияни, технологияни миллий иқтисодиётга киритиш, миллий бозорларимизни ривожлантириб мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви асосида макроиқтисодиётимизни таркибини миллат ва халқ манфаати нуктаи назаридан ўзгартиришга хизмат қилмоғи зарур.

Мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва тараққий эттириш борасида А.Фитратнинг ислоҳотлар лойиҳаси ҳам катта аҳамиятга эга.

Лойиҳада, аввало, армия сонини кўпайтириш масаласига тўхталиб ўтади. Эски рус ҳукумати билан тузилган, бироқ Бухоро амири фойдаланмаган шартномада кўрсатилганидек, армия 12 минг кишига

³⁰Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. - Т., Маънавият, 2000. –Б.110.

етказилиши зарур.

Армия сафини тўлдиришда европача методлар жорий қилиниши керак: “Ҳарбий бурчни бажариш ҳамма учун мажбурий бўлиши лозим”.

Армия сафига чақирилувчи кишилар врачлар томонидан кўриб чиқилиши, беморлар ва инвалидлар ҳарбий хизматдан озод қилиниши лозим. Ҳарбий хизматни ўташ муддати икки йиллик бўлади. 22 ёшга етган кишиларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматга чақирилишлари керак.

Сўнгра, қўшинларни сақлаб туриш ва уларга таълим бериш тўғрисида қилинадиган ишлар баён этилади. Лойиҳа кенг казармалар қуришни, Бухорода камондирлар состави учун ҳарбий мактаб очишни, қўшинларни овқат ва кийим-кечаклар билан давлат ҳисобидан таъминлашни, шунингдек, солдатларга, гарчи озроқ миқдорда бўлса ҳам, ойлик маош тўлаб туришни талаб қилади.

Лойиҳа армияда ўзбошимчаликни мутлақо йўқотиш ва амир даврида юқори мансабдагиларнинг аскарлар билан қўпол муомала қилиб келганлиги каби ҳолларга барҳам бериш зарур деб ҳисоблайди.

Европача усулда янги ташкил этиладиган армия учун ҳарбий ишни яхши билган бухороликлар йўқлиги сабабли рус армиясида хизмат қилган ва хизмат қилаётган мусулмон офицерлар офицер ва инструктор сифатида таклиф қилиниши лозим. Ҳарбий ишнинг ҳаммаси ҳарбий нозирликда марказлаштирилиши лозим.

Бухорода бутунлай тартибсиз ҳолга келиб қолган молия соҳасида лойиҳа амирнинг маблағларини умумдавлат маблағларидан ажратиб қўйишни, солиқларни аниқ белгилаб қўйишни, бюджетни ҳар йили эълон қилиб туришни ва қайта ташкил этилган молия ишларини бошқармоқ учун молия нозирлиги таъсис этишни талаб қилади.

Ички ишлар соҳасида лойиҳа Бухорода қатъий маъмурий бўлиниш ўтказиш, ҳукумат томонидан пули тўлаб туриладиган маҳаллий маъмуриятлар таъсис этилиши ва бошқарув ишларининг

марказлаштирилишини талаб қилади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш лойиҳада жуда чекланган миқдордагина кўзда тутилади. Маъмуриятнинг қуйи ячейкалари бўлган оқсоқолларгина (Оқсоқол-қишлоқ жамоасининг бошлиғи) халқ томонидан сайлаб қўйилади.

Адлия (юстиция) органлари шариат қонунлари асосида ишлайди ва уламолар қўлида қолади. Адлия нозири айна вақтда “Қози калон” ҳамдир. Шундай қилиб, одил суд аввалигича қолаверади ва унинг структурасини тартибга солинади.

Бухорода алоқа йўлларини ривожлантирмоқ учун йўллар нозирлиги таъсис этилади, бу нозирлик айна вақтда, қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи саноатни ҳам идора қилади.

Хукуматнинг маориф соҳасидаги тадбирлари айнан қуйидагича баён қилинган: “Халқ орасида маърифат тарқатмоқ учун маориф нозирлиги таъсис этилади, унинг зиммасига ҳамма вилоятларда хазина ҳисобидан иккинчи босқич халқ мактаблари, олий ўқув юртлари очиш, шу мактабларга ўқитувчилар тайёрлаш, барча типдаги ҳамма мактаблар учун программалар ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни назорат қилиб туриш вазифаси юкланади”.³¹

Жадидларнинг яна бир вакили Файзулла Хўжаев давлат арбоби сифатида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва хўжалик қурилишининг навбатдаги вазифалари тўғрисида бор имкониятларини ишга солди.

У республикани электрлаштириш масаласига катта эътибор берди. Унинг ташаббуси билан 1926 йилда биринчи гидроэлектростанция – Бўзсув ГЭСи қурила бошланди.

Файзулла Хўжаев Ўзбекистонда маданият ва маорифни ривожлантиришга киришди. Республика Хукумати аҳолининг ёппасига

³¹ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1-Том. Т.: Фан, 1976. –Б.135-136.

саводсиз эканлигини ҳисобга олиб, 1925 йилда халқ маорифи эҳтиёжларига 13 миллион сўм пул ажратди.³²

Ф.Хўжаев истибдод замонларидан қолган оғир меросга меҳнаткашлар оммасининг маданий қолоқлигига қарши кескин кураш очиш лозимлиги, омманинг саводсизлиги давлат ишини муваффақиятли ва хайрли қилиш йўлида энг оғир тўсиқ бўлиб турганлигини ачиниб ёзиб бу тўсиқларни енгиш учун оммани саводли қилиш кераклиги тўғрисидаги фикрларни билдирган эди.

Жадидлар ўзларини мушоҳада этувчи, танқид қилувчи, таҳлил этувчигина эмас, балки яхшигина ислоҳотчи сифатида ҳам намоён этдилар. Улар турли чиркинликларни танқид қилибгина қолмай, уларни ислоҳ этиш йўлларини ҳам кўрсатдилар.

Ислоҳотчи жадидлар мамлакатда иқтисодий бозор макони ташкил қилиш, мулкдорларга ҳукукий кафолатлар бериш, мактаб-маориф тизимини янгилаш, халққа маъқул диний сиёсат олиб бориш каби талаблар қўйиб, уларни назарий-илмий жиҳатдан асослаб бердилар. Бу етилиб қолган ижтимоий муаммоларни эволюцион тарзида, ислоҳот йўли билан ҳал қилиш назарияси бўлиб, афсуски, у шўролар тазйиқи остида амалга ошмай қолган.

Жадидлар орзу қилган истиқлол бизнинг авлодга насиб этди. Улар қолдириб кетган мерос бугун мустақиллик ғояларига хизмат қилмоқда.

Фитрат, Чўлпон, Бехбудий тасвирлаган ҳаётда одамлар ўзларини гўё бошқа, шундан бошқа ҳаёт йўқдай тутадилар. Улар бошқа ҳаётлар ҳам борлигини тасаввурга ҳам келтирмайдилар. Бошқа нисбатан юксак даражали ҳаёт борлиги англамаган эди. Одамларда бу тушунча ёришмаган эди. Интилишлар сўнган эди.

Фитрат, Чўлпон, Бехбудийнинг миллий танқиди миллий сўнган интилишларнинг чироғини қайтадан ёқиш мақсадини ўз олдига қўйди.

³² Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1-Том. Т.: Фан, 1976. –Б.59.

Улар ўз аччиқ ва аламли миллий танқидлари воситасида халқнинг дид-фаросатини қайтадан бино қилишни кўзладилар. Миллатга қарата айтилган “Парангланглар!” (“Парангланиш” - бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишнинг белгиси) нидосини улар том маънода тушундилар ва том маънода шунга томон қадам ташладилар.

Уламо, қози, мулла, уста ...- булар ўша даврда миллат шонасининг устунлари эдилар. Лекин устунлар умумий эътиборсизлик, хушёқмаслик натижасида ё қийшайиб, ё чириб миллатнинг муқаддас уйини кўтариб туришдан ожизланган эдилар.

Фалсафа ва психологияда анланган зарурат деган кўпқиррали тушунча бор.

Миллатнинг тараққиёти фақат малака, ранг-баранг салоҳиятлар, юксак иқтидорли интилишлар, кашфиётчилик, ихтиролар руҳи билан яшаш орқали юзага чиқади. Буларни ҳар қандай миллат унинг ёшу кичиги, давлатманд - у ўрта ҳоли англаб етиши - анланган заруратга - ўз кундалик ҳаётининг таомилига айлантириш ўз келажагини таъмин этиш билан баробардир.

Ўз келажагини таъмин этиш учун иқтисодиётни ривожлантириш керак. Иқтисодиётни ривожлантириш учун эса ижтимоий муносабатлар (деҳқонларни куллик, асирликдан қутқариш)ни ўзгартириш, ислоҳ қилиш даркор. Ислоҳ этиш учун эса Фитрат фикрича, тушкунликка тушмаслик зарур, тушкунликка қарши саботни қурол қилиш зарур “ Бир одамни саботи, деб ёзади Фитрат буюк бир миллатни ислоҳ этишга қодир ислоҳ этувчилар тоифаси учун саботдан бўлак асл қурол йўк”³³.

Сабот ҳақидаги бу сўзлар ўша пайт ёшлар тарбиясида жуда катта аҳамиятга эга эди. Ҳозир ҳам уни аҳамияти заррача пасайган эмас. Шуниси диққатга сазоворки, миллатнинг тараққиёти учун бел боғлаган жадиждларнинг ҳаммалари, Бехбудийдан Фитратгача, Авлонийдан

³³ Ғофуров И. Ижтимоий онг ва Фитрат//Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1997. - №1. -Б. 24.

Таволлогача, МунавварҚоридан Чўлпонгача сабот тариқини тутдилар. Чин маънода саботни ўз ижтимоий курашларида қурол қилиб олдилар ва бу саботдан охирги дошгача айрилмадилар.

Яна бир муҳим хулоса шуки, буларни англаб етиб, ўз турмушининг заруратига айлантиролган миллатларда камбағал бўлмайди. Унинг камбағали бошқаларнинг энг бойига тенг бўлади.

Муқаддас ваҳий китоб хабар беради: Бизнинг амалларимиз бизга бир умр ҳамроҳ бўлади. Дилимиз нимани касб этган бўлса, ўша бизники.

Дилимиз фаровонлик ва мунавварлик касб этишини қанчалар истаган эдилар миллатимиз тараққиёти ва равнақининг элчилари!

Давр ва замонлар ўтди. Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, Авлониёларнинг ўзини таниш, ҳақиқий замон кишисини яратиш ғоялари давлат мустақиллигига эришилгач, янги улуғвор ғояга тутшиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақилликнинг илк давларидаёқ ўртага миллий тикланиш ғоясини қўйди. Бу кейинги беш йил ичида чинакам умуммиллий ғояга айланди. Ғоя халқимиз ва жамиятимиз олдида жуда кенг уфқлар очди. Миллий тикланиш мустақиллик мафкурасининг мағзини ташкил этади. Тараққиёт ва тарихий ривож йўлида ўз умуммиллий ғоясига - тикланиш ғоясига эга бўлган ва шу ғоянинг амали ҳамда рўёби учун ишлайдиган фидокор халқ чиндан ҳам ўз келажаги олдида ожиз эмасдир.

Юртимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги республикаимиз иқтисодий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги туб ислохотлар муваффақиятига асосий кафолат бўлди. Бу натижалар, энг ав-вало, дунёқарашимиздаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Фидойи, меҳнаткаш, танти халқимиз мустақиллик ва мамлакатимизнинг буюк истиқ-болига интилиб, Ватаннинг кадру қиммати, миллатнинг шаъни эканини англаб, истеъдодини, бутун имкониятини, бутун кучини элу юрт истиқболига баҳшида этмоқда.

Биз иқтисод ва маънавиятни муштарак ҳолда тасаввур этамиз. Чунки иқтисодий таназзулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам қашшоқлашади. Ёки аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислоҳотларга қодир бўла олмайди.

Дарҳақиқат шу ўринда айтиб ўтиш керакки, биз тадқиқ этаётган жадиждларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар масаласи бугунги кундаги ислоҳотларимиз билан бевосита ҳамоҳанг эканлиги миллий маънавиятимиз, мафкурамиз ва иқтисодиётимизни таркибий тузилмаларини такомиллаш-тиришда алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот-ларнинг бош вазифаси ҳам хорижий инвестицияни, технологияни миллий иқтисодиётга киритиш, миллий бозорларимизни ривожлантириб мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви асосида макроиқтисодиётимизни таркибини миллат ва халқ манфаати нуқтаи назаридан ўзгартиришга хизмат қилмоғи зарур.

Бинобарин, жадиждларнинг концептуал ғоялари ҳозирги ўзгаришлар амалиётининг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг қамровли ислоҳотлар йўлининг генетик асоси бўлиб хизмат қилмоқда, деб ўйлаймиз.

4. Жадиждларнинг аграр соҳа самарадорлигини ошириш ҳақидаги ғоялари

Иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг амал қилиши иқтисодиётнинг барча соҳалари, тармоқлари ва бўғинлари учун умумий бўлсада, лекин улардаги табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда ўзига хос хусусиятлар ҳам касб этади. Айниқса, бу ўзига хос хусусиятлар аграр соҳада яққол намоён бўлади. Аграр соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўғинидир. Унда инсоният ҳаёти учун энг зарур


бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат тармоқлари учун хом ашё ишлаб чиқарилади. Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноатни, озиқ-овқат, кимё саноатини, қишлоқ хўжалик машинасозлигини ва бошқаларни (булар бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этади) ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир»³⁴. Демак, аҳоли учун зарур бўлган товарлар бозорини тўлдириш учун қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш даркор. Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам такрор ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида муайян иқтисодий алоқа ва муносабатлар содир бўлади.

Жадидлар ҳам Туркистон иқтисодиётининг асосини аграр ишлаб чиқариш ташкил этишини яхши тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам улар бу тармоқнинг ривожланишига қаратилган мулоҳаза ва фикрларини илгари суришган эдилар (3-расмга қаранг). Абдулҳамид Чўлпоннинг «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик» номли мақоласида: «Бутун Русияда манбатлик (ҳосилдорлик) жиҳатидан ватанимиз Туркистоннинг илғорда эканлиги ҳаммага маълумдир. Ва ҳатто бутун дунёда манбатликнинг биринчи Амриқо бўлса, бизнинг Туркистон ҳам иккинчи саналадур»³⁵. Мақола мазмунидан шу нарса маълум бўладики, шунчалар унумдор ерларни макон тутган халқнинг нечун бунчалар хароб яшаши мақола муаллифини ҳам ўйга толдирган эди.

³⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 225-226.

³⁵ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик.//Садои Фарғона. 1914 йил 29 апрель.

Жадидларнинг аграр соҳа самарадорлигини ошириш ҳақидаги ғоялари



Туркистон деҳқонларининг аянчли аҳволи, муаллифнинг фикрича “экин машиналари”нинг ишлатилмаслиги ва шу боис, меҳнат самарадорлигининг камлиги билан изоҳланади. Дарҳақиқат, бизнинг мамлакатимиз тупроғи, суви ва ҳавоси жиҳатидан энг бой мамлакатлардан бўла туриб, нима учун ўзимиз бундан фойдалана олмаслигимизни, қишлоқ хўжалиги соҳасида экин машиналарини қўлламаслигимизни Чўлпон ачиниб ёзди.

А.Чўлпон фикрига ҳамоҳанг бўлган фикрларни Маҳмудхўжа Бехбудий фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. М.Бехбудий ўзининг қисқа ва мазмунли ҳаёти давомида Туркистон халқи учун кўп яхши ишларни амалга оширган. У ҳаётининг фаолиятида кўплаб мамлакат ва шаҳарларга саёҳатлар қилиб кўплаб миллат ва элат вакиллари билан турли мавзуларда

суҳбатлар қилган. Бошқа миллат вакилларининг бизнинг Туркистон тўғрисида билдирган фикрларини унинг саёхат хотираларида келтирилган.

Яҳудийдан бири дерки, “Туркистон эски дунёнинг Амрикосидур. Пахта, маъдан, ғалла, хулоса, ҳар нимарса бор. Туркистон олтундур. Агарда Русия ҳукумати монеъ бўлмаса, барча мулкимни сотиб, пулиға Туркистондан ер олиб, деҳқончилик этардим. Олтун бериб, ер олиб, сўнгра олмос кўтарар эдим”³⁶. Юқоридаги жумлалардан шу нарсалар маълум бўладики, Туркистон эски дунёнинг Америкаси эканлиги ҳосилдорлик жиҳатидан илғор бўлиб, пахта, маъдан, ғалла ва бошқа хилдаги экинларни ундириш мумкинлигини Туркистон мамлакатини ер ва иклими олтинга тенг даражада бўлганлиги таъкидланади. Агар Рус ҳукумати қаршилиқ қилмаса яҳудий ўзининг барча мулкани сотиб, пулиға Туркистондан ер олиб деҳқончилик қилишлиги тўғрисидаги фикрлар мамлакатимиз тупроғини ҳақиқатда ҳам олтинга тенг эканлигини кўрсатади. Бироқ бизнинг халқимиз шундай унумдор ерлардан самарали фойдалана олмасликлари ачинарлидир.

Абдурауф Фитрат ҳам Бухоро қишлоқларида иқтисодий-ижтимоий аҳвол ғоят ачинарли эканлигини таъкидлаб, бунинг боиси қишлоқ хўжалигининг замонавий талаб ва тараққиётдан жуда орқада қолиш деб билди. У ердан самарали фойдаланилмасликнинг сабаби қуйидагича деб ёзади: «... ерларнинг ҳосил бериши даражасида меҳнат қилмайдилар, яъни ерларнинг имкониятича ҳосил ололмайдилар»³⁷. Юқоридаги жумлалардан шу нарса маълум бўладики ердан самарали фойдаланилмасликнинг сабаби ерга ҳосил бериш даражасида меҳнат қилинмаслиги яъни ерларнинг имкониятича ҳосил олинмаслигидадир деб кўрсатади. А.Фитрат Туркистон қишлоқ хўжалигида эҳтиёжларни қоплаш даражасида унум олинмаслик сабабларини ўрганиб чиқиб, унинг учта асосий сабаби

³⁶ Бехбудий М. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 1999. – Б. 69.

³⁷ Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. - Т.: Маънавият, 2000. -Б.144.

борлигини аниқлади:

Биринчи сабаб – Амлакдорлар (амалдорлар)нинг деҳқонларга нисбатан адолатсиз муносабатларда бўлишларидир. Бу адолатсизлик раиятдан солиқ йиғишда намоён бўлади;

Иккинчи сабаб – қишлоқ хўжалигида унумдорлиги паст асбоб-ускуналардан (ишлаб чиқариш воситаларидан) фойдаланиб келинаётганлигидир. Олинган даромад техникадан фойдаланиш харажатларини ҳам қопламаслигида бу намоён бўлади;

Учинчи сабаб – Ерга қувват берадиган саноат дори-дармонларининг (минерал ўғитлар, гербидцитлар, химикатлар кабилар) етарли ишлатилмаётганидир.

А.Фитратнинг юқоридаги фикрларидан шу нарсалар аён бўлади. Туркистон қишлоқ хўжалигида эҳтиёжларни қоплаш даражасида унум олинмасликнинг биринчи сабаби Бухоронинг амалдорлари ҳукуматнинг ҳақини деҳқон хосилига қараб тахминан олар эдилар. Масалан, бир деҳқоннинг бир хирмон буғдойи бўлса, амалдор ўзининг истагига кўра ушбу буғдойнинг миқдорини чамалаб, подшоҳлик ҳақини талаб этар эди. Ўша вақтларда (яъни XX асрнинг бошларида) амалдорлар ҳукумат томонидан хизмат ҳаққи олмасдан, балки ўзларининг бутун харис-масрафларини деҳқон ҳисобидан ундираар эдилар.

Биринчи сабаб амалдорларнинг адолатсизлиги бўлса, иккинчи ва учинчи сабабнинг юзага келиши деҳқонларнинг ўзларига ҳам боғлиқ эди. Деҳқонларнинг ерга ишлов беришда ишлатадиган асбоблари ва экин-тикин усуллари Хазрат Одам Ато деҳқончилигидан фарқ қилмас эди. Зеро, ўша даврларда Европа мамлакатлари ўзларининг йирик шаҳарларида деҳқончилик мактабларини очиб, ўз фарзандларини шу мактабларга киритиб, қишлоқ хўжалигига оид фанлардан таҳсил олдиртираар эдилар. Бизнинг юртни деҳқонлари эса «деҳқончилик мактаби» деган тушунчани тушларида ҳам кўрмаганлар. Европаликлар ерга қувват бахш этадиган

хайратланарли дорулар ишлаб чиқарган бўлсалар, Бухоро деҳқонлари эса хали ҳам эскича услубда эдилар. Европа деҳқонлари ерни шудгорлаш учун машиналарга эга бўлиб, бу машиналар бир кунда бир неча таноб ерни хайдаш қудратига эга эдилар. Бухоро деҳқонлари эса иккита хўкизни қўшиб катта машаққатлар билан бир таноб ерни кунлаб шудгор қилар эдилар.

Франция деҳқонлари буғдой янчиш учун алоҳида машина ясаб олишган бўлсалар, Бухоро деҳқонлари эса, бу ишни бажариш учун бир неча хўкиз, эшакка муҳтож эдилар. Шунинг учун ҳам Туркистонликлар ердан унумли фойдаланиша олмас эдилар.

Файзулла Хўжаев қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни дастлаб ирригация соҳасидан бошлаш лозимлигини уқтиради. Бухоронинг иқлим ва географик шароити ерларни сунъий суғормай туриб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга имконият бермайди. Шу сабабли, ирригация масаласи асосий ва бош масаладир. Ғарбий Бухорода, Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё водийларида ерларнинг кўпчилигида суғориш йўли билан деҳқончилик қилинади. Шарқий Бухорода, Сурхондарё воҳасида ва Амударёнинг юқори қисмида суғориш талаб қиладиган ерлар фоизи катта. Бироқ, суғориш шохобчалари жуда қониқарсиз аҳволда, шунинг учун ҳам жуда катта ер майдонлари фойдаланилмасдан қолмоқда. Бунинг сабаби шуки, бир томондан, сув манбаларининг ўзида сув жуда кам (Қашқадарё) ва Зарафшоннинг юқори қисмларида ва Самарқанд вилоятида сувдан кўп фойдаланилади. Бунинг натижасида, Зарафшон Бухоро худудига ўтганида жуда камсув бўлиб қолади. Иккинчи томондан, ирригация шохобчалари қониқарсиз эканлиги, шунингдек, техникавий мосламалар йўқлиги сабабли сув нотўғри тақсим қилинаётганлигидан ерларни суғориб қилинадиган деҳқончиликка катта зарар етмоқда; техникавий мосламалар бўлмаса, республика ичида қарийб 1000 чақирим масофада оқиб ўтаётган ва сувнинг 90 фоиздан кўпроғи

ерларни суғориш учун фойдаланилмаган Қашқадарё сувларидан рационал фойдаланиш мумкин эмас. Зарафшон ва Қашқадарё водийларида маҳаллий деҳқонларнинг талабини қондириш учун суғориладиган ерлар етарли миқдорда бор, бу ерда суғориш шохобчаларини техникавий жиҳатдан такомиллаштиришга асосий эътибор бериш керак. Амударё водийларида, айниқса, Туркменистонда суғориладиган майдонлари камлиги сабабли аҳоли жуда қийналмоқда, бунга Амударё сувидан фойдаланишдаги табиий қийинчиликлар сабаб бўлмоқда. Амударёдан фойдаланиш учун бир қанча техникавий иншоотлар ва мосламалар керак. Шу сабабли, биринчи навбатда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур дейди Файзулла Хўжаев:

а) магистрал ариқларда сув тақсимлайдиган тўғонлар қуриш ва бу тўғонларни такомиллаштириш;

б) тегишли районларда эски қудуқларни ремонт қилиш ва янгиларини қуриш; шундай қилинмаса, чорвачилик хўжалигини қайта тиклаб бўлмайди;

в) сув камчилигидан ва шу сабабли ер камчилигидан қийналаётган Туркманлар районида суғориш каналлари қуриш;

г) сувни рационал равишда тақсимлаш ва сув истеъмол қилувчиларнинг сувдан тежаб фойдаланишларини таъминлаш мақсадида бутун сув шохобчаларини техникавий жиҳатдан яхшилаш;

д) суғориш системаларининг ҳаммасини ва уларнинг шохобчаларини ҳисобга олиш ҳамда вақти-вақти билан тозалаб, чуқурлаштириб ва кенгайтириб туриш йўли билан сув шохобчаларини тўла тартибга солиш³⁸.

1913-1914 йилларда Бухорода сунъий суғориладиган ерлар 5,98 миллион таноб ёки 1,5 миллион десятигага яқин эди; бир таноб ерга йилига қарийб бир иш куни сарфлаш талаб қилинади, бир иш кунининг қимматини ўрта ҳисобда (олтин ҳисобида) 1 сўм 50 тийин деб белгилаш

³⁸ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. - Т.: Фан, 1976. - Б. 373-374.

мумкин. Бинобарин, янги техника иншоотлари куриш ишларининг қимматини чиқариб ташласак, суғориш шохобчаларини сақлаб туришнинг ўзинигина ҳисоблаганда ҳам Бухоро аҳолисига ирригация йилига олтин билан қарийб 9 миллион сўмга тушади. Агар 1921-1922 йилларда экин майдони камайиб кетганлиги эътиборга олинadиган бўлса, ишчи кучи нархининг пасайиб кетганлиги ҳам эътиборга олинadиган бўлса ҳам хўжалик вайронлигининг умумий шароити сабабли аҳоли бир таноб ерни суғориш учун йилига шу давр ичида иш кунининг фақат ярмисинигина сарфлаб келди деб ҳисобласак, шунда ҳам биз аҳоли натура мажбуриятларини бажаришга йилига камида 3 миллион сўм сарфлаганлигини кўрамиз, шу билан бирга, давлатнинг ирригацияга берган ёрдами 1921 йилда олтин билан 6,4 миллион сўмни ва 1922 йилда олтин билан 3,3 минг сўмни ташкил қилди, яъни мамлакатнинг сув хўжалигида ҳукуматнинг иштироки 1921 йилда тахминан 2,1 фоизни, 1922 йилда эса 1,1 фоизни ташкил этди. Юқоридагилардан шу нарсалар маълум бўладики, XX аср бошларида мамлакатимизда ирригация, сунъий суғориш ишларининг ёмон ҳолатда эканлиги техникавий мосламалар йўқлиги, сув тақсимотининг яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли, кўплаб жуда катта ер майдонларидан фойдаланилмай келиниши қишлоқ хўжалиги самарадорлигини пасайишига олиб келди. Ва бу соҳага давлатнинг таъсири ҳам камайиб бораётганлиги кўринади. Айни вақтда давлат арбоби бўлган Файзулла Хўжаев ишлаб чиққан тадбирлар қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ф.Хўжаев Бухоро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласидаги давлат дастури ишлаб чиқиш лозимлигига эътиборини қаратди ва ишлаб чиқди. Дастурдаги умумиқтисодий тадбирлар қуйидаги ишларни амалга оширишдан иборат эди:

- 1) ирригацияга доир бутун программани тўла равишда бажариш;
- 2) ерни ишлашнинг янги усулларини, деҳқончилик иш қуролларини,

уруғларни селекция қилишни жорий қилиш йўли билан ерни ишлашни интенсивлаштириш, агропунктлар, қишлоқ хўжалик мактаблари ташкил этиш ҳамда аҳоли орасида назарий билимларни тарқатиш;

3) хўжалиги хонавайрон бўлган деҳқонларга ҳам қисқа муддатли, ҳам узок муддатли катта қишлоқ хўжалик кредитлари бериб туриш;

4) пахта экилаётган майдонларни кенгайтириш ва америка пахтаси экишни ҳар томонлама рағбатлантириш йўли билан пахтанинг шу навларини экишга аста-секин ўтиш;

5) қорақўлчиларни солиқлардан озод қилиш билан бир қаторда, уларга кенг равишда кредитлар бериб туриш;

6) аҳоли қурт уруғи тарқатиш ва қурт уруғи етиштириб берадиган станциялар ташкил этиш йўли билан пиллачиликни қайта тиклаш чораларини кўриш³⁹.

Юқоридаги фикрлардан мулоҳаза қиладиган бўлсак, Ф.Хўжаев Бухоро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш омилларидан бўлган ирригация ва мелиорация ишларини авж олдириш, қорақўлчиларни солиқлардан озод қилиш билан бир қаторда, уларга кенг равишда кредитлар бериб туриш орқали қорақўлчиликни ривожлантириш ҳақида гапириб, уни Европа бозорларига чиқаришни давлат йўли билан енгиллаштириш, бу қимматбаҳо хом ашёни контрабанда йўли билан четга чиқиб кетишига чек қўяжagini уқтиради. Шунингдек, у ипак қурти уруғи етиштиришни яхшилаш йўли билан мамлакатда пиллачиликни ривожлантиришга оид таклифларни ҳам илгари сурган эди.

Мамлакатимиздаги аграр соҳа самарадорлигини оширишда А.Фитратнинг “Ислохотлар лойиҳаси” ҳам катта аҳамиятга эга.

Лойиҳада деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги масалаларига жуда кўп ўрин берилади. Лойиҳага биноан, ҳайдаладиган ерларнинг ҳаммаси уч категорияга: вақф ерларига, хусусий мулк бўлган ерларга ва давлат

³⁹Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. - Т.: Фан, 1976. -Б. 378.

ерларига бўлинади. Давлатники бўлган (амлок) ва давлат тасарруфида турган ерлар, «хирож» деган ном билан бирлаштирилади (бу ерлар давлатники бўлиб, алоҳида шартлар билан ижарага берилади). Хусусий мулк бўлган ерлар эгаларининг тўла тасарруфида қолдирилади, бундан хирож ерлар мустасно. Вақф ерларини бошқармоқ учун алоҳида бошқарма таъсис этилади.

Лойиҳада солиқ солиш тартиби қатъий қилиб кўрсатилган, солиқ ундиришнинг бир қанча қоидалари ишлаб чиқилган. Ўзбошимчалик ва тартибсизлик ҳукм сурган соҳа жаҳидларнинг раҳбарларини айниқса қизиқтирганлиги мана шунинг ўзидан кўриниб турибди. Лойиҳада меҳнаткашларга ва давлатга тегишли ерлар учун солинадиган солиқнинг миқдорини камайтириш кўзда тутилади.

Лойиҳага биноан, жамоат деҳқончилик қиладиган ерлардан ва “мулки хирож” (солиқ олинадиган ер), ерлардан олинадиган солиқлар миқдори камайтирилади, шу билан бир вақтда бир қанча эгри солиқлар, чунончи: “кафсан” (маҳаллий қишлоқ маъмурияти (амин, оқсоқол ва бошқалар) фойдасига деҳқонлардан олинадиган солиқ), “атаяти” (садақа), “ускуна пули” (турли дарахтлар учун тўланидаган пул), “чўп пули” (яйловлардан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ), “кўтара боқи” деб номланган “хашар” чиқимлари тугатилади.

Айни вақтда, лойиҳада “мулк ерлар” (хусусий мулк ерлар) ва “мулки хирож” ерларнинг бир қисми учун солинадиган солиқни анча кўпайтириш кераклиги айтилган. Давлат мулки бўлса ҳам, аммо амир томонидан хусусий кишиларга бириктиб қўйилган ерлар “мулки хирож” деб аталади.

Ердан солиқ олиш тартибига, лойиҳада айтилганидек, киритиладиган мана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси меҳнаткаш халқ оммаси учун солиқ тўлашда енгилликлар бериш ва катта ер эгаларининг ерларига солинадиган солиқларни кўпайтириш тўғрисидаги фикрни амалда рўёбга чиқаришдир.

Лойиҳанинг ерга эгалик ва қишлоқ хўжалик масалаларига доир қисмидаги иккинчи, асосий мақсад қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, экин майдонларини кенгайтириш ва деҳқончиликни интенсивлаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборатдир.

Лойиҳада таклиф қилинган аниқ чоралар қуйидагилардан иборат: экин экилган ва экилмаган ерларга солинадиган солиқ миқдорини бараварлаштириш; шундай қилинганда, ерларга кўпроқ экин экишга ёки ўз қўлларидаги ерларнинг ҳаммасини ишлатишга қодир бўлмаган хўжаликларнинг ердан воз кечиб, уни сотишларига йўл очиларди. Шунингдек, лойиҳада ирригация тадбирлари, Зарафшон суғориш системасини тартибга солиш – унинг сувини Бухоро билан Самарқанд вилояти ўртасида одилона тақсимлаш тадбирлари кўрсатиб ўтилди.

Лойиҳада Амударёдан ирригация мақсадларида фойдаланиш ҳам таклиф қилинди. Шу билан бирга, лойиҳа ўзининг бутун прогрессив либерал руҳига тўла мувофиқ равишда хашарни бошқа ишларда тақиқлаб қўйишни таклиф қилса ҳам, лекин ирригация мақсадлари учун ҳатто хашардан фойдаланиш кераклигини ҳам кўрсатиб ўтди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш учун кўриладиган чора тариқасида қишлоқ хўжалик кредитини ва деҳқончилик ишларини механизациялашни таклиф қилади. Бу масалада лойиҳа кўрилиши лозим бўлган ҳамма чораларни муфассал баён қилади. Бу масалада лойиҳа шу қадар кескин ва амалий қилиб тузилганки, унда Бухорода қишлоқ хўжалик банки ташкил этиш ва унинг бўлимларини вилоятларда кўпайтириш (бундай банк Бухоро деҳқонларини қишлоқдаги кўп сонли судхўрларнинг чангалидан озод қилиши лозим), шунингдек, Бухорога қишлоқ хўжалик машиналарини олиб келиб деҳқонларга бериш ва уларга бу машиналарни ишлатишни ўрганиш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Қишлоқ хўжалик мактаблари очиш, агрономия билимларини омма орасига ёйиш-мана

шуларнинг ҳаммаси лойиҳада кўзда тутилганди.⁴⁰

Ўлка қишлоқ хўжалигига гувоҳлик берувчи фикрларни Абдулсами қори Зиёбоевнинг “Тупроғимиз олтиндур” мақоласида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Абдулсами қори Зиёбоевнинг мақоласида аҳоли яшаш тарзининг оғирлашишига деҳқонларни арзимаган сабаблар билан яхши, ҳосилдор ерларни ажнабийларга сотиб юбораётганлигида деб билган ва уларни ҳар қандай ҳолатда ҳам ерларини ўзларида сақлаб қолишга даъват қилган.

Туркистон ерлари бебаҳо эканлигини таъкидлаб, буни англаган ажнабийлар қандай бўлмасин ерларни сотиб олишга ҳаракат қилаётганлиги ва бу охир-оқибат ўлка ерларини бегоналар қўлига ўтиб кетиши мумкинлигини куюниб ёзган. Шунингдек, Туркистон ерлари бутун халқимизнинг асосий иқтисодий таянчи эканлиги, агар астойдил меҳнат қилинса, катта фойда олиш мумкинлигини уқтириб, уни қадрига етиш, ердан унумли фойдаланишга чақирган.⁴¹

Сайидносир Миржалиловнинг “Пахта” номли мақоласида эса Туркистоннинг асосий бойлиги ҳисобланган пахта хусусида сўз юритилиб унинг фикрича, пахта ўлка ҳаётида шу даражада ўрин тутган эдики, усиз Туркистон хатто, Россия саноатини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек, пахта нафақат саноат, балки савдо соҳасининг ҳам асосий жон томири ҳисобланган. Буни Сайидносир Миржалиловнинг “Пахта Туркистон”, “Туркистон пахта” бул иккиси шул қадар бир-бирига боғланғонки, бирисин айтсак иккинчиси ўз-ўзидан айтиладур. Туркистонда пахта шул қадар муҳим ўрин тутқонки, бирор сабаб ила пахта бирор йил экилмай қолса, Туркистондаги савдо оламин остин устига келтурадур. Агар ушбу уруш вақтида воқеъ бўлса, рус мамлакатинда кўб халқ бутунлай ялонғоч қоладур каби фикрлари ҳам тасдиқлайди. Демак, ўша даврда пахта

⁴⁰ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. - Т.: Фан, 1976. –Б. 132-133-134.

⁴¹ Зиёбоев А. Тупроғимиз олтиндур// Садои Туркистон. 1914 йил 4 апрель.

етиштириш ўлка қишлоқ хўжалигининг асосий даромад келтирувчи тармоғи бўлиш билан бирга қолган барча соҳаларнинг ривожлантирувчи омили, мамлакат иқтисодининг таянчи бўлиб, ўлка тақдири қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Бу ҳақда Сайидносир Миржалиловнинг “Иқтисодий ишларимиз тартибга солинмаса, сиёсий ишларимизнинг ривожланмови табиий эмасми?”⁴² каби фикрлари ҳам тасдиқлайди. Мамлакатда юзага келган вазият муваққат ҳукуматни эҳтиёткорлик билан иш тутишга мажбур қилган. Шу сабабдан пахтага қатъий баҳо қўйиш учун фабрика эгалари, ишчилар, пахта билан савдо қилувчи савдогарлар, ёғ заводининг вакиллари ва деҳқонларнинг умумий йиғилишини ўтказиб, унда пахта нархини белгилаш ва уни министр тасдиғига қўйиш учун махсус йиғилиш чақирилган. Аммо, бу юқорида таъкидланганидек, вазият тақозоси бўлиб, халқни алдашдан иборат режа бўлган. Бу борада Сайидносир Миржалилов мақоласида шундай баён қилинади: “... буниси ҳам кўз бўйовдангина иборатдир. Агар ҳақиқатдан Туркистон пахтасини тегишли кадр қилмоқчи бўлса эди, бу йиғилишни Туркистонда қилуб Туркистон деҳқонларини чеккан азобларини ўз кўзлари ила кўриб, шунга қараб иш қилар эдилар. Холбуки, Москвадаги йиғилишга Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларидан 4дан 12 одам чақирғон. Шунинг ҳам ярмиси, деҳқон эмас одамларга берулғон”⁴³.

Муаллиф “Кенгаш” газетасининг 25 август сониде эълон қилинган навбатдаги мақоласида мавзуниде давом эттириб, гарчи, туркистонликлар норозилик билдириб, бош кўтармаган бўлсаларда, деҳқонлар ерга пахта экиш миқдорини камайтирган. Буни муаллиф келтирган қуйидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди: “Ўтган йил 20 таноб эккан деҳқон бу йил 5-10 таноб экди. 5 таноб экканлар 2-3 таноб экди. Демак,

⁴²Миржалилов С. Пахта// Кенгаш. 1917 йил 20 август.

⁴³Миржалилов С. Пахта// Кенгаш. 1917 йил 20 август.

юқоридаги сўзлар куруқ кўрқитув эмас. Туркистон деҳқонлари пахтасиз яшайдир, аммо овқатсиз яшай олмас”.⁴⁴ Бундан ташқари “Биржа марказ”ларида пахта толасини тайёрлашга кетган сарф-ҳаражатлар ҳисоб-китоб қилиниб, оммага эълон қилинган. С. Миржалилов мақоласидаги фактларнинг қиммати шундаки, улар нафақат XX аср бошларидаги Туркистон деҳқонларининг аҳволи ҳақида балки, қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин тутган “Биржа марказ”ларининг фаолияти хусусида ҳам маълумот беради. Бу эса капиталистик ишлаб чиқариш элементларининг қишлоқ хўжалигига ҳам кириб келганлигидан гувоҳлик беради.

Сайид Аҳмад Сиддиқий эса ўз мақоласида туркистонликлар эътиборини деҳқонларнинг ночор аҳволига қаратиб, унинг сабабларини тушинтиришга ҳаракат қилади. Муаллифнинг фикрича, деҳқонлар турмушининг оғирлашувига сабаб, улар етиштирган маҳсулотни арзимаган нархда сотилиши ва ўзларига керакли нарсаларни эса қиммат баҳода олишаётганлиги бўлган.

Бизнинг фикримизча, муаллиф ўзининг ушбу мақоласи орқали нафақат деҳқонлар, балки ўша даврда бутун Туркистон аҳолисининг ижтимоий ҳаётини ёмонлашувига сабаб бўлган омилларни кўрсатиб берган. Буни муаллифнинг озиқ-овқат маҳсулотларини етишмаслигига ва аҳолини қашшоқлашувига, асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган ғалланинг деярли барчаси четга олиб кетилаётганлиги сабаб бўлаётганлиги ҳақидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди. Сайид Аҳмад Сиддиқий бу фикрлари орқали мамлакат ва инсонлар ҳаётида доимо зироатчилик муҳим ўрин тутиши ва уларнинг фаровонлиги деҳқончиликнинг ривожини билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилиб, “Дунё илм ва зироат бирлан обод бўлур”, дея таъкидлайди.⁴⁵ Унинг фикрларидан хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллифнинг нуқтаи назарида мамлакат

⁴⁴ Миржалилов С. Пахта// Кенгаш. 1917 йил 25 август

⁴⁵ Сиддиқий Сайид Аҳмад. Деҳқончилик// Хуррият. 1917 йил 11 май.

қишлоқ хўжалигини яхшиланиши олинган даромад билан боғлиқ бўлиб, деҳқон томонидан етиштирилган маҳсулотнинг сотилиш нархи, бозордаги бошқа товарлар нархи билан мутаномиб бўлиши керак. Мамлакатда етиштирилган маҳсулот авваламбор аҳоли эҳтиёжини қондириши, шундан сўнггина четга чиқарилиши лозим.

Бундан ташқари ўлкада савдо-сотиқнинг издан чиқиши ҳам деҳқончиликка жиддий путур етказган. Жумладан, айрим ҳудудларда пахта бозори ва савдоси ёпилиши натижасида минглаб тонна пахталар сотилмай қолган.⁴⁶ Бу эса деҳқоннинг йил давомида қилган меҳнати учун ҳақ йўқ, йиллик даромад ҳисобда ҳавога учди. Маблағсиз қолган деҳқон эса кейинги йилга ишлашга тайёр эмас эди.

Мустамлакачилик даврида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мураккаб вазият вужудга келди. Деҳқончилик тармоқларида ҳам, чорвачилик тармоқларида ҳам пастга томон сирғалиш тезлашди. Бу вақтга келиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражаси борган сари уни техник жиҳозлаш суръатларидан ҳам, аҳолининг табиий ўсиш суръатларидан ҳам кескин орқада қола бошлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигида чуқур ислохотларни амалга ошириш даври бошланди. Республика ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишга эътибор бермоқда. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарасини ошириш, мулкчилик муносабатлари ва шакллари тубдан ислох қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқларимизни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини

⁴⁶ Туркистон ва Фарғона хабарлари. Пахта бозори ёпилибди// Садои Фарғона. 1914 йил 16 апрель.

юксалтириш вазифалари доимий эътибор марказда бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг асосий мақсади,-инсон омилининг роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан манфаатдорлиги ва жавобгарлигини оширишдан иборат.

Юқоридаги фикрлардан мулохаза қиладиган бўлсак, биз томондан тадқиқ этилаётган жадиidler илгари сурган ғоялар бугунги кундаги мустақил мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти йўлидаги ислохотлари билан ҳамоҳанг эканлиги маълум бўлади. Жадиidlerнинг фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жадиidler томонидан жамиятда пишиб етилган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни эволюцион-ислохотчилик тамойиллари асосида ҳал этиб ишлаб чиқилганлиги, уларнинг формацион-институционал ўзгартиришларни, мустамлака тузумини тубдан йўқотишнинг максимал даражада самарали йўллари танлай билганликлари, шубҳасиз уларнинг тарихий хизматларидир.

5. Савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги жадиidlerнинг қарашлари ва ёндошувлари

Иқтисодиётда савдо-тижорат катта ўрин тутади. У ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлайди. Савдо қанча мукамал йўлга қўйилган бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар исроф бўлмай, жамият томонидан сифатли ҳолда истеъмол қилинади, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг айланиши ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатлари тезлашади, самарадорлиги ошади. Бу халқнинг моддий

фаровонлиги ошишининг муҳим манбаидир. Бозор иқтисодиёти тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда савдо-сотиқ ва тижорат ишлари ниҳоятда ривож топиб, унинг мукаммал шакллари пайдо бўлади.

Аслини олганда бу икки тушунча савдо ва тижорат яқин маъноларни англатади. Савдо - товар муомаласининг бир тури, меҳнат маҳсулотлари ва хизматларни айрибошлаш шакли.⁴⁷ “Тижорат” тор маънода савдо-сотиқ билан шуғулланишни билдиради. У жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, рўзгорни тебратиш, тирикчилик ўтказиш ва одамларнинг турли товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш воситаси сифатида ислом таълимотида ҳам муҳим ўрин олган. Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) “Ризқнинг ўндан бир қисми чорвада бўлса, унинг тўққизтаси савдодадир”⁴⁸ деб, у билан шуғулланишга буюрганлар.

XIX аср охири XX аср бошларида тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маърифий вазият тақозоси билан майдонга келган жадинлар ҳам Туркистон иқтисодиётини ривожлантиришни асосий омилларидан бири бўлган савдо-тижорат фаолиятини яхши тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам улар бу соҳани ривожлантиришга қаратилган фикр, мулоҳазаларини илгари суришган.

Жадид маърифатпарварлари янги бозор иқтисодиёти муносабатларининг ижобий томонларини тушунтириш, уларни тарғиб қилиш, Туркистон иқтисодиётини илғор иқтисодий муносабатларга ўтишини ёқлаб илмий, бадиий, публицистик асарлар ёздилар, аҳоли ўртасида ўз илғор ғояларини ёйдилар.

⁴⁷ Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лугати. - Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993. -Б.75.

⁴⁸ Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. - Т.: Камалак, 1991-Б.77.

**Жадидларнинг савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда
ташқил этиш ҳақидаги ғоялари**

А.Фитрат

**Савдо ва тижорат ишининг ўзига хос ярашиқлари, тамойилу-
қоидалари мавжудлигига эътиборини қаратади:**

Биринчидан, савдо ва тижорат ишида миллат, Ватан, юрт манфаатлари ҳисобга олинishi, ана шу манфаатлардан келиб чиқиб ўзаро иттифоқ бўлиб фаолият кўрсатиш лозим

Иккинчидан, савдо - тижорат аҳли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни замонавий саноат асосида қурилишига ёрдам кўрсатишлари, соҳибкорларга амалий мадад беришлари лозим. Зеро, товарларнинг арзонлашуви товарлар сотилишини тезлаштиради ва фойда олинishини кафолатлайди

Учинчидан, савдо ва тижорат аҳли “савдо илмини зўр бериб ўқишлари ва билишлари лозим”. Оврупаликларнинг савдо ва тижоратдан фойда олишлари заминида маданий савдо қилиш илмини ўрганишлари ётганлиги уқтирилади

М.Бехбудий

**Тижорат соҳасида синиш, рақобатсизлик сабаблари ҳақида
мушоҳада қилиб, қуйидаги сабабларни кўрсатади:**

ҳисобсизлик, ақл ва тарбиясизлик бизни барбод этди

нафъ ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва аҳли замонадан беҳабарлигимиздан, хулоса, жаҳолат ва нодонлигимиздандур

қўлдаги бор нимарсамизни тўй ва азоға, беҳуда одатларга сарф этармиз. Кўрпамизга қараб оёқ узатмаймиз. Қарз ила иморат, тўй қилармиз. Исроф қилармиз

тарийқи тижоратни, молни олиш ва сотиш жойини билмаганимиз

тижорат майдонинда нодонлигимиздан бошқалар тарафидан алданармиз

Ф.Хўжаев

**Савдо ва экспортни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб
чиққан. Бу чора тадбирлар қуйидагилардан иборат:**

хусусий (майда ва ярим улгуржи) савдо аппаратининг ишлаш шароитини энгиллаштириш ва шу билан бир қаторда давлат ҳамда кооператив ташкилотлари шохобчаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга жиддий эътибор бериш

тегишли комбинатлар ташқил этиш йўли билан хусусий капитални давлат капитали билан ҳамкорлик қилишга торттиш

майда ва ўрта савдо учун текисловчи йиғимни камайтириб, мамлакатда қабул қилинган нормалар даражасига келтириш

Таможня пошлиналарини ва лицензия йиғимларини камайитириш йўли билан қорақўлни Ғарбий Европа бозорларига чиқарилишини энгиллаштириш, бу эса қорақўлнинг контрабанда йўли билан чет мамлакатларга олиб кетилиши учун хизмат қиладиган негизни емиради

қишлоқ хўжалигининг экспортга мўлжалланган маҳсулоти билан савдо операцияларининг алоқаси мустаҳкамлиги сабабли оқибат натижада қишлоқ хўжалиги учун ҳам аҳамиятга эга бўлган савдо кредитини савдо-сотикқа бериб туриш

Албатта, бозор муносабатларининг энг оддий ва оммабоп тушунчалари савдо ва тижорат билан боғлиқдир. Чунки, оддий одамлар учун азалдан, тарихан давом этиб келаётган бозор ишларини кенгайтириш, савдо ва тижорат орқали даромад топиш, юртни обод ва турмушни фаровон қилиш бироз қулайроқ эди. Бу ҳақиқатни бизнинг республикамиз мисолида ҳам XX асрнинг 90-йиллари давомида кузатилди.

Абдурауф Фитрат Туркистонда миллий иқтисодиётни кўтаришни зарурий асосларидан бири савдо ва тижоратни ривожлантириш эканлигига алоҳида урғу беради. У савдо ва тижорат орқали фаолият қилиш, ундан даромад топиб тирикчилик ўтказиш мусулмонлар учун ҳалол амаллардан эканлиги муқаддас “Қуръони Карим”да, муборак “Хадис”ларда уқтирилганини таъкидлайди. “... ислом шариати тижорат ва давлатмандликни манъ этган эмас, балки амр этган. Бироқ шуни ҳам билишимиз лозимки, ислом бизни тижоратдан манъ этмаган-у, бироқ бахиллик, исрофгарчилик ва таъмагирликдан қаттиқ тортган. Шундай экан, ҳар ким худонинг ва унинг расули мутеъи экан, пулдорлик ва тижорат ишига интилиши лозим...”⁴⁹

XIX аср охири XX аср бошларида халқимизнинг маънавий қашшоқлиги ва ислом таълимотини яхши билмаган муллалар тижоратчиларни “дунё одами” деб кўп дакки берардилар ва уларга бошқача муносабатда бўлганлари сабабли ҳам юртимизда тижорат соҳаси суст ривожланар эди.

Биз савдогарни олиб сотардан олиб, чайқовчига солиб, уларни синф сифатида тугатиб, бутун-бутун савдогарлар сулоласини йўқ қилиб юрган бир пайтда бошқа мамлакатларда замонавий савдогар ролини бажарадиган бутун бошли тармоқлар, савдо хизмати (инфраструктураси), мураккаб молия-кредит тартиботи қарор топди. А.Фитрат фикрини давом эттирар экан

⁴⁹ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд.- Т.: Маънавият, 2000. – Б. 163-164.

“.... агар давлатманд киши ростлик ва соховатдан узоқ бўлмаса, у ҳам ақлан, ҳам шаръан мадҳу санога сазовордир”. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳадиси шарифларида ҳам савдогарнинг нариги дунёдаги ўрни даражаси ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Ростгўй, ишончли савдогарлар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлулар”. Бу ҳадиси шарифдан шу фикрлар маълум бўладики, ростгўй, ишончли савдогарлар бу дунёда ҳам охиратда ҳам мадҳу санога сазовар бўлар эканлар. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз тижоратга, соҳибкорликка ёлғон-яшиқ, ўғирлик ва ғирромликни аралаштирмаганлар. Ҳақиқий тижорат ва соҳибкорлик имтиёзсиз, барча бир хил имкониятга эга бўлган шароитда амалга ошиши кераклигини улар яхши билишган. Агар кимки бу фаолиятга қалбаки йўллар орқали эришса, у ишончни йўқотади. Бу катта йўқотишдир. Машҳур рус кимёгари ва файласуфи Д.Менделеев: “Капитал - бу олтин эмас, балки, ишончдир. Агар ишончга эришилса, капиталнинг ўзи келади” деб ёзган эди. “Ишонч доллардан қимматроқ туради”, - деб айтган эди замонамизнинг улуғ иқтисодий ислохотчиларидан бири-американ Маршалл.⁵⁰

А. Фитрат тижоратнинг ўзига хос маданиятлари борлиги ва уларга амал қилиш кераклиги тўғрисида уқтиради. “... тижорат масъаласи башариятнинг ҳаёт-мамот масъаласидир. Дунё халқларидан биронтасининг иши тижоратсиз амалга ошмайди. Айниқса, бизнинг давримизда тижорат жуда эътибор беришга арзийди”⁵¹. Шу ўринда адиб Туркистонлик тижоратчи ва савдогарларни синиш ва зарар кўриш сабабларини ҳам мисоллар билан тушунтиради: Жумладан, “Менимча, сизларнинг бугунги тижоратларингиз бизнинг пайғамбаримиз амр қилган тарзда эмас, балки доимий равишда фойда келтирмайдиган ўзгача тижоратдир. Пайғамбаримиз бизга амр этган тижорат бугунги

⁵⁰ Тўхлиев Н. Осиё ва бозор. - Т.: Фан, 1992.-Б.33

⁵¹ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. Т.: Маънавият, 2000. -Б.164.

оврупалиларнинг тижоратидир, чунки улар бундан манфаат кўриш учун фойдаланадилар. Бироқ саводогарларингизнинг аксарияти бугунгача фақатгина фойда кўриш учун эмас, балки ўзларининг нафсоний ҳаваслари туфайлигина бу иш билан шуғулланганлар. Масалан, Бухорода фалон бой олтмиш минг тери олади? Нега? Чунки бошқа бир бой ҳам шунчалик тери олган. Бу йил фалон бой тижорат учун Америкага борадир. Нега? Чунки кўнгли саёҳат тилабдир. Бу ишларни тижорат демайдилар. Уларнинг ана шу ўйунларини тижорат деб қабул қиладиган ҳар бир қавм, албатта, маҳв ва нобуд бўлиши муқаррардир.”⁵² XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонлик маҳаллий савдогарлар асосан пахта савдоси билан шуғулланганлар. Бироқ, улар савдо-сотик илмини яхши билмаганликлари сабабли ҳам пахта савдосидан зарар кўрганлар. Айни вақтда хорижий савдогарлар савдо илмини, савдо – сотик қонун қоидаларини яхши билганликлари сабабли пахта савдосидан катта фойда кўрганлар. А.Фитрат Туркистонли савдогарларни фалокатга ботишларини яна бошқа иллатларини ҳам пахта савдоси мисолида баён этади: “Сизларнинг фалокатга ботишларингизнинг сабаби фақат бугина эмас. Яна бошқа йирик бир иллат ҳам бор. Ажнабийлар ўзаро иттифоқ ва бирликка эга. Сизлар эса пулларингизни ҳамиша ўзаро ички зиддиятларингиз йўлида сарф этасизлар. Молни сотиб олаётган пайтда, сизнинг фикр ўйингиз бухороли фалон бой устидан ғалаба қилиш борасида бўладир. Ундан кўпроқ мол олиб, уни синдирсангиз бас.

Шунинг учун жуда кўп ҳолларда бир-бирларингизга қасд қилиб, пахтани Масков нархидан тўрт баравар ошиқ олиб, ҳисобсиз зарар кўргансизлар. Тери сотиб олишда ҳам аҳвол шу. Бироқ ажнабийлар бу йўлни тутмайдилар. Улар бозорга кириб савдо қилишидан аввал, тўпланишиб маслаҳат қилишадир. Кўрадиларки, пахтанинг нархи Масковда ўн беш сўм, улар бу ерда ўн сўмдан оширмасликка қарор

⁵² Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. -Т.: Маънавият, 2000.-Б.165.

қилишадир. Кейин бозорга кириб, ўз аҳдларида туриб савдо қиладирлар. Пахта нархи ўн сўму бир тангага тенг келиши биланок ҳаммалари ҳамёнларининг оғзини бекитадирлар. Чорасиз қолган деҳқон яна бир танга тушиб, арзон сотадир...

Шунинг учун ҳам улар (хорижий савдогарлар – муаллиф) фойда кўрадилар, сизлар – зарар”⁵³.

Айни вақтда ёзувчи савдо ва тижорат ишининг ўзига хос ярашиқлари, тамойилу-қоидалари мавжудлигига эътиборни қаратади. Аввало, савдо ва тижорат ишида миллат, Ватан, юрт манфаатлари ҳисобга олиниши, ана шу манфаатлардан келиб чиқиб ўзаро иттифоқ бўлиб фаолият кўрсатиш лозим; Иккинчидан, савдо ва тижорат аҳли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқиришни замонавий саноат асосида қурилишига ёрдам кўрсатишлари, соҳибкорларга амалий мадад беришлари лозим. Зеро, товарларнинг арзонлашуви товарлар сотилишини тезлаштиради ва фойда олинишини кафолатлайди; Учинчидан, савдо ва тижорат аҳли “савдо илмини зўр бериб ўқишлари ва билишлари лозим”. Оврупаликларнинг савдо ва тижоратдан фойда олишлари заминида маданий савдо қилиш илмини ўрганишлари ётганлиги ўқтирилади.

А. Фитрат ёзади: “инсоф қилинсинки, дунё юзида тижоратга бунчалик юқори даражада берган ислом дини каби дин йўқ. Аммо қандай бахтсизликдирки, буқун бизнинг орамизда эътиборсиз қолган ишларнинг бири-да тижоратдир. Буни ҳам билув керакки, тижорат қилишдан мақсад фойда қилишдир, ёлғиз олиб сотиш эмас. Буқун тижоратнинг яшаши, фойда беруви учун бир неча илм керак. Минг йиллик чирик одат ва қоида бўйинча тижорат қилиб фойда олув мумкин эмас...”⁵⁴

Фитрат бутун ижодий фаолиятида ҳаммани олға интилиши ва янгиликдан доимо хабардор бўлишга, бир ерда депсиб, қотиб

⁵³Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. - Т.: Маънавият, 2000. -Б.166-167.

⁵⁴ Фитрат А. Раҳбари нажот. 1915. -Б.187.

қолмасликка, ҳамиша изланишга даъват этади, ўсиш-ўрганишдан маҳрум бўлиш бутун ҳаётдан, тирикчиликдан маҳрум бўлиш, деб уқтиради. Биз келтирган кўчирмада Фитрат ўзбек жаидлари оқимининг миллий буржуазия тараққиёти тўғрисидагина ғамхўрлик қилишни мақсад қилиб олган давр қарашларини акс эттиради, аммо янгиликка даъват этиш етакчи фикр экани билан ҳам эътиборни тортади. “Минг йиллик чирик одат” билан энди яшаб бўлмаслигини уқтириб, “Мана шу сабабдан бизнинг тижоратимиз кундан-кунга орқага қараб борадир, - деб давом эттиради ўз фикрини, - мен қаттиқ ишонаманки, миллатнинг ҳаёти ва мамоти бизнинг ўз савдогарларимиз қўлидадир. Тўғри бундан бир неча йил бурун бизнинг идорамиз, уламолар қўлларида эди. Лекин улар бизга раҳбарлик қилишга ожизлик қилдилар. Унинг учун истар-истамас бу муқаддас вазифа, яъни миллатга раҳбарлик қилиш уларнинг қўлларидан замонанинг тақозоси бўйинча бойларнинг қўлларига ўтди...”⁵⁵ Фитрат айна даврда динни ёқлаб туриб, мамлакатнинг келажаги ҳам савдо-сотикда деган ақидага алоҳида урғу беради. Зотан, жаидлар дастлаб фақат савдо буржуазиясининг мафкурачилари сифатида майдонга чиққан ва Фитрат худди шу йўналишнинг илк тарғиботчиларидан бири эди.

Жаидлар тижорат ва савдо ишининг муваффақияти маърифатли бўлишда эканлигига қайта-қайта эътиборни қаратганлар. “Сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо илмини ўқитингиз, чунки бегоналар тижорат илмидан хабардор, сиз эса беҳабарсиз. Аллоҳ таъоло бу маъини Қуръони Каримда хабар берган”. Зеро, “Билмаганлар билганларга баробар бўлмайди”.⁵⁶ Бу кўрсатманинг аҳамияти бизнинг давримизда яна ҳам кучлироқ билинаётир. Зеро, бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қўлидан келган-келмаган кишилар оммавий тарзда савдо-тижоратга ўзини урдилар. Бироқ тижорат

⁵⁵ Фитрат А. Раҳбари нажот. 1915 й. -Б.187.

⁵⁶ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд. - Т.: Маънавият, 2000.-Б.167.

илмининг йўқлиги ёки етарли эмаслиги туфайли бу соҳада самарали натижаларга эришилмаётир.

А.Чўлпон ҳам аксарият юртдошларининг янгича иқтисодий муносабатлар шароитига кўникиб кетолмаётганлари, бундан ўзгалар усталик билан фойдаланаётганларини кўриб ўртанади. Бу ҳақда шундай ёзади: “Бир армани Қофқознинг қоронғу гўшалариндан келуб, истансада дўкон очуб, бой бўлуб икки ўғлини ҳукумат мактабларида тарбия қилмакда...”⁵⁷ Янгича иқтисодий муносабатлар шароитида ақл ва тадбир билан иш юритиш лозимлигини яхши билган Чўлпон ватанимизнинг бойлигини, тижоратимизнинг фойдаларини четлар чўнтагига солмасдан ва бермасдан, ўз чўнтагимизда олиб юрмакимиз керакдир, дейди.

Жадидларнинг яна бир йирик вакили Абдулла Авлоний куйидаги ғояларни илгари сурган эди:

Бугунги дунёда давлатлар бошқалар бойлигини урушлар қилиб эгаллаб олиш усулидан воз кечди. “Бу кунда маданий миллатлар урушларни тижорат ва саноатга айлантирдилар ва бу сояда ғалаба ва рақобат қила бошладилар. Сеҳиргарлик ва жодугарлик ила эмас, тижорат саноатгирлик ила чолишқон Европо, Африко ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар қилмоқдадур”.⁵⁸ Бу ерда муаллиф Туркистонликларни тижорат илмини чуқурроқ эгаллаб бошқаларга тобеъ бўлиб қолишдан сақланишга чақирди.

Дарҳақиқат, дунёнинг илғор давлатлари ўзида саноатни ривожлантириб, бошқалар ресурслари эвазига савдони авж олдириб катта фойда олмоқдалар, ўзларига иқтисодий жихатдан қарам қилмоқдалар.

Махмудхўжа Бехбудий ҳам бу масалага жиддий эътибор берган эди. У “охирги вақтларда Туркистонликлар тижорат ишларида синиб” бораётганини ачиниб эътироф этади. “Охирги вақтларда биз -

⁵⁷ Чўлпон А. Асарлар. II жилд. -Т.: 1994.-Б.274.

⁵⁸ Авлоний А. Танланган асарлар. -Т.: 1998.-Б.56.

Туркистонлилар тижорат, ҳатто, зироат ва дўкандорлик ишларинда на учун синармиз,... Мунинг энг биринчи сабаби илмсизлик, тўғриси ақлсизлигимиздур”⁵⁹. “Мундан бошқа яна синмоқимизга сабаб торийқи тижоратни, молни олиш ва сотиш жойини билмаганимиз, пахта ва бошқа ғалла тўғрисида Амриқо, Африқо ва Оврупа бозор ва зироатларини ҳолидан, бўлган ва бўлмаганидан беҳабарлигимиздур... Энг охирги сабаб синмоқимизга шулки, тижорат майдонинда нодонлигимиздан бошқалар тарафидан алданармиз”. XX аср бошларидаги фикрлар ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган десак, муболаға бўлмас. Дарҳақиқат, бизнинг бир қанча корхоналаримиз ҳамон жаҳон бозоридан, саноатидаги ўзгаришлардан беҳабар ҳолда иш юритмоқдалар, Бехбудий айтганларидек, ҳамон “таваккал” деб иш қиладурлар. М. Бехбудий тижорат соҳасида синиш, рақобатсизлик сабаблари ҳақида мушоҳада қилиб, қуйидаги сабабларни кўрсатган эди:

биринчи - “нозоалла, ҳисобсизлик, ақл ва тарбиясизлик бизни барбод этди”;

иккинчи - нафъ ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва аҳли замондан беҳабарлигимиздан, хулоса-жаҳолат ва нодонлигимиздандир;

учинчи - “қўлдаги бор нимарсаларимизни тўй ва азаға беҳуда одатларға сарф этармиз. Кўрпамизга қараб оёқ узатмаймиз. Қарз ила иморат, тўй қилармиз. Исроф қилармиз”.

тўртинчи - “мундан бошқа яна синмоғимизга сабаб торийқи тижоратни”, дунёдаги бозор аҳволини, қаердан мол олиб, қаерда сотиш мумкинлигини, ахборот олишни билмаганимиз”⁶⁰.

Мамлакатимизда савдо-сотик соҳаларини янада ривожлантириш ғояларини илгари сурган Ф.Хўжаев савдо-сотик ишига таъсир ўтказётган анчагина камчиликлар ҳам мавжуд эканлигини таъкидлайди:

⁵⁹ Бехбудий М. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1999. -Б.163.

⁶⁰Бехбудий М. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1999. -Б.166 – 168.

1) савдо бўлимлари шоҳобчалари уч баравардан зиёдрок кўпайтирилди, лекин шундай бўлса ҳам улар билан боғланиш шу вақтгача етарли равишда йўлга қўйилмаган.

2) савдо аппарати ишида баъзан сусткашлик, журъатсизлик ишларини бажаришда уюшқоқликнинг етарли эмаслиги кўриниб турипти.⁶¹ Биз малакали, тажрибали ходимларни жалб қилиш йўли билан, шунингдек, корхоналаримиз ишини алоҳида диққат ва эътибор бериб, кузатиб туриш йўли билан бу камчиликларни йўқотишимиз зарур, деб уқтиради Ф.Хўжаев. Унинг фикрларидан республикада давлат савдоси ва кооперация жуда кам ривожланганлигини, Бухоро давлат савдо бирлашмасининг савдо бўлимлари республиканинг фақат 12 жойида борлигини, кооператив ташкилотлари ва уларнинг бўлимлари тахминан 15 та эканлиги, шу рақамларни бир неча ўн минг кишидан иборат бўлган хусусий савдогарлар билан таққослаб қарасак, хом ашё чиқарувчилар билан фабрика- завод саноати ўртасида маҳсулот айирбошлаш ишида хусусий савдогарларнинг аҳамияти нақадар катта эканини кўрамиз.

Ф.Хўжаев Бухоро Халқ Республикасининг иқтисодий аҳволини батафсил ўрганиб чиқади, Бухоро мамлакатининг иқтисодий даромади ва бойлиги Биринчи жаҳон уруши ва инқилобгача асосан тижоратдан келганлигини таъкидлайди. Ўзи кучли иқтисодчи бўлган Ф.Хўжаевнинг айтишича, Бухоро Ўрта Осиёдаги савдо-сотиқнинг маркази бўлган. Бухоро бир томондан Афғонистон, Эрон, Туркия, Хитой билан, иккинчи томондан Туркистон ўлкаси ва Хива хонлиги билан, учинчи томондан Россия ва у орқали Ғарбий Европа давлатлари билан савдо-сотиқ қилган.

Ф.Хўжаев Бухоронинг савдосини ва бинобарин, экспортини рағбатлантириш чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиққан эди. Бу чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

⁶¹ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1-Том. - Т.: Фан, 1976.-Б.274-275.

–хусусий (майда ва ярим улгуржи) савдо аппаратининг ишлаш шароитини енгиллаштириш ва шу билан бир қаторда давлат ҳамда кооператив ташкилотлари шаҳобчаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга жиддий эътибор бериш;

–тегишли комбинатлар ташкил этиш йўли билан хусусий капитални давлат капитали билан ҳамкорлик қилишга тортиш;

–майда ва ўрта савдо учун текисловчи йиғимни камайтириб, мамлакатда қабул қилинган нормалар даражасига келтириш;

–таможня пошлиналарини ва лицензия йиғимларини камайтириш йўли билан қоракўлни Ғарбий Европа бозорларига чиқарилишини енгиллаштириш, бу эса қоракўлнинг контрабанда йўли билан чет мамлакатларга олиб кетилиши учун хизмат қиладиган негизни емиради;

–қишлоқ хўжалигининг экспортга мўлжалланган маҳсулоти билан савдо операцияларининг алоқаси мустаҳкамлиги сабабли оқибат натижада қишлоқ хўжалиги учун ҳам аҳамиятга эга бўлган савдо кредитини савдо-сотиққа бериб туриш.⁶²

Ф.Хўжаев томонидан ишлаб чиқилган бу чора-тадбирлар ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган мамлакатимиз савдо-сотиқ ишларини такомиллаштириш учун ҳам хизмат қилади. Жадидлар савдо ходимларининг илмли, маданиятли бўлишига, уларнинг маънавий оламини бойитиш зарурлигига катта эътибор бердилар.

⁶² Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1-Том. Т., 1976 й.-Б.381.

6. Жади́длар та́дбиркорлик ўзбек халқи менталитети хусусияти эканлиги ҳақида

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган рақобатли иқтисодиётга ўтиш шароитида хўжалик бирликлари доирасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш турли хил шакл ҳамда усулларда амалга оширилади. Уларнинг ичида тадбиркорлик фаолияти алоҳида ўрин тутати ва бу фаолият туфайли мулкчиликнинг турли шакллари иқтисодий жиҳатдан руёбга чиқати ва ўз эгасига даромад келтиради. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик лаёқати иқтисодий ресурслар ҳисобланиб, инсон капиталининг таркибий қисмини ташкил қилади. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий фаолиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорликнинг тарихи жуда узок ўтмишга бориб тақалсада, унинг ҳозирги замон тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлган ва кўпинча “Мулкдор” ибораси билан бир хил тушуниланган.

Кейинчалик реал хўжалик ҳаётида қатнашувчи капиталнинг мулкдор капиталдан ажралиб чиқиши натижасида “тадбиркорлик” тушунчаси “мулкдор” тушунчасига тўғри келмай қолади. Ҳозирги замон Ғарб адабиётида ҳам тадбиркорликка фойда олиш мақсадини кўзлаб хўжалик юритиш санъати, иқтисодий ва ташкилий ижодкорлик, ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, новаторлик, хавф-хатарга нисбатан тайёр бўлиш ва шу каби кўп қиррали томонлари билан қаралади.

Туркистонда миллий ўзликни англашга хизмат қилган ва миллий озодлик мафкурасининг юзага келиши ҳамда ривожланишига муҳим ҳисса қўшган йирик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий оқимлардан бўлган жади́длар ҳам Туркистон иқтисодиётининг ривожлантиришни асосий омилларидан бири бўлган тадбиркорлик фаолиятини яхши тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам улар бу соҳанинг ривожланишига қаратилган

фикр, мулоҳазаларини илгари суришган. Улар ўзининг бутун онгли ҳаётини, жисмоний ва ақлий салоҳиятини Ватан озодлиги, мустақиллиги, истиклоли, тараққиёти учун қурбон қилган эдилар. Улар ўзларининг асарларида мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий воқеа ходисаларни, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик соҳаларини кузатиб Ғарбий Европа маданияти билан таққослаб таҳлил этганлар. Мамлакатимиздаги тадбиркорлик, ишлаб чиқариш соҳалари қадимда мавжуд бўлганлиги ва уларни яна ҳам ривожлантириш тўғрисидаги ғояларни, назарияларни илгари сурадилар. Анашу қиёсий таҳлил намуналаридан бири қуйидаги фикрдир: “Сизнинг корхонангиз Қарши шаҳрининг бошқа корхоналаридан катта, сизнинг алачангиз бошқа алачалардан нозук ва нафисроқдир. Ўрисларнинг ипак матолари нозик ва чиройли, аммо пишиқлик ва чидамлиликдан маҳрум. Сизнинг алачаларингиз эса, ҳам нозик, ҳам чидамли экан”⁶³.

Юқоридаги қоидадан шу нарсалар аён бўладики, қадимдан бизнинг мамлакатимизда алача (шолча, гиломнинг бир тури) тўқийдиган корхоналар мавжуд бўлиб, уларда тўқилган алачалар нозик ва нафислиги билан бошқалар алачаларидан ажралиб турган. Ўрисларнинг ипак матолари нозик ва чиройли бўлса ҳам, аммо бизнинг алачалар каби пишиқ ва чидамли эмаслиги, бизнинг юртимиздаги ишлаб чиқариш соҳаларини қадимдан ривожланганлигидан далолат беради. “Бухоро ҳожиларидан бири бир кийимлик алачани ҳадя этиш учун Мадинаи мунавварага олиб борган. Аммо нима сабабдандир алачани қайтариб Бухорога олиб келмоқчи бўлган. Ҳаждан қайтаётиб, Одесса шаҳрига етиши билан, Русия божхонасининг маъмурлари ўша алачани Фарангистон моли гумон қилиб ундан бож талаб қилганлар. Бечора ҳожи бор товуши билан, “бу алача Бухоронинг маҳсулидир”, деб фарёд қилса ҳам божхонадагилар: хали Бухорода бу даражадаги молни тўқийдиган фабрика қурилган эмас. Сен

⁶³ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. -Т.: Маънавият, 2000. -Б. 140.

буни Истанбулдан сотиб олгансан, деб айта берганлар. Бечора ҳожи ноилож, бир неча сўм бож пули бериб, ўз алачасини қайтариб олган экан”.

Бу фикрлардан шу нарсалар маълум бўладики, Қаршида тўқилган алачалар Франция товарлари даражасида бўлганлиги ва ундан бож талаб этилганлиги ўша даврларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар жаҳон андозаси даражасида бўлганлиги фақат улар эскича услубда тўқилиб такомиллашмаганлиги тадбиркорлик илмини ўрганилмай қолганлигидан далолат беради. А. Фитрат шундай нодир ҳунарни илм-фан, техника асосида ривожлантириш ҳақида ўйлайди, бу фикрни қаршиликларга сайёҳ тилидан уқтирмоқчи бўлади, аммо усталар фақат бугунини ўйлашдан уёғини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар, шунда сайёҳ (А. Фитрат) куйиб-пишиб айтади: “Ҳурматли уста, Оврупа халқлари, агар бирор ишга қўл урсалар, шу ишларнинг ўн йил, йигирма йил, ҳаттоки юз-икки юз йил кейинги ривожини кўзда тутадилар. Сиз - Қарши халқи ҳам жуда юксак ҳунарга эгасиз. Ана шу ҳунарларингни келгуси тақдирини ҳеч ўйламайсизларми?”. Шунча гапдан кейин ҳам уста ўзининг қотиб қолган фикридан силжимайди. “Ҳозир ишимиз яхши, ўн йил кейин ким тиригу ким ўлук?” деб қўя қолади. Сайёҳ ўз фикрини уқдиришдан сира эринмайди. Келажакни ўйламаган ҳар қандай кимса, ҳалокатга маҳкумлигини иложи борича соддача қилиб тушунтиришга интилади : “Фараз қилайлик, умрингиз охирига кетмоқда, аммо фарзанд ва набираларингиз нима билан шуғулланишади. Уста жаноблари, сиз келажак ҳақида фикр юритишни унутманг, чунки ҳар бир кишининг ҳаёти ўз ишининг келажаги билан боғлиқ. Эртани ўйлаш олам ободлигининг боисидир”...⁶⁴ Ҳинд сайёҳи мана шу тарзда алоҳал ўз фикрини устага аста-секин, жуда қийинчилик билан бўлса ҳам тушунтиради. Шундан кейин фикрини яна давом эттириб, илм-фанга, техника тараққиётига эътиборни тортиб, халқнинг келажаги, тақдири фақат шунга боғлиқ эканини, агар

⁶⁴Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. -Т.: Маънавият, 2000. -Б. 140-141.

тараққиётга эриша олмаса, инқирозга учрашидан ҳеч ким ва ҳеч нарса қутқариб қола олмаслигини ўткир далиллар билан исботлаб берди. Бухоро халқи, ҳунармандлари ҳаётидан бунга аниқ мисоллар, сира рад этиб бўлмайдиган, ҳамманинг кўз ўнгида бўлиб турган, аммо буни идрок этолмаётганларнинг фожиаларини изоҳлаб, устанинг кўзини очади, қалбига таъсир ўтказади. Жумладан, Бухоро халқининг мустамлакачилик гирдобига қандай тортилгани-ю, қай аҳволга тушиб қолганини айна уста савиясида тушунадиган бир бадиий шаклда жуда ширали ва ифодали тил билан тасвирлаб беради. Сайёҳ яна Бухоронинг ўтмишидан мисоллар келтириб туриб, бундан юз йиллар илгари одамларга зарур бўлган кийим-кечак, идиш-товоқларни халқнинг ўзи, мохир усталар фақат қўлда ясаб берганликларини устанинг ҳаётидан талай далиллар келтириб туриб тасдиқлатиб олади. Ниҳоят ўша усталарнинг ҳозирги аҳволини ҳам унинг кўзига кўрсатади. Ҳамма нарсани фақат қўлда бажариб келган усталар нима сабабдан хароб бўлганларини олим қуйидагича изоҳлайди: “Кўрдингизми, ўша вақтлар туркистонлилар ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма молларни ўзлари тайёрлардилар, яъни пулни чўнтақларидан чиқариб, қайтиб яна чўнтақларига солар эдилар. Бирор бир чақани бегона фабрикантларга бермаганлар. Аммо Оврупо фабрикалари бирин-кетин нозик сурф, харир докалар ва чиройли гулли чинни тобоқлар ишлаб чиқариб, Туркистон ерларини тўлдирдилар. Аҳоли, албатта, бу жилоли молларни ёқтирди ва бошқа миллий ашёларга эътибор бермай қўйди. Оқибатда дока ва карбос тўқувчи дўконлар ва тобоқ ишлаб чиқарувчи корхоналар ёпилди, уларнинг эгалари истар-истамас ҳаммоллик билан машғул бўлдилар ёки бировлар эшикида хизматкор бўлиб, оқибатда ҳасрат ва надомат билан дунёдан кўз юмдилар”... Агар улар ҳам сизга ўхшаб “ўн йилдан кейин ким тиригу ким ўлик”, деб ўтирмасалар эди, ўзларининг карбос тўқувчи, чинни ва софол ясовчи дасгоҳларини кўпайтириб, жуда қисқа вақт ичида тор дўкон ва вайрона уйларини катта – катта магазинлар

ва йирик мармар биноларга айлантирар эдилар. Фақат ўзларинигина эмас, балки бутун туркистонлиларни ҳам бахт ва саодатли қилар эдилар. Чунки бечора халқнинг чўнтагидан чиққан ва бегона фабрикантлар ҳамёнига кирган пулларнинг ҳаммаси туркистонлиларнинг ўзларига қолар эди.”

Қадим замонлардан Китобнинг алачаси ва ироқидўзлиги жуда машхур бўлганини алоҳида таъкидлаб туриб, ҳамон бу ҳунарлар ҳам эскича усулда давом этаётгани туфайли таназзулга юз тутганини исботлаб беради. Сиз, масалан, бир кийимли ипли алачага ўн беш танга сарфлаб, йигирма тангага сотасиз ва беш танга фойда кўрасиз. Аммо фабрикантлар алача тўқиш ишига кўл урсалар, худди сизникидек алачани ўн танга билан фабрикадан чиқариб, ўн беш тангага сотадилар, У вақтда ҳеч ким йигирма танга бериб, сизнинг алачангизни олмайди. Кейин сиз ҳам алачангизни ўн беш тангага сотасиз. Улар сизнинг бу ишингизни кўргач, ўзларининг молларини саккиз тангага сотишади ва икки танга зарарни (уч кунгача) ўзларига раво кўришади. Ана шунда сиз ва ҳамкасбларингиз ҳам ноилож ўзларингизнинг алачаларингизни саккиз тангадан сотиб, жуда катта зарар кўриб, ҳовли ва дўконларингизни сотиб, шу зарарни қоплайсиз. Бечораҳоллик йўлига кирасиз. Бутун Туркистоннинг барча алача тўкувчилари ўз касбларидан кечиб, бошқа иш билан банд бўлганларидан сўнг, фабрикантлар ўз алачаларининг нархини аста-секинлик билан йигирма-йигирма беш тангага кўтаришади ва туркистонлиларнинг даста-даста пулларини ўз ҳамёнларига урадилар⁶⁵.Шундай қилиб, фақат эскича яшашдан нари ўтолмаётганлиги туфайли бутун мусулмон олами хароб бўлиб кетаётганини зўр дард билан талқин эта билган А.Фитрат, бу оғир тангликдан қутилиш йўлларини ҳам айтиб беради. Инсон бирор нарсага эришаман деса, интилиши керак, интилмас экан, ҳеч нарсага эриша олмайди, деган мазмундаги Қуръон оятидан мисоллар келтириб, барча мусулмонларни ҳаракатга, излашга, ўқиш-ўрганишга, ғайрат билан

⁶⁵ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. -Т.: Маънавият, 2000. -Б. 143.

ишлашга даъват этади, бу жиҳатдан европаликларни ибрат қилиб кўрсатади:

“... Агар сиз Оврупа мактабларида ўқуғанингизда ва оврупалилар телеграф, телефон, темир йўли, ҳаво кемаларини қайси йўл билан ва қандай яратганликларини билсангиз эди, ... мусулмонлар, қанчалар неъматларни оёқ ости қилганимизни тушуниб етар эдингиз...”

Сайёҳ Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқанд ва бошқа жойларни кўриб нақадар завқланса, унда яшаётган аҳоли турмуш тарзидан беҳад изтироб чекади, жаннатдай бир маконда яшаётганларнинг ғафлатдан уйғонолмаётганлигидан куйиб кетади. “... Қарши ва Китобнинг бирон-бир алача тўқувчиси Фарангистонда яшаса, бошдан оёқ зар-зеворларга ботар эди. Бу бечораларнинг эса ейишга нони йўқ. Агар шу Шаҳрисабз ерлари Япўн элида бўлганида эди, зар экиб, зар ундирар эдилар. Бу ерлар нега шўразорга айланган? Бу саволларнинг ҳар бири ҳар қандай мутафаккирни довдиратиб қўядир. Фақат шуни тушунмайман: нега бу масала сизларнинг хаёлларин-гизга келмайдир?”⁶⁶

А.Фитрат Туркистон ўлкасининг бойлиги, гўзал табиати, ҳосилдор ерлари, ширин-шакар мевалари гулдек хунарлари дунёдаги барча халқларни қизиқтираётгани, аммо бу бойликлардан ўзлари фойдалана олмаётганликлари фойдаланиш учун ва келажакда уларни ривожлантириш учун одамларда маънавий камолот етишмаётганидан ёниб фарёд чекади. Ўз бойлигига эга бўлиш учун ғафлатдан уйғотиш, илм-маърифатни, фан-техникани ривожлантириш, миллий-мустақилликка эришиб, мамлакатни ўзлари бошқариш лозимлигини уқтиради.

Дарҳақиқат А.Фитрат ўз халқи, миллати, ватани тақдири ҳақида ўйлаш, унинг истиқболи учун қайғуришдан сира толмади. А.Фитратнинг миллатни ривожлантириш тўғрисидаги илғор ғояларига ҳамоҳанг бўлган таълимотларни М. Бехбудий ҳам илгари сурди:

⁶⁶Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. -Т.: Маънавият, 2000. –Б .151–154 .

“Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз қилурмиз, фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни Оврупо бозорига элтиб, яхши баҳога сотатургон бизда бир одам йўқ. Азбаски, Оврупо ила савдо қилатургон кишини (ўзи) аввал ўн сана замона илми ўқумоғи лозим”.⁶⁷

Албатта ХХІ аср бўсағасида ва бу аср бошида мустақиллик неъматини туфайли ўз хом ашёларимизни ўзимиз қайта ишлаш имкониятлари келди, хорижга ўз тайёр маҳсулотларимизни олиб чиқиб сотаётган тадбиркорларимиз ҳам кўпаймоқда.

Янгича иқтисодий муносабатлар шароитида ақл ва тадбир билан иш юритиш лозимлигини яхши билган Чўлпон мақолаларидан бирида: “Ҳар куни газеталарда “Фалоний синди”, “Фалонийни вексели протест бўлди, дўкони печатланди” деганга ўхшаш кўрқинчлик хабарларни ўқиб этишмоқда ва кўриб билмоқда бўлсак ҳам, аммо ибратланмаймиз. Сабабини ҳеч текширмаймиз. Ёлғиз “Бозор касод” деб ўтаберамиз. Аммо бозорни касодлиғига нима сабаб эканлигини текширмаймиз”⁶⁸ деб ёзади. Чўлпон миллатдошларининг иқтисодий билимларни эгаллашларини, ажнабий корчалонлар билан ростмана рақобат қила оладиган тадбиркору тужжорлар етишишини орзулайди. Бироқ ҳаётда бунинг аксини кўраётгани янгича шароитда ҳамон эскича иш юритаётган, билимларини ошириш тугул элементар иқтисодий билимларга ҳам эга бўлмаган юртдошларнинг тез-тез синишлари, ажнабий корчалонларга, катта фирмаларга “ем” бўлиб кетаётганлари уни чинакам ташвишга солади. Шу боис ҳам адиб мазкур масалага айрича эътибор беради ва “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик”, “Ватанимиз Туркистонда темир йўллар” номли мақолалари билан омманинг эътиборини унга жалб

⁶⁷ Бехбудий М. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1999. -Б.200.

⁶⁸ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар//Садои Фарғона, 1914 йил 6 июнь.

этмоқчи бўлади. Янги темир йўллар қурилиши муносабати билан ёзилган кейинги мақоласида Чўлпон дастлаб ер масаласига тўхталади. У ўқувчиларни “темир йўлнинг бормоғи ила таноби 100 сўмлик ерлар албатта 1000 сўмга чиқиши” дан огоҳ этади, пулга қизиқиб ер сотиш ножоизлигини таъкидлайди. Чунки “замонамиз шундоғ замондурки, тирикчилик билан рақобат қилмоққа, маишат зулмидан қутулмоққа қўлда ер бўлмоқ керакдур”⁶⁹. Ерсиз қолган деҳқонлар фожеаси билан яхши таниш бўлган Чўлпон уларнинг сафи кенгаймаслигини истайди. Иқтисодиётни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бера бошлаган Чўлпон ўзлаштирилиши лозим бўлган маданиятлар сирасига “хунар”ни киритаркан, бу сўзга кўп маъно юклаётгандек, уни кенг маънода тушунаётгандек кўринади бизга. Фикримизча, адиб бу ўринда Европанинг тараққиётда илгарилаб кетишига имкон берган қатор омиллар ишлаб чиқаришу иш юритиш маданияти, хўжаликни бошқариш усуллари, қишлоқ хўжалигию саноат техникаси ва технологияси кабиларни назарда тутди. Ёзувчимизни қувонтирган нарса Андижон станцияси қурилишини пудратчи сифатида маҳаллий ишбилармонларимиздан Абдулла Ҳамидуллаевнинг олганидир. Чўлпон билан суҳбат чоғида пудратчининг укаси “шундоғ катта муассасаларнинг фойдасини овруполилар кўруб, уларнинг қўлига ўтиб кетаётганига ичлари ачишган”идан қурилишни олишга жазм қилганларини айтади. Ёш адиб ўзи орзулагандек ажнабий корчалонлар билан рақобатлаша оладиган, муҳими, миллат ҳақида қайғурадиган ўзига мослақдош одамни топади. Уларнинг суҳбатида яна бир муҳим масала кўтарилади: “истонсаларга армани ва руслар келуб ўтурмоқдадур. Бечора мусулмонлар бўлса ерларини ойлик қилуб бермоқдалар. Ҳозирда ижарага берсалар, бора-бора оз пул билан сотуб ҳам қўярлар. Вағзалга яқин ерларда, истанса атрофида энди ғайримиллат кўрунмоққа бошлади”. Суҳбатдошларни миллатдошларининг энг обод ва

⁶⁹ Чўпон А. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар// Садойи Фарғона.-1914 йил 6 июнь.

гавжум, демакки тижорат ишларини юргизиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш кенг имкониятлар берувчи жойлардан четлашиб қолаётганлари, турли йўллар билан четлаштирилаётгани ташвишга солади. Эътибор берсак: на жаид маърифатчиси бўлмиш Чўлпонда ва на каттагина сармоядор бўлмиш суҳбатдошида масалага тор, “синфий манфаат” нуқтаи назаридан ёндашиш кузатилмайди. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам асоратда қолган миллат вакиллари сифатида бир мақсадни-миллий истиқлолни кўзлайдилар.

Албатта, миллий истиқлол эндигина шаклланаётган миллий буржуазия учун кенг имкониятлар очиши тайин эди. Бироқ буни коммунистик мафкура тарафдорлари каби, “тор синфий манфаат” сифатида талқин қилишлик ҳақиқатга хиёнат қилишликдан бошқа нарса эмас эди. Сабабки, шаклланаётган миллий буржуазия манфаатлари Туркистон шароитида умумхалқ манфаатларига кўп жиҳатдан муштарак эди. Чўлпон Абдулла афандидек ақл ва тадбир билан иш юритадиган, ўз фойдаси билан бирга миллат манфаатини ҳам кўзлайдиган ишбилармонларнинг кўпайиши юртини обод, озод ва маъмур қилишига ишонади.

Чўлпоннинг тадбиркорлик тўғрисидаги фикрларини, “Кеча ва кундуз” романидаги Мирёкуб образида ҳам кўришимиз мумкин. Чўлпон Мирёкуб тимсолида асримиз бошида юртимизда қарор топа бошлаган янгича иқтисодий муносабатлар шароитида етишган ишбилармон кишиларга хос хусусиятларни мужассамлаштириб, уларнинг янги сиёсий куч сифатида ўз-ўзини таниш жараёнини тасвирлашга интилган.

“Мирёкуб поезднинг қаерлардан ўтишини билиб олган эди....

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас безовталиқ ҳаракатга ва ишга айланди. Бир ойга етар-етмас, ўша келажак поезд йўли бўйларидан Мирёкуб жуда кўп- бир неча юз десатин - ер сотиб олди. Ерларнинг ҳаммаси деярлик сувсиз, нообод, ташландиқ ерлар эди. Шунча кўп ерга қанча оз пул кетади. Кўплар бу шошилиш савдони билмадилар, билганлар Мирёкубни “жинни

бўлибди” дедилар...

Ширкат поезд йўли солишга ижозат олиб тайёргарликларга киришгандан кейингина, Мирёкуб қилган ишини нойиб тўрага айтди.

- Сен худди бир америкаликка ўхшайсан, Мирёкуб!- деди тўра. - Лекин кўнглингга оғир олма, чакки шу сартия⁷⁰ ичида туғилиб қолгансан!”⁷¹

А. Чўлпон берган таърифда Мирёкубнинг чинакам буржуа ишбилармонига хос хусусиятлари бўртиб кўринади: у - уддабурон одам, замона зайлини, мавжуд шароитда қандай ҳаракат қилинса яхши натижага чиқишни яхши билади: у “керакли одам”лар билан тез битишади, оз сарф билан кўп фойда олишга интилади, бошлаётган ишининг оқибатини пухта ўйлайди натижани олдиндан кўришга ҳаракат қилади. Унинг темир йўл бўйидаги ерларни сотиб олиш билан боғлиқ ишига нойиб тўранинг ўзи ҳам ҳайрон қоладик, бу ҳам фикримизнинг далилидир. Ўзидаги шу хусусиятлар туфайли Мирёкуб ўтган 15 йил мобайнида анча катта сармоядорга айланган: кўша-кўша дўконлари, чойхоналари, шериклик асосида эгалик қилаётган заводи, банкда ўзининг ҳиссаси бор. Кўрамизки, Мирёкубнинг ижтимоий мавқеи анча ортган, бунинг устига ўтган ўн беш йил мобайнида янгича иқтисодий шароит тўла қарор топган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳаларини янада ривожлантириш ғояларини илгари сурган Ф.Хўжаев мамлакатимиз саноатини қисқача тавсифлаб юртимизда саноатнинг бир қанча тармоқлари учун катта фабрика ва заводлар барпо қилишимиз учун барча шарт-шароитлар бўлса ҳам аммо заводчилик саноатининг катта шакли йўқлигини билдириб жумладан шундай дейди: “Ўзбекистон саноатини қисқача тавсифлашга ўтар эканмиз, умуман, Ўрта Осиёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам саноатнинг бир қанча тармоқлари учун (масалан, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз саноати, цемент саноати, озуқа маҳсулотларини қайта

⁷⁰ “сартия” – сартлар. “Сарт” – Туркистонда яшаган маҳаллий халққа мустамлакачилар томонидан берилган ном.

⁷¹ Чўлпон А. Асарлар. II-жилд. -Т., 1993.-Б.59.

ишлаш, кўмир, нефть, минералларни қазиб чиқариш ва ишлатиш саноати ва шу кабилар учун) катта фабрика ва заводлар барпо қилишимизга реал шарт-шароит бўлса ҳам, аммо заводчилик саноатининг катта формаси йўқлигини қайд қилиб ўтиш зарур.⁷² Бу фикрлардан кўринадики мамлакатимизда барча саноат тармоқлари учун хом ашёлар ва бошқа барча шарт-шароитлар бўлса ҳам бироқ, бу шарт-шароитлардан унумли фойдалана олмаганлигимиз ҳамда хом ашёларни қайта ишлайдиган, тайёр товар ҳолатига келтирадиган йирик фабрика-завод саноатларимиз йўқлиги уни Иттифоқ саноати маҳсулотини истеъмол қилувчи ўлкага айланиб қолганлиги маълум бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бозор иқтисодиётига ўтиб бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш кишиларда тадбиркорлик, омилкорлик фазилатларини тарбиялайди. Улардаги ялқовлик, лоқайдлик каби иллатларни сиқиб чиқаради. Хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш, майда ва қўшма корхоналар ташкил этиш натижасида соҳибкорликка кенг йўл очилмоқда. Тадбиркорлик ва соҳибкорлик бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Агар киши тадбиркор бўлмасдан, шунчаки корхона эгаси бўладиган бўлса, бир кун келиб рақобатга дош беролмай, синиши мумкин. Тадбиркорлик эса - корхона соҳибими, йўқми - бундан қатъи назар, ҳар бир киши учун хос бўлиши керак. У бозор иқтисодиёти шароитида кишиларнинг асосий фазилатларидан биридир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл берилиши туфайли мулкчиликнинг турли шаклига асосланган фирмалар, корхоналар сони ўсиб бормоқда. Йирик хорижий инвесторлар билан тенг шерикчилик асосида иш бошлаган қўшма корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда. Бугунги кунда Республикамизда 180 мингдан ортиқ корхона мустақил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Жисмоний шахс

⁷²Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I-том. -Т. Фан, 1976. –Б.302

сифатида, яъни юридик шахс мақомини олмай якка тартибда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 300 мингдан ошди. Хунармандчилик, касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг сони эса юз минглаб ҳисобланади.

Бу соҳада ислохотларни ривожлантириш давр талабидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1992 йил 26 февралдаги қарори ҳамда Президенти-мизнинг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг муҳофазаси ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора тадбирлар тўғрисида”ги 1994 йил 21 январдаги, “Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1995 йил 3 январдаги ва “Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги 1998 йил 9 апрелдаги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни тадбиркорларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлади ва уларнинг фаолият доирасини рағбатлантирувчи ишончли кафолатини юзага келтирди. Бу эса ўз навбатида кичик (хусусий) ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлик фаолияти йўналишининг доимий кенгайиб бориши, мамлакатимизда яратилаётган ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажмининг ошиши, пул қадрсизланишининг олдини олиш, миллий иқтисо-диётнинг барқарор ривожланиши учун муайян шарт-шароитлар яратмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш

масалалари алоҳида ўрин тутди.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдандан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир⁷³.

Аҳолининг иш билан бандлигини хусусий сектордаги улушини ошириш зарурдир. Шунга кўра хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни мунтазам ривожлантириб бориш давримизнинг энг муҳим вазифасидир. Биз тадқиқ қилаётган жадиждлар томонидан илгари сурилган тадбиркорлик, ишбилармонлик тўғрисидаги ғоялар, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган мустақил диёримизда тадбиркорлик, соҳибкорлик, ишбилармонлик соҳаларини яна ҳам ривожланиб такомиллашига ҳамда аҳолининг иш бандлигини хусусий сектордаги улушини оширишга хизмат қилади деган умиддамиз.

⁷³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — Б. 37-38-42.

7. Жаидларнинг миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни, илғор техника ва технологияларни жалб этиш ғоялари

Ҳар қандай ишлаб чиқариш - бу инсон меҳнатининг ишлаб чиқариш воситалари билан бирикиши натижасидир. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши ўз-ўзидан юқори сифатли ишлаб чиқариш воситаларисиз, илмий-техник тараққиётсиз кутилган натижани бермайди. Дунёда бозор муносабатлари қадимдан ривожланганига қарамасдан, кам ривожланган, иқтисодиёти қолоқ давлатлар қаторига кирадиган мамлакатлар етарли. Асосий сабаб - аҳоли саводхонлигининг, ишчилар малакасининг ва қўлланилаётган ишлаб чиқариш воситалари ҳамда технологияларнинг паст даражасидир.

Фақатгина илмий-техник ютуқларини ва прогрессив технологияларни тезкор жорий этилишини таъминлаган давлатларгина кучли рақобат курашига бардош бера олади ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эриша олади.

Илмий-техник салоҳияти катта бўлган давлатлар иқтисодий ўсишнинг бу омилида устунликка эга бўлади. Лекин бу устунлик мутлоқ кўринишга эга эмас. Чунки илмий-техник ютуқлардан аниқ бир самара олиш учун (янги кашфиётлар, прогрессив технологиялар, ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқалар шаклида) ҳамма нарсани ўзи кашф этиши, янги илмий кашфиётларни очиши ва бошқаларни қилиши шарт эмас. Муҳими уларни сингдириш учун ташкилий-техникавий шароитларни яратиш ва рағбатлантириш ўта зарур.

Илмий-техник тараққиётнинг мақсади ҳам уни сингдиришдан кўпроқ даромад топишга ҳаракат қилишдир. Ижтимоий соҳада эса меҳнатни енгиллаштириш, атроф муҳитни ҳимоялашдан иборатдир.

Аммо ҳар бир илмий-техник янгилик тезда даромад топишни тақозо этавермайди. Табиийки, илмий-техник ютуқларни сингдириш катта

инвестицияларни, ишлаб чиқариш жараёнини қайта ташкил этиш, кадрларни қайта ўқитиш кабиларни талаб қилади.

Режали тизимнинг асосий салбий томонларидан бири - бу илмий-техника тараққиётни қабул қила олмаслигидир. Илмий-техник тараққиётни тез сингдириш имтиёзли солиқ ва кредитлашни қўллашни, патентли химоя ва бошқа чораларга йўналтирилган давлат сиёсатини юритишни тақозо этади, жуда муҳим шартларидан бири бўлиб илмий-техник янгиликнинг потенциал истеъмолчиларини, унинг характери, устунлиги ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Иқтисодиёт таркибининг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш - ислохотлар стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қайта қурилишнинг белгиланган йўналишлари, экспорт имкониятининг кенгайтирилишига бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларни барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Ташқи инвестицияларни, шу жумладан чет эл сармоясини кенг қўламда жалб қилиш ҳозирги кунда халқ хўжалиги таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шarti бўлиб қолди. Чет эл сармоясини жалб қилишни бевосита инвестициялар тарзида ҳам, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатларнинг инвестиция ёки молиявий кредит ресурслари шаклида ҳам амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимиз махсус инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун чет эл сармоясини жалб қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

XIX аср охири XX аср бошларида маърифатпарварликдан қудратли сиёсий мураккаб ривожланиш йўлини Туркистондаги мустамлака, унинг турли таназзулга юз тутганлиги, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи

жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларидан иқтисодий жиҳатдан ортда қолиши, маданий қолоқлик, ижтимоий онгдаги турғунлик - жаҳидларни жаҳон тараққиёти тажрибасидан фойдаланиб, тезликда бу ҳолатдан чиқиш йўлларини излаб топишга чорлади. Жаҳидлар хорижга чиқиб, турли мамлакатлардаги маданият ва таълим тараққиёти даражасини кўра олдилар, уларни солиштирдилар ва бу зехнли ёшларда жаҳон тараққиётини ютуқларини Туркистонга келтириш истаги пайдо бўлди.

Жаҳидлар хориж техника-технологияси, сармоя ва тажрибасини жалб этиш миллий тараққиётнинг кучли омили эканлигини яхши тушунар эдилар.

Абдурауф Фитрат ўз ватанини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига ва халқни фаровон ҳаёт тарзига олиб чиқишнинг асосий йўли Туркистонга Европа фани, маданияти, техника, технологияси, сармоя ва илғор тажрибасини кенг миқёсда ва тез суръатлар билан киритишда деб билди. Бу йўлда иккиланиш, ғайридин илми ва техникасини киритишдан чўчимаслик, саросимага тушмаслик, орият қилмаслик керак, деб таълим берди. Чунки, - дейди олим, - Европа халқлари ҳам бир вақтлар ғоят қолоқ ва қашшоқ бўлишган бир даврда Шарқ фани, маданияти, тажриба ва амалиётини қўллаш орқали юксак тараққиётга чиқиб олганлар. Зеро, бундан 1000 йиллар илгари Европа халқлари иқтисодий ва маънавий қолоқ бўлган даврларда Шарқ халқлари инсоният цивилизациясининг анча юқори даражасида бўлганлар. Бу фикрнинг исботи сифатида ёзувчи Фарангистонлик муаллим Шарл Сонивюснинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Ўн биринчи асрда Оврупа шаҳарлари кичик ва оддий, қишлоқлари вайрона кулбалардан иборат бўлган. Йўлда ўлдирилишларидан кўрқуб, ҳеч ким ўз уйидан ўн фарсахдан йироққа боролмас эди. Ислом олами эса Боғдод, Шом, Миср, Андалус сингари бутунлай обод ва кўркем шаҳарлар, мармар билан безатилган саройлар, мукаммал корхоналар, мадраса ва мактаблар, зийнатли ва озода

бозорларга эга бўлган. Далаларининг ҳар қадимидаги гўшалару хирмон-хирмон ҳосилни кўрганнинг кўзи қувонар эди. Испания билан Туркистон ўртасида савдо қарвонлари бемалол бориб келарди. Оврупалилар мусулмонлар тараққийсини холис ният билан қабул қилиб, касб ва илм ўрганиш ниятида ислом шаҳарларида таҳсил кўрганлар. Оврупа мусулмонлар билан алоқа ва муносабат ўрганиш орқали тараққий қилгон.

Оврупалиларнинг ислом олаmidан қабул қилгон ишлари тубандагилар:

Зироат: кўк буғдой, тут дарахти, гуруч, хурмо, лему, пўртаҳол, пахта, қаҳва ва найшакар.

Саноат: шойи газламалар, зар тўқиш, шиша, ойна ва қоғоз.

Илм-фан: ал-жабр ва ал-муқобала, ҳандаса, чизмачилик, кимё, ҳисоб ва ҳақозо. Ислом аҳли Юнон, Эрон, Ҳинд, Чиннинг илму фандаги ихтироларини тўплаб ва ўзларидан кўпгина нарсалар кўшиб, охир-оқибат буларнинг барини оврупалиларга топшурдилар”.⁷⁴

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, бугунги Европанинг тараққиёт тамал тоши бизнинг Шарқ, Туркистон халқи томонидан қўйилган экан. А.Фитрат халқни Европа фани, техникаси, сармояси ва тажрибасини миллий иқтисодиёт равнақи учун уялмасдан, тортинмасдан жалб этиш керак деб даъват қилганида худди ана шу тамал тошни назарда тутди. Шундай қилиб, ёзувчи халқни илғор Европа фани, саноати, техникасини эгаллашга, ўз юртларини тараққий эттиришга чақиради. Бунда ҳеч қандай ғайритабiiйлик йўқлигини исботлайди. “Саноат ва хунармандчилик пойтахт саноатидан яхшироқ. Халқи обдаста яшаш ва гилам тўқишда жуда моҳир, айниқса, алача тўқишда тенги йўқ. Аммо таассуфки, ушбу нарсаларнинг ҳаммасини эскича усулда тайёрлайдилар, яъни корхоналарнинг ҳаммасида қўл меҳнати устун. Машина билан ишловчи корхоналарга эга эмаслар ва уни яратиш хаёлларига ҳам келмайди”. Асар қаҳрамони хинд сайёҳи Қарши шаҳрида бир хунарманд

⁷⁴Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. Т., “Маънавият” 2000. –Б.120

билан суҳбатда у ўзи тўқиётган алачалар ғоят нафис, нозик ва чиройли эканлигини таърифлайди. Бироқ, бу матолар қўл меҳнатига асосланганлиги учун жуда қимматга тушаётганлигини, бундай шароитда фойда олиш, иқтисодий ривожланиш амримахол эканлигини қайд этади. Шундай бўлса-да, мато тўқувчи усталар нима учундир маҳсулотни арзонлаштирадиган ва машаққатли меҳнатни енгиллаштирадиган машиналарни қўллашни хаёлларига ҳам келтирмаётганига афсуслик билдиради. “... агар туркистонли ҳунармандлар оврупалилар сингари қўл меҳнатига асосланган корхоналарини доимий фабрикаларга айлантирмас эканлар, бир неча йилдан кейин уларнинг шарафли санъатидан ном-нишон қолмайди. Шунинг учун умид қилардимки, менинг сўзларимни инобатга олсангиз, чунки иш таназзулга юз тутганидан сўнг, пушаймон бўлишнинг фойдаси йўқ”⁷⁵.

Муаллиф уқтирадики, бозор иқтисодиётида рақобат жуда кучли унсурдир. Бироқ, машиналашган, саноат ишлаб чиқариши билан қўл меҳнатига асосланган майда ишлаб чиқариш ўзаро рақобат қила олмайди. Хулоса шуки, агар Туркистонлик ҳунармандлар оврупалилар сингари қўл меҳнатига асосланган корхоналарини доимий фабрикаларга айлантирмас эканлар бир неча йилдан кейин уларнинг шарафли санъатидан ном-нишон қолмайди. Шунинг учун иш таназзулга бориб етмасдан ишлаб чиқаришни замонавий саноат асосига кўчириш лозим.

“Енгил саноатида Китобнинг алачаси ва ироқидўзлиги жуда машҳурдир. Кейингиси алоҳида эътиборга лойиқ. Фақат шуни таассуф билан айтиш мумкинки, бу ҳунармандлик ҳали ҳам эскича усулда давом этмоқда ва шунинг учун ҳам бугунги кунда таназзул ёқасида”⁷⁶.

Юқоридаги мулоҳазалар бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда миллий ҳунармандчилигимизнинг тақдири замонавий техника-технология

⁷⁵ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. -Т.: Маънавият, 2000. –Б. 140-143

⁷⁶ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-Жилд. -Т.: Маънавият, 2000. –Б.151

ва илм-фан асосига кўчиришга нақадар боғлиқ эканлигини яна бир марта эслатмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонида ҳам миллий ҳунармандчиликни замонавий асосларга кўчириш лозимлиги уқтириб ўтилган.

Тўғри, ҳозир Республикамиз ҳукумати майда ва ўрта бизнесни тараққий эттириш, жонли меҳнатни кўпроқ талаб қиладиган ишлаб чиқариш тармоқларини устивор ривожлантиришга эътиборни қаратмоқда. Бу бугунги кун талабидир. Чунки мамлакатимизда меҳнат ресурсларининг нисбатан ортиқчалиги, маҳаллий бозорларимизни қисқароқ муддатларда товар ва хизматлар билан тўйинтириш зарурати, қондирилмай қолаётган аҳоли эҳтиёжларини тезроқ қопланиши ва бошқа шу каби ҳаёт тақозо этаётган сабаблар ҳозирча анашундай йўл тутишини лозим топмоқда. Бироқ, Республикамизнинг бўлажак тараққиёти иқтисодиётимизга хорижий техника-технологияни, сармоя ва тажрибаларни тезроқ жалб қилишимизга қаратилган.

А.Чўлпон ҳам ҳар соҳада замон талабига мос иш тутиш тарафдори эди. Жумладан, иқтисодиётда Европанинг техника ютуқларидан фойдаланиш зарурлигини у қуйидагича ифодалайди: “Оврўпонинг мактаб, мадраса, илм –фан, саноат, ҳунарга ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур, олим қилуб, жоҳилликдан, асорат қуллигидан қутулдуродур. Биродарлар, кўзларингизни очуб, яхши ўйланглар!!!!...”⁷⁷. Чўлпон деҳқонлар учун махсус банклар очиш лозимлигини ва бу каби тадбирларнинг афзаллик томонларини баён қилиб беради: “... Амриқоликлар экин асбоблари ишлатуб, биз 10 киши 10 кунда қилғон ишимизни, онлар 2 киши билан 10 соатда қилмоқдадурлар!... Шул осон асбоблар Россияни бутун

⁷⁷ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар// Садои Фарғона. – 1914 йил 6 июнь.

деҳқонларида бордур. Бизлар ҳам шул экин асбобларидан олиб ишлатсак, оғир меҳнатларимиз енгилланур эди...”⁷⁸. Мустаҳкам иқтисодий асосга таянган ҳолдагина тараққиётга эришиш мумкинлигини Чўлпон ҳам ўз қарашларида ифода этган.

Ф.Хўжаев Бухорода ерни ишлаш қуроллари бундан бир неча аср аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Деҳқончиликни интенсивлаштириш ва деҳқон меҳнатининг рационал равишда сарфланиши учун ерни ишлашнинг янги усуллари ва деҳқончиликнинг янги иш қуролларини аста-секин жорий қилиш зарурлигини уқтиради. Ва бу мақсадга қуйидагилар хизмат қилиши лозим дейди:

а) деҳқончилик шароити Бухороникига ўхшаш мамлакатларда (Мисрда, қисман Америкада ва Ҳиндистонда) қўлланилаётган системаларнинг деҳқончилик машиналарини сотиб олиш;

б) вилоятда ерни ишлашнинг янги методлари ва деҳқончилик машиналари билан таништирмоқ учун вилоятларда кўргазмали тажриба далалари ва машина прокат пунктлари ташкил этиш;

в) вилоятларда ҳам, республика миқёсида ҳам кўрсатмали агропунктларда қишлоқ хўжалик кўргазмалари ташкил этиш;

г) қишлоқ хўжалиги мактаблари ташкил этиб, унинг ўқувчиларини ўқитилаётган дарслар бўйича амалий ишларга жалб этиш;

д) деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик масалаларига доир зарур адабиётларни тарқатиш ҳамда ерни ишлашнинг такомиллаштирилган усуллари ва иш қуроллари қўлланилаётган ва деҳқончилик шароити Бухороникига ўхшаш бўлган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалик курсларига экскурсия ва хизмат сафарлари ташкил этиш⁷⁹.

Ф.Хўжаев Бухорода ерга ишлов беришни замонавий техника асосларига кўчириш, бу эса деҳқончиликни интенсивлаштириш, қишлоқ

⁷⁸ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик// Садои Фарғона. – 1914 йил 30 апрель.

⁷⁹ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. -Т. Фан, 1976. -Б. 375.

хўжалигига янги технологияларни жорий этиш имконини беради, деб кўрсатди. Жумладан, бу Бухоро заминида ҳам Миср, Америка каби мамлакатлардаги қишлоқ хўжалиги тизимлари, машиналар мажмуасини қўллашга олиб келади. У илғор технологияни қўллашнинг тажриба далаларини ва машина прокат пунктларини ташкил этиш, илғор тажрибани оммалаштириш, мактаблар ташкил этиб, уларга дарслар уюштириш, қишлоқ хўжалигига оид адабиётларни чоп этиб тарқатиш, қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларга экскурсия ва хизмат сафарларига юбориш яхши натижалар келтиради, деб уқтиради.

М.Бехбудий XX аср бошларида Туркистон халқлари маърифати, маданияти, тарихи, иқтисоди, савдо-тижорати, келажаги ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилган, бутун ҳаёти-ю, фаолиятини шу халқ бахт-саодати учун курашга бағишланган буюк аجدодларимиздан биридир.

Бехбудий ўзининг “Эхтиёжи миллат” номли мақоласида Туркистоннинг ташқи экспорт операцияларини асосан чет эллик савдогарлар бажаришганлиги, маҳаллий аҳолидан маҳсулотни арзон гаровга олган ҳолда ташқи бозорда қиммат нархга сотишганлиги, шу сабабдан ҳам етиштирилган маҳсулотдан олинадиган фойданинг асосий қисми уларнинг чўнтагига тушганлиги ҳақида куюниб ёзган. Натижада қанча кўп меҳнат қилмасин, ўлка халқининг аҳволи яхшиланмаган. Бундан ташқари Бехбудийнинг гувоҳлик беришича, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг сифати ҳам жуда паст бўлиб, бунинг асосий сабаби технологияларнинг эскирганлигидир. Муаллиф бу ҳақда ёзар экан, улардан қутилишнинг муҳим йўли ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа соҳалар бўйича замонавий билимларни эгаллаган маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга янги технологияларни қўллаш эканлигини қайд этади. Бунинг учун эса барча маҳаллий бойлар бирлашиб, зарур мутахассислар тайёрлаш учун кетадиган сарф –

ҳаражатларга маблағ ажратиши керак бўлган.⁸⁰

Беҳбудий жадидчилик йўналишидаги барча илғор ғояларга етакчилик қилади. Улар миллат манфаатини ҳимоя қилиш, савдо-тижорат, деҳқончилик, илм, техникани ривожлантиришда Оврупадан ўрнатқилиш, ёшларни ўша мамлакатларга юбориб ўқитиш каби талай масалаларни жуда тўғри қўйганлар.

М.Беҳбудий ҳам ўз фаолиятида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва унга хорижий сармояларни, илғор техника ва технологияларни жалб этиш ва эски асбоб ускуналарни ислоҳ этиш кераклиги тўғрисида фикр мулоҳазалар билдиради: “Бизда шоҳи, адас, бекас, алача... бофликлар бор. Агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлар. Валлоҳ, яқин вақтда “дока” бофилларимиздек зоеъ бўлиб кетар. Чунки Оврупа янги асбоб ила мундин яхши қилиб чиқарур”⁸¹.

Ушбу фикрлардан кўринадики, мамлакатимизда қадимдан миллий ҳунармандчилигимиз мавжуд бўлиб, шоҳи, адас, бекас, алача, бофликлар тўқилар эди. Бироқ булар эскича услубда, эски техникалар билан тўқилганлиги сабабли бироз талаб даражасида бўлмаганлар. М.Беҳбудий бир нафар техник муҳандисимиз бўлса бу дастгоҳларни ислоҳ этса, янги техника технологиялар ўрнатса ватанимиз тараққий этиб аҳоли обод бўлишини ва аксинча яқин вақтларда “дока” бофилларимиздек зоеъ бўлиб кетишини илгари сурган эди. Чунки Европа халқлари янги асбобларни, техника технологияларни қўллаб, булардан яхшироқ материаллар ишлаб чиқаради, натижада бизнинг молларимиз бозорларда ўтмай қолади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бозор муносабатлари асосида ривожланиб келмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг

⁸⁰ Беҳбудий М. Эҳтиёжи миллат // Самарқанд газетаси. 1913 йил 12 июль.

⁸¹ Беҳбудий М. Эҳтиёжи миллат // Самарқанд газетаси. 1913 йил 12 июль.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган тамойиллари ва “Ўзбек модели” чет эл ишбилармон доираларида катта қизиқиш ўйғотди. Дунёдаги машҳур ва нуфузли компания, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банк, Ислон тараққиёт банк, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда⁸². Айниқса, саноат тоғ-кон ва нефть-газ мажмуини ривожлантириш, аграр соҳа, озиқ-овқат саноатининг технологик базасини мустаҳкамлаш, транспорт инфратузилмаси ва бошқа соҳаларни такомиллаштиришга хориж ишбилармонлари катта қизиқиш билан қармоқдалар.

Хориждан жалб этилаётган инвестицияларнинг ўсиб бориши Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг стратегик муҳим соҳаларига хориж техника-технологиясини тадбиқ этиши билан боғлиқ, албатта мамлакатимизда хорижий сармоя ва кредитларнинг саноат тармоқлари бўйича тақсимланиши йилдан-йилга ўзгариб бормоқда.

Ўзбекистонда яратилган қулай имтиёз ва преференциялар тизими туфайли 2009 йил ҳолатига кўра, иқтисодиётимизга 8,2 млрд. АҚШ долларида зиёд миқдордаги хориж инвестицияси жалб этилди. Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.

Биз тадқиқ этаётган жадидларнинг илгари сурган ғоялари ҳам бугунги Ўзбекистон учун, унинг истиқболи учун ғоят ибратли ва фойдалидир.

⁸² Каримов И. Асосий вазифамиз—ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир/Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 66.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтидорли ёшларимизни давлат йўли билан ривожланган Европа ва Америка мамлакатларида илм олиш, уларнинг техникаси ва технологиясини ўрганиш, инвестицияларини миллий иқтисодиётимизга унинг таркибий тузилмасини тубдан ўзгартириш мақсадларида фойдаланишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, улар билан ҳамкорликни ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга, қўшма корхоналар қуришга, барча жабҳаларда биргаликда ўзаро манфаатли ишлашга ҳаракат қилинмоқда.

Демак, жаид маърифатпарварларимиз иқтисодий ғоялари абадиётга дахлдордир, ҳамон ва ҳамиша миллатимиз равнақи учун хизмат қилишга буюрилгандир.

8. Жаидлар томонидан банклар фаолиятини ривожлантириш заруриятининг асосланиши

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим рол ўйнайди. Банклар пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир.⁸³

Банклар фаолиятининг асосий томонларидан бири кредит муносабатларига хизмат қилиш бўлиб, улар кредит муассасаларининг асосини ташкил этади.

Туркистонда банк ишининг ривожланишига тарихий баҳо бериш учун, аввало Россия давлат банки фаолият кўрсатиши тамойилларини кўриб чиқиш лозим. Улар ҳақида 1910 йилда банкнинг эллик йиллигига бағишланган ҳисобот бўйича аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Ушбу ҳисоботда шу нарса тўғридан-тўғри таъкидланадики, Давлат

⁸³ Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: , 2005. –Б. 625.

Банки таъсис этилаётганда унинг зиммасига юклатилган асосий мажбуриятлардан бири савдо айланмаларини жонлантиришдан иборат эди.⁸⁴ Шу мақсадда Банкка, бир томондан, омонатларни қабул қилиш, иккинчи томондан, - векселларни ҳисобга олиш ва ссудалар бериш рухсат этилган эди.

Давлат Банки операцияларининг очилишида 1860 йилнинг бошида унинг балансига Тижорат Банки ҳисоб рақамларидан 8,6 млн. рубллик векселлар, 1,5 млн. рубллик товар остидаги ссудалар, 5,8 млн. рубллик фоиз билан қоғозлар, 3,1 млн. рубль олтин билан жами – 19 млн. рубль ўтказилди. Кейин 1860 йил охиригача Давлат Банкига собиқ Тижорат Банкнинг Москва, Архангельск, Одесса, Рига, Киев, Харьков, Екатеринбург, Нижний ва Рибинскдаги идоралари ҳамда Ирбит ва Полтавадаги бўлимлари қўшилди. Банк ва унинг идоралари умумий баланси 1861 йил 1 январь ҳолатига кўра, 50,1 млн. рубллик векселлар ва ссудаларни, хусусан; ҳисобга олинган векселлар 32,1 млн. рубл, товар остидаги ссудалар 3,0 млн. рубл, фоиз остидаги қоғозлар 10,7 млн. рубл ва олтин остида 4,3 млн. рублни ташкил қилган.

1910 йил 1 январь ҳолатига кўра, Банкнинг ҳисоб –ссуда операциялари 466,2 млн. рубл суммасини ташкил қилди, яъни 1961 йилдагига қараганда 9,3 марта ошди.

Шу билан бирга, кўриб чиқиляётган эллик йиллик даврда, бир томондан, ссудаларнинг айрим турлари, масалан, олтин гарови остидаги ссудалар, иккинчи томондан, -ссудаларнинг мутлақо янги турлари очилди, масалан, махсус ҳисоб рақамлар шаклидаги ссудалар, товар хужжатлари остидаги ссудалар, қишлоқ хўжаликларига, майда кредит муассасаларига ва бошқаларга ссудалар ўз аҳамиятини йўқотди.

Назаримизда, ссудаларнинг сўнгги турлари кичик ва ўрта тадбиркорлик, фермер хўжаликларига кўмаклашиш масалалари

⁸⁴ЎЗРМДА, 114-И фонд 1-рўйхат 1-йиғма жилд 14-15-варақлар

ислохотлар сиёсати самарадорлигининг асосий шартларидан бири бўлиб қолаётган ҳозирги вақтда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

Давлат Банки фаолият кўрсатишининг дастлабки эллик йилида унинг бошқа операциялари қаторида ҳисоб-ссуда операциялари тутган мавқега аниқлик киритиш учун 9-жадвалдан фойдаланамиз, унда Банк балансининг ўтган 50 йилдаги активи акс эттирилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, дастлабки ўттиз йил мобайнида активнинг аксарият қисмини хазина қарзлари ташкил қилди, ундан кейин олтин, учинчи ўринни эса ҳисоб-ссуда операциялари эгаллади. Ҳисоб-ссуда операцияларининг ўсиши Туркия билан уришдан олдин бошланди, кейин бироз сусайди, 1894 йилда Давлат Банкнинг устави ўзгартирилган вақтдан бошлаб у яна жонланди ва бошқа активлар қаторида олтиндан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

жадвал.

1861-1910 йилларда Россия Давлат Банкнинг хазина қарзлари, омонатлари, жорий ҳисоб рақамлари, ҳисоб ва ссуда операцияларининг динамикаси, (млн. Рублда)

1 январга	Кредит чипталари	Омонатлар ва жорий хғр	Ҳисоб ва ссудалар	Ҳисоб-ссуда операциялари, фоиз нисбатида	
				Кредит чипталарига	Омонатлар ва жорий хғр.га
1861	713.0	62.3	45.8	6.4	73.5
1866	661.6	212.3	64.6	9.8	30.4
1871	695.1	228.1	91.2	13.1	40.0
1876	751.6	310.7	173.8	23.1	55.9
1881	1085.1	313.0	225.6	20.8	72.1
1886	906.7	391.9	187.1	20.6	47.7
1891	907.4	437.2	193.8	21.1	44.3
1896	1055.3	556.1	406.4	38.5	73.1
1901	555.0	671.4	479.8	86.5	71.5
1906	1207.5	553.6	776.8	64.3	140.3
1910	1173.8	738.6	466.2	39.7	63.1

Жадвал шуни намоён этадики, Давлат Банки фаолиятининг дастлабки эллик йили мобайнида унинг ҳисоб-ссуда операциялари учун харажатлари омонатларга ва жорий ҳисоб рақамларга келиб тушган суммалар

ҳисобидан ортиғи билан қопланди, бунда ушбу суммаларнинг катта қисми, яъни умумий сумманинг камида тўртдан бир қисми, ҳар доим бўш турди. Фақат 1905 йилги нотинчликлар даври бундан мустасно, унда ҳисоб ва ссудалар бўйича талаблар омонатлар суммасидан 223,2 млн. рублга ортиқ бўлди. Шу йили Давлат Банки унга қўйилган талабларни қондириш учун биринчи марта ўзининг эмиссион ҳуқуқидан фойдаланиб, 281 млн. рубл суммасидаги кредит чипталарини чиқарди. 9-жадвал маълумотлари ҳисоб-ссуда операциялари суммасининг муомалага чиқарилган кредит чипталари суммаси ҳамда омонатлар ва жорий ҳисоб рақамлар суммаси билан солиштирилишини акс эттириб турибди. Ҳисоб–ссуда операцияларининг ўтган эллик йилдаги баланс қолдиқлари 45,8 млн. рублдан 466,2 млн. рублга, яъни 10 мартадан кўпга ортди, ҳар 10 йилда ўртача икки баравар ошишни ташкил қилади.

Дастлабки ўн йил мобайнида ҳисоб ва ссудалар икки марта ошди, иккинчи ўн йиллик давомида улар тахминан 2,5 марта кўпайди, учинчи ўн йиллик мобайнида ҳисоб ва ссудалар нафақат кўпаймади, шунингдек 14,1 фоизга камайди; бироқ кейинги ўн йилликда яна икки ярим марта ошди ва ниҳоят, сўнгги ўн йилликда бироз қисқарди, бор-йўғи 2,8 фоизга.

1861 ва 1910 йиллар 1 январь ҳолатига кўра, баланс қолдиқларининг таққосланиши кичик рақамлар билан ифодаланади.

жадвал.

1861-1910 йилларда Россия Давлат Банки баланс қолдиқларининг ўзгариши
(млн. рублда)

	1 январь ҳолатига кўра		1910 йилда 1861 йилга нисбатан	
	1861 йил	1910 йил	сумма ҳисобида	Фоиз ҳисобида
Ҳисоб ва вексел ост.	32.2	239.2	207.0	642.8
% қоғоз ост.ссудалар	10.6	88.7	78.1	736.8
Товар ост. ссудалар	3.0	83.3	80.3	2676.7
Ссудалар	-	55.0	55.0	-
Жами	45.8	466.2	420.4	917.9

Шундай қилиб, 50 йил мобайнида фоизли қоғоз остидаги ҳисоб ва ссуда 8 марта, товар остидаги ссудалар эса 28 марта ошди. Бундан

ташқари, активлар сафида Давлат Банки таъсис этилиши чоғида шунчаки бўлмаган ссудалар-қишлоқ хўжалигига, саноат корхоналарига, хунармандлар ва косибларга ссудалар пайдо бўлди.

Умуман олганда, жадвалда кўриб чиқилган даврда баланс қолдиқларининг кўпайиши ўн мартадан кўпни ташкил қилди.шу билан бирга, деярли бутун давр мобайнида Давлат Банки актив операцияларининг барқарор ўсиши таъминланди. Ўтказилган актив операциялар самарадорлигининг асосий тасдиғи деб шуни ҳисоблаш лозимки, таҳлил этилаётган даврда Давлат Банки барча операциялар бўйича 1.075 млн. рубл ялпи фойда олди, шундан 670 млн. рубл харажатлар ва турли зарарларни қоплашга сарфланди, қолган 405 млн. рубл эса соф фойдани ташкил қилди.

Агар Банк фаолиятининг ўн йиллик даврларини кўриб чиқадиغان бўлсак, ижобий натижаларнинг узлуксиз кўпайганлигини кўрамиз.

жадвал.

1860-1908 йилларда Россия Давлат Банки ялпи фойдаси, ялпи даромади ва соф фойдасининг динамикаси, (млн. рублда)

Ўн йилликлар	Ялпи фойда	Ялпи зарар	Соф фойда (+,-)
1860-1869	66.2	38.8	+27.4
1870-1879	148.9	94.8	+54.1
1880-1889	195.3	128.9	+66.4
1890-1899	225.4	130.2	+95.2
1900-1908	439.5	277.5	+162.0
Жами	1.075.3	670.2	+405.1

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Давлат Банки операцияларидан олинган ялпи даромад бутун ўтган давр мобайнида узлуксиз ўсди, шу билан бирга соф фойданинг мутлақ ҳажми ошди.

Ҳисоб–ссуда операциялари бўйича фоизлар тушуми Банк ялпи фойдасининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.⁸⁵ Ўша эллик йил мобайнида мазкур операциялар бўйича 633.2 млн. рубл, давлат муассасаларига берилган ссудалар бўйича 82.7 млн. рубл ва фойда билан

⁸⁵ЎЗР МДА, 114-И фонд 1-рўйхат 1-йиғма жилд 74-варақ

қопланган шубҳали қарзлар бўйича -66.9 млн. рубл келиб тушди.

Жами ҳисоб-ссуда операциялари Банка 782.8 млн.рубл даромад келтирди, бу Банкнинг 1.075,3 млн. рубллик ялпи фойдаси суммасига нисбатан 72.8 фоизни, яъни тўртдан уч қисмини ташкил қилади. Банкнинг барча қолган операциялари бор-йўғи 292.5 млн. рублни, яъни 27.2 фоизни ташкил қилди, бу жадвалдан кўриниб турибди.

**1860-1909 йилларда Россия Давлат Банки ҳисоб-ссуда операцияларининг
натижалари (млн. рублда)⁸⁶**

Олинган фоизлар	Йиллар					Жами	Яқунга %нисб.
	1860- 1869	1870- 1879	1880- 1889	1890- 1899	1900- 1909		
Ҳисоб ва тижорат ссудалар бўйича	40.4	82.1	114.8	133.5	262.4	633.2	58.9
Давлат муассаларига ссудалар бўйича	8.8	38.7	26.2	5.2	3.9	82.8	7.7
Фойдалар билан қопланган қарзлар бўйича	2.1	4.2	7.6	12.8	40.2	66.9	6.2
Банкнинг фоизли қоғозлари бўйича	7.7	13.4	23.6	25.3	33.8	103.8	9.6
Чет эл банклари билан операциялар бўйича	-	-	3.5	15.9	32.9	52.3	4.9
Ўтказиш учун	1.9	4.8	7.3	7.8	9.1	30.9	2.9
Сақлаш учун	0.3	1.3	3.3	5.9	13.0	23.8	2.2
Воситачилик учун	3.0	1.6	3.4	3.2	4.5	15.7	1.5
Бошқа ўтказмалар	2.0	2.8	5.6	14.5	28.0	52.9	4.9
Банк операциялари бўйича	-	-	-	1.3	11.7	13.0	1.2
Жами ялпи фойда	66.2	148.9	195.3	225.4	439.5	1075.3	100.0

Мазкур жадвалнинг маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, барча кўриб чиқилган йиллар давомида ҳисоб ва ссудалар, ҳатто давлат муассасаларига берилган ссудалар ва фойдалар ҳисобидан қопланган қарзлар бўйича тушумларни ҳисобга олмаганда ҳам, Давлат Банкига энг катта даромадни келтирди, унинг миқдори ялпи фойданинг 55,1 фоизидан 61,0 фоизигача (ўн тўққизинчи асрнинг етмишинчи йилларида) ўзгариб турди. Давлат муассасаларига ссудалар (ссуда хазиналари ва бошқ.)

⁸⁶ЎЗРМДА, 114-И фонд 1-рўйхат 1-йиғма жилд 74-варақ

дастлабки учта ўн йилликда барча фойданинг 26,1 фоизини ва сўнгги ўн йилликларда 5,2 -3,9 фоизини берди. Кейинги ўринни Банкка тегишли фойзли қоғозлардан олинадиган даромад эгаллайди, у 12,1 фойздан сўнгги йилларда 7,2 фоизни ташкил қилди. 80-йилларда пайдо бўлган чет эл банкирлари билан операциялар бўйича даромад сўнгги йигирма йил ичида 7,0-7,3 фоизга етди. Қолган тушумлар (воситачилик, ўтказма ва б.) фойданинг нисбатан кам қисмини –умумий сумманинг 1,5 фоизини ташкил қилди. Шундай қилиб, Банк томонидан катта харажатларни талаб қилган ҳисоб –ссуда операциялари унга фойданинг энг катта қисмини келтирди.

Жадвалларда келтирилган маълумотлардан кўриб турганимиздек, жами 50 йил мобайнида Давлат Банки 405,1 млн. рубл миқдорида соф фойда олди.⁸⁷

Жадидлар Туркистон иқтисодиётига эндиgina кириб келаётган банк фаолиятини ғоят кераклиги ва фойдали эканини бошқалардан кўра илгарироқ англаб етдилар. Шунингдек улар иқтисодиётга кириб келаётган банк фаолияти билан боғлиқ янги иқтисодий муносабатлар (иқтисодий категориялар) моҳиятини чуқур тушуниб етдилар, улар фақат фойда келтириш, фойдани кўпайтириш воситалари бўлишини мантиқан илғадилар.

Жадидлар Туркистон иқтисодиётининг ривожланишида банклар фаолиятининг ўрни ва аҳамияти катта эканлигини яхши тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам улар банклар фаолиятини ривожланишига қаратилган мулоҳазалар, фикрлар илгари суришган эдилар. Банклар фаолиятига оид С.Миржалиловнинг “Банклар ҳақида”, Мухтор Бакрнинг “Туркистонда миллий банк очмоқ керак” шунингдек, муаллифи номаълум бўлган “Фарғонада банк очмоқ”, Чўлпоннинг “Андижонда янги банк”,

⁸⁷Ташматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. иқт.фан.докт. дис.-Т., 2006.-Б.78

Бехбудийнинг “Оҳ, бонкалар бизни барбод этди”, О.Маҳмудовнинг “Эски баракатлик савдогарчилик” каби мақолаларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

С.Миржалиловнинг Туркистондаги мавжуд банклар мақоласида ўлканинг иқтисодий таянчи ҳисобланган ана шу муассасаларни давлат банки, акционерлик банки, жамият ва заёмли кредит банкларига ажратган⁸⁸. Ушбу мақола хусусиятига кўра қиёсий-таҳлилий ҳамда танқидий характерга эга бўлиб, муаллиф ўлкадаги мавжуд банк турлари ва унинг фаолиятини таҳлил қилган. Банклар фаолиятини қиёсий таҳлил қилиш орқали уларда юзага келган муаммоларнинг асл сабабларини очиб берган ва унга сабабчи бўлаётган омилларни танқид қилган.

Унинг фикрига кўра, давлат банкларига шу давлатга тегишли махсус пул маблағларидан бир қисми сармоя сифатида берилган. Бундан ташқари қўлида пули бўла туриб уни ўзи ишлата олмайдиган кишиларнинг ортиқча пуллари ҳамда хайрия жамиятларининг ортиқча пуллари бироз фойда йўлида сақлаб бериш учун ушбу муассаса хазинасига қўйилиши мумкин. Тўпланган сармояни банк қисқа муддатга ишончли банкларга, савдо дўконларига, савдогарларга беришини, бу орқали бироз фойда олиб, фойданинг маълум фоизи сармоя эгаларининг қўйган маблағларига қўшилиб борилишини таъкидлаган.

Акционерлик банкларини эса қўлидаги ортиқча сармоясини ўзи ишлата олмайдиган, агарда ишлата билса ҳам кам фойдага қаноат қилмайдиган кишилар томонидан қимматбаҳо қоғоз воситаси билан сармоя йиғиб банк очиш мумкин бўлган муассаса эканлигини айтиб, бунда сотилган акцияларнинг кўплигига ва кўрилган фойдага қараб акция эгаларига фойда тақсим қилинган⁸⁹. Акционерлик банклари сармоянинг кўплигига қараб ҳар бир шаҳарда ўзининг бўлимларини очиши мумкин

⁸⁸ Миржалилов С. Банклар ҳақида // Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.

⁸⁹ Миржалилов С. Банклар ҳақида // Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.

бўлган. Бироқ, бундай банклар Туркистонда кенг тарқалмаган ва улар тезда инқирозга учраган. Муаллифнинг фикрича, бунга банк тизими эмас, балки, унда фаолият олиб борган шахсларнинг кўпроқ ўз манфаатларини ўйлаганлиги, мижозларга хизмат кўрсатишни тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлган.

Туркистондаги “жамият ва заёмли кредит” банклари асосан майда савдогарлар, хунармандлар ва деҳқонларга хизмат кўрсатиб, муаллифнинг таъкидлашича, бундай банклар ўз миллатини ва ўз шахридаги халқнинг машаққатини енгиллаштириш, савдо, хунармандчилик, саноат ва зироатни ривожлантиришни хоҳловчи шахслар томонидан очилган. Жамият ва заёмли кредит банклари ўзига аъзо бўлган кишиларнинг сармоясига бошқа банкларга нисбатан ортиқроқ миқдорда фоиз тўлаган. Қарз олган мижозларга эса устама фоизни камроқ миқдорда қўйган. Маҳаллий аҳолининг иқтисодий билимларининг етишмаслиги, ўз ҳуқуқларини яхши билмаганлиги сабабли бу банклардан ҳам тўғри фойдалана олмаганлигини муаллиф афсус билан баён қилган⁹⁰. Умуман олганда, юқоридаги маълумотлар XX аср бошларида Туркистондаги мавжуд иқтисодий вазият, айниқса, банклар ҳолати ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Обиджон Маҳмудов ўзининг “Эски баракотлик савдогарчилик” номли мақоласида маҳаллий савдогарчилик ҳалоллик, одиллик асосига қурилганлиги учун ҳам баракотлик бўлиб, халқ учун фақат наф келтирганлигини, савдо-судхўрлик капиталининг кириб келиши билан эса иқтисоднинг бу соҳаси ҳам издан чиқиб, оқибат натижада кўплаб муаммоларни келтириб чиқарганлигини кўрсатиб ўтади: “...Шу афъоли ҳасана хосиятидан ҳар ишда баракот ҳам кўп эди. Фақат йигирма беш йилдан буён Фарғонада уч-тўрт хил қоида чиқди, ҳар иш боғланди. Муруввати инсоният деган нарса манфаати шахсия деган худбинликга

⁹⁰Миржалилов С. Банклар ҳақида // Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.

мабдил бўлди”⁹¹.

Аср бошида ўлкамизда “Ака-ука Шлосберг”, “Кноп”, “Ака-ука Степун” фирмалари, Москва ҳисоб банки, Рус-Осиё банки ва бошқалар фаолият кўрсатганлар. О.Маҳмудов ўлкага капиталистик иқтисодий муносабатларнинг кириб келиши, адолатсизлик ва суистеъмолчиликлар халқнинг тобора тинка мадорини қурита бораётганлигини ҳам Европа банк ва фирмаларининг асл башарасини қуйидагича очиб ташлайди: “...Оқча керак бўлса Фарғонага келаверинглар деб бир неча кунда: 24 фирма, 10 бонка, 5-10 коммиссионний контуралар очилуб, просинтни олти ва гоҳо етти-саккиз, ўн, ўн бир қилишуб, ўн, йигирма тарафдан оқчани тортавердилар... банк ва фирмалар фақат Низомга тўғри келтуруб ишларини ўзлари хоҳлаганларича қилиб қанча инсофсизлик қила билсалар қилдилар...”⁹² жаҳидлар Туркистонда миллий банк очиш масаласини кўтариб чиққанлар.

Туркистон тараққийпарварларидан бири Мухтор Бакр ўз мақоласида миллий бойликларнинг кўпайишига савдо ва тижоратнинг ривожланишига сабаб бўлувчи бош омиллардан бири миллий банк очиш масаласини кўтариб чиққан. Муаллифнинг ушбу мақоласи жаҳидларнинг иқтисодий қарашларини акс эттүрүвчи материал бўлибгина қолмай, Туркистон иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланган банк тизими ҳақида гувоҳлик берувчи қиёсий-таҳлилий характердаги тадқиқотдир. Чунки унда муаллиф туркистонликлар билан яҳудийларнинг банкдан фойдаланиш даражасини солиштириш орқали ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни кўрсатиб берган. Буни мақоладаги банклар орқали фаол яҳудий маклерлари гарчи, пуллари бўлмаса-да, ўн минглаб, юз минглаб фойда кўраётганликлари, маҳаллий савдогарлар фақат яҳудий ва рус банклари билан фаолият олиб бораётганлиги, бу ҳолат фойданинг катта қисми банк эгалари яҳудийларга,

⁹¹Маҳмудов О. Эски баракатлик савдогарчилик // Садои Фарғона. – 1914.-28 май.

⁹²Маҳмудов О. Эски баракатлик савдогарчилик // Садои Фарғона. – 1914 йил 28 май.

русларга маълум бир қисмигина маҳаллий савдогарларга тўғри келаётганлиги ҳақидаги сатрлар тасдиқлайди. Мухтор Бакр мусулмон савдогарлари яҳудий ва рус банкирларига маклерлик қилиб, миллий бойликнинг улар фойдасига оқиб киришига воситачи бўлаётганликларини, агар бу ишга ватан ва миллатнинг манфаати нуқтаи назаридан қаралса, улуғ жиноят ҳисобланишини таъкидлаб, энди бу хатоликларни қайта такрорламаслик зарурлигини айтади. “Бунинг учун – дейди муаллиф – ҳеч вақт ўтказмасдан миллий сармоя билан миллий турк банки очиш зарурдир”⁹³. Чунки муаллифнинг фикрича, маҳаллий – хусусий банклар ўлка иқтисодиётинигина эмас, балки мухторият мақомини ҳам амалда сақлаб қолади. “Агар бизда миллий банк бўлмаса, мухторият ва бошқа миллий муассасаларимиз қарзни кимдан олажаклар? Чор-ночор яҳудий банкирларининг тузоқина тушарга мажбур бўларлар. Шу тариқа миллий муассасаларимизнинг ажнабийлар таъсирига тушувлари бизни иқтисодий ҳам сиёсий жиҳатдан четларга аср этув устину иззат нафсимизнида таҳқир бўладир”, - дея огоҳлантириб, ана шундай ҳолатга тушган Туркия ҳукуматини мисол келтирган⁹⁴. Шунингдек, бу мақола ўлка савдо соҳаси инқирозининг илдизи ва сабабларини очиб берувчи муҳим ҳужжатдир.

С.Миржалиловнинг “Туркистонда савдогарлик” номли мақоласида ҳам Туркистонда савдогарларнинг инқирозга юз тутишига биринчидан, тижорат соҳасида тажрибасиз, кичик сармояга эга шахслар ва олувчидан сотувчининг кўпайиб кетганлиги, иккинчидан, олинган товарни тезроқ кетказиш мақсадида унинг фойда зарарига қарамасдан сотишганлиги, учинчидан, банклар сабаб бўлганлиги қайд этилган. Муаллиф инқирознинг учинчи омили ҳисобланган банклар хусусида сўз юритиб, миллий савдогарлар ва тадбиркорлар аввал қилинадиган иш режасини тузмасдан, олинадган даромадни пухта ҳисоб-китоб қилмасдан (ҳозирги

⁹³Мухтор Бакр. Туркистонда миллий банк очмоқ керак // Улуғ Туркистон. 1918 йил 19 январь.

⁹⁴Мухтор Бакр. Туркистонда миллий банк очмоқ керак // Улуғ Туркистон. 1918 йил 19 январь.

иктисодий термин билан айтганда “бизнес режа”) банклардан қарз олишганлиги учун улар тез орада қарздорлик домига тушишган. Кўп ҳолларда бу уларни бутун мол-мулкларидан маҳрум бўлишига олиб келган⁹⁵.

М.Беҳбудий бизни барбод бўлишимизга сабаб банклар эмас, бизни синишимизга сабаб ҳисобсизлик, ақл ва тарбиясизлик, жаҳолат ва нодонлигимиздир. Чунки бошқа миллатлар банклар сабабли обод бўлди. Давлати ва мулки ортди деб таъкидлайди: жумладан, “Айб бонкада йўқ, бизда. Чунки бошқа миллатлар бонкалар сабаби ила обод бўлур. Давлати ва мулки ортур. Аммо биз, зоҳиран бонкалар сабаби ила барбод ва фақир бўлармиз. Аввалги бор мулкимиз қўлдан кетарки, мунинг асл сабаби бонка эмас, ўзимизни тарбиясизлигимиз ва донишсизлигимиз ва беҳисоблигимиз ҳамда нафъ ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва аҳли замонадан беҳабарлигимиздан, хулоса, жаҳолат ва нодонлигимиздандир.

Бонка сабаби ила яҳудий, армани ва бошқалар давлатлик бўлур. Биз бўлса, болакс...” М.Беҳбудий банклар тўғрисида фикрини давом эттириб, банкларнинг ижобий томонларини тушунтириш билан бир қаторда мусулмонларни синиш сабабларини мисоллар билан кўрсатиб ўтди. Жумладан, ... Абдуллабой баззозни ўзидан беш минг сўм сармояси бор. Дўконидан 500 сўмлик молни олти ой ваъда ила нася сотди. Албатта, бу сотилган молға ақлан 50 сўм фойда қўюб эдики, юзда ўн юзасидан бўлур. Энди дўкондаги мол оз эди, яна мол олмоқ учун оқча йўқ. Кантурдан нася олса, аввалда нақдаға нисбатан 7-8 ҳисса қиммат қилиб берур, масалан, 400 сўмлик молни олти ойға 470 сўм, балки зиёда қилиб берар ҳамда яхши молға ямонни қўшар, агарда Абдуллабой баззоз бонкаға сотган моли учун олган векселини қўйса, олти ойға бонка 500 сўм нақд бериб, фақат 15 ё 20 сўмгина фойда сахлайдурки, бизни баззозимиз ушбу пулға 4-5 кантурдан чеккасиға чертиб, сийлаб молни арзон нархга олур. Ана бонка ҳикмати ва

⁹⁵Миржалилов С. Туркистонда савдогарлик // Садои Туркистон. 1914 йил 11 май.

кераклиги шундан иборатдур ва ҳам шундай ўлчов ила муомала қилинса, ҳар ким бонкадан фойда кўрар. Йўқ, бонка уни учун эмаски, бир пулсиз дўкон ўлтуруб ва бонка пулини нася қилиб, тўй ва зиёфат ва иморат ва шароратга, кўбқари ва азоға сарф қилиб ё бонкадан қарз олиб, ҳаж бориб, дунёга баобрў ва охиратга қарз юклаб кетмоқ учун эмасдур⁹⁶. Келтирилган лавҳада жуда чуқур иқтисодий маъно яширинган: биринчидан, муаллиф банк фаолияти, ақлли, тадбиркор, ишбилармон инсонларни иши эканлигини, иккинчидан, банкдан ақлли инсонларгина фойдалана олишини, учинчидан, банкдан фойдаланилганда ҳисоб-китобларни вақтида амалга ошириш кераклигини уқтиради.

“Садои Фарғона” газетасининг 1914 йил 14 сентябрь сониде эълон қилинган “Фарғонада банк очмоқ” сарлавҳали мақола эса гарчи, ахборот характериға эға бўлса-да, жади́длар турли даъват, чақириқлар билан чегараланиб қолмасдан юқорида кўтарилган муаммони ечиш учун амалий ҳаракатлар ҳам олиб борганликлари тўғрисида гувоҳлик беради. Ушбу мақолада жади́дларнинг деҳқонларни қарздорликдан қутқариш, қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш мақсадида зироатчиларға кредит берувчи махсус банк очиш ташаббуси билан чиққанлигини кўриш мумкин. Улар деҳқонлар фаолиятини молиялаштирувчи бундай банклар очиш учун маҳаллий сармоядорларға бекор турган маблағларини ана шу муассасаға кўйишни таклиф қилади. Жади́дларнинг фикрича, бу биринчидан, мулкдорларнинг бойлигининг миқдорини янада ошишиға ва сақланиб қолишиға кафолат бўлса, иккинчидан, агар банкдаги маблағлар фақат маҳаллий бойларнинг сармояларидан иборат бўлса, банкнинг эғаси ҳам миллатнинг ўзи бўлади. Учинчидан, деҳқонларға бериладиган кредитлар фоизи кам бўлганлиги учун улар ҳам доимий қарздорликдан қутулиб, ишларини тўғри йўлга кўйиб олишиға имкон беради. Газета муҳарририятининг: “Бул банкани очмоқни хоҳлагувчилар бўлсалар

⁹⁶Бехбудий М. Ох, бонкалар бизни барбод этди. // Ойна журнал. 1914. - № 19.-Б. -342-344.

“Садои Фарғона” идорасига мурожаат қилсалар, шундай банкаларни очмоқга даркор бўладурган дастуруламал китобларни кўрсатурмиз. ... Агар Фарғона музофотини қайси шаҳрида жамияти хайрия очмоққа ихтиёр қилгувчилар бўлса, маслаҳатини қилуб, керакли жойдан жавоб сўраб бермоқ мумкиндир”, деб ёзган сўзлари жаидлар деҳқонлар фаолиятини молиялаштиришга ихтисослашган бундай кредит банкларини ташкил қилишнинг назарий программасини ҳамда амалий режасини пухта ишлаб чиққанлигини англаш мумкин⁹⁷.

Абдулҳамид Чўлпоннинг “Андижонда янги банк” номли мақоласи ҳам ахборот характерида бўлиб, унда 1914 йилда Андижонда сармояси 26 минг сўмдан иборат бўлган “Кредит банки” очилаётганлиги ва унинг 180 нафар миждзининг 130 дан ортиғи мусулмонлар эканлиги ҳақида хабар берилган. Унинг маълум қилишича, банкни Эшонхон Маҳзум Одилхўжа ўғли, Мир Ҳайдарбой Миржалил ўғли, Саъдуллахўжа Турсунхўжа ўғли каби маҳаллий бойлар очишган⁹⁸.

Файзулла Хўжаев Бухоро қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришга доир умумиктисодий тадбирларни амалга оширишда банк ва кредитларни ўрни ва аҳамияти катта эканлигини алоҳида уқтириб ўтади: “... хўжалиги хонавайрон бўлган деҳқонларга ҳам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли катта қишлоқ хўжалик кредитлари бериб туриш...” Шунингдек “...Бухоро экспорти савдо кредитига мухтож. Урушдан олдин Бухорода олтин билан 40 миллион сўм обороти бўлган еттита катта банк ишлаганлиги тасодиғий эмас. Шу сабабли бу кредит, оқибат натижада, фақат савдо учунгина аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги учун ҳам аҳамиятга эга бўлади.”⁹⁹

Жаидлар ўз асарларида банклар шунчаки иқтисодиёт субъектлари

⁹⁷ Фарғонада банк очмоқ // Садои Фарғона. 1914 йил 14 сентябрь.

⁹⁸ Абдулҳамид Сулаймоний. Андижонда янги банк // Ойна. 1914 йил 18 январь.

⁹⁹ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1 том. Бухоро Халқ Республикасининг иқтисодий аҳволи. Т.: Фан, 1976.-Б. 378-380.

(қатнашчилари) ўртасида воситачигина бўлиб қолмай, балки муомала қатнашчилари ўртасида маълум бир рақобат муҳитини вужудга келтирувчи молиявий муассаса ҳам эканини кўрсатиб бердилар. Чунки, банклар турли даражадаги иқтисодий, олди-сотди муносабатларида ҳам қатнашадилар. Бу ерда турли манфаатдаги муносабатлар тўқнашади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг банк тизимини такомиллаштиришга жиддий эътибор берила бошланди. Чунки, бозор муносабатларининг шаклланишида банклар алоҳида аҳамиятга эга.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан амалга оширила бошланган ислохотларнинг асосий бўғини банк тизимини ислоҳ қилишдан бошланиб, ушбу соҳани янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 8-10 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида сўзлаган нутқида, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш учун авваламбор, ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар, жумладан, тижорат банклари тармоғи фаолиятини ривожлантирмай туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилди¹⁰⁰.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”ги Қонунида Марказий банкка банк тизимини шакллантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган институционал сиёсатни юритиш имконини берди. Натижада, тижорат банкларининг сони доимий равишда кўпайиб борди ва

¹⁰⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. -Т.:Ўзбекистон, 1996. -Б. 119.

банклар ўртасида рақобат муҳити вужудга кела бошлади.

Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айти пайтда у кам позицияларга эга.¹⁰¹

Банклар ҳар қандай жамиятда иқтисодиётнинг барқарор ишлашини таъминловчи механизмнинг асосий бўғинларидан бирини ташкил этиб, уни иқтисодиётнинг қон томирларига қиёслаш мумкин. Шунга кўра банклар фаолиятини мунтазам ривожлантириб бориш давримизнинг энг муҳим вазифасидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жаҳидлар орзулари ушалди. Бугунги кунда мамлакатимизда Марказий банк, Ташқи иқтисоий фаолият Миллий банки, хорижий капитал иштирокидаги банклар, хусусий банклар, акциядорлик тижорат банклар ташкил бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Биз тадқиқ қилаётган жаҳидлар томонидан илгари сурилган банклар фаолияти тўғрисидаги ғоялар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган мустақил диёримизда банклар фаолиятини яна ҳам ривожланиб такомиллашига хизмат қилади деган умиддамиз.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон иқтисодиёти қандай ҳолатда эди?
2. Жаҳидчилик ҳаракати қандай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда вужудга келди. Жаҳидчи алломалар ўз олдиларига қандай мақсадларни қўйган эдилар?

¹⁰¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 35-36.

3. А.Авлоний, А.Фитрат ва бошқа жадинчи олимлар нима учун Туркистондаги тузумни, иқтисодий аҳволини ўнглаш воситаси деб иқтисод илмини ўрганиш вазифасини қўйдилар?
4. Миллий иқтисодни таназулга учратмаслик учун, уни рақобатбардош иқтисодиёт қилмоқ учун қандай иқтисодий чоралар кўришни таклиф этдилар?
5. Жадинчиларнинг Туркистон иқтисодиёти таркибини ўзгартириш масаласидаги ғояларининг бугунги мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти таркибини ўзгартириш сиёсати учун қанчалик аҳамиятли эканини тушунтиринг?
6. «Ихroj ва аъмол» санъати нима? Жадинчилар бундай санъатларни ўзлаштирмоқ учун мамлакатга қандай мутахассислар керак дедилар.
7. М.Бехбудий иқтисодиёт ва тижорат соҳасида инқирозга учрашга нималар сабабчи деб кўрсатган эди?
8. Жадинчилар фикрича, Ўзбек миллатининг бой-бадавлат ва фаровон яшаши учун Туркистонда барча шароитлар мавжуд деганларида қандай омилларни назарда тутган эдилар?
9. А.Фитрат Туркистон мусулмонлари Европа техникаси, технологияси, замонавий илми, сармояси ва тажрибасини жалб қилиш орқали ривожланиш керак деган ғояни илмий жиҳатдан қандай асослади?
10. Европанинг тараққий этишида Шарқнинг қўшган ҳиссасини жадинчилар қандай баҳолаган эдилар?
11. Файзулла Хўжаев ва бошқа жадинчилар нима учун аграр соҳани ислоҳ қилиш ишини устивор вазифа деб қараганлар? Улар илгари сурган аграр ислоҳот таклифлари қандай эди?
12. Буюк жадинчи олимларимизнинг иқтисодий ғоялар илгари сурган қандай асарларини ўқигансиз ва ўргангансиз?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Жадинчилик ҳаракати- XIX асрнинг охириги XX аср бошларида миллат, Ватан тақдири учун ўзларини масъул деб билган ва бундай қолоқликдан чиқаришга ўзларининг бутун вужудини, ақлий салоҳиятини, керак бўлса иқтисодий имкониятларни ҳам бу йўлга бағишловчи жадинчилар деб номланган бир гуруҳ ўзбек ватанпарвар, миллат фидойиси, зиёлилар ҳаракати.

Абдурауф Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи баёноти» асари- бу асар «Абд ар-Рауф» имзоси билан 1912 йили (ҳижрий 1330) Истанбулда «Баёноти сайёҳи ҳинди» номи остида форс-тожик тилида чоп этилган. «Ҳинд сайёҳи баёноти» асари А.Фитратнинг иқтисодий фикрлари баён этилган асаридир.

Жадидчилар тафаккурида рақобат ва рақобатчилик- иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи рақобат эканлиги маълум. Бироқ, рақобатчилик бўлмоғи учун рақобатчилик муҳити бўлмоғи лозим. Жадидчилар иқтисодий тафаккурида рақобат унинг муҳитига оид бир қанча иқтисодий қарашлар мавжуд.

«Ихрож санъати»- ер ости бойликларини чиқариб олиш

«Аъмол санъати»- ускуналар (фабрика, заводлар) яратишдир.

Туркистон қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш асослари –

Ерга ишлов беришни замонавий техника асосларига кўчириш, деҳқончиликни интенсивлаштириш, қишлоқ хўжалигига янги технологияларни жорий этиш. Ирригация ва милиорация ишларини авж олдириш, бу масалада давлат дастури ишлаб чиқиш.

Савдо ва тижорат ишининг миллий тамойил-у-қоидалари-
биринчидан, савдо ва тижорат ишида Ватан, миллий, халқ манфаатлари ҳисобга олинishi, иккинчидан, бу ишда тижорат аҳли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни замонавий саноат асосига қуришда ёрдам кўрсатишлари, соҳибкорларга амалий мадад беришлари, товарларни арзонлаштириш йўллариини излашлари, учинчидан, Европаликлардан савдо ва тижорат қилиш илмини ҳамда фойда олиш заминида маданий савдо хизмати кўрсатишни ўрганиш.

Туркистон иқтисодиётининг рақобатсизлик сабаблари-биринчи, нозоалпа, ҳисобсизлик, ақл ва тарбиясизлик бизни барбод этди. Иккинчи- наф ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва аҳли замондан беҳабарлигимиздан, хулоса-жаҳолат ва нодонлигимиздандир, учинчидан- «қўлдаги бор нимарсаларимизни тўй ва азоға, беҳуда одатларға сарф этармиз. Кўрпамизга қараб оёқ узутмаймиз. қарз ила иморат тўй қилармиз, исроф қилармиз».

1000 йиллар илгари Европанинг иқтисодий-иҷтимоий ҳаёти- 1000 йиллар илгари Европа халқлари иқтисодий ва маънавий қолоқ бўлган. Ўн биринчи асрда Европа шаҳарлари кичик ва оддий, қишлоқлари вайрон кулбалардан иборат эдилар.

Европанинг Туркистондан ўрганган амаллари- Зироат: кўк буғдой, тут дарахт, гуруч, хурмо, лимон, пахта, қаҳва ва найшакар. Саноат: шоҳи газламалар, зар тўқиш, шиша, ойна ва қоғоз. Илм-фан: ал-жабр ва ал-муқобала, хандаса, чизмачилик, кимё, ҳисоб ва хоказо.

7-БОБ. XXI АСР БЎСАҒАСИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ (ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ)

Ўтган асрнинг 90-йиллар бошларида Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка эришуви унинг олдида истиқболда ўзининг замонавий таркибидаги миллий иқтисодиётини яратиш ва унинг асосида мамлакатда фаровон ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини барпо қилишдек ғоят масъулиятли стратегик вазифани қўйган эди. Жаҳон ва миллий тарихий тараққиёт жараёнини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришнинг бирдан-бир тўғри йўли бозор иқтисодиёти орқали ана шу стратегик мақсадга эришиш мумкин деган қатъий фикрга келди. Бироқ, бу йўлнинг мамлакатимиз учун ўзига хос ва мос жиҳатларининг назарий таълимотини яратиш лозим эди. Бу қийин назарий муаммога ечим айнан И.Каримов томонидан топилди.

1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг танлаши

Бугун дунёнинг аксарият мамалакатлари, халқлари бозор иқтисодиёти йўлидан бормоқда. Уларнинг ҳар бири ўз тарихий тараққиётининг маълум даврида ана шу йўлга бурилганлар ёки ана шу йўлдан бораётирлар.

Аслида, инсоният тарихи учун «бозор иқтисодиёти» деб аталаётган юксалиш йўли янгилик эмас, бир қанча давлатлар ва халқлар учун бу йўл бир неча асрдан бери давом этиб келмоқда. Бу йўл барқарор тараққиёт, юқори ўсиш суръатлари, фаровон ҳаёт ва ҳамжиҳатлик йўли эканлиги туфайли бўлса керакки, дунё халқлари бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш томон тобора кўпроқ интиломоқларда. Жумладан, бизнинг мамлакатимиз ҳам мустақиллик туфайли ана шундай имкониятга эга бўлди. Бозор иқтисодиётига асонланган фаровон, демократик фуқаролар жамияти

қуриш томон дадил одимланмоқда. «Энг муҳими, -деб ёзган эди Президентимиз Ислон Каримов ўзининг илк илмий изланишлари маҳсули бўлган ажойиб асари «Ўзбекистон –бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида,-бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз йўқ. Тўпланган тажриба, илмий таҳлил (анализ) ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда» (Т. 1993, 7 бет. Таъкид бизники-муалл.)

Шундай савол туғилиши табиий: бозор иқтисодиёти объективми, илмий асосланганми, бу йўлдан бориш охир-оқиботда нохуш оқибатларга олиб келмайдими, бу йўлдан бориш тарихан адашувчилик бўлмасмикин? Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси муаллифи И.Каримов бу йўл тўғри, илмий асосланган эканлигини исбот қилди. Зеро, жаҳон тараққити тажрибаси, «илмий таҳлил, ақл-идрок» шу йўлдан борган ва бораётган халқлар ҳаёти сабоқ бермоқдаки, бу йўл тўғри, илмий асосланган, самарали бандлик ва фаровонликка олиб келадиган бирдан-бир холис йўлдир. Буни қуйидаги хулосалар асослаб турибди:

Биринчидан, ҳозирда тараққий этган, барча иқтисодий-ижтимоий жабҳаларда андоза, ўрнатилган мамалакатлар ҳаёти ва тажрибаси, уларнинг бугунги реаллиги исботсиз ҳақиқатдир. «Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўлларни ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган» (И.Каримов);

Иккинчидан, кейинги йилларда юксак иқтисодий ўсиш, саноат тараққиёти, ижтимоий фаровонликка эришиш намунасини кўрсатаётган Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Малазия, Бразилия, Аргентина, Чили каби мамалакатлар худди шу бозор муносабатлари йўлидан бориб юксакликка кўтарилдилар, улар, ўз навбатида, бозор иқтисодиётига ўтдилар ва ўз тажрибалари билан ўтиш йўли назариясини ҳам амалиётини ҳам бойитмоқдалар;

Учинчидан, бу йўл мамалакатда мавжуд бўлган миллий имкониятларни, ресурсларни энг самарали ишлатиш, энг юқори иқтисодий натижаларга эришишга олиб келади, айнан бозор иқтисодиёти ана шундай тежамли хўжалик юритишни тақазо этади ҳам. Ана шу туфайли ҳам ресурслари кам ёки чекланган мамалакатлар учун бозор иқтисодиёти йўли энг мағбул ҳисобланмоқда. Бошқча бўлиши ҳам мумкин эмас;

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти ривожининг XX аср иккинчи ярми хусусияти шуни исбот қилдики, бу йўл аҳолиси тез кўпаётган, меҳнат ресурсларига бой, аҳоли зич жойлашган, иш кучи тўпланган мамалакатлар учун айна муддао йўлдир. Зеро, бозор иқтисодиёти ижтимоий бандлик шароитида ривожланишини таминлади, бу йўл аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг мақбул ва қулай воситаларини сафарбар қилиш имкониятини ҳам беради.

Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти йўлидан бориш барча давлатлар, халқлар учун энг адолатли ва демократик тараққиёт йўлидир. Ўзбекистон ҳам инсониятнинг аксарият танлаб олиб ривожланиб боарётган бозор иқтисодиётини қуриш томон бориши объектив заруратдир. Бунда бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий тамойиллари ва ҳамда республикамизнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган алоҳида ўтиш йўли концепциясини яратиш тарихий заруратга айланди.

2. Бозор иқтисодиётининг умумий тамойиллари

Мамалакатимиз бозор иқтисодиётига асосланган янги жамият қуришга киришар экан, унинг қуйидаги умумий тамойилларини инобатга олди ва уларга риоя қилиб бормоқда. Бозор иқтисодиётининг чуқур моддий асосини товар ишлаб чиқариш, товар-пул муносабатлари ташкил этади. Бунинг маъноси- ишлаб чиқарувчилар, хўжалик юритувчи барча

субъектлар фаолияти товар муносабатлари билан белгиланади, бозор учун ишлаш, бозор талабларига мослашиб ишлаш, пировард мақсад-пулни кўпайтириш, фойда олишдир. Демак, бозор иқтисодиёти пировард мақсад-фойда олишни олдиндан кўра билиш ёки ана шу ҳисоб-китоб билан ҳаракатни йўлга қўйишдир:

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим тамойилларидан бири нафақат иқтисодиёт субъектларининг, шу билан бирга бутун жамиятнинг, унинг ҳар бир аъзоларининг товар ишлаб чиқарувчига айланишидир. Яъни товар ишлаб чиқарувчи бўлмай туриб, истеъмолчи бўлиши мумкин эмаслигидир. Бошқача айтганда, бозорга «қуруқ қўл» бориш билан эмас, балки товар ва хизматлар билан уни тўйинтиришдир. Бу билан бозор иқтисодиётининг яна бир фазилати жамиятни мўл-кўлчиликка олиб борилади

Бозор иқтисодиётининг яна бир ажойиб томойили бу истеъмолчининг ишлаб чиқарувчи устидан ҳукумронлигига олиб келишидир. Бундай шароитда товар ишлаб чиқарувчилар тақдири тўлалигича истеъмолчилар, яъни халқ тасарруфига ўтади. Даромад (пул) эгаси ўзи истаган, ўзига ёққан товар ёки хизматни танлаб ва истаганича сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Худди шу маънода, бозор иқтисодиётини умуминсоний қадриятлардан бири десак бўлади. Худди мана шундай бўлгандагина инсон кадр-қиммати янада улуғланади, у улуғ мавжудодга хос турмуш тарзига бўлади;

Бозор муносабатларининг яна бир муҳим унсури-рақобат ва рақобатчиликдир. Бу тамойил бозорни шунчаки товарлар ва хизматлар массаси билан тўлдириб қолмай, уларнинг сифати, истеъмол қийматини ҳам устуворликка чакиради. Албатта, бунинг учун рақобатчилик шароитни шакллантириш керак, рақобатбардош товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий, ҳукуқий, ижтимоий-сиёсий асосларини яратмоқ даркор.

Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» номли асарида бозор иқтисодиётининг рақобатчилик ва унга яратиладиган муҳит ҳақида жуда муҳим кўрсатмалар белгилаб берилган эди. Хусусийлаштириш айнан ана шу рақобатчилик муҳитини шакллантиришнинг моддий асоси сифатида таърифланиб, шундай дейилади: «Хусусийлаштириш давомида ҳал қилинадиган иккинчи муҳим вазифа-кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборат.

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда хусусийлаштиришнинг иштироки турличадир. Энг аввало, бу мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва фаолиятнинг шунга ўхшаш турлари билан шуғулланувчи, хизмат кўрсатувчи, аммо мулкчиликнинг турли шакллариغا-давлат, жамоа, акциядорлик, хусусий ва бошқа шакллариغا асосланган кўпдан-кўп корхоналарни ташкил этишдан иборат...» (183 бет)

Рақобатчилик муҳитини яратишда диверсификациялаш, маъноси корхоналарга нисбатан алоҳида солиқ сиёсати ишлаб чиқиш ва юритиш, кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсида авж олдириш, ўрта ва катта корхонани акциядорлаштириш қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган аграр тузилма яратиш кабилар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётининг юқорида қайд этилган умумий тамойилларининг республикамиз хусусиятларига боғлиқ тарзда тўлақонли ишлаши эса чуқур, кенг қамровли ислохотларни талаб этади. Бундай ислохотлар эса пухта ишланган илмий концепцияга асосланиши лозим.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллариининг хилма-хиллиги ва Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли таълимоти

Биз юқорида бозор иқтисодиётига ўтиш йўли объектив зарурат экани, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида тўхталган эдик. Дарҳақиқат, бозор муносабатларини шакллантириш Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришнинг, ўзбек халқини ўзининг тарихий буюклигини тиклашнинг, унинг ўз тарихий, илмий, маънавий, иқтисодий, салоҳиятига мувофиқ турмуш тарзини вужудга келтиришнинг бирдан-бир тўғри йўли, деб белгиланган бўлса-да, бундай янги иқтисодий тизимга тарихан қисқа муддатларда, камроқ заҳмат ва қийинчиликлар чекиб ўтиб олиш муҳим масаладир. Демак, мамалакатни бозор иқтисодиётига олиб боришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Бу заруратни англаш, унинг асосларини, тамойиллари, ўтиш воситалари ва асосий йўналишларини белгилаб олиш керак эди. Бу жуда катта илмий салоҳиятни, катта ҳаётий тажрибани, чуқур тафаккурни, тарихий тараққиётни тўғри таҳлил эта билишни талаб этар эди. Ана шундай салоҳиятга эга бўлган тарихий шахс Оллоҳ томонидан халқимизга инъом қилинган эди. **Бу тарихий шахс-Ислом Каримов** эди. У миллатнинг энг қийин даврида, миллат тақдири белгилаб берилиши керак бўлган айни даврда мамалакат ва халққа раҳбарликка келган эди. Янги жамият қуришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш айнан ана шу тарихий шахснинг зиммасига тушди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ислом Каримов ўзига тарих юклаган ғоят оғир вазифани мувоффақиётли уддалади, у жаҳонда андозаси йўқ бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини меъмори бўлаолди. Бугун бу концепциянинг ғоят илмий асосланганлиги, унинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини жаҳон жамиятчилиги эътироф этмоқда.

Ислом Каримов ишлаб чиққан Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясининг халқаро эътирофи турли халқаро анжуманларда қайд этилмоқда. Бунинг яна бир исботи унинг «Ўзбекистон-иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобларининг дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, оммавий нусхаларда чоп этилаётганидир. Энг муҳими – бу концепциясининг ҳаётийлиги, ўз самаралиарини бераётганлиги, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатларининг тобора кўтарилиб бораётганлигидир, МДХ давлатлари ичида энг барқарор тараққиёт изига тушиб олганлигидир. Масалан, 1996 йилдан бошлаб ялпи миллий маҳсулотимиз ўсиш суръати 1,6 фоиз бошланиб, бу ўсиш суръати 2003 йилгача ўтган даврда ўртача 4-5 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодиётимизнинг айрим тармоқларидаги иқтисодий ўсиш суръатлари эса яна ҳам юқорироқдир.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини ишлаб чиқишда унинг муаллифи бозор иқтисодиёти ва ислохатларнинг негизини ташкил қилувчи йўллари хилма-хил эканлигига эътибор қаратди, бу хилма-хил йўللар чуқур ўрганилди, таҳлил қилинди, хулоса ва умумлашмалар ясалди. Масалан, Амерка, Француз, Япон, Немис, Лотин Америкаси, Жануби-Шарқий Осиёдаги ёш ривожланаётган мамалакатлар моделлари моҳияти очиб берилди. Ана шу андозаларни таҳлил этиш билан бирга уларнинг ижобий, биз учун яроқли томонлари аниқлаштирилди. Ана шу илмий таҳлил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримга қуйидаги хулосани чиқаришга асос бўлди: «Биз бошқа давлатнинг ривожланиши жараёнида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятни истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, хатто у муайян мамалакатда

ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир..

Шу сабабли, бизнинг катъий нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир..». бу ўзимизга хос йўл «халқимизнинг ҳаёт шартлари ва мусулмонча турмуш тарзининг миллий хусусиятлари, Шарқ маданий оламига мансублик», юртимизнинг бой табиий хом-ашё бойликлари, иқтисодий потенциалимиз, инсоний салоҳиятларимиз ва бошқа миллий асосларимизни ҳисобга олиниб ишлаб чиқилди.

Бу ҳақида И.Каримов шундай деган эди: «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади».

«Мустақил ривожланишнинг ўтган даврини умумлаштириш ва таҳлил этиш ислоҳ қилишнинг Ўзбекистон модели асосли ва тўғри бўлиб чиқди, деб айтиш учун тўла асос беради. Бугун уни халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари тан олмоқда. Энг асосийси-ҳаётнинг ўзи уни тасдиқламоқда» («Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида...» Т.,1997, 188-189 бетлар).

Ўзбекистон Президенти И.Каримов ишлаб чиққан «Ўзбекистон йўли» Ватанимиз ва халқимизнинг ўзига хос салоҳияти ва хусусиятларига асосланган. Булар –1) Миллий тарихий турмуш тарзининг ўзига хослиги; 2) Диннинг кишилар онига ўчмас мухрланганлиги;3) Демографик вазиятнинг ўзига хослиги; 4) Миллий таркибининг ўзига хослиги; 5) қулай сиёсий-географик мавқенинг мавжудлиги; 6) Табиий иқлимнинг ўзига хослиги; 7) Мавжуд потенциалнинг хослиги. (қаранг. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Дарслик Т., 2000 , 99-100 бетлар).

Бирок, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли машаққатлардан, муаммолардан, зиддиятлардан холи йўлдир, дейиш ноўрин. Бу ҳақда «Ўзбекистон модели»нинг ижодкори И.Каримов ўзининг иқтисодиётга бағишлаган илк асарларидан биридаёқ алоҳида таъкидланган эди:

«Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз-бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризмдан холос бўлиш ва покланиш мафкуравийлик илллати етказган зиён захматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир.

Бу йўлдан фақат ҳақиқий ватанпаргина, ўз мамлакати ва халқнинг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзини куч-ғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади» («Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» Т., 1993 й. 127 бет).

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, И.Каримов нафақат «Ўзбекистон йўли» нинг назариётчиси, айти дамларда у ўз Ватани ва халқининг истиқлол йўлидаги ҳақиқий фидойиси, миллатни шу йўл тўғрилигига ишонтира олган доҳийси ва ўз орқасидан уларни собит эргаштираолган дарғаси бўлиб майдонга чиқди.

4. Ислом Каримов ишлаб чиққан беш тамойил-бозориктисодиётга ўтишнинг Ўзбекистон концепциясининг асоси

Концепция муаллифи Ислом Каримов кайд этган эдики, «Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини яратиш учун замин йўқ эмас. Шарқда одамлар азалдан савдо-сотик билан шуғулланганлар. Шу боисдан, бу ерда бозор шароитида ривожланишнинг

ўз тарихий тажрибаси мавжуд». Муаллиф халқимизнинг ўз миллий тарихий тажрибасига асосланиб ўзининг беш тамойилини яратди. Бу тамойиллар иқтисодиёт таълимотлар тарихига ҳақиқатдан ҳам янгилик бўлиб кирди.

Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги тамойили. Собик социалистик жамиятда бутун ижтимоий ҳаёт, хўжалик фаолияти ҳам «Сиёсат иқтисодиётдан устун бўлади, устун бўлмаслиги ҳам мумкин эмас» деган қоидага асосланган эди. Мамлакат иқтисодиётининг тузилиши, миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши, иқтисодий сиёсат ана шу шиорнинг талабларига бўйсундирилган эди. Бу сиёсат қандай оқибатларга олиб келганлиги ҳаммага аён. Ана шу ҳолатни чуқур таҳлил этиб, ундан керакли хулоса чиқарган Предизентимиз Ислон Каримов иқтисодиёт ва сиёсат алоҳида-алоҳида ижтимоий муносабатлар экани, уларнинг ҳар бири ўз қонунлари билан ривожланиши, булар ўртасидаги нисбатда иқтисодиётнинг устуворлик қилиши кераклиги ҳақидаги хулосага келди.

Бу қоида иқтисодиёт ҳаётнинг асоси эканлиги тўғрисидаги умумбашарий қонуниятга асосланади. Зеро, кучли замонавий таркибий тузилишга, моддий, илмий ва ижтимоий асосга суянган иқтисодиёт бўлмаса, мамлакат халқининг фаровонлиги ҳам, миллий хавфсизлиги ва тинчлиги, халқаро нуфузи ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш, унинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш учун ҳаракат бошланди. Албатта, амалда иқтисодиётнинг устуворлигини таъминлаш осон кечмайди, бу жуда чуқур ўйланган иқтисодий сиёсат ўтказишни тақазо этади. И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..» номли асарида бу сиёсатни изоҳлаб қуйидагиларни ёзади: «Биз эса енгил йўлни қидирмадик. Ислох қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бир қадар чеклашга мажбур бўлдик. Айни чоғда маблағ ва захираларни

иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан тўлдириш йўлидан бордик. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, ўз маблағларимиз ва олган қарзларимизнинг асосий қисми инвестицияларга, республикага янги технология ва техника келтиришга сарфланмоқда. Истеъмолни эмас, балки инвестицияларни кўпайтирдик. Бугунга келиб бу сиёсат ўз самарасини бермоқда..» (192-193 бетлар).

Халқимиз ва бутун дунё кўз олдида миллий иқтисодиётимизнинг моддий таянчи бўлган улкан корхоналар қурилди ва қурилмоқда, ҳатто илгари бўлмаган иқтисодиёт соҳалари қад кўтармоқда. Бу «Ўзбекистон дунёга танишиши, ҳамкорлик ва жаҳон иқтисодига қўшилиши» учун замин яратиш демакдир, бу иқтисодиёт ҳақиқатан ҳам сиёсатга нисбатан устувор муносабат эканини амалда исботланиши демакдир.

Давлат бош ислохотчи бўлишлиги тамойили. Бу тамойил, авало, умумбашарий қадриятлардан келиб чиқади. Зеро, И.Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли рисоласида ёзганидек, жаҳон тажрибаси иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туриш зарурлигини кўрсатди; бунинг устига том маънода ўзини ўзи тартибга солиб турадиган бозор йўқ, ҳамма даврларда давлат ўз мавқеига кўра иқтисодиётга таъсир этиб келган. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш барча мамлакатларда бир хил кечмаганидек, давлатнинг етакчилик роли ҳам ҳар хил кечади. Ўзбекистон ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуради, бунда давлат тартибга солиб турувчи роль ўйнаши муқаррардир.

Хўш, давлатнинг бош ислохотчи ва иқтисодиётни тартиблаштириб турувчи бўлишини нималар тақозо этади?

Бу саволга Президентимизнинг бир қатор асарлари ва чиқишларида аниқ, тушунарли жавоблар мавжуд. Биринчидан, эски тузум парчаланган,

янги жамият ҳали тўла қурилмаган бир шароитда «иқтисодиётни бошқаришни қўлдан чиқариб юбориш, унинг тараққиётини ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас»; иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш бошланган даврда республикамиз аҳолисининг турмуш даражаси нисбатан паст, у ўзини ўзи ҳимоя қила олмайди. Бундай шароитида давлат керак, у ўтиш даврида аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий даромадни қайта тақсимлаш воситасида унга таянч бўлади; учинчидан, бозор иқтисодиётини қуриш ғоят қийин вазифа, айниқса, иқтисодиёт ночор ва таркибий тузилмаси бирёқлама бўлган мамлакатда.

Бозор муносабатларининг қарор топиши даврида «давлат ислоҳатлар жараёнида фаол иштирок этиши, унинг ташаббускори бўлиши, ислоҳатни изчиллик ва қатъийлик билан амалга ошириш шарт». Давлатнинг бу борадаги етакчилиги шундаки, у янги иқтисодиётга тезроқ ва катта қийинчиликларсиз ўтишга ёрдам беради, ислоҳатларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқади, ислоҳатларни амалга ошириш дастурини тузади ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий воситаларини белгилайди. Ислоҳатлар концепцияси муаллифи Ислом Каримов бу масалада шундай қатъий фикрни айтади: «.. давлат ислоҳат жараёнининг барча босқичларида етакчи ўринда туриши, бу жараённинг марказида бўлиши шарт». Дарвоқе, бугун бу тамойилнинг нақадар тўғри экани МДХ давлатларидагина эмас, бугун дунё миқёсида эътироф этмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич ўтиш тамойили тараққиётнинг эволюцион йўли эканини, бу зарурат эканини, бу бир қанча сабаблар билан боғлиқ эканлигини концепция муаллифи И.Каримов бир қанча далиллар билан асослаб беради. Биринчидан, Ўзбекистоннинг энг яқин тарихи собиқ социалистик тузуми, унинг истиқболдаги тузуми билан- «бир-бири билан мутлақо келиша олмайдиган икки хўжалик тизимидир».

Бунда эски иқтисодиётни такомиллаштириш эмас, балки тамомила янги хўжалик юритиш тизимини барпо этиш талаб этилади. «Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишдир». Шунинг учун ўтиш вазифаларини бирданига амалга ошириб бўлмайди, у бир қанча босқичларни ўз ичига оловчи нисбатан узоқ давр доирсида амалга ошади; иккинчидан, янги иқтисодий тизимни фармонлар ва қонунлар чиқариш билан қуриб бўлмайди, бундай иқтисодиёт тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий базани яратишни талаб этади.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қилган «Адолат-қонун устиворлигида» номли маърузасида уқтирадики, «биз танлаган тараққиёт модели бозор иқтисодиётига таянган очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантирадиган янги ҳаёт барпо этиш ҳаракатларимиз», «бир томондан, кўп асрлик тарих буюк маданият, юксак миллий анъаналар, муқаддас қадриятларга, иккинчи томондан эса-жаҳон халқларининг энг илғор тажрибасига» асосланиши билан бирга қонунлар устиворлигига ҳам суянади. (қаранг. Ўзбекистон овози, 2001 й. 30 август).

қонунларнинг устиворлиги тамойили шуни билдирадики, қабул қилинган Конституциямиз, барча бошқа қонунлар ҳеч истисносиз ҳамма томондан ҳурмат қилиниши ва уларга риоя қилиниши керак. Ҳар бир фуқаро нафақат қонунлар талабини билиши, уларга сўзсиз амал қилиши, балки бошқаларнинг ҳам қонунларга риоя қилишларини назорат қилмоғи демократик жамият қуришнинг талабига айланади. қонунларнинг устиворлигини таъминлаш тамойилининг моҳиятини И.Каримов яна қуйидагича изоҳлайди:

«қонун устиворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш-бу ривожланган бозор иқтисодиётига

асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади» (Ўша жойда).

Кучли ижтимоий сиёсат. Бу тамойил Ислом Каримов асарларида ниҳоятда мукаммал ва атрофлича ишлаб чиқилди. Бу унинг бағри кенглиги, инсонпарварлиги, ҳар бир инсонга меҳрининг баландлиги, юксак одамийлик фазилатларига эга буюк шахс эканлигидан келиб чиқади. «Аҳолининг мухтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш кечиктириб бўлмайдиган, энг устивор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қондаси бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолади» деганда унинг ижтимоий ҳимоя тамойили ўз ифодасини топган эди. (қаранг. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асари, 74 бет).

Кучли ижтимоий сиёсат юрғизиш, аҳолини ўтиш даврида ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш нима учун зарур?

Ахир бозор иқтисодиёти деган тизим ҳаммага, ҳар бир инсонга ўзини ўзи таъминлаш, ўзини ўзи боқиш ва ҳимоялаш дегани эмасми?

Гап шундаки, бозор иқтисодиёти деган ҳаётдан ҳалқимиз тамомила беҳабар эди, республикамиз бозор муносабатларига ўтиш даврида ноқулай ижтимоий аҳволда эди, аҳолининг турмуш даражаси ғоят паст, мутлоқ кўпчилиги қашшоқ эди, оилада боқимандалар кўпчиликни ташкил этарди, одамларга лоқайдлик руҳияти сингиб кетган эди, меҳнатга муносабати ёмон эди, юлғучлик, меҳнатсиз даромад олиш кабилар ҳукмрон эди.

Ислом Каримовнинг ижтимоий сиёсат концепциясида кенг қамровли ҳимоя механизми ишлаб чиқилган. Бу механизм бўғинлари асосан қуйидагилардир: ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий базасини яратиш, аҳолининг ноғир он, нафақадор, кўп болали ва камбағал оилалари, ўқувчи ёшларга, энг аввало, ёрдам бериш, иш билан вақтинча таъминланмаган кишиларга нафақа тўлаш ва иш жойлари яратиш, маълум даврда баҳоларнинг эркинлашувини онгли тўхтатиб туриш ва аста-секин

баҳоларни бозор қонунларига мослашиб боришига йўл очиш, боқимандалик ва текис тақсимлаш иллатларини батамом тугатиш, пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб бориш асосида иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш (бевосита истеъмол буюмлари ишлаб чиқишга йўналтирилган иқтисодиёт барпо этиш) ва бошқалардир.

Кучли ижтимоий ҳимоялаш концепцияси илмий жиҳатдан муаллифнинг бошқа соҳалардаги иқтисодий таълимотлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу боғлиқликни, яъни бозор муносабатларини Ўзбекистонда барпо этиш-сақлаш таълимотини шундай таърифлайди: «Самарали ижтимоий сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгаришлар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан уйғунлаштириб амалга ошириб борган тақдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш мумкин» (ўша асар, 83-бет).

Ислом Каримов таълимоти доимий ривожланиб ва бойиб боровчи таълимотдир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов яратган бозор иқтисодиётига ўтиш илмий таълимоти бошқа иқтисодий қарашлар, ғоялар, таълимотлардан тубдан фарқ қилади. Бу унинг ҳаётийлигида, реаллигида, ҳозиржавоблик ва замонавийлигидадир. Бу шундан иборатки, Ислом Каримов иқтисодий таълимоти ўзининг ҳақиқийлигини ўн йиллар, юз йиллар кутиб тургани йўқ. У Ўзбекистондаги бугунги туб ислоҳотларга сингиб борди, уларда мужассамлашиб бораётир. Бу ҳақда муаллиф шундай хулосага келди: «Мустақил ривожланишнинг ўтган даврини умумлаштириш ва таҳлил этиш ислоҳ қилишнинг Ўзбекистон модели асосли ва тўғри бўлиб чиқди, деб айтиш учун тўла асос беради, бугун уни обрўли халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари тан олмоқда. Энг асосийси-ҳаётнинг ўзи уни тасдиқламоқда» (Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..., 189-бет).

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш илмий концепциясини мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижалари асосида янги-янги қоидалар билан бойитиб бораётир. У ўзининг юқорида қайд қилинган машҳур асарда ўз концепцияси рўёбга чиқишининг воситаларини ҳам аниқлаштириб берди. Булар қуйидагилардир: биринчидан, инсон манфаатларини рўёбга чиқарувчи шарт-шароит яратиш орқалигина ислохотлар амалга ошади; ҳозирги шароитда «ҳар бир оила бой бўлса, давлат бой бўлади» деган қоидага риоя қилинса ислохотлар тезроқ реал самара беради; иккинчидан, «мамлакатда чинакам ўрта мулкдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислохотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади»; учинчидан, «биз кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқдамиз. Бунда устиворлик хусусий мулкка –кичик ва ўрта бизнесга берилади»; тўртинчидан, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, пул маблағларини қимматбаҳо қоғозлар бозорига жалб этиш, акциялаштириш, фонд бозорида фаол қатнашиш; бешинчидан, «Ишлаб чиқаришни, иқтисодиётда вужудга келтирилаётган ҳуқуқий доирада ўзгартириб бориш». Энг асосий шундаки, «бундай ўзгаришлар ислохотларнинг ўзига кафолат беради»; олтинчидан, нодавлат сектордаги ўзгаришларга доимо катта аҳамият бериб бориш, қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳибкорлик ҳиссини уйқотиш; еттинчидан, иқтисодиётнинг ҳудудий тузилишини такомиллаштириб бориш, ҳудудий имкониятлардан самарали фойдаланиш; саккизинчидан, республикани ҳаётий муҳим товарлар билан ўз миллий имконияти ҳисобига таъминлашга устиворлик бериб бориш ва бошқалар.

Юқорида илгари сурилган фикрлар шундан далолат берадики, Президентимиз Ислом Каримов илмий таълимоти ХХІ асар бўсағасида энг кучли иқтисодий таълимотлар сафидан муносиб ўрин олди. Зеро, унинг

ҳаётий кули –бўлаётган ўзгаришларнинг илмий ишламаси эканлигида, ўзгаришлар билан ҳамоҳанглигида, ривожланиш билан бойиб боришда, халқ ҳаёти билан уйғунлашиб бораверишидир.

Перезидентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқарилган бу беш тамойил ҳаёт синовидан ўтди. Амалий ислоҳатлар жараёнида, хусусан, XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиши стратегияси, ислоҳатларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш мақсадида бу тамойиллар Олий Мажлиснинг 1-чақириқ XIV сессиясида қуйидаги олтита устувор йўналиш билан тўлдирилди:

1. Мамлакат сиёсати, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;
2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш;
3. Кадрлар масаласи мувоффақиятли ҳал қилиш;
4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;
5. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
6. Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш. (И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон нашр., 1999 й.)

Мустақил танлаб олинган ва белгилаб олинган устувор йўналишлар мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг равон тараққиётини таъминламоқда, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига олиб бормоқда, жаҳон ҳамжамияти томонидан бу стратегик йўл эканлиги эътироф этилмоқда.

5. Иқтисодий концепциянинг янги жиҳатлари

А) Иқтисодий ўсиш суръатлари масаласида

Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон мустақил иқтисодий

тараққиётининг илк давриларидаёқ ишлаб чиқан миллий иқтисодий тараққиёт концепцияси кейинги йиллардаги асарларида, маърузаларида ва чиқишларида янги жиҳатлар ва янги тараққиёт даври хусусиятлари билан уйғунлашган ҳолда ривожлантирилиб борилмоқда. Бу ҳолни унинг Вазирлар маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида, иқтисодий ўсиш масаласига доир мулоҳазасида яққол сезиш мумкин. Келтирилган маълумотларга қараганда, 2000 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 40 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 3,2 фоизга кўпайган. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,7 фоизга. Чакана товар айланиши 7,8 фоизга, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса-14 фоизга ортган («Ўзбекистон овози», 2001 йил 17 февраль).

Агар ушбу иқтисодий кўрсаткичлар бўйича иқтисодий ўсишни 1998-1999 йиллардаги ўсиш суръатлари билан таққосланса, 2002 йилдаги ўсиш кўрсаткичларидаги суръатлар бироз пастроқ бўлганлигини сезиш қийин эмас. Бироқ, бу 2000 йилдаги иқтисодий ўсиш суръатлари ҳақида ножоиз хулоса чиқаришга ҳеч қандай асос бермайди. «Албатта,- дейилади Президентимиз маърузасида, - тез суръатлар билан ривожланиш катта аҳамиятга эга эканини ва бунинг фойдасини ҳеч ким инкор қилолмайди. Лекин барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай ўсиш кўрсаткичлари номигагина эмас, аввало, бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожланиши учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга олиб келиши лозим. Биз иқтисодий ўсиш деганда, авваламбор, мана шу ҳақиқатни тасаввур қилишимиз табиийдир».

Албатта, собиқ совет даври статистикаси ҳам мамлакат ялпи

ижтимоий маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ишлари ҳажми ўсиш суръатлари ҳақидаги маълумотлар берар эди.

Хўш, Президентимиз И.Каримовнинг маърузасида иқтисодий ўсиш суръатлари борасида унинг илмий иқтисодий концепциясини бойитган янги жиҳатлари нималардан иборат, концепциянинг динамик янгиланиб боришини нимада кўриш мумкин? Бу борада биз илғаган янги жиҳатлар қуйидагилардир:

Биринчидан, жамиятимиз тараққиётидаги иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиб бораётгани, бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос таркибий ўзгаришлар, сифатий янгиланишлар жараёнини тавсифлайди;

Иккинчидан, бу давр ўсиш кўрсаткичлари халқ турмуш ҳаёти даражасига қанчалик таъсир этаётганини ифодалайди;

Учинчидан, бугунги кундаги ўсиш суръатларига, гарчи уларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлса-да, бу кўрсаткичларга ҳаддан зиёд маҳлиё бўлиш ярамайди.

Тўртинчидан, «муайян даврдаги иқтисодий фаолият натижаларига ва энг аввало, сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади».

Маърузада 2000 йил иқтисодий ўсиш суръатлари моҳияти таҳлил этилар экан| аксинча, улар ғоят чуқур мазмунга эга эканлиги таъкидланади. Булар қуйидаги фалсафий мушоҳадалардир:

Биринчидан, иқтисодиётимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ошди;

Иккинчидан, корхоналарнинг молиявий аҳволи анча яхшиланди;

Учинчидан, банк соҳасида ўтказилаётган ислохотлар янада ривожланди;

Тўртинчидан, кейинги йилларда биринчи марта четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажмининг ўсиши таъминланди;

Бешинчидан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришнинг суръат ва миқёслари сезиларли даражада ўсди;

Олтинчидан, 2000 йил учун мўлжалланган инвестиция дастури тўлиқ амалга оширилди.

Юқоридаги хулосалар, Президент И.Каримовнинг иқтисодий ўсиш суръатлари борасидаги назарий фикрлари қанчалик амалий кучга эга эканини, амалий ҳаётда ўзининг материаллашиб бораётганини яққол тасдиқламоқда.

Б) Иқтисодиётдаги ўсишнинг экспортнинг ўсишига боғлиқ эканлиги ҳақида

Иқтисодий тафаккурнинг илгариги тушунчасига биноан мамлакат иқтисодий ўсиш даражасини, макроиқтисодий салоҳиятининг ўсиш даражасини макроиқтисодий кўрсаткичлар белгилар эди. Бироқ, иқтисодий тараққиёт концепциясининг Президентимиз яратган тамойилига кўра, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси эндиликда мамлакат экспорт салоҳиятининг ортиб боришига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. «Биз энг муҳим бир фикрни чуқур англаб олишимиз зарур, - дейди И.Каримов, - фақат шу асосдагина ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш масаласини ҳал этиш мумкин».

Мамлакат экспорт қудратининг ўсиш суръатини оширмоқ учун иқтисодиёт субъектларини экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қизиқтириш, рағбатлантириш лозим. Бунда корхоналар олдинги йўналишларини кескин ўзлаштириши талаб этилади. Бунинг учун уларни доимий равишда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантирадиган кучли омилларни вужудга келтириш керак.

Бундай рағбатлантирувчи омилар қайсилар? Булар бож тўловлари ва акциялар миқдорини қайтадан кўриб чиқиш, экспортга солиқ таъсири даражасини аниқлаш, экспорт маҳсулотларини ташишдаги транспорт

ҳаражатларини камайтириш чораларини кўриш, ишлаб чиқарувчиларга етарли ҳақ-хуҳуҳлар бериш, экспортга маҳсулот тайёрлаётган корхоналарга имтиёзлар бериш, валюта сиёсатини эркинлаштириш, миллий валютамыз тўла конвертациялашувига ўтиш жараёнини ижобий кечишини таъминлаш, валюта резервларини излаб топиш ва шу кабилардир.

В) Бозор иқтисодиёти асосларининг яратилганлиги

Иқтисодий адабиётлар ва мулоқатларда ҳамон Ўзбекистон бозор иқтисодиёти асослари яратилмаганлиги, бу иш узок давом этиши ҳақида фикрлар айтиб турилади. Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга ошириладиган мураккаб иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёндир. Бироқ мустақил тараққиётимизнинг 12 йилида бу борада жуда катта ишлар амалга оширилди, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини яратиш борасида улкан қадамлар қўйилди. Айниқса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвесторларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, кичик ва ўрта тадбиркорликни йўлга қўйиш, банк ислохотларини ўтказиш борасида ишлар ҳатто халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Ана шундай чуқур ва ишонарли таркибий ўзгаришларга асосланиб, мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўзининг 1999 йил яқунлари ва 2000 йил устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида шундай қатъий бир фикрни билдирди. «Биз бозор иқтисодиёти асосларини яратдик...» (таъкид бизники- «Маърифат», 16 февраль, 1999 й.). Бозор иқтисодиёти асослари яратилганлиги, бундан буён миллий тараққиётимиз жадал ўсиб бориши нималар билан баҳоланади?

Биринчидан, мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва аҳоли турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилаётган иқтисодий ўсиш таъминланмоқда;

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро тўловлар анча яхшиланди. Масалан, 2000 йилда корхоналарнинг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари 41 фоизга, кредиторлик қарзлари 58 фоизга қисқарди;

Учинчидан, 2000 йилда биринчи марта четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми ўсдики, бу иқтисодий ўсишимизнинг асоси бўлди;

Тўртинчидан, 2000 йил учун белгиланган инвестиция дастурининг тўлиқ бажарилганлиги иқтисодиётимиз бозор иқтисодиётининг юқори даражасига чиқаётганини исботлади;

Бешинчидан, таркибий ўзгаришлар (бевосита экспорт қила олиш салоҳиятининг вужудга келтирилганлиги) эндиликда юртимизда иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бораётир;

Олтинчидан, иқтисодиётдаги чуқур ижобий силжишлар иқтисодий инфратузилма бўғинларида ҳам ислохотларни чуқурлаштириш имконини яратаётир;

Еттинчидан, халқ хўжалигимизнинг салмоқли тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ҳам бозор муносабатларига хос бўлган хўжалик юритиш шакллари- ширкат, деҳқон, фермер, кооператив, ижара, пудрат хўжаликлари вужудга келтирилди. Эндиликда улар янги бозор иқтисодиёти шаклларининг юксак самарадорлигини кўрсатишга ҳаракат бошланди.

Г) Иқтисодиётни эркинлаштириш масаласида

Умуман олганда, инсоният, хусусан ҳар бир айрим инсон, айниқса, иқтисодиёт ва хўжалик субъектларининг эркинлиги масаласи, ҳар доим долзарб бўлиб келган ва унинг рўёбга чиқиши ғоят катта қийинчиликлар, кимларнингдир манфаатларига зид бўлганлиги туфайли чуқур зиддиятларга учраган. Бу масала бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ вазифага айланди. Зеро, иқтисодий эркин бўлмай туриб иқтисодий ва ижтимоий манфаатлар рўёбга чиқмаслиги

аниқ.

Агар Президент И.Каримовнинг барча илмий асарларини, унинг маърузалари ва чиқишларини ушбу муаммо доирасида алоҳида тадқиқ қилинса маълум бўладики, мамлакат раҳбари «эркинлик» категориясига алоҳида урғу беради ва уни ўтказилаётган ислохотлар тақдирига боғлиқ қилиб қўяди.

Аввало, у «иқтисодиётни эркинлаштириш»нинг мазмун-моҳиятини очади, унинг салоҳиятини ҳамда эркинлаштиришнинг йўл-йўриқлари ва воситаларини кўрсатиб беради. Президентимиз Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил якунларига ва 2000 йил устувор йўналишларига ҳамда 2000 йил якунлари ва 2001 йил устувор вазифаларига бағишланган **«Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш-энг муҳим вазифамиз»** деб номланган маърузалари юқоридаги иқтисодий муносабатни очишнинг илмий мисоли бўлаолади.

Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан белгиланади. Ана шу маънода мулкни давлат эгалиги шаклидан бошқа мулк шаклларига шунчаки айлантирилиши асосий масала эмас. Масаланинг моҳияти, хусусий шаклдаги мулкнинг реализация қилиниши мазмунан шунга олиб келиши керакки, ундан олинаётган иқтисодий ва ижтимоий самара илгариги шаклдаги мулк самарасидан юқори бўлиши даркор. Шу маънода И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари фикримизни тасдиқлайди: **«Мулк шакли номигагина ўзгармокда, тармок идоралари, корхоналар маъмурияти ва раҳбарлари даражасидаги қаршилик ҳамда айрим ҳолларда мулкдорлар янги авлодининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилаолмаслиги оқибатида меҳнатга муносиб рағбат ўзгармасдан қолмокда»** («Маърифат», 16 февраль 2000 й.).

Иқтисодий эркинлаштириш мулкка эга иқтисодиёт субъектлари бўлмиш тадбиркорлар билан ҳам белгиланди. Шу маънода

эркинлаштириш «бозор муносабатларига хос қудратли, ички омил» (И.А.Каримов) бўлади. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг яна бир кучли жиҳати хорижий инвесторларни мамлакат иқтисодини қайта кўриш ва таркибий тузилмасини ўзгаришига хизмат қилишидир. Бу йўналиш ҳам қўшма корхоналар куриш, мавжуд хусусийлашган корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга сотиш орқали амалга оширилади.

Президентимиз И.А.Каримов асарларида иқтисодиётни эркинлаштиришнинг бошқа жиҳатларини илмий асослаб беради. Бу ердаги асосий вазифа ана шу муносабатларни ўрганиш, мулоҳаза қилиш, идрок қилиш ва илғаш асосида ўз дунёқарашимизни, ўз муносабатларимизни билдиришдан иборатдир. Зеро, концепция муаллифи ҳаммамиздан мулоҳазали бўлишни, ўз мустақил фикримизга эга бўлишимизни қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги нимада?
2. Бошқариладиган, ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётининг моҳияти нимада?
3. Бозор иқтисодиётининг умумий тамойиллари қайсилар?
4. Нима учун бозор иқтисодиёти умумбашарий қадриятдир?
5. Бозор иқтисодиётига ўтиш Ўзбекистон модели, моҳияти нималар билан тавсифланди?
6. Бозор муносабатларига ўтишнинг Ислом Каримов ишлаб чиққан тамойиллари ижтимоий-сиёсий фаолиятимизда қандай амлга ошмоқда?
7. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни Ислом Каримов қайдай асослайди?
8. Ўзбекистон ҳам ғарб давлатлари каби бозор муносабатларига ўтиш учун юз йиллар сарфлайдими?
9. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврини тарихан қисқартирилишига нималар асос бўлиб хизмат қилади?
10. Сиз Ислом Каримов иқтисодий таълимотларни ижодийлиги ва ҳаётийлигини қандай тушунаси?
11. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида баён этилган олти устувор йўналишларнинг ҳаётий йўналишларини қандай тушунаси?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Бозор иқтисодиёти– товар ишлаб чиқариш ва товар-пул муносабатларининг ҳуқумронлигига, уларнинг ўзига хос қонунларига асосланган алоҳида янги иқтисодий тизим, у ўзини ўзи таъминлаш, молиялаштириш, иқтисодиёт субъектларининг эркинлиги, ўз мулкига эгаллигига асосланган ижтимоий ҳимояланган бошқариладиган иқтисодиётдир. Бу иқтисодиётда иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги муносабатлар эркин ва ихтиёрий алоқаларга асосланади, иқтисодий фаолият натижалари-маҳсулотлар ва хизматлар фақат уларнинг эгаларигагина тегишли бўлади ва уларнинг ўзи тасарруф этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш зараурлиги- фақат бозор иқтисодиёти йўли орқалигина барқарор тараққиётга, ўсиш суръатларига, ижтимоий-иқтисодий фаровонликка, демократик фуқаролик жамиятига, жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувга, умумжаҳон меҳнат тақсимооти афзалликларидан фойдаланиб юқори самарали миллий иқтисодиёт куриши мумкин. Буни бозор муносабатлари йўлидан бораётган мамлакатлар тажрибаси исботлаб турибди. Шунинг учун «бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият куришдан бошқа йўлимиз йўқ» (И.А.Каримов).

Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари (моделлари)- ўтиш йўллари хилма-хилдир. Жаҳонга «америка», «француз», «немис», «япон», «хитой», «сингапур», «жанубий корея», «швед» каби моделлар аллақачон таниш. Бироқ ҳар бир мамлакат бу иқтисодий тизимга ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бориши объектив ҳақиқат бўлганлиги учун Ўзбекистон ҳам бундай иқтисодиётни куришга ўзига хос ва мос йўлдан боради. Аммо, «**барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмайди**» (И.А.Каримов).

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили- И.Каримов томонидан илгари сурилган қоидалар. Улар иқтисодиётнинг мафкурадан ҳоли бўлишида ва унинг устувор эканлигида, давлатнинг бош ислохотчи бўлишида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда, қонунларнинг устуворлигида ва аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш механизмида ўз ифодасини топади. Бу тамойиллар халқаро ҳамжамят томонидан эътироф этилди ва улар халқаро мақом тусини олди, бу эса уларнинг чуқур илмийликка эга эканини билдиради.

Иқтисодиёт таркибини ўзгариши- иқтисодий ислохотларнинг бош стратегик мақсади. Иқтисодиёт таркибини ўзгартириш дегани миллий иқтисодиёт таркибида бевосита истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиёт куриш демакдир. Фақат

шундай таркибдаги иқтисодиётгина самарали ижтимоий сиёсат юргазишга, бозор муносабатларига дидил, босқичма-босқич ўтиб боришга, ижтимоий йўналтирилган, тартибга солиниб боровчи иқтисодиётни барпо этиш мумкин.

Иқтисодий ўсиш суръатлари- иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиёт ривожланишининг самарадорлигини ифода этувчи иқтисодий кўрсаткичдир. Фақат бозор иқтисодиётгина барқарор ва самарали ўсиш суръатларини таъминлайолади. Бироқ, ўсиш суръатларини йилдан йилган ўсиб бораверадиган унсур сифатида қараш ҳам тўғри эмас. Агар иқтисодий ўсиш юқори таркибий ўзгаришларга янги тармоқлар ва маҳсулотлар яратишга, инвестиция киритишга, аҳоли турмуш даражасининг ортишига олиб келса, ижобий ҳам деб баҳоланмоғи даркор. Иқтисодий ўсиш масаласида «сифат кўрсаткичларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади» (И.А.Каримов).

Бозор иқтисодиёти асосларининг яратилганлиги- И.А.Каримов 1999 йилнинг 16 февralида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида республикамизда «**бозор иқтисодиётининг асослари яратилди**» деган хулосани берди. Бундай хулосага келишнинг маълум асослари бор, албатта. Булар нодавлат секторнинг салмоғи устувор бўлиб қолганида, қишлоқ хўжалигидек асосий тармоқда у мутлоқ устуворлик касб этганида, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар сезиларли бўлганлигида, хўжалик субъектлари ўртасидаги тўловлар жиддий яхшиланиб бораётганида, экспорт ҳажмининг муттасил ортиб бораётганида, инвестиция дастурлари бажарилаётганида иқтисодий инфратузилма бўғинлари ривож топаётганида, янги хўжалик шакллари кенг йўл топаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Иқтисодиётнинг эркинлашиши- мулкчилик тизимида давлат мулкнинг салмоғи камайиб бориши, нодавлат салмоғини сезиларли ортиб бориши, хориж секторининг мамлакат иқтисодиётида ўз ўрнини топиб бориши, мулкдорлар синфининг шаклланиб бориши, хусусийлашган корхоналар акцияларида хориж сармоядорлари улушининг кўпайиб бориши, тадбиркорлик халқ хўжалигининг барча тармоқларида ривож топиб бориши, миллий корхоналаримизнинг экспорт салоҳиятининг ортиб умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашиб, байналминаллик касб этиб боришидир.

АДАБИЁТЛАР

1. «Қуръони Карим» Т., 1992
2. «Хадислар» 2-жилд, Т., 1997
3. «Мухтасар» -Т.,1995
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» Т., 1993
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» Т., 1995
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т., 1997
7. Каримов И.А. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т., 1998
8. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» Т., 1994
9. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Т., 1998
10. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., 1999
11. Каримов И.А. «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал – «Авесто»» китобининг 2700 йиллиги тантанасида сўзланган нутқ-Т. «Ўзбекистон овози», 2001. 6 ноябрь
12. «Авесто»- Т., «Шарқ» матбаа нашриёт компанияси 2001.
13. А.Г.Худакормова «История экономических учений» част-2, Учебник, под.ред. М.МГУ 1994
14. Абу Ал Ибн Сино «Тиббиёт достони» Т., 1990
15. Авлоний А. Танланган асарлар- Т., 1998
16. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1997 й.
17. Алишер Навоий «Махбуб ул қулуб» Т., 1993
18. Амир Темур «Темур тузуклари» Т., 1992
19. Амир Темур ва Шарк иқтисодий мероси. (Амир Темур тавалудининг 660 йиллигига бағишланган илмий назарий анжуман материаллари. Масъул муҳаррирлар: проф. А.Сотолдиев ва проф. қ.Йулдошев)
20. Ашуров А. «Авесто»дан қолган мерослар- Т., 2000 й.
21. Ашуров А. Дунё динлари тарихи- Т., 2001 й.
22. Бехбудий М. Танланган асарлар- Т., 1998
23. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Академиклар С.Ғуломов ва М.Шарифхўжаевларнинг умумий таҳрири остида. Дарслик, Т., «Ўқитувчи» 2000
24. Бозор иқтисодиёти назарияси Т., 1993
25. В.А. Жамин «История экономияеских учений» част-1 Учебник, М.МГУ 1989
26. «Всемерная история экономической мўсли» М., 1987
27. Жабборов И. «Зардуштнинг илк юрти» «Халқ сўзи» газетаси 1994 й., 29 июнь.

28. Жаҳон иқтисодиёти. Маърузалар матни., 1994
29. З.М.Бобур «Бобурнома» Т., 1989
30. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» Т., «Фан». 1997
31. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» ТДИУ Т., 1992
32. Иброҳимов Н. «Ибн Битута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати» Т., 1993
33. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти Т., 1996
34. Искандаров И.«Бозор иқтисодиёти босқичлари» «Халқ сузи» газетаси 1994 й,17 март.
35. Йўлдашев Қ.«А.Навоийнинг иқтисодий ғоялари», -«Иқтисод ва ҳисобот», 1996,2-сони
36. Йўлдашев Қ. «Абу Наср Фаробийнинг иқтисодий қарашлари»- «Андижоннома» 1998, 20 ноябрь
37. Йўлдашев Қ. «Ибн Синонинг иқтисодий қарашлари» «Андижоннома» 1998, 3 ноябрь
38. Йўлдашев Қ. «Юсуф Хос Хожибнинг иқтисодий қарашлари»- «Андижоннома» 1998, 31 декабр.
39. Йўлдашев Қ. Бозор иқтисодиёти: моҳияти тузилиши ва вазифалари А., 1993
40. Йўлдашев Қ. Муфтайдинов Қ. «Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари»- «Андижоннома» 1999, 28 май
41. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов Қ. « «Иқтисодий таълимотлар тарихи»дан» Т., 2000
42. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов Қ. «Шарқ иқтисодий таълимотлар тарихи» Т., 2002
43. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов Қ. «Иқтисод илми асослари» А.,1996
44. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов Қ. «Иқтисодий билим асослари» 2-нашри. Т., 1999
45. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов Қ. «Иқтисодий билим асослари» А.,1996
46. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов Қ. «Мирзо Бобур иқтисодий қарашлари» - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, 5-сони.
47. Йўлдошев Қ. ва бошқалар Иқтисодиёт асослари – Т., 2002
48. Каримов Р.К., Каримова Т.А. «Миллий модел муаммолари» Т., 1993
49. Кейнс Дж.М. «Общая теория занятости процента и денег» М., 1987
50. Кодиров А. «Иқтисодий назария» Т, 2001
51. Курс экономической теории. Учеб.пос. 1993
52. Макконел К.Р. Брю С.Л. Экономикс М., «Республика» 1992
53. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар-Т., 2000 й.
54. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати Т., 1994
55. Низом ул-Мулк. Сиёсатнома. Т., 1997
56. Раззаков А. «Зардуштнинг ўнг ва чап қўли». «Ишонч» 1998, 21 апрел.
57. Раззаков А. «Улуғбек ва ислохотлар», «Ишонч», 1999 й. 19 май.
58. Раззаков А. Бозор иқтисодиёти бешиги-«Иқтисод ва ҳисобот» 1994, 7-8 сони.

59. Раззаков А. Бой меросимизни ўрганайлик-«Иқтисод ва ҳисобот» 1993, 3-сони.
60. Раззаков А. Мозийга қараб иш тутиш-«Хаёт ва иқтисод» 1992, 3-сони.
61. Собиров Х. Фитратнинг иқтисодий қарашлари. «Ўзбекистон овози» 1997, 23 октябрь
62. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб – Т., 1997 й.
63. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти Т., 1998
64. Фаробий «Фозил кишилар шаҳри» Т., 1990
65. Фитрат А. Хинд сайёҳатининг саёҳати- Т., «Шарқ юлдузи» журнари, 1992, №8
66. Хейлбронер Р. Экономика для всех. Новосибирск. «Экор» 1994
67. Хомидий Х. «Авесто» файзлари-Т., 2001 й.
68. ХомидийХ. Кўхна Шарқ дарғалари- Т., 1999 й.
69. Чўлпон А. Асарлар, 2 жилд. Т., 1993 й.
70. Ўзбек педагогикаси антологияси, 1-жилд, -Т., «Ўқитувчи» 1995
71. Ўзбекистон Республикаси. Миллий Энқиклопедияси Т., 1998
72. Ўлмасов А. Шарофхўжаев М. «Иқтисодиёт назарияси», Т., 1995.
73. Экономическая теория Под.ред. С.Гулямова Т., «Шарқ» 1999
74. Юсуф Хос Хожиб «Қутадғу билиг» Т., 1990

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш.....	3
1-БОБ. «АВЕСТО» НИНГ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ.....	6
1. Ўзбекистон- илк иқтисодий таълимотлар ватани.....	6
2. Эзгулик ва иқтисодиёт бирлиги ғояси.....	8
3. «Авесто» даги мулкый муносабатлар ғояси.....	13
4. Кредит муносабатлари ғояси.....	15
5. Яратувчилик (ишлаб чиқариш)-энг эзгу амал	20
6. Меҳнат ва меҳнат тақсимоти ғояси.....	23
7. Табиат-эҳтиёжларни қондиришнинг бош манбаи ҳақидаги ғоя.....	29
ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:	33
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:	34
2-БОБ: ҚАДИМГИ ДУНЁ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ.....	34
1. Қадимги Мисрдаги биринчи иқтисодий ғоялар	34
2. Қадимги Ҳиндистон иқтисодий таълимотлари	36
3. Қадимги Хитой иқтисодий таълимотлари.....	38
3-БОБ: ИСЛОМ ДИНИ ИҚТИСОДИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ.....	43
1. «Қуръони Карим» иқтисодий қадриятлари	44
2. «Ҳадислар»даги иқтисодий қадриятлар	63
3. «Мухтасар» асарининг иқтисодий ғоялари	71
ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:	74
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:	74
4-БОБ: УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎРТА ОСИЁНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ	77
1. Абу Наср Форобийнинг иқтисодий ғоялари.....	77
2. Абу али ибн Синонинг иқтисодий ғоялари	81
3. Абу Райхон Берунийнинг иқтисодий ихтироси	82
4. Юсуф Хос Ҳожибнинг иқтисодий ғоялари	83
5. Низомулмулкнинг иқтисодий қарашлари.....	89
ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАРИ:	96
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:	97
5-БОБ: АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ	100
1. Амир Темурнинг иқтисодий тафаккури	100
2. Мирзо Улуғбекнинг иқтисодий ислохотлари.....	104
3. Алишер Навоийнинг иқтисодий даҳоси	106
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг иқтисодий ғоялари	112
5. Ибн Халдуннинг иқтисодий қарашлари	116
ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАРИ:	124
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:	124
6-БОБ. XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИ (ЖАДИДЛАР ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ).....	127
1.Жадидлар иқтисодий қарашларининг тарихий, ижтимоий-иқтисодий асослари.....	127
2. Жадидчилик маърифатида миллий иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш масалалари.....	140
3. Жадидлар қарашларида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни	150
4. Жадидларнинг аграр соҳа самарадорлигини ошириш ҳақидаги ғоялари.....	162
5. Савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги жадидларнинг қарашлари ва ёндошувлари	177
6.Жадидлар тадбиркорлик ўзбек халқи менталитети хусусияти эканлиги ҳақида.....	189
7.Жадидларнинг миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни, илғор техника ва технологияларни жалб этиш ғоялари.....	202
8.Жадидлар томонидан банклар фаолиятини ривожлантириш заруриятининг асосланиши.....	212
ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:	227

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:	228
7-БОБ. XXI АСР БЎСАҒАСИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ (ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ)	230
1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг танлаши	230
2 Бозор иқтисодиётининг умумий тамойиллари	232
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллариининг хилма-хиллиги ва Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли таълимоти.....	235
4. Ислон Каримов ишлаб чиққан беш тамойил-бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон концепциясининг асоси	238
5. Иқтисодий концепциянинг янги жиҳатлари.....	246
ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР:	253
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:	254
А Д А Б И Ё Т Л А Р	256